

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Дилнавоз ЮСУПОВА**

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ АРУЗГА ДОИР  
РИСОЛАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Монография**

Тошкент – 2019 йил

**Масъул мухаррир:**

*Гулхумор Тўйчиева*

филология фанлари доктори

**Тақризчилар:**

*Нурбой Жабборов*

филология фанлари доктори, профессор

*Афтондил Эркинов*

филология фанлари доктори

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 2019 йил 1 июлдаги 11-сонли мажлиси баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Монографияда темурийлар давридаги арузга доир рисолалар қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқот учун туркий ва форс тилидаги манбалар: Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз”, Сайфи Бухорийнинг “Арузи Сайфий”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи” асарлари асос қилиб олинган. Қиёсий таҳлил арузий бирликлар: *жузв, аслий рукн, зихоф, баҳр* ва *доиралар* мисолида амалга оширилган.

Монография қиёсий адабиётшунослик, мумтоз поэтика, арузшунослик ва умуман темурийлар даври адабиётшунослиги билан қизиқувчи олимлар, тадқиқотчилар ва филолог мутахассислар учун мўлжалланган.

---

Монография посвящена сравнительному анализу трактатов об арузе в период Темуридов. К исследованию привлечены научные трактаты на персидском и тюркском языках, в том числе такие значительные, как «Фунун ал-балага» Шейха Ахмада Тарази, «Мезон ал-авзон» Алишера Навои, «Рисалаи Аруз» ‘Абдаррахмана Джами, «Бадаи‘ ас-санай‘» Атааллаха Хусайни, «‘Аруз-и Сайфи» Сайфи Бухари, и «‘Аруз» Захириддина Мухаммеда Бабура.

Сравнительный анализ был осуществлен на примере ритмических единиц, таких как: *джуз‘, аслий рукн* (основная стопа), *зихаф* (изменения), *баҳр* (поэтический метр) и *доира* (концентрические круги).

Монография предназначена для ученых, исследователей и филологов-специалистов интересующихся проблемами сравнительного литературоведения, классической поэтики, исследование аруза и вопросами литературоведения эпохи Темуридов.

---

The monograph is devoted to a comparative analysis of treatises on Aruz during the Temurids. The research involved scientific treatises in the Persian and Turkic languages, including such significant ones as “Funun al-balaga” Sheikh Ahmad Tarazi, “Mezon ul-avzon” by Alisher Navoi, “Risala-i Aruz” by Abdarrahman Jami, “Bada‘i as-sana‘i”, Ataallah Husayini, “Aruz-i Saifi” by Saifi Bukhari, and “Aruz” by Zakhiriddin Muhamed Babur.

A comparative analysis was carried out on the example of rhythmic units, such as: *juzv, asli rukn* (fundamental foot), *zihaf* (changes), *bakhr* (poetic meter) and *doira* (concentric circles).

The monograph is intended for scientists, researchers and specialist philologists interested in the problems of comparative literature, classical poetics, study of aruz (prosody) and literary studies of the Temurids.

## КИРИШ

Сўнгги йилларда адабиётнинг поэтик унсурларини тарихийлик, қиёсийлик, ўзаро таъсир ва акс таъсир, объективлик, синкетизм тамойиллари асосида ўрганиш ривожланаётган бўлиб, шеършунослик тарихини узвийлика тараққий этган жараён сифатида баҳолаш; шеър, шеърий нутқ, шеърий категория ва унсурларнинг ўзига хослигини белгилаш долзарб масалалар қаторидан ўрин олмоқда. Шу маънода шеършуносликнинг таркибий қисми бўлган арузшуносликнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаш, аruz тизимининг квантитатив ва квалитатив хусусиятларини асослаш, арузнинг ритмик унсурларини ўзаро қиёсий жиҳатдан ўрганиш каби масалалар жаҳон, хусусан, ўзбек аруз илмининг ўрганилиши зарур бўлган мавзуларига айланмоқда.

Ўзбекистонда мамлакат стратегик ривожининг бош омиллари белгиланар экан, “Мана шу стратегияга мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари равнақини янги босқичга кўтаришни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. ... Аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиқсан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиши, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутилган”<sup>1</sup>. Шунга кўра, темурийлар даври арузшунослигига доир рисолаларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш ўзбек шеършунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойdevоридир” нутқи // <http://aza.uz/oz/politics/adabiyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlanirish-khal-imiz-mana-03-08-2017>

Жаҳон миқёсида шеършунослик ва шеър тузилишларини ўрганиш тарихан энг қадимги даврдаёқ бошланганлигига қарамай, у ўз методикаси ва мавзу қирраларининг белгиланишга кўра янги йўналишлардан саналади. Шеъриятнинг мавжудлиги тамаддун ривожига алоқадор унсур эканлиги, шубҳасиз. Бироқ Шарқ халқлари миллий адабиётлари вазнлари, хусусан, ўзбек арузи ва аruzshunoслигига доир барча масалалар ечиб берилган деб айта олмаймиз. Айниқса, миллий ўзликни англаш жараёнида бизнинг ҳудудимизда ривожланган тамаддун ўчоқларида, хусусан темурийлар даврида аruz илмининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш давр талабидир.

Мамлакатимизда аruz илмлари илмий-назарий таълимот сифатида темурийлар даврида ўзининг юксак чўққисига кўтарилиди. Шайх Аҳмад Тарозий, Атоуллоҳ Ҳусайнӣ, Абдураҳмон Жомий, Сайфи Бухорий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ижодкорларнинг асарлари аruzнинг назарий асослари чукур ва батафсил тарзда баён қилинганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Темурийлар даврида яратилган аruzга доир рисолаларда муайян тарзда тадрижийлик кўзга ташланади. Агар туркий шеършуносликка доир илк манба “Фунун ул-балоға”да аruz масаласи илмҳои сегона, яъни илмлар учлигининг таркибий қисми сифатида ўрганилган бўлса, “Бадойиъ ус-санойиъ” рисоласида аruz илмига доир назарий қарашлар асар муқаддимасида келтирилган. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” ва Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарларидан бошлаб аruz назарияси маҳсус рисола тарзида битила бошланган ва маромига етказилган. Сайфи Бухорийнинг “Арузи Сайфи” асари эса кўпроқ илмий-назарий қўлланма сифатида вужудга келган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи”да аruz назарияси ва амалиёти ўзаро муқоясада ўрганилган ва яхлит ҳолга келтирилган. Мазкур асарлар ҳақида ўзбек адабиётшунослигига сўнгги йилларда баъзи мақола ва тадқиқотлар яратилган бўлса-да, уларнинг ўзаро қиёсий таҳлили фундаментал тарзда ва аruzнинг ритмик унсурлари сатҳида маҳсус ўрганилмаган эди.

Бинобарин, темурийлар даври аруз рисолаларини ўзаро қиёсий тарзда ўрганиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Аруз тизимининг тарихи, унинг ривожланиш тамойиллари, арузшунослик тараққиёти муаммолари ҳар бир тарихий даврда тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Айниқса, аруз назариясида қандай қилиб араб арузи миллий мумтоз шеъриятларининг бош шеърий тизимиға айланган деган савол ҳануз пиравард тарзда олимларни бир ечимга олиб келган эмас. Бу эса аруз ва арузшуносликни тарихий-қиёсий тарзда ўрганишни тақозо этади.

Ўрта асрлар, хусусан XII-XV асрларда яратилган араб, форс, тожик ва ўзбек шеършунослигига доир асарларни, жумладан ўрта асрлар қўлётзмалари ва рисолаларини тадқиқ этиш, қадимги давр ва ўрта асрлар шеър тизимларини ўрганиш, олимлар илмий мероси, ёндашув ва қарашларини белгилаш, мумтоз адабиётнинг образлар тизими, бадиий воситалари ва шеър тизимлари тараққиётини белгилаш бўйича жаҳон ва қардош халқлар адабиётшунослигига муайян илмий изланишлар олиб борилган.

Бир томондан, Х.Блохман (Германия), Д.Де Уис (АҚШ), М.Симидчева (Канада), И.Ю.Крачковский, А.Б.Куделин, Д.В.Фролов, И.В.Стеблева, Н.Ю.Чалисова (Россия), Р.Мусулмонкулов, У.Тоиров (Тожикистон), Ш.С.Калиева (Қозоғистон), Г.У.Тўйчиева (Ўзбекистон) каби олимлар ўз тадқиқотларида ўрта асрларда кенг ривож топган адаб илмлари, хусусан илми аруз, илми қофия, илми бадиъ, илми балоғага бағишлиланган рисолалар ва араб, форс, туркий арузларнинг метрик хусусиятлари, темурийлар даври поэтикаси каби муаммоларни кун тартибиға қўйиб, уларга доир ўз қарашларини билдириб ўтганлар<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Blochmann Henry Ferdinand. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Reprint 1970 of the edition Calcutta 1872 printed in the Netherlands (Amsterdam philo press); Devin DeWEESE, "The Predecessors of Nava'i in the "Funun al-balagah" of shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century" – "Journal of Turkish studies", edited by Sinasi Tekin, 2005, volume 29; Marta Simidchieva. Imitation and Innovatsion in Timueid Poetics: Kashifi's Badayi al-afkar and Predecessors, al-Mu'jam and Hada'iq al-sihr / Iranian Studies, volume 36, number 4, December 2003; Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке // Изб. Соч., - М.-Л.: Академия наук, т. II . – 1956. - С. 363. (- 712 с.); Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI век). - М.: Наука, 1983. -258 б.; Куделин А.Б. Концепция канона в средневековой арабской поэтике. Дисс. ... докт.филол.наук. - М., 1984. - 386 с.; Фролов Д.В. Арабская филология. Грамматика, стихосложение, корановедение. –М.: Языки славянской культуры. - 2006. - 440 с.; Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. –М.: Наука. 1991. – 359 с.;

Иккинчи томондан, дунё миқёсида Л.Р.Элвелл-Саттон (Буюк Британия), Б.Я.Шидфар, И.М.Фильшинский, М-Н.Османов (Россия), А.Жаъфар (Озарбайжон), Б.Сирус, С.Сайдали, А.Саттарзода, С.Солихов (Тожикистон), Х.Курбатов, Х.Усмонов, М.Бакиров (Татаристон), З.А.Ахметов, А.Тилавалди (Қозогистон), К.Рисалиев (Қирғизистон), А.Бекмурадов (Туркманистон) каби олимлар араб, форс, тожик, озарбайжон, татар, қозоқ, қирғиз, қадимги туркий, туркман шеър тузилишларининг тарихи ва замонавий ривожланиш тенденциялари, жумладан мумтоз адабиётнинг образлар тизими, бадиий воситалари ва метрик схемалари, аruz вазнларининг ички қурилиши ва ритмик бўлаклари каби масалаларни кун тартибига қўйганлар ва ўрганганлар<sup>3</sup>.

Шу жумладан, ўзбек арузшунослиги ҳам аruz тизимини ўрганишда ўзининг катта тарихий ва замонавий илмий анъаналарига эга бўлиб, араб, форс, тожик ва ўзбек арузлари Фитрат, А.Саъдий, С.Мирзаев, Ш.Шомуҳамедов, И.Султон, У.Тўйчиев, А.Рустамов, А.Хожиахмедов,

---

Захир ад-Дин Мухаммад Бабур. Трактат об арузе. Факсимile рукописи. Изд.текста, вступит. статья и указатели И.В.Стеблевой. – М., 1972; Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне-классический период. – М.: Наука. 1976. -213 с.; Чалисова Н.Ю. Ватват и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии». // Ватват. Сады волшебства. - Москва: Наука. 1985. – 327 с.; Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики. //Шамс Кайс Рази. Свод правил персидской поэзии. – М.: Восточная литература. – 465 с.; Мусульманкулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика. (VII-XV вв.). - М.: Наука, ГРВЛ, 1989. - 240 с.; Тоиров У. Фарханги истилоҳоти арузи ажам. - Душанбе: Маориф, 1991. - 560 с.; Тоиров У., С. Сайдали. Комуси кофия ва арузи шеъри ажам. - Душанбе: Ирфон. 1994. -512 с.; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Авт. дисс. .... доктора филол. н. - Душанбе. 1997; Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии, Авт. дисс. .... канд.филол.н. - Т.: ТашГИВ, 2002. - 24 с. ; Туйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амир Хосрова Дехлеви. Монография. -Ташкент: ТашГИВ. - 2005. - 204 с.; Туйчиева Г.У. Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол.ф.докт. (DSc) дисс. автор. –Т.: 2019. – 74 б.

<sup>3</sup> Elwell-Sutton L.R. Persian Metrics. – Cambridge: 1976; Joan Mathilde Maling. The theory Arab classic metrics. Submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of doctor of philisofy at the Massachusetts institute of technology. -USA, 1973. - 152 р.; Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). - М.: Наука. 1974. – 256 с.; Фильшинский И.М. Арабская литература в средние века. -Москва: Гл.ред.вост.лит., 1977. -290 с.; Османов М-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX X вв. - М.: Наука, 1974. -267 с.; Сирус Б. Арузи точки. – Душанбе: Нашриёти давлатии Точкистон, 1963. – 288 с.; Саттарзода А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль. (IX-XV вв.). - Душанбе: Адиб, 2002. - 260 б.; Солихов С. Аруз ва омузиши он. –Душанбе, 2005. - 110 с.; Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество таджикских-персидских поэтов IX-XII веков. Дисс. .... докт. филол. наук. -Душанбе, 2006. - 344 б.; Мардони Т.Н. Арабско-таджикские литературные связи. - Душанбе: Ирфон, 2006. - 398 с.; Курбатов Х.Р. Метрика «аруз» в татарском стихосложении. // «Советская тюркология». № 6, 1973. -С. 83-90; Усманов Х.У. Древние истоки тюркского стиха. - Казань, 1984. – 148 с.; Усманов Х.У. Тюркский стих в средние века. – Казань: КГУ, 1987. – 144 с.; Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. Авт. дисс. .... канд филол.н. - Казань, 1972. -75 с.; Бакиров М.Х. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии. Авт. дисс. на ... докт. филол наук. –Казань, 1999. -96 с.; Ахметов З.А. Казахское стихосложение. –Алма-Ата. 1964. -322 с.; Тилавалди А. Древнетюркский книжный стих. - Алматы. 2002; Рысалиев К. Киргизское стихосложение. - Фрунзе, 1965; Бекмурадов А. Основные тенденции развития стихосложения в туркменской советской поэзии. Авт.дис. .... канд.филол.н. – Ашхабад. 1980.

С.Хасанов, А.Хайитметов, Э.Талабов, Ҳ.Болтабоев, М.Зиёвуддинова, Г.Тўйчиева каби олимлар томонидан таҳлил қилингандан<sup>4</sup>.

Бироқ аруз тизимини ўрганиш ва аруз назариясидан иборат арузшунослик илмининг тарихий тадрижини белгилашда мазкур жараённи узвийликда кечган яхлит тарих сифатида баҳолаш ҳамда унинг алоҳида бўғинлари бўлган турли тарихий даврларнинг ўзига хос бетакрор назарий ва амалий ҳусусиятларини белгилаш, шу тариқа арузшунослик тараққиётининг ўзаро бири-бирини тўлдирган даврлар силсиласидан иборат яхлит илмий моделини яратиш ҳануз амалга оширилган эмас. Айнан мана шу адабий жараён тарихийлиги контекстида темурийлар даврида арузшунослик тараққиёти муаммоси ўзининг яхлит холда фундаментал ўрганилмаганлиги ва темурийлар маданияти сатҳида арузшунослик тараққиёти масалалари унинг мустақил илмий обьект сифатида тадқиқ қилинишини тақозо этади. Шунга кўра, тадқиқотда темурийлар даврида яратилган Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз”, Сайфи Бухорийнинг “Арузи Сайфий”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Рисолаи аруз” асарларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш асос қилиб олинган.

---

<sup>4</sup> Абдураҳмон Саъдий. Амалий ва назарий адабиёт дарслари. - Т., 1925; Мирзаев С. Навоий арузи. Номзодлик диссертацияси. -Т.: 1946; Шомуҳамедов Ш.М. Форс – тожик арузи. – Т.: ТошДУ, 1970. – 112 б.; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз тизими. -Т.: Фан, 1985. - 207 б.; Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. -Т.: Фан, 1973. - 42 б.; Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. -Т.: Фан, 1981. - 47 б.; Рустамов А. Аруз ҳақида сұхбатлар. -Т.: Фан, 1972. - 56 б.; Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ-с-санойиъ. (А.Рустамов таржимаси). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 398 б.; Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. - Т.: 1981. – 96 б.; Бобир Заҳириддин. Мұхтасар. (Нашрға тайёрловчи С.Ҳасанов) – Т.: Фан, 1971; - 412 б. Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аруз вазнини ўрганиш. -Т.: 1978. -191 б.; Ҳожиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. -Т., 1982; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. -Т.: Шарқ, 1998. – 224 б.; Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нағосати. - Т.:Фан, 2006. -286 б.; Тарозий Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ал-балоға. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002, 1-6 сон; 2003, 1-3 сонлар. Нашрға тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи А.Ҳайитметов; Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Ҳазина, 1996. – 212 б.; Болтабоев Ҳ., Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Икки жилдда. –Тошкент: “MUMTOZ SO’Z”. 2013-2016. – 456 б.; - 428 б. ; Болтабоев Ҳ. Адабиётшунослик тарихи. –Тошкент: “MUMTOZ SO’Z”. – 470 б.; Шарқ мумтоз поэтикаси. Манба ва талқинлар. Нашрға тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи ф.ф.д., проф. Ҳ.Болтабоев. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. - 430 б; Талабов Э. Араб арузи. –Т.: ТошДУ, 1977; Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими. Филол.ф.докт. .... дисс.авт. –Т.: 2004. - 46 б.; Эминжон Талаб Олмосли. –Т.: “MUMTOZ SO’Z”, 2017.-162 б.; Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул-улум” Абу Абдаллаҳ ал-Хорезми. Авт. дисс. ... канд. филол. наук. -Т.: 1990. -20 с.; Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика (Аруз, қоғия ва бадиият илми истилоҳлари тарихига оид). - Т.: ТошДШИ, 2001;

## **I боб. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АРУЗШУНОСЛИГИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Арузшунослик ва аruz тизимиға доир ёндашувлар**

Бадиий адабиёт, хусусан шеъриятнинг шакл ва мазмун билан боғлиқ унсурлари, уларнинг ўзаро муносабати ва бадиийликни яратишдаги аҳамияти, шеъриятда вазн, қофия, мисрадорлик, товуш такори, банддорлик, тил, нутқ, интонация, шеър композицияси, шеърий жанрлар билан боғлиқ масалалар қадимдан мумтоз ижодкорларни қизиқтириб келган илмий масалалардан саналган<sup>5</sup>. Энг қадимги даврлардан бошлаб, то бугунги кунгача шеъриятда шаклий унсурлар, жумладан, вазн ва уларнинг шеър воқелигини вужудга келтиришдаги аҳамияти олимлар томонидан таъкидлаб келинади<sup>6</sup>.

Бинобарин, шеърий шакл билан боғлиқ муаммолар адабиётшунослик ва шеършуносликнинг тадқиқ обьекти бўлиб, улар ичида аruzий шеър унсурларининг ўзига хос хусусиятлари, арузшуносликнинг ривожланиш босқичлари ва унинг тараққиётида юртимиз, хусусан темурийлар давридаги арузшуносликнинг муносиб ўрнини белгилаб бериш аҳамиятлидир.

Маълумки, арузнинг назарий шаклланиши ўрта асрларда араб адабиёти замирида бунёд бўлган. Ўрта асрлар алломалари ва кўпчилик олимларнинг таъкидига кўра, араб шеърияти даставвал кўчманчи, тую боқиши билан

---

<sup>5</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2018. – 350 б.; Абу Наср Форобий. Шеър санъати. – Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. - 66 б.; Абу Али Ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Лирика, фалсафий қараашлар, шеър санъати. – Т.: 1980. – 89 б.; Ибн Сина. Фанни шеър // Наука Поэтики. – Душанбе, 1985. – 74 с.; Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан колган ёдгорликлар. – Т., 1968; Тўйчиева Г. У. “Поэтика” Аристотеля и взгляды Абу Райхана Бируни на литературу // Филологические науки в России и за рубежом. – СПб. : Реноме, 2012. - С. 36-39; Тўйчиева Г. Ислом даври шеъриятида аruz тизими ва унинг эволюцион тараккёти. Филол.фан.бўйича доктор. (Dsc) дисс... – Т., 2018. – 260 б.; Сагтарзода А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль. (IX-XV вв). - Душанбе: Адиб, 2002. - 260 с.

<sup>6</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аruz системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б. З; Тўйчиев У. Лирик тур белгилари. Масаланинг ўрганилиш тарихига оид // Адабий турлар ва жанрлар. Иккинчи том. – Т.: Фан, 1992. – Б. 4-15; Бакиров М.Х. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии. Автореферат дисс. на соискание ученой степени докт.филол.наук. – Казань, 1999. – 96 с.

шуғулланувчи араб қабилалари – *бадавийларда* вужудга келган. Араб тячилари түя юришини тезлатиш учун махсус қўшиқлар куйлаганлар ва бу қўшиқлар араб халқлари орасида кенг тарқалган. VIII асрга келиб, араб олимлари орасида араб шеърияти ва халқ оғзаки ижоди орасидаги муносабатни ўрганиш, уларнинг муайян қонуниятлари ва назарий асосларини ишлаб чиқишига эҳтиёж туғилди. Бу вазифа ҳақли равишида “араб филологиясининг отаси” деб эътироф этилувчи олим Халил ибн Аҳмад (715/719–786/ 791) томонидан амалга оширилди<sup>7</sup>. Арузга доир тадқиқотларда унинг араб грамматикаси, араб шеърияти назариясига доир кўплаб асарлар яратгани эътироф этилади<sup>8</sup>. Халил ибн Аҳмад филологик илмлар билан биргаликда, тафсир, ҳадис, калом илмларини ҳам мукаммал ўрганганлиги, бу борада ўз даврининг машҳур олими Абу Амро ибн ал-Алоъ (771/776 в.э.) га шогирд тушганлиги ҳақида маълумотлар бор<sup>9</sup>. Шунингдек, у мусиқа ва математика илмлари билан ҳам шуғулланганки, буларнинг барчаси кейинчалик унинг ўз даври учун янги бўлган шеърий тизим – аruz илмининг асосчиси бўлишига замин ҳозирлаган.

Манбаларда Халил ибн Аҳмаднинг “Аruz рисоласи” муаллифи эканлиги айтилади, лекин бу асар бизгача етиб келмаган. Биз унинг қарашлари билан Халил ибн Аҳмаддан сўнг яратилган рисолалар орқали танишамиз, зеро ушбу муаллифлар ўзларини Халил ибн Аҳмаднинг ворислари ва шогирдлари деб хисоблаганлар.

Халил ибн Аҳмаддан сўнг аruz илми унинг шогирди ва издоши Абу Ҳасан Саид ибн Мисъад Ахфаш (826/836 в.э.) томонидан давом эттирилди. Ахфаш ўзининг “Китоб ул-аруз” асарида Халил ибн Аҳмад таълимотидаги ўн беш баҳр ёнига яна бир баҳр (*Мутадорик*)ни қўшиб, баҳрлар сонини 16 тага

<sup>7</sup> Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука. 1991. – С. 186.

<sup>8</sup> Тўйчиева Г. Ислом даври шеъритида аruz тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол.фан.бўйича фан доктори (Dsc) дисс... – Т., 2018. – Б. 74.

<sup>9</sup> Фролов Д.В. Кўрсатилган манба; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Автореферат дисс. на соискание ученой степени докт.филол.наук. – Душанбе, 1997. – С. 15.

етказади. Ушбу баҳрни “Доираи мунфарида” таркибиға киритиб, доира номини “Доираи муттафиқа” деб ўзгартиради.

Ахфашдан сўнг бу таълимот арабнавис олимлардан Ибн Абду Раббиҳнинг “Ал-иқд ул-фарид”, Ибн ас-Саррожнинг “Меъёр фи-авзони-шеър” (“Шеър вазнларининг меъёри”), Соҳиб ибн Аббоднинг “Ал-иқнаъ” ва “Ал-Ваъфа”, Абу Закариё ал-Хатиб Табризийнинг “Ал-кафи фи-л аruz вал-қавофий” (“Аруз ва қофиялардан кифоя этувчи”), Исмоил Жавҳарийнинг “Аруз ал-вурқатий”, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум” (“Илмларнинг калитлари”), Махмуд Замахшарийнинг “Ал-Қистос ал-мустаким фи илм-ил-аруз” (“Аруз илмига доир ҳақиқий мезон”) каби асарларида давом эттирилди.

Ўрта асрлар форс-тожик ва ўзбек мумтоз поэтикаси араб мусулмон маданияти таркибида, унинг бевосита таъсири, араб поэтиканинг мусулмон маданияти доирасидаги етакчи мезони сифатида келиб чиққанлиги ва ривожланганлиги шубҳасиз. Илк форсий ва туркий поэтикага бағишиланган рисолалар ўз тузилиши, қамровга олинган масалалар доираси ва мазмуни, уларни ечиш усуллари, истилоҳлар таркиби каби муҳим масалаларда араб поэтикаларига эргашганлар ҳамда ана шу танилган ва қабул қилинган адабий нормалар асосида рисолалар ёзишга ҳаракат қилганлар.

Форс-тожик арузининг ривожида Абул Алоий Шуштарий, Баҳром Сарахсий, Бузургмехр Қойиний, Шамс Қайс Розий, Насириддин Тусий, Шамс Фахрий, Воҳид Табризий, Тож ал-Ҳалавий, Абдулқаҳҳор Самарқандий, Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайнний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Юсуф Азизий, Сайфи Бухорий, Муҳаммад Ғиёсуддин, Шарафиддин Ромий, Ҳамидиддин Нажотий, Вожидали Мужмалий каби арузшуносларнинг рисолалари ва тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этган бўлса, туркий (ўзбек) арузшуносликнинг шаклланиши ва такомили Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат каби олимларнинг хизмати билан белгиланади. Ушбу олимларнинг арузшунослик ривожидаги ўрни улар қолдирган асарлари орқали намоён бўлади.

Аруз назарияси, яъни арузшунослик фани назарий жиҳатдан адабиёт назарияси таркибида, тарихий жиҳатдан эса адабиёт тарихи фани таркибида ўрганилади. Аруз тизимини назарий англаш жараёни арузшуносликнинг келиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилган. “Арузшунос” тушунчаси аруз илмлари ҳақидаги фан яратилгандан бери, яъни VIII асрдан бери муайян шаклда қўлланилаётган ва мумтоз адабиёт даврининг ўзига хос бетакрор хусусиятига айланганлигига қарамасдан, айнан “арузшунослик” истилохи ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб адабиётшунослигимизда илмий муомалага киритилди<sup>10</sup>, зеро, мумтоз даврда олимлар кўпроқ “аруз илмлари” атамасини қўллаганлар. Аруз тизими қадимги даврдаги синкетик адабиёт маҳсули бўлса, арузшунослик ислом омили билан боғлиқ равища ва унинг таркибида вужудга келган адабий воқеликдир. Ҳ.Кароматовнинг фикрига кўра, “ўзбек адабиётининг тараққиёти ва унга таъсир этган омилларни аниқлаш учун Шарқ адабий жараёнини назарда тутиш лозим. Мазкур жараён эса исломий мавзулар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Қуръон қалимлари ва ва ибораларини чукур тушунишни тақозо этади... Шарқ миллий анъаналарининг ўзига хослиги ислом адабиётининг аввал араб, кейин форс ва ниҳоят турк, жумладан ўзбек тилидаги ривожида намоён бўлади”<sup>11</sup>.

Шунга кўра, Г.У.Тўйчиева “Ислом Уйғониш даврида поэтик илмлар ривожланиб, адаб илми ўрта асрлар ислом феноменининг бетакрор хусусиятига айланди. Европада лотин тилида ёзилган диний матнлар дунёвий адабиёт ўрнида қабул қилинган вақтда араб арузи назарияси ўз даври илмлар классификациясига киритилди. Араб-мусулмон маданияти таркибида шеършунослик илми анъанавий филологик илмлардан бўлган қофия, бадиъ, маоний ва баён билан олдинма-кетин юзага келди. Халил ибн Аҳмад томонидан араб арузи назарияси фундаментал тарзда ишланди ва у ислом ореоли миллий адабиётларида (форс, ўзбек, уйғур, турк, озарбайжон, тожик, афғон) асос сифатида қабул қилинди. Аруз назарияси ислом тафаккурининг

<sup>10</sup> Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. – Т.: Фан, 1973.

<sup>11</sup> Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. – Б. 4-5.

бетакрор унсурига, шеъриятнинг бадиий эталони, унинг поэтик стандартига айланди”, деб ҳисоблайди<sup>12</sup>. Мазкур қараш илмийлик, объективлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан асослидир.

Арузшунослик бугунги кунда шеършуносликнинг алоҳида мустақил соҳаси сифатида шаклланиб, уни назарий англаш жараёни, бир томондан, мумтоз шеърият такомилида арузнинг тутган ўрнини белгилаш билан боғлиқ ҳолда кечаётган бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги замон шеърияти тараққиётида анъанавий арузнинг аҳамияти ва аruz назариясига замонавий шеършунослик қонун-қоидаларининг асосли таъсири натижасида табиий равишда келиб чиқадиган ислоҳотлар жараёни тарзида давом этмоқда. Бугунги кунда арузшунослик таркибида назарий арузшунослик, тарихий арузшунослик, арузшунослик текстологияси, шунингдек арузий жараёнлар таҳлили йўналишлари ўзини ёрқин намоён этмоқда.

Ўтган ва янги асрда адабиёт назарияси ва тарихи таркибида арузшуносликнинг турли муаммолари ва долзарб масалалари Е.Э. Бертельс, И.Ю.Крачковский, А.Кримский, Ф.Е.Корш, Д.Г.Гинзбург, А.Кристенсен, И.М. Фильшинский, Д.В.Фролов, И.С.Брагинский, А.А.Азер, Б.Я.Шидфар, А.Б.Куделин, М-Н.Османов, И.В.Стеблева, Н.Ю.Чалисова, Х.Р.Курбатов, М.Х.Бакиров, З.А.Ахметов, А.Тилавалди, П. Хонларий, С.Айний, А.Жаъфар, Х.Усмонов, М.Х.Бакиров, Б.Сирус, Р.Мусулмонқулов, А.Сатторзода, С.Солиҳов, Т.Мардони, У.Тоиров, С.Сайдали, Н.Абдулқаюм, Ш.Нуъмоний, М. Ҳуқуқий, Ш.Лангрудий, М.Ф. Кўпрулузода, А.Бекмурадов, К.Рисалиев каби олимлар томонидан Россия, Эрон, Татаристон, Кирғизистон, Қозигистон, Тожикистон, Туркия, Озарбайжон, Туркманистон каби давлатлар илмий доираларида ўрганилди ва санаб ўтилган барча олимлар арузшунослик тараққиётига ўз хиссаларини қўшдилар<sup>13</sup>.

<sup>12</sup> Тўйчиева Г. Ислом даври шеъриятида аruz тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол.фан.бўйича фан доктори (DSc) дисс. автор. – Т., 2018. – Б. 5.

<sup>13</sup> Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке // Изб. Соч. – М. – Л.: Академия наук. Т. II . – 1956. – 712 с.; Азер А.А. Персидское стихосложение и рифма. Дисс... на соискание докт. филол наук. – М., 1967. – 110 с.; Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). – М.: Наука, 1974. – 256 с.; Фильшинский И.М. Арабская литература в средние века. – Москва: Гл.ред. вост.лит., 1978. – 254 с.; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI век). – М.: Наука, 1983. – 258 б.;

Шеър ва шеър тизимлари борасидаги замонавий тафаккурга кўра, ҳар бир халқ тилининг просодик имкониятлари ичида бир эмас, балки бир неча шеър тизимлари учун қулай вазиятлар мавжуд бўлади ва улар маълум бир тарихий даврда намоён бўлади<sup>14</sup>.

Араб арузининг бошқа қардош халқлар, жумладан форс-тожик ва ўзбек шоирлари томонидан эгалланиши, араб арузининг ушбу тилларга мослашув жараёнлари, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўзига хос баҳсли, мунозарали, ўз ечимини аниқ топмаган масалалардан саналади ва чуқур ўрганишни тақозо этади. Мазкур масаланинг ечимида аруздаги шеър унсурларини ўрганиш муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки айнан шеър унсурлари шеър яратилишининг кичик ғиштчалари саналиб, уларнинг уюшув тартиби ва ритм яратищдаги имкониятлари шеърни шеър қилувчи унсурлардан ҳисобланади. Абу Наср Форобийнинг таъкидлашига кўра, “араблар ўз шеърларида

---

Куделин А.Б. Концепция канона в средневековой арабской поэтике. Дисс... на соискание докт.филол.наук. – М., 1984. – 386 с.; Фролов Д.В. Арабская филология. Грамматика, стихосложение, корановедение. – М.: Языки славянской культуры. – 2006. – 440 с.; Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруды. – М.: Наука. 1991. – 359 с.; Османов М-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX–Х вв. – М.: Наука, 1974. – 267 с.; Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне-классический период. – М.: Наука. 1976. – 213 с.; Чалисова Н.Ю. Ватват и его трактат “Сады волшебства в тонкостях поэзии” // Ватват. Сады волшебства. – Москва: Наука. 1985. – 327 с.; Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики //Шамс Кайс Рази. Свод правил персидской поэзии. – М.: Восточная литература. – 465 с.; Курбатов Х.Р. Метрика “ауз” в татарском стихосложении // Советская тюркология. – № 6, 1973. – С. 83-90; Усманов Х.У. Древние истоки тюркского стиха. – Казань, 1984. – 148 с.; Усманов Х.У. Тюркский стих в средние века. – Казань: КГУ, 1987. – 144 с.; Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. Авт. дисс. на соискание... канд. филол наук. – Казань, 1972. – 75 с.; Бакиров М.Х. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии. Автореф. дисс. на соискание... докт. филол наук. – Казань, 1999. Авт. дисс. на соискание... докт. филол наук. 96 с.; Сирус Б. Арузи точики. – Душанбе: Нашриёти давлатии Тоҷикистон, 1963. – 288 с.; Мусульманкулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика (Х-ХV вв). – М.: Наука, ГРВЛ, 1989. – 240 с.; Саттарзода А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль.(Х-ХV вв). – Душанбе: Адиб, 2002. – 260 б.; Солихов С. Аруз ва омузиши он. – Душанбе, 2005. – 110 с.; Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество таджикских-персидских поэтов IX-XII веков. Дис... на соискание докт. филол. наук. – Душанбе, 2006. – 344 б.; Мардони Т.Н. Арабско-таджикские литературные связи. – Душанбе: Ирфон, 2006. – 398 с.; Тоиров У. Фарханги истилоҳоти арузи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – 560 с.; Тоиров У., С. Сайдали. Қомуси кофия ва арузи шеъри ажам. – Душанбе: Ирфон. 1994. – 512 с.; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Авт. дисс. на соискание... докт. филол наук. – Душанбе, 1997; Jafar A. Әгүзән пәзәгі әсаслары və azərbaycan әruzı. – Бакы, 1977; Кулиева М. Вопросы теории арабской литературы на основе «Мифтах ал-улум» Ас-Саккаки. Дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1983. – 153 с.; Тилавалди А. Древнетюркский книжный стих. – Алматы. 2002. – 228 с.; Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии. Автореф. дисс. На соискание ... канд.филол. наук. – Т.: ТашГИВ, 2002. – 24 с.; Хамраев М. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата. 1969. – 54 с.; Хамраев А.Т. Древний книжный стих и проблема тюркского аллитерационного стиха. Автореф. дисс. ... докт. филол.н. – Алматы, 2002. – 58 с.; Рысалиев К. Киргизское стихосложение. – Фрунзе, 1965. – 140 с.; Бекмурадов А. Основные тенденции развития стихосложения в туркменской советской поэзии. Автореф. дис. ... канд.филол.н. – Ашхабад. 1980. – 33 с.

<sup>14</sup> Федотов О.И. Основы теории литературы. Стихосложение и литературный процесс. – М: ВЛАДОС, 2003. – С. 34

байтларнинг охирлариға қўпроқ эътибор берадилар... Ҳар бир вазнда ишлатиладиган байт сўзларининг маълум бир тартиби, чегараси бор”<sup>15</sup>. Бинобарин, шеър унсурларидан, замонавий тушунчалар асосида фикр юритадиган бўлсак, товуш тизими, бўғин ва ҳижо, руқн каби ритмик бўлакларнинг аҳамияти жуда каттадир.

Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарида қайд этилишига кўра, “Билгилким, аruz манзум сўз мезонидир”<sup>16</sup>. Бинобарин, арузий шеър вазнлашган, вазнга кирган ва вазн асосида ўқиладиган шеърдир. Арузий шеърнинг вазнини бунёд қилишда шеърий унсурлар унинг асоси саналади ва шеърий унсурларнинг маълум тартиб ва қонуниятлар асосида шеър ритмини вужудга келтириши шеър вазнининг асоси ҳисобланади. Шундай экан, арузий шеърни вужудга келтирувчи унсурлар моҳиятини ўрганиш зарур ва долзарб масалага айланади.

“Аruz назарияси аслида шеър тузилиши қонуниятлари мезони бўлиб, шеърнинг ички қурилиши тўғрисидаги просодик ва лингвопоэтик илмлар мажмуидир. Шеър тузилиши эса вазн, қофия ва банд қурилишидан иборат. Арузда тил, нутқ ва шеърий шакл масалаларини ўрганиш унинг ички қурилиш қонуниятларини англаш билан баробардир”<sup>17</sup>. Арузий шеър унсурларини ўрганиш айнан мана шундай қурилиш материали хусусиятларини ўрганишга тенг келади.

Замонавий ўзбек адабиётшунослиги ва шеършунослиги тарихида Ш.Шомуҳамедов, Э.Талабов, Г.У.Тўйчиева, М.Зиёвутдинова араб ва форс-тожик аruz тизимларини ўрганишга ҳисса қўшдилар<sup>18</sup>. Фитрат, А.Саъдий,

<sup>15</sup> Шарқ мумтоз поэтикаси. Манба ва талқинлар. Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи ф.ф.д., проф. Ҳ.Болтабоев. –Т.: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2006. – Б. 172.

<sup>16</sup> Ўша китоб. - Б. 191

<sup>17</sup> Тўйчиева Г. Ислом даври шеъриятида аruz тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол.фан.бўйича фан доктори (DSc) дисс. автор. – Т., 2018. – Б. 20

<sup>18</sup> Шомуҳамедов Ш.М. Форс-тожик арузи. – Т.: ТошДУ, 1970. – 112 б.; Талабов Э. Араб арузи. – Т.: ТошДУ, 1977; Талабов Э. Араб шеъриятида аruz тизими. Филол.ф.докт. .... дисс.авт. – Т.: 2004. – 46 б.; Э. Талаб Олмосли. – Т.: MUMTOZ SO’Z, 2017. – 162 б.; Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул-улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми. Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990. – 20 с.; Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика (Аруз, қофия ва бадиият илми истилоҳлари тарихига оид). – Т.: ТошДШИ, 2001; Тўйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амир Хосрова Дехлеви. Монография. – Т.: ТашГИВ. – 2005. – 204 с.; Тўйчиева Г.У. Форс арузи рисолалари. Монография. – Тошкент: ТошДШИ. –

С.Мирзаев, И.Султон, У.Тўйчиев, А.Рустамов, А.Хожиаҳмедов, С.Ҳасанов, А.Ҳайитметов, Ҳ.Болтабоев ва бошқалар ўзбек арузининг ўз даври учун долзарб қирралари ва масалаларини ўргандилар<sup>19</sup>.

Ўрта асрлар араб поэтикаси илмий жиҳатдан ўрганган Александр Куделин “Ўрта асрлар таҳлилида қонуният нафақат чегарасиз, балки принципиал тарзда ўзгармасдир. Аммо қонуниятга тааллуқли бўлган рамзлар (ъни адабий анъананинг энг яхши намуналари), ўзгара олади ва ўзгариши лозим деб қаралган. Чунки улар сўнгги ютуқлар нималардан иборат эканлигини билдириши, бошқа тарафдан қонуниятни англаш жараёнида келгуси янги марралар учун имкониятларни яратиши лозим”<sup>20</sup> бўлган деб таъкидлайди.

Г.У.Тўйчиеванинг фикрига кўра, ҳозирги замон шеършунослигига кўпчилик олимлар томонидан ўрта асрларда яратилган барча арузшуносликка оид рисолаларда куйидаги салбий белгилар мавжудлиги қайд этилади: *формализм*, яъни шеър тизими бўлган арузининг белгиланган мазмунни шеърий шаклда ифода қилиш учун хизмат этишини ҳисобга олмаслик;

---

2008. – 134 б.; Тўйчиева Г. Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол.фан.бўйича фан доктори (Dsc) дисс... – Т., 2018. – 74 с.

<sup>19</sup> Саъдий А. Амалий ва назарий адабиёт дарслари. – Т., 1925; Мирзаев С. Навоий арузи. Номзодлик диссертацияси. – Т., 1946; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз тизими. – Т.: Фан, 1985. - 207 б.; Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. – Т.: Фан, 1973. – 42 б.; Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. – Т.: Фан, 1981. – 47 б.; Рустамов А. Аруз ҳақида сұхбатлар. – Т.: Фан, 1972. – 56 б.; Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 – 398 б.; Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: 1981. – 96 б.; Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – 412 б. Ҳожиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. – Т., 1982; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – 224 б.; Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.:Фан, 2006. – 286 б.; Тарозий Шайх Аҳмад ибн Худойодд. Фунун ал-балога // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002, 1-6 сон; 2003, 1-3 сонлар. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи А.Ҳайитметов; Шайх Аҳмад ибн Худойодд Тарозий. Фунун ул-балога. – Т.: Хазина, 1996. – 212 б.; Болтабоев Ҳ., Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Икки жилдда. – Т.: MUMTOZ SO’Z, 2013-2016. – 456 б.; – 428 б; Болтабоев Ҳ. Адабиётшунослик тарихи. – Т.: MUMTOZ SO’Z. – 470 б.; Шарқ мумтоз поэтикаси. Манба ва талқинлар. Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи ф.ф.д., проф. Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 430 б.; Юсупова Д. Алишер Навоий “Ҳамса”сида мазмун ва ритмнинг бадий уйғунлиги. -Тошкент: : MUMTOZ SO’Z, 2011. - 144 б.; Юсупова Д. Алишер Навоий ва Заҳириддин Мухаммад Бобур: ариз баҳрига муносабат // Шарқ юлдузи. – Т., 2014. – № 5; Юсупова Д. Проблемы аруда в трактате «Фунун ал-балага» Шейх Ахмада Тарази (на примере баҳров (поэтических метров) и вазнов (стихотворных размеров) / Научная дискуссия: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии. № 1 (20): Сборник статей по материалам XX международной заочной научно-практической конференции. – М.: Международный центр науки и образования, 2014. – С. 66 – 73; Юсупова Д. Алишер Навоий ва Зокиржон Фурқат: арузга доир рисоладан дастхат конспектгача / Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Т.: TAMADDUN, 2018. – Б.183-187; Юсупова Д. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балога” асарида туркй аруз масалалари // Ўзбекистонда хорижий тиллар (илмий-методик электрон журнал). – Т., 2018. – № 4 (23). – Б. 269–280.

<sup>20</sup> Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983. – С. 197.

*схоластилик*, яъни назарий қоида ва ақидаларнинг ўта қатъийлиги, ҳашамдорлик ва мураккабликка интилиш, шеърият амалиётидан узоқлик; *анъанавийлик*, поэтик қурилиш ва тузилиш тўғрисидаги ақидаларнинг анъанавий тарзда бир рисоладан иккинчисига ўтиши, новаторлик ва амалийликдан қочиш; *нормативлик ва доктриналик*, яъни асосан шеър ёзиш қонуниятлари ҳақидаги соҳага айланиб қолиш, ижодийликнинг сустлиги, илмий ва назарий чукурлаша олмаслик<sup>21</sup>.

Ўзбек олими У.Тўйчиев классик аruz назариясига хос формализмни “фаулунчилик” деб атайди ҳамда ана шу формализмнинг моҳиятини очиб беради<sup>22</sup>.

Лекин айтилган фикрларга қарамай, Халил ибн Аҳмад яратган тизим ўз даври ва кейинги даврлар учун жуда узоқ вақт арузшунослик фанининг асосий ривожланиш тамойилларини белгилаб берди.

Биз эса мазкур мураккаб масалада, яъни аruz илми ва назариясининг формализм, схоластилик, нормативлик, доктрина ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятларга эгалиги билан боғлиқ қарашларга нисбатан шуни таъкидлашни истар эдикки, аслида аruz тизими мумтоз шеъриятнинг мураккаб ҳодиса эканлигини, яъни унинг маълум қатъий тартиблар асосида шаклланишини исботлаб беради. Мураккаблик эса уни ўрганишда маълум қийинчиликлар мавжудлигини ва тизимдаги мутаносибликларни англашни тақозо этади. Халил ибн Аҳмад жуда мураккаб ва қийин тизим яратганлиги шубҳасиз. Бироқ шу билан бирга унинг улуғ истеъдод эгаси эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Шунга кўра, тизимни айблаш ноўрин бўлгани каби, тизимдаги мураккабликларга манфий муносабатда бўлиш ҳам тўғри бўлмай, унинг мазмунини замонавий нуқтаи назардан баҳолаш, ундаги ўзига хос такрорлар, номувофиқликлар мавжудлигини тан олган ҳолда, замонавий авлодларга ўтган аждодларнинг етук салоҳияти намунаси сифатида аruz илмини ўргатиш

---

<sup>21</sup> Тўйчиева Г.У. Халил ибн Аҳмад ва унинг назарияси // И мом ал-Бухорий сабоқлари. – Т., 2007. – № 1. – Б. 50-51.

<sup>22</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аruz системаси. – Т.: Фан, 1985.

давр талабидир. Мумтоз даврда ҳар бир зиёли, яъни муайян билимларга эга бўлган инсон албатта аruz илмидан хабардор бўлгани каби, ҳозирги даврда ҳам ҳар қандай ўзбек тили ва адабиёти мутахассиси албатта аruz асослари бўйича кенг билимларга эга бўлиши шарт.

Ҳозирги техника асида, инсон нутқининг асосида товуш тизими ётиши исботланган бир даврда, товуш тизимининг ички тартиби ва қоидаларини рақамлаштириш асосида компьютер луғатлари яратилмоқда. Худди шу маънода шеърият ҳам маълум ички қонуният ва тартибга асосланади, яъни аruz илмининг ички қонуниятлари муайян бирликларнинг математик статискаси асосида бунёд бўлади. Бинобарин, бу ўринда схоластика тўғрисида эмас, балки аслида қатъий рақамлашган тартиб тўғрисида гапириш ўринлидир.

Демак, айтиш мумкинки, аruzшунослик Шарқ халқлари тафаккурида яратилган шеърият шаклига оид назарий умумлашмалар мажмуидан иборат бўлиб, унинг барча тарихий қирралари ва ҳолатларини ўрганиш адабиётнинг тарихий ривожидаги мавжуд ҳодисалар кетма-кетлигини холис баҳолаш ва намоён этиш учун хизмат қиласи.

Бинобарин, юртимиз аruzшунослиги тарихида қуйидаги илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар бугун янги мазмунда ўз долзарблигини намоён этмоқда:

– аruz тизимини ўрганишда ўрта асрларда яратилган аruz рисолалари матнини қайта тиклаш, аruz илми манбашунослигини яратиш, асарларнинг танқидий матнларини яратиш ва шу асосда аruzни ўрганиш тарихини шакллантириш (И.Султон, С.Мирзаев, А.Рустамов, М.Зиёвутдинова, С.Хасанов, А.Ҳайитметов, Ҳ.Болтабоев в.б.);

– аruz тизимининг ўрта асрлардаги канонга айланган назариясини қайта тиклаб, замонавийлаштириб, ўз даври авлодларига қайта етказиш, аruz илмларининг қайта адабиёт назариясидан ўрин олишига сайъ-ҳаракат қилиш (А. Саъдий, Фитрат, И. Султон, А.Рустамов, А.Ҳожиаҳмедов);

- аруз илмини ўрганишда замонавий шеършунослик методларини арузнинг ички унсурлари ва вазн яратишдаги ролига нисбатан татбиқ этиш (У.Тўйчиев, А.Аъзамов, Г.Тўйчиева);
- аруз тизимини амалий ва ўқув-услубий қўлланмалар воситасида ўқитиши жорий қилиш ва ўзбек арузи методикасини шакллантиришга уриниш (А.Хожиаҳмедов, М.Олимов, Д.Лутфуллаева, Д.Юсупова);
- аруз илмини ислом адабиёти таркибида яратилган адаб илми ва унинг узвий таркибий қисми сифатида талқин қилиш ҳамда аруз назариясини ислом цивилизациясининг мустақил йўналиши сифатида баҳолаш (Г.Тўйчиева).

Ушбу ёндашувларнинг барчаси юртимизда арузшунослик ўзига хос бир фан сифатида ўз йўналишини топишга интилаётгани далили бўлиб, бундан очик кўриниб турган ҳақиқат шундаки, биринчидан, ўзбек олимлари араб, форс, тожик, туркий аруз хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар, иккинчидан, мамлакатимизда арузшуносликнинг ўзига хос тарихий анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилдилар. Бироқ арузшуносликдаги ўз ечимини кутаётган масалалар ичида ўрта асрлар арузшунослик рисолаларининг ўзига хос қиёсий-солишиштирма харитасини яратиш, аруз тизимининг тадрижий тараққиётини ритмик унсурлар қиёси асосида қўрсатиб бериш муаммоси турибдики, уни баҳоли қудрат ҳал қилиш тадқиқотимизнинг асосий вазифалариданdir.

## **1.2. Темурийлар даври арузшунослиги ва унинг илмий таҳлили**

Арузшунослик ривожида маълум тарихий такомил даврлари билан боғлиқлик вазияти мавжуд. Чунки ислом омили билан боғлиқ тарзда турли тарихий сулолаларнинг келиб-кетиши ва уларнинг тарих саҳнасида ўрнашиб қолишига интилиши бевосита ҳукмдорларнинг маданият, адабиёт, санъат ва шеъриятга бўлган эҳтиёжини оширган ва эътиборини кучайтирган. Ҳукмдор оиласалар оиласавий тарбияда ҳам муайян анъаналарга эга бўлиб, шеъриятнинг асосий вазни бўлган аруз илмини ўргатиш ана шу анъананинг узвий бўлаги

хисобланган. Аруз илмидан хабардор бўлиш маълум даражада ўз даврининг маънавий ва таълимий мезонлари таркибига киритилган. Демак, аруз илмини эгаллаш нафақат шоирлар, филолог олимлар ва мутахассислар, балки ўзини билимли ва маълумотли деб билган ҳар бир зиёли инсоннинг вазифаси саналган. Ҳукмдор ва шахзодаларнинг ҳам шеърлар битиши, шеър битиши лаёқатидан муайян тарзда хабардор бўлиши талаб этилган. Шеър битиши билиш учун эса, шеърият қонуниятлари, аввало аруз назариясини пухта эгаллаш зарур бўлган. Айнан аруз тизими ва аруз назарияси комил инсон ғояси асосида авлодларни тарбия қилишининг муҳим йўналиши сифатида барча мадрасаларда маҳсус ўргатилган.

Мамлакатимиз тарихида темурийлар даври Ренессанс, яъни уйғониш даври сифатида баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлашига кўра, “Амир Темур – халқимиз тарихидаги бутун жаҳон тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган буюк шахсадир”<sup>23</sup>. Бугунги кунда, табиий равиша Амир Темур тимсоли адолат, фаровонлик, бунёдкорлик, тараққиёт тимсолидир. Темурийлар даврида илм-фан, маданият, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа ва шеърият, шунингдек савдо-сотик юксак даражага кўтарилиганини бугун бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироқ этилмоқда.

Сўнгги даврларда темурийларнинг дунё тамаддуни ва ислом дини равнақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда<sup>24</sup>. Булар Соҳибқирон шахсияти ва уни

<sup>23</sup> <http://aza.uz/oz/society/buyuk-so-ib-iron-adolat-va-udrat-so-ibiga-e-tirom-09-04-2018>

<sup>24</sup> Woods J.E. The Rise of Timurid Historiography // Journal of Near Eastern Studies, 46 (1987). – Р. 96-97; Woods J.E. The Timurid Dynasty // Papers on Inner Asia. No. 14. Bloomington, Indiana: Indiana University Research Institute for Inner Asian Studies, 1990; Де Клавихо Р.Г. Дневник петешествия ко двору Темура в Самарканд в 1403-1406 гг. – М.: Наука, 1990; Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Фафур Гулом, 1990; Тимерлан. Эпоха. Личность. Деяния. – М.: Гураш, 1992; Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., 1993; Ахмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темур. Жизнь и общественно-политическая деятельность. – Т.: Университет, 1999; Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва темурийлар салтанати. – Т., 1994; Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, 1995; Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996; Амир Темур ва темурийлар даврида маданият, санъат (мақолалар тўплами). – Т., 1996; Амир Темур – илм-фан ва маданият ҳомийси (халқаро илмий конференция материаллари). – Т., 1999; Кэрэн Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан Б.Эрматов таржимаси. – Т.: Маънавият, 1999; Амир Темур жаҳон тарихида (мақолалар тўплами). – Т.: Шарқ, 2001; Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. – Т.: Адолат, 2005; Амир Темур ва ҳозирги замон (Ремпублика илмий-амалий анжумани материаллари). – Т., 2007; Брион М. Менким соҳибқирон – жаҳонгир Темур. – Т.:

етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этадиган. Темурийлар даврининг мана шундай кенг тараққий этган ва жаҳон тамаддунида ўзига хос ўрин эгаллаган соҳаларидан бири бу арузшунослик ва аruz илмларининг аввалгидан қўра беҳад даражада тараққий этганлигидир. Мазкур масаланинг баъзи ўзига хос қирралари мавжуд. Улардан баъзиларини келтириб ўтамиш: биринчидан, арузшунослик ривожида шу вақтгача форсий арузнинг асосчилари ва шу илм бўйича яратилган асарлар айни форсий арузшуносликка тааллуқли деб баҳоланар, уларнинг юзага келишида ўша даврларда яратилган имкониятлар масаласи кўтарилилмас эди. Бироқ бугун кунда айнан темурийлар даврида, илм-фан тараққиётига яратилган кенг имкониятлар боис, кўп соҳаларда бўлгани каби, арузшуносликда ҳам катта ютуқларга эришишга имкон бўлганлигини, аруз илмининг тараққиёти ва ривожи айнан бизнинг ҳудудимизда ягона маданий ва илмий муҳит пишиб етилганлиги боис амалга ошганлигини исботлаш зарур ва муҳимдир.

Иккинчидан, мана шу ягоналик касб этган муҳит негизида миллий тиллар асосига қурилган миллий шеър тизимлари ва уларнинг назарий умумлашмалари вужудга келган. Арузшунослик фанининг ўрта асрлардаги ривожи икки миллий арузшунослик назарияларининг келиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилган, улар: форс-тожик аруз назарияси ва ўзбек (туркий) аруз назарияси. Улар бир, ягона ва узвий боғланган адабий-маданий муҳит маҳсули бўлиб, айнан темурийлар даврининг ютуғи сифатида баҳоланмоғи ўринлидир.

Амир Темурнинг моҳир саркарда, давлат арбоби, адолатли шоҳ бўлишдан ташқари, илм-фан, маданият ҳомийси эканлиги, ўзи ҳукмронлик қилган ҳудудда миллатлар ва халқларни бирлаштирганлиги, ягона тараққиёт ва ўсиш қонуниятларини яратганлиги шубҳасиздир. “Амир Темур фақат маҳаллий муаллифларнигина рағбатлантиrmай, балки ўз пойтахтига чет эл олимлари ва шоирларини ҳам жалб этди ҳамда уларнинг ҳаммасига хотамтойларча

---

Янги аср авлоди, 2014; Lavati M. S. Amir Temur a great uzbek statesman. Diplomatic focus. – Pakistan, 2016; Фармонов Р., Фармонова М. Амир Темур кўрагон ва император Наполеон. – Т.: TAMADDUN, 2017.

мукофотлар ҳадя этиб, ўз шахсий эътибори, ҳомийлиги билан уларни қўллаб-куватларди. Ана шу олимларнинг айримлари Амир Темур салтанатида ўз ватандагидан кўпроқ таъминланган эдилар”<sup>25</sup>.

Олимлардан Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий; муаррихлардан Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий; шоир ва адабиёт аҳлларидан Хоразмий, Лутфий, Саккокий, Гадоий, Атоий, Ҳайдар Хоразмий, Хофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоийларнинг асарлари; мусиқашунос Дарвеш Али Чангий; мусавиirlардан Маҳмуд Музахҳиб, Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош; ҳаттотлардан Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Ҳандон, Абдужамил котиб кабилар ижоди мана шу даврда шаклланган ва камол топганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлок”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” каби асарлари, хорижий тарихшунослар Ибн Ҳалдун, Ибн Дуқмоқ, Ас-Суютий, Ал-Қалқашандий, Ас-Саҳовий, Баҳридин ал-Айний, Ибн-Ийос, Ибн Тағриберди, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ал-Мақризий асарлари мана шу давларга бағишлиб ёзилган. Мазкур ижодкорларнинг илмий, адабий, тарихий мероси ва олға сурган инсонпарварлик гоялари, темурийлар давлатининг Европа мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда ва бошқа мамлакатлар билан бўлган савдо-сотик ва маданий алоқалари, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Бухоро шаҳарлари атрофида Дамашқ, Миср, Бағдод, Султония, Шероз номли қишлоқларнинг пайдо бўлиши мазкур даврнинг Уйғониш даври сифатида баҳоланишига асос бўлиб хизмат қиласди. Бутун мамлакат худудида зуллисонайнлик шарт-шароитининг яратилганлиги, форс мумтоз адабиёти намояндадалири бўлган Хофиз Шерозий, Камол Ҳўжандий, Салмон Соважий кабилар ижодига бўлган қизиқиши ва муҳаббат ҳам ягона маданий мухит

---

<sup>25</sup> Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.:Faфур Гулом, 1990. – Б. 57.

мавжудлигидан далолат беради. “Адабий жараёнда ўзбек ва форсийзабон шоирлар баробар ҳуқуқقا эга бўлиб, туркий шеър харидорлари қанча кўп бўлса, форсий шеър талабгорлари ҳам улардан кам эмас эди. Адабий муҳитни бевосита Улуғбекнинг ўзи бошқарап, Самарқандда ўша даврнинг энг яхши шоирлари жамъ бўлган эдилар... Улуғбек Мовароуннаҳрдаги шоирлар билангина эмас, Хурросондаги форсийзабон ва туркийзабон ижодкорлар билан ҳам дўстона муносабатда бўлган”<sup>26</sup>. Айнан мана шу даврда арузшунослик мазкур Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти сифатида шаклланди ва ўзининг юксак чўққисига қўтарилди.

Темурийлар даври арузшунослиги темурийлар сулоласи даврида яратилган рисолаларда акс этган назарий қарашлар тизимини ўз ичига олади. Бу асарлар сирасига Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолай аruz”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ” ва Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” рисолалари киради. Туркий шеършуносликка доир илк назарий манба сифатида эътироф этилувчи “Фунун ул-балоға” асари 1436/1437 йилларда яратилган бўлиб, Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги ҳукмдори Муҳаммад Тарагай Мирзо Улуғбек ибн Шоҳруҳ Мирзога (1394–1449) бағишлиланган. Адабий манбаларда ушбу муаллиф ва унинг асари ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. Фақат Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Рисолай аruz” асарида баҳрлар билан боғлик ўринда Тарозийнинг уч байтини мисол тариқасида келтириб ўтади<sup>27</sup>. Асарнинг ҳозирги кунда фанга маълум ягона қўлёзма нусхаси Лондон шаҳрида, Оксфорд университети қошидаги Бодлиан кутубхонасида Элиотт 127 рақами остида сақланмоқда.<sup>28</sup> Қўлёзма колофонида келтирилган маълумотда айтилишича, асар ҳижрий 989, милодий 1581 йилда бухоролик хаттот Мир Ҳусайн Куланги Бухорий томонидан қўчирилган. Қўлёзма 139

<sup>26</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 7.

<sup>27</sup> Бобир Захириддин. Муҳтасар / Нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 57а.

<sup>28</sup> Ушбу қўлёзманинг фотонусхасини қўлга киритишда яқиндан қўмаклашган олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркиновга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

саҳифадан иборат бўлиб, асар матни 16-саҳифадан бошланган ва 139а-саҳифада узилиб қолган. Муқаддимада муаллиф асарни шеър навълари, қофия илми, бадиий санъатлар ҳақидаги илм, аruz илми, муаммо илми тарзида беш қисмдан иборат қилиб яратганлигини айтади. Лекин афсуски, сўнгги қисмни ўз ичига оловчи саҳифалар қўлёзмада мавжуд эмас, аruz илмига доир тўртинчи қисмнинг аксарият саҳифаларидағи матн ҳам ўқиш учун яроқсиз ҳолга келган. Асар бўйича тадқиқот олиб борган америкалик олим Девин Де Уиснинг ёзишича, “Фунун ул-балоға”нинг мазкур нусхаси 1814 йилда, Эрондан Англия қироллигига олиб кетилаётган бир қанча қўлёзмалар қатори кучли бўронда ёқкан ёмғир таъсирида жиддий шикастланган<sup>29</sup>.

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асари XV асрнинг иккинчи ярмида яратилган бўлиб, муқаддима ва 8 фаслдан иборат. Асар муҳтасар услугуда (кўзда тутилган муаммо юзасидан умумий, ихчам ва лўнда маълумотларни келтириш) битилган бўлиб, унда арузга доир энг муҳим масалалар келтириб ўтилади. Жомий вазнлар изоҳи учун мисол тариқасида Рўдакий, Анварий, Салмон Соважий, Хожа Жамолиддин Ҳусайн Салмон, Низомий Ганжавий, Хожа Исламутлоҳ Бухорийдан байтлар келтиради. Аксарият байтлар муаллифнинг ўз ижоди маҳсулидир. “Рисолаи аruz” ўзидан кейин яратилган шеършуносликка доир рисолалар: Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-санойиъ”, Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Муҳтасар” асарлари учун асос вазифасини ўтаган, кўплаб мумтоз алломалар ушбу асарни ўзлари учун қайта кўчиритириб, аruz илмини ўрганишда дастуруламал сифатида фойдалангандар.

Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари 1492–93 йилларда яратилган бўлиб, Жомий рисоласи сингари муҳтасар услугудаги рисола хисобланади. Асар Ҳусайн Бойқаро топшириғига кўра яратилган. Рисолада

---

<sup>29</sup> Devin DeWEESE. The Predecessors of Nava'i in the "Funun al-balagah" of Shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century. – Journal of Turkish studies, edited by Sinasi Tekin, published at Near Eastern Languages and Civilizations Harvard University – 2005, volume 29, P. 76.

мисоллар учун асосан туркий тилдаги (муаллифнинг ўз ижоди ҳамда Хожа Исмат Бухорий, Ҳусайнний қаламига мансуб) байтлар келтирилган. Асар ўз давридаёқ замондошлари томонидан юксак баҳоланган, темурий шаҳзодалар учун аruz илмини ўрганишда қўлланма сифатида тавсия этилган.

Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ” асари илми бадиъ (бадиий санъатлар)га бағишлиланган бўлиб, унинг муқаддимаси арузга доир маълумотларни ўз ичига олади. Муаллиф муқаддима ниҳоясида келгусида аруз илмига доир мукаммал асар яратиш ниятида эканлигини, уни “Такмил ус-синоъ” деб номлашини айтади, лекин афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган (ёки умуман яратилмаган). “Бадойиъ ус-санойиъ” 1493 йилда Алишер Навоийнинг топшириғи ва ҳомийлигида форсий тилда яратилган. Рисоланинг арузга доир қисми ритмик унсурлар: жузвлар, зихофлар, баҳр ва доираларнинг қисқача баёнини ўз ичига олади.

Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асари ҳижрий 896, милодий 1490-1491 йилларда яратилган бўлиб, муқаддима ва турли ҳажмдаги 112 фаслдан иборат. Асар қўлланма характерида бўлиб, унда арузга доир истилоҳлар луғавий маънолари билан анча батафсил шарҳланган. Муаллиф муқаддимада рисолани арузни ўрганувчилар учун яратганлигини, улар муаллифдан арузниң ҳар бир истилоҳини батафсил изоҳлашни талаб қилганликларини ёзди. Бобур “Бобурнома”да ушбу атамаларнинг бу тарздаги изоҳига манфий муносабат билдиради<sup>30</sup>. Лекин Европа олимлари, хусусан, немис олими Ҳенри Блошманга рисоланинг ушбу хусусияти маъқул келиб, уни инглиз тилига ижодий таржима қиласида ва ундан ўзи дарс берётган Калькутта мадрасасида қўлланма тарзида фойдаланади, асарни икки марта: 1867 ва 1872 йилларда шарҳ ва изоҳлар билан нашр қилдиради<sup>31</sup>.

Бобурнинг “Аруз рисоласи” 1524-1525 йилларда яратилган бўлиб, муфассал (фаннынг муайян соҳасини мукаммал ёритувчи монографик

<sup>30</sup> Бобур. Бобурнома. – Т., 1989. – Б.126.

<sup>31</sup> The Persian Metres by Saifi and a Treatise on Persian Rhyme by Jami. Ed.in Persian by H.Blochmann. – Calkutta, 1867.

характердаги йирик асар) услубда битилган. Рисола йирик антология йўналишида ҳам бўлиб, “асарда X-XVI асрда яшаган 60 дан ортиқ машхур ҳамда ҳали бизга кам маълум бўлган шоир ва олимларнинг номлари эслатилади ва уларнинг асарларидан парчалар келтирилади”<sup>32</sup>. Асарда аruzга доир ритмик унсурлар (жузв, зихоф, вазн) миқдорининг қолган барча рисолалардан кўп эканлиги туркий арузшунослик темурийлар даврида ўзининг тадрижий такомилига етганлигини кўрсатади.

Демак, кўринадики, мана шу даврнинг поэтик эталони бўлган ва шеърият учун назарий асос ролини ўтаган арузшуносликка доир рисолаларни қиёсан ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳимдир.

Аслида, бу даврдаги арузшунослик тарихини ўрганиш ўша давлардаёқ бошланган десак муболага бўлмайди. Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомий “Рисолаи аруз”ини назарий жиҳатдан ўрганиши ва унга эргашиши, Бобурнинг Атоуллоҳ Хусайнин ва Сайфий Бухорий рисолаларига берган таърифлари, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”да “Мезон ул-авзон” хақидаги фикрлари темурийлар даври арузшунослиги ўз давридаёқ муайян баҳосини олган эди дейиш мумкин.

XVIII асрда бобурийлар сулоласидан бўлган Мирза Алибахт Азфарий Бобурнинг “Аруз рисоласи”ни “Аруззода” номи билан форс тилига назм ва насрда таржима қиласиди (Асарнинг 1836 й. котиб Маҳмудали Саъид кўчирган нусхаси Мадрас давлат шарқ қўлёзмалари кутубхонасида сақланади)<sup>33</sup>.

XIX асрда Мунис Хоразмий Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” римсоласини китобат қилганлиги, кейинроқ Зокиржон Фурқатнинг ушбу асарни ихчам конспект тарзида кўчириб чиқиб, “Илми шеърнинг қоидай авzonини баёни” номи билан тошбосма тарзида нашр қилишни ният

---

<sup>32</sup> Ҳасанов С. Бобирнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 17.

<sup>33</sup> Бу ҳақда каранг: Ҳасанов С. Кўрсатилган асар. – Б. 7.

қилғанлиги арузшуносликка муносабат кейинги даврларда ҳам пасаймаганлигини кўрсатади<sup>34</sup>.

Темурийлар даври арузшунослигининг илмий таҳлилини икки йўналишда амалга ошириш мумкин: 1) арузшуносликнинг юртимизда ўрганилиши; 2) давр рисолаларининг хорижлик ва қардош олимлар томонидан ўрганилиши. Дастреб биринчи йўналишга эътибор қаратадиган бўлсак, бу давр арузшунослигига илк марта илмий-назарий жихатдан ёндашган олим Фитрат бўлди. Олимнинг арузга ва арузшуносликка муносабати мақоладан мақолага, тадқиқотдан тадқиқотга ўзгариб борган. 1919 йилда яратилган “Шеър ва шоирлик” мақоласида шеърнинг яратилишида қофия ва вазнининг ўрни ҳақида сўзлар экан, форсий шеърият орқали туркий адабиётга кириб келган аруз вазнининг туркий тил имкониятларига мос келмаслигини ўта танқидий руҳда, салафлардан норозилик оҳангидага баён қиласди: “Турк шоирларининг мусулмонлиқдан сўнгра қабул қилған вазнлари тубда аруз вазнидир... Дунё сахнасинда “иярув-тақлид”нинг рўлини ҳеч бир миллат биз турклар каби адо эта олмағандир! Биз қайси бир миллатнинг қайси бир нарсасига тақлид этмакчи бўлсак, ўзимизнинг миллий руҳимизға қарамасдан тақлид этамиз... Эронлилар араб сўзини ўз тиллариға қараб ўзгарткан эканлар, биз эронлилардан шеър вазни остида ўз руҳини эмас-да, тилимиздан чиқарған еринда шеър вазни-да бўлса; биз шеърнинг ўзини олганмиз (яшасун тақлид!). Ҳолбуқим, эрон вазни билан туркча шеър ёзуб турк улусига ўқутмоқ мумкин эмасдир”<sup>35</sup>.

1926 йилда эълон қилинган “Адабиёт қоидалари” рисоласида ҳам ушбу масалага тўхталиб ўтиб, аруз вазнининг “муваффақиятсиз бир шаклда кенг суратда букунгача давом этиб келган”лигини таъкидлар экан, “Арузнинг бизнинг тилга ярамағанлиги” сарлавҳаси остида “мадд” (чўзиқлик)нинг туркий тилга хос эмаслигини айтади ва сўзининг исботи учун темурий

<sup>34</sup> Қаранг: Юсупова Д. Фурқатнинг “Илми шеър қоиди авзонини баёни” даствати // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2010. – № 4. – Б.85.

<sup>35</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Ж.4. Шеър ва шоирлик. Нашрга тайёрловчи ва изохлар муаллифи Х.Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2006. – Б.8-9.

ижодкорлар: Дурбек, Навоий, Бобур ва бошқалардан мисоллар келтиради. Фитратнинг бу даврдаги муносабати аruz вазнига нисбатан манфий бўлиш билан бир қаторда бу шеър тизимининг назариясини ҳали чуқур ўзлаштирганида ҳам намоён бўлади. Шу маънода рисолада аruz қоидалари билан боғлиқ баъзи хатоликлар мавжуд. Хусусан, асарда Бобурдан келтирилган байтнинг вазни хато берилган ва бунинг натижасида Фитрат ушбу байтнинг иккинчи мисрасида икки ўринда сунъий чўзиқлик бор деб ҳисоблайди. Бу байт қуидагича:

*Ўзни кўнгил айи ила тутмоқ керак,  
Бизни у...нумтқонни у...нумтмоқ керақ<sup>36</sup>.*

Рисолада вазннинг афойили **фоилотун фоилотун фоилотун** тарзида янглиш келтирилган. Аслида бу байт *Саріъ* баҳрига мансуб бўлиб, **муфтаилун муфтаилун фоилун** рукнларидан иборат ва бу ҳолатда Фитрат айтган сунъий чўзиқлик кўзга ташланмайди<sup>37</sup>.

Асарда Фитрат жами 27 вазн (*Комил* баҳридан 1, *Рамал* баҳридан 5, *Ражаз* баҳридан 2, *Ҳазаж* баҳридан 7, *Мужтасс* баҳридан 2, *Музориъ* баҳридан 2, *Хафиғ* баҳридан 1, *Мунсариҳ* баҳридан 2, *Саріъ* баҳридан 1, *Мутақориб* баҳридан 3, *Мутадорик* баҳридан 1)ни мисоллар билан келтирас экан, “охтариб топқони шулар” эканлигини таъкидлайди (Ҳолбуки, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарида 160 га яқин вазнга туркий тилда мисоллар келтирилган эди). Фитрат рисоласида келтирилган вазнларнинг *Рамал* баҳри билан боғлиқ баъзи рукнларида (3-, 5-вазнлар), шунингдек *Ҳазаж* баҳрининг баъзи вазнлари (1-, 4-вазнлар)да хатоликларнинг мавжудлиги ҳам юқоридаги фикримизни далиллайди.

1929 йилда ёзилган “Муҳаммад Солих” мақоласида эса “Шайбонийнома” достонининг “муваффақиятсизлиғи” учун сабаблар излар экан, улардан бири сифатида достон учун танланган вазни кўрсатиб ўтади:

---

<sup>36</sup> Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. Ж.4. Адабиёт қоидалари. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2006. – Б. 36.

<sup>37</sup> Бобурнинг аruz вазнига бағишланган рисоласида ушбу байт Бобурнинг ўзи томонидан *Саріъ* баҳрида деб кўрсатилган.

“Асар учун қабул қилинған вазн “Рамали мусаддаси маҳбун” урушға оид мавзуларға муносиб оҳангдан маҳрумдир. Отларнинг чопишида, қиличларнинг шақиллашида, ботирларнинг қичқиришида бўлған ҳайбатли оҳангни бу вазнда сиғдирмоқ мумкин эмас”<sup>38</sup>.

Фитратнинг аruz вазнига бўлган том маънодаги муносабати унинг 1936 йилда нашр этилган “Аруз ҳақида” рисоласида ўз ифодасини топган. Фитрат ушбу рисолада энди аruz назариясининг кучли билимдони, унинг бутун сир-асрорларидан хабардор нуктадон шеършунос сифатида намоён бўлади. “Адабиёт қоидалари” рисоласида “Арузниң бизнинг тилга ярамағанлиғи” деб таъкидлаган Фитрат “Аруз ҳақида” асарининг сўзбошисида энди “Бу асарни ёзишдан мақсад ёш шоир ва ёзучиларимизни аruz вазни билан яхшилаб таништиримоқ...” деб ёзади. Ушбу мақсадини “аруз” атамасини изоҳлаш билан бошлар экан, китобнинг кейинги бўлимларида аruz вазнининг тарихий ўсиши, тузилиш қоидалари, аruz вазнлари намуналари, рубоий вазнлари каби масалаларга тўхталиб ўтади ва арузни ўрганишни қулайлаштириш ниятида ўз тадқиқотида бармоқ тизимиға хос туркумлар ва мусиқадаги “чирманда” усулинин жорий қиласи. Бу билан, бир томондан, арузниң мусиқа билан алоқадорлигига урғу қаратилган бўлса, иккинчи томондан, арузниң туркий адабиётга кириб келиши тасодифий бўлмай, туркий халқлар илк бор аruz тизимида қалам тебратга бошлаганларида бармоқ вазн тизимиға яқин турувчи вазнлардан фойдаланганликларига ишора бор эди (Шу ўринда аruz муомалага кирган илк даврларда яратилган Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асари “Шоҳнома” вазнида, яъни мутақориб баҳрида ёзилганлиги, достон муаллифининг айнан шу ўлчовни танлашига сабаблардан бири эса мутақориб баҳрининг туркий халқлар шеърий тизими бўлмиш бармоқнинг ўн бир бўғинли вазнига жуда ҳам уйғун эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур).

Аввалги рисолада келтирилган 27 вазн ўрнини энди 10 дан ортиқ баҳрга мансуб 80 га яқин вазн эгаллаганлиги ҳам Фитратнинг аruzга муносабати

---

<sup>38</sup> Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. Ж.2. Муҳаммад Солих. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2000. – Б.80.

ўзининг бурилиш нуқтасига ўтганлигини кўрсатади<sup>39</sup>. “Аруз ҳақида” рисоласида аruz назариясини чуқур тадқиқ қилган олим энди арузни бармоқ вазнидан-да бойроқ шеър тизими сифатида эътироф этар экан, шундай ёзади:

“Аруз вазни шеър вазнларининг бой ва энг музикалиаридан биридир... Эътироф этиш керакки, хижо вазни системаси аruz системаси қадар бой эмас. Арузниң баъзи вазнларида бўлган жонлилик, ҳаяжон, ўйноқилиқ ва оҳанг хижо вазни системасида йўқ”<sup>40</sup>.

Туркий арузшунослик, хусусан Алишер Навоийниң аruz тизимига кўшган ҳиссаси даставал И.Султонов томонидан тадқиқ этилган бўлиб, олимниң “Навоийниң “Мезон ул-авзон”и ва унинг критик тексти” номли диссертацияси (1947) матншунослик ва манбашунослик йўналишида амалга оширилган. Диссертацияда “Мезон ул-авзон”ниң танқидий матнини яратиш бош мақсад қилиб олинган бўлса-да, олим ишнинг дастлабки қисмларида асарниң яратилиш сабаблари, тарихий шароит ҳақида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, “Мезон ул-авзон” фақат аruz назариясини ўзбек тилида оммалаштириш учун ёзилган эмас, зеро Навоий арузни ўз замонасининг энг пешқадам олимларидан ўрганган ( “Мажолис ун-нафоис” асарида бу борада устози Дарвеш Мансур эканини таъкидлаган) ва ўз олдига туркий арузни ривожлантириш мақсадини қўйган<sup>41</sup>.

И. Султонов “Мезон ул-авзон”ниң кириш қисмида тилга олинган Шамс Қайс Розий, Насируддин Тусий ҳамда Абдураҳмон Жомий ёзган асарлар Навоий рисоласи учун асосий манба вазифасини ўтаган, шунингдек, шоир аruz илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмадниң илмий қарашларидан ҳам хабардор бўлган деган фикрни илгари сурадики, бу фикр Алишер Навоий

<sup>39</sup> Адабиётшунос У.Жўракулов Фитрат фаолиятидаги ички зиддиятларни олим ҳаётида рўй берган муҳим воқеа-ҳодисалар, турли психологик жараёнлар билан боғлиқ ҳолда талқин этади. Олимниң фикрича, Фитрат 12-25 ёш орасида ўзи туғилиб ўсган муҳитдан узоқлашиб, бошқачароқ муҳитларга рўбарў келган ва ундаги шоирона табиат тенгдошларига нисбатан ўзи яшаган муҳитдан норозиликнинг кучайиши ва танқидий кайфиятнинг ўсишига олиб келган, бу эса ўз навбатида шоир рухиятидаги ўзгаришларга сабаб бўлган ( Бу ҳақда қаранг: Жўракулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. Филол.фан.номзод..дис. автореферати. – Т., 1998. – Б. 12-15).

<sup>40</sup> Фитрат Абдурауф. Аруз ҳақида: Адабиёт муаллимлари ва илм толиблари учун / Нашрга тайёрловчى, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 19.

<sup>41</sup> Султон И. Навоийниң “Мезон ул-авзон” ва унинг критик тексти. Филол.фан.номз.дисс. ... автореф. – Т., 1947. – Б. 4.

рисоласини ана шу манбалар билан қиёсан ўрганишни кун тартибига қўяди. Шунингдек, олим “Мезон ул-авзон”ни Алишер Навоийнинг аruz ҳақидаги билимларини умумлаштирган, системага солган асар сифатида баҳолаб бўлмаслиги, балки “аруз проблемаларининг бирмунча янги талқинини бериш ва арузни бойитиш мақсадида ёзилган асар”, деб ҳисоблаш лозимлигини таъкидлайди.

И.Султоновнинг фикрича, Навоий арузни турли қўшимчалар ва янгиликлар билан бойитиш, мукаммалаштириш учун икки йўлдан борган:

- 1) араб ва форс арузининг ўзига тузатиш ва қўшимчалар киргизиш;
- 2) ўзбек поэзияси ва фольклорининг бир неча юз йиллик тажрибаларини биринчи марта текшириб, умумлаштириб, арузга мослаштириб, шу орқали арузни бойитиш. Олим Навоий ўз асарида тўққизта янги вазнни қайд этган деб ҳисоблайди ва уларга мисол сифатида қуйидагиларни келтиради: 1) рамали маҳбун; 2) туоғ; 3) қўшиқ; 4) номи келтирилмаган вазн (қўшиқнинг бир вазни бўлиб, султонга ғоят маъкул эди); 5) чанги; 6) муҳаббатнома; 7) мустазод; 8) арзуворий; 9) туркий<sup>42</sup>.

Тадқиқотда халқ оғзаки ижоди ва арузининг боғлиқлиги ҳақида шундай дейилади: “Биринчидан, Навоий туркий халқларда аруздан бошқа яна мустақил поэтик вазн, метрик форма борлигини бир неча маротаба қайд этади, иккинчидан, бу вазнда ёзилган (ёки айтилган) шеърларнинг бадиий томонига жуда баланд баҳо беради ва фольклор билан аруз орасида маълум алоқа, бир-бирига таъсир борлигини кўрсатади (фольклордаги айрим вазнларни олиб арузининг маълум вазнлари билан таққослаши ва уларнинг бир-бирига мос эканини аниқлаши)”<sup>43</sup>.

Олимнинг фикрича, “Мезон ул-авзон” асарининг яратилишида арузининг араб ва форс поэзиясига оид қисмига қўшимчалар киритиш, ўзбек поэзияси ва фольклорининг бир неча асрлик тажрибаларини илмий равища

<sup>42</sup> Аслида бу вазнлар янги вазнлар эмас, балки халқ орасида кенг тарқалган ижод намуналарининг аруз тизимида шеърий ўлчовларга уйғунлаштирилган шакли эди.

<sup>43</sup> Султон И. Навоийнинг “Мезон ул-авзони” ва унинг критик тексти. Филол.фан.номз.дисс. ... – Т., 1947. – Б.12.

умумлаштириш асосий сабаб бўлган бўлса, Хурросон адабий доираларида аruz ҳақида, айниқса, ўзбек тилида, яъни эски туркий тилда мукаммал ва оммавий асарга катта эҳтиёж туғилгани асарнинг ёзилишига сабаб бўлган иккинчи асосий ҳолат сифатида кўрсатилган. И.Султоннинг бош мақсади “Мезон ул-авзон”нинг танқидий матнини яратиш бўлганлиги учун олим Навоий рисоласини бошқа рисолалар, жумладан, Шамс Қайс Розий ва Насируддин Тусий рисолалари билан қиёсламайди ва натижада баъзи нотўғри хуносаларга келади. Хусусан, диссертациянинг 7-саҳифасида аruz доиралари ҳақида фикр юритиб, Навоий ўз рисоласига арузда маълум форсий доираларга қўшимча равишда яна учта янги доира (“Доираи мужтамиа”, “Доираи муҳталита” ва “Доираи муштабиҳа”)ни киритганлигини айтади, аслида ушбу доиралардан фақат “Доираи мужтамиа” олимнинг ўзи томонидан тартиб берилган, қолган икки доира эса Насируддин Тусий ва Атоуллоҳ Ҳусайнин рисолаларида бор эди.

Алишер Навоий арузи Содик Мирзаевнинг “Навоий арузи” номли диссертациясида (1948) ҳам тадқиқ этилган<sup>44</sup>. Тадқиқотда “Мезон ул-авзон” асаридаги аruz қонун-қоидалари билан боғлиқ қарашларни ўрганиш ҳамда “Хазойин ул-маоний” куллиётида қўлланилган баҳрлар ва вазнларни тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинган. Диссертациянинг дастлабки бобларида араб ва форсий арузнинг келиб чиқиши тарихи, туркий адабиётга кириб келиш омиллари ва Алишер Навоийгача туркий шеъриятда истифода этилиши, аruz назариясининг қонун-қоидалари, тилшунослик билан боғлиқ жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради. Тадқиқотнинг “Баҳрлар”, “Солим баҳрлар”, “Зиҳофлар ва тармоқ руқнлар”, “Ҳосил қилинган баҳрлар” деб номланган бўлимларида Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асаридаги назарий фикрлари “Чор девон” (“Хазойин ул-маоний”) таркибидаги девонлар ва достонларида қўлланилган баҳрларга боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинади, “Доиралар” деб номланган бўлимда эса аruz доираларининг аruz

---

<sup>44</sup> Мирзаев С. Навоий арузи. Филол.фан.номз.дисс. ... автореф. – Т., 1948.

назариясидаги ўрни, Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида келтирилган доиралар ва уларнинг тузилиши билан боғлиқ маълумотларга тўхталиб ўтилади.

Тадқиқотнинг “Навоийда назм шакллари” деб номланган бўлимида Навоий шеъриятида қўлланилган лирик жанрлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу лирик жанрларнинг “Мезон ул-авзон”да Навоий келтирган шеърий шакллар билан муносабати масаласи тадқиқ қилинган. Ишнинг “Навоий асрида янги ва мусиқийда қўлланилган баҳрлар” деб аталган бўлимида эса ўн олти руқнили *Мутақориби мақбузи аслам* ва *Рамали маҳбун* вазнларида Навоий замонида шеър битилмаганлиги учун Навоий “Мезон ул-авзон”га ушбу вазнларни киритиб, уларга туркий мисоллар келтирганлиги айтилади. Лекин Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида ўн олти руқнили *Мутақориби мақбузи аслам* вазнига мисол сифатида Хожа Исматуллоҳ Бухорийнинг шеъри келтирилган. Демак, С.Мирзаев Жомийнинг ушбу асари билан таниш бўлмаганлиги учун шундай янглиш хulosага келган. Муаллиф Навоий шеърияти ва “Мезон ул-авзон”ни ўрганиш натижасида “Мезон ул-авзон”да 19 баҳр, 163 вазн, шоир шеъриятида эса 12 баҳр, 80 га яқин вазн қўлланилган деган хulosага келади<sup>45</sup>.

А.Хожиаҳмедовнинг “Навоий аруз нафосати” асари Алишер Навоий арузига бағишлиланган мустақиллик давридаги илк тадқиқотлардан бўлиб, унинг “Навоий – аруз назариётчisi” номли боби биз фикр юритаётган масалага бевосита алоқадордир. Бобда олимнинг “Мезон ул-авzon” билан боғлиқ қараашлари баён қилинган. А.Хожиаҳмедов бу мавзуда ўзигача тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрларини ўрганиб чиқиб, уларга қўшимчалар киритади. Олимнинг фикрича, рисола бўйича олиб борилган тадқиқотларда унинг муҳтасар ёки муфассал эканлигига эътибор қаратилмаган, ваҳоланки ўрта асрларда илми адабга доир рисолалар шу икки услубдан бирида битилган. “Мезон ул-авzon” муҳтасар услубда битилган

---

<sup>45</sup> Навоийшуносликдаги сўнгти изланишлар Алишер Навоий шеъриятида 13 баҳр, 100 га яқин вазн қўлланилганлигини кўрсатмоқда.

рисола бўлиб, уни бошқа асарлар, хусусан Бобурнинг “Аруз рисоласи” билан қиёслаганда шу жиҳатни назарда тутиш лозим. Шунингдек, Навоий бу асарни султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига мўлжаллаб, аruz илми билан умумий тарзда таништириш учун ёзган, мазкур илм соҳасидаги бутун иқтидорини намойиш қилиш учун ёзмаган, Бобурнинг асарга “бисёр мадхулдир” деб берган баҳосига шу жиҳатдан туриб ёндашиш зарур<sup>46</sup>. Олим тадқиқотда доиралар масаласига тўхталиб ўтиб, ўзидан аввал яратилган тадқиқотлардаги “доираларнинг учтаси аruz илмига Навоий томонидан киритилган” деган фикрларга манфий муносабат билдиради ва “Мезон ул-авзон”га баҳо берганда “уни асоссиз ҳолда кўкларга кўтаришдан, йўқ фазилатларни унга нисбат беришдан эҳтиёт бўлиш”га чақирадики, бу фикр, дарҳақиқат, тўғридир, чунки Навоий рисоласини ўзигача яратилган форс-тожик рисолалари билан қиёслаш ушбу фикрнинг асослилигини кўрсатиб беради. А.Хожиаҳмедов тадқиқотининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда Бобурнинг рубоий вазнлари билан боғлиқ қарашларига батафсил муносабат билдирилган, ҳар бир рубоий мисрама-мисра таҳлил қилинган ва натижада “Мезон ул-авзон”да келтирилган хатолар котибнинг хатоси эканлиги назарий жиҳатдан асослаб берилган. Бу ва бу каби қатор афзалликларга қарамай, тадқиқот давомида келинган баъзи хулосалар, хусусан, “Мезон ул-авзон”нинг туркий тилдаги арузшунослик илми учун асос бўлганлиги (аслида илк туркий рисола “Фунун ул-балоға” эканлиги бугунги илм аҳлига маълум ҳақиқатлардан), зихофлар билан боғлиқ ўринда шеъриятда мустаъмал бўлган фақат беш аслий рукнни келтириб, қолган уч аслнинг зихоф ва фуруъларини четлаб ўтиш Навоий услуби тарзида кўрсатилиши (ваҳоланки, бундай ёндашув дастлаб Жомийнинг “Рисолаи аruz”ида кузатилган эди) Навоий рисоласини бошқа рисолалар билан қиёслаш масаласига эҳтиёжни орттиради.

Ушбу давр рисолалари орасида туркий аruz имкониятлари батафсил баён қилинган асар бу Бобурнинг “Аруз рисоласи”дир. Рисола С. Ҳасанов

---

<sup>46</sup> Хожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006. – Б. 55.

томонидан маҳсус ўрганилган бўлиб, олим ушбу йирик тадқиқотни 1971 йилда “Мухтасар” номи остида фотофаксимиле нусхаси ва кирилл алифбосидаги матни билан нашр эттириди. 1972 йилда эса “Бобурнинг аруз рисоласи” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Олимнинг Бобур арузи билан боғлиқ қарашлари “Бобирнинг “Аруз рисоласи” асари” номли тадқиқотида батафсил баён қилинган. Тадқиқотда Бобурнинг ушбу рисоласи Муҳаммад Самарқандий томонидан кўчирилган ва Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган нусха асосида тадқиқ этилади. Тадқиқот “Кириш”дан ташқари, тўрт бобдан иборат бўлиб, унинг “Вазн бўлаклари” деб номланган биринчи бобида жузвлар ва аслий рукилар ҳамда зихоф ва фаръий рукилар ҳақида сўз боради. Олим бунда Бобур рисоласида келтирилган уч жузв, саккиз аслий рукин ва қирқ тўрт зихофнинг тавсифини беради. Кейинги бобларда Бобур рисоласида келтирилган 9 доира, 21 баҳр, вазнлар, тақтиъ ва унинг қоидалари билан боғлиқ маълумотлар келтирилган<sup>47</sup>. Рисолада, шунингдек, котиб томонидан йўл қўйилган баъзи хато истилоҳларнинг изоҳи ҳам келтириладики, бу тадқиқотнинг илмий аҳамиятини оширади<sup>48</sup>.

Бу масала билан боғлиқ иккинчи йўналиш давр рисолаларининг қардош ва хориж олимлари томонидан ўрганилишидир. Темурийлар даврида яратилган форс-тожик тилидаги рисолалар тожик олимлари томонидан ўрганилган бўлиб, ушбу олимлардан бири Р.Мусулмонқуловдир. У Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ” асарини 1974 йилда изоҳ ва луғатлар билан замонавий алифбода бир оз қисқартирилган ҳолда нашр эттириди<sup>49</sup>, 1980 йилда “Атауллаҳ-и Махмуд-и Ҳусайни и вопросы таджикско-персидской классической поэтики” мавзуида диссертация ҳимоя қилди, Ҳусайнининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлиб “Атауллаҳ Махмуд-и Ҳусайни” номли

<sup>47</sup> Ҳасанов С. Бобирнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – 96 б.

<sup>48</sup> Олимнинг ушбу тадқиқоти билан боғлиқ жиҳатларга ишимизнинг тегишли ўринларида хали кўп бора мурожаат қилишимиз боис бу ўринда қисқача таҳлил билан кифояланамиз.

<sup>49</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадоъ-ус-саноъ / Бо сарсухан, тавзеҳот ва таҳрири Р. Мусулмонқулов. – Душанбе: Ирфон, 1974. – 223 с. Асарнинг аруз илмига бағишлиган “Муқаддима” кисми айрим сабабларга кўра нашрдан тушиб қолган. Рисолани эски ўзбек тилига ўтирган А.Рустамовнинг фикрича, ушбу нашрда кўплаб хатоликлар учрайди.

монография яратди<sup>50</sup>. Олимнинг мумтоз форсий поэтикага бағишиланган “Персидско-таджикская классическая поэтика” (Х-ХV вв.) номли монографияси сермаҳсул изланишлар натижаси бўлиб, унда тадқиқ объектларимиз бўлмиш “Рисолаи аruz”, “Бадойиъ ус-санойиъ”, “Арузи Сайфий” асарлари Х-ХV аср арузшунослиги фонида ўрганилади<sup>51</sup>. Тадқиқотда жузв, аслий руқнлар, зихофлар масаласи анча батафсил таҳлилга тортилгани ҳолда баҳрлар, уларнинг таснифи, доиралар, аruz рубоийлари билан боғлик жиҳатларга маҳсус тўхталиб ўтилмаган.

Темурийлар даври арузшунослигининг айрим масалалари яна бир тожик олими У.Тоировнинг “Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии” (“Арузнинг форс-тожик шеърияти назарияси ва амалиётида шаклланиши ва ривожланиши”) номли докторлик диссертацияси (1997)да ўз ифодасини топган. Тадқиқотда форс-тожик арузининг назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлиги масаласи бош мақсад қилиб олинниб, ушбу мақсаднинг амалга оширилишида қадимги давр арузшунослари билан бир қаторда темурийлар даври арузшунослари: Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайнин, Сайфий Бухорийнинг рисолаларига мурожаат қилинади. Олим ушбу рисолаларда келтирилган назарий қарашлар асосида форс-тожик шеъриятининг вазн хусусиятларини ўрганиш заруратини таъкидлайди<sup>52</sup>.

Олим арузга доир бир қанча форс-тожик рисолаларини жорий алифбода нашр эттириш, арузий истилоҳлар асосида қомусий луғатлар яратиш борасида ҳам кўплаб ишларни амалга оширган. Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” рисолалари нашри, “Фарҳанги истилоҳоти арӯзи Аҷам”, “Қомуси қофия ва арӯзи шеъри Аҷам” қомусий луғатлари шулар жумласидандир<sup>53</sup>.

<sup>50</sup> Мусульманкулов Р. Атауллаҳ-и Махмуд-и Ҳусайнин и вопросы таджикско-персидской классической поэтики. Авт. дисс. ... докт.филол.н. –Душанбе: 1980. – 42 с; Мусульманкулов Р. Атауллаҳ-и Махмуд-и Ҳусайнин. –Душанбе: Дониш.1983. - 196 с.

<sup>51</sup> Мусульманкулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика. (Х-ХV вв.). - М.: Наука, 1989. – 240 с.

<sup>52</sup> Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Авт. дисс. .... доктора филол. н. - Душанбе. 1997. – С. 12-13.

<sup>53</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунанда чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991; Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳо чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев,

Бу давр рисолаларининг хорижлик олимлар томонидан илк марта илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши ва хорижий тилга таржима қилиниши немис олими Ҳенри Блошман номи билан боғлиқ. Ҳенри Блошманнинг “Prosody of Persians according to Saifi, Jami and others writers” (“Сайфи, Жомий ва бошқа ижодкорларнинг форсий шеършуносликка доир қарашлари”) номли тадқиқоти мусулмон Шарқи шеършунослиги тадқиқига бағишлиланган бўлиб, асарни шартли равишда беш қисмга бўлиш мумкин: 1) Кириш. Бунда олим форс тили ва унинг хусусиятлари ҳақида сўз юритади; 2) Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарининг инглиз тилига қилинган таржимаси ва унинг изоҳлари; 3) Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарининг таҳлили ва матни; 4) Мусулмон Шарқ шеършунослигининг назарий асослари: жанрлар тавсифи, фаол баҳрлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот ҳамда аruzga доир машқлар, кўрсаткичлар; 5) “Рисолаи қофия” ҳамда “Арузи Сайфий” асарларининг матни<sup>54</sup>.

Кўринадики, немис олими ўз тадқиқотида илмлар учлигининг икки муҳим тармоғи: илми аruz ҳамда илми қофияга доир асарларга алоҳида эътибор қаратган. Олим китобнинг кириш қисмида шундай дейди: “Бу китоб Сайфийнинг аruz ва Жомийнинг қофия ҳақидаги рисолаларига асосланади. 1867 йил иккала асар матнини алоҳида-алоҳида чоп эттиргандим, энди эса талабаларга осон бўлсин учун таржима қилдим... Буни иложи борича мукаммал тарзда тайёрлаш учун кўрсаткичлар, машқлар, Саъдийнинг “Гулистон”идан вазнини аниқлаш учун байтлар илова қилдим ва уларнинг жавобларини ҳам кўрсатдим...”<sup>55</sup> Блошман талабалар қофия ва арузни осон ҳамда тез тушунишлари учун “шарқона атамаларни айнан инглиз тилидаги аruz ва қофияга татбиқ этган” лигини айтади. Демак, айтиш мумкинки, олим “Форс шеърий тизими” китобини, хусусан, шу китоби таркибида илк марта

---

Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992; Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991; Тоиров У. Қомуси қофия ва арӯзи Ачам. – Душанбе: Ирфон, 1994.

<sup>54</sup> Henri Blochmann. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Reprint 1970 of the edition Calcutta 1872 printed in the Netherlands. Amsterdam philo press. – P. 2.

<sup>55</sup> Henri Blochmann. Кўрсатилган асар. – Б.3

нашр қилинаётган (бу ҳам *Блошманнинг маълумоти*) “Арузи Сайфий” ва “Рисолаи қофия” асарларини Европадаги талабалар учун қўлланма сифатида тартиб берган. Унинг мусулмон Шарқи шеършунослигидаги баъзи қоидаларни инглиз тилига жорий қилганлиги ҳам ушбу фикрни асослайди.

Муаллифнинг таъкидлашича, “Арузи Сайфий” мумтоз поэтикага доир бошқа форсий рисолалардан фарқли ўлароқ, ўзгача услубда бўлиб, унда даставвал, қоидалар, атамалар муфассал, босқичма-босқич тушунтириб борилади, сўнг анъанага мувофиқ, қўшимча илова сифатида, гарчи муҳим бўлмаса-да, аruz доираларига мурожаат қилинади. “Бинобарин, – деб таъкидлайди олим, – Сайфийнинг асари содда ва тушунарли бўлганлиги учун бошқаларнидан афзал бўлиб, яқин-яқингача Шарқ мадрасаларида ундан қўлланма сифатида фойдаланиб келадилар”.

Ҳ. Блошман Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарини инглиз тилига таржима қиласар экан, масалага анча эркин ёндашади: арузга оид атамаларни тушунтиришда уларга ўз тилидан изоҳлар қўшиб боради, баъзан эса арузга доир назарий масалаларда Сайфийнинг фикрларига муносабат билдириб боради ва ўз таржимасининг ғарблик талаба учун мўлжалланаётганлигини назардан соқит қилмайди.

Ҳ.Блошман “Арузи Сайфий”ни таржима қилиш жараёнида баъзи танқидий мулоҳазаларини ҳам баён қиласади. Олимнинг фикрича, аruz илмида мавжуд доиралар ушбу илм учун ортиқча ва улар ушбу илмни ўргатишида кераксиздир: “Доиралар арузни мукаммал ўрганишда талабага ёрдам беролмайди. Улар Халил яратган, келиб чиқиш жиҳатдан бир турга мансуб вазнларни ҳосил қилишга уринишдир; ҳозирча айланалардаги муваффақиятли уринишлар: ватад ва фосиладаги уринишлар уни оқлади”<sup>56</sup>.

Умуман олганда, Сайфий Бухорий қаламига мансуб “Арузи Сайфий” асарининг немис шарқшуноси Ҳенри Блошман томонидан амалга оширилган инглизча таржимаси ва шу асосдаги шарҳ, талқин ва таҳлилларини ўрганиб

<sup>56</sup> Блошман бу ўринда аruz илмидаги энг кичик бирликлар: сабаб, ватад ва фосилаларнинг доирани ҳосил қилишдаги ўрнига дикқат қаратяпти.

чиқиб, айтиш мумкинки, Блошман Сайфийнинг “Арузи Сайфий” асаридан Европа талабалари учун мусулмон Шарқи шеършунослигининг ажралмас қисми саналган арузни ўргатишида қўлланма сифатида фойдаланган ва рисолани шу мақсадда таржима қилган. Таржимага эркин ёндашган олим рисоладаги фаслларни рақамлаган ва уларга ўз ёндашуви асосида сарлавҳалар ҳам қўйиб чиққанки, бу ҳолат асардан педагогик мақсадда фойдаланишни янада қулайлаштирган.

Туркий тилда яратилган ва шеършуносликка доир бизгача етиб келган Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” рисоласи Марказий Осиё халқларининг XV асрдаги адабий ва маданий тараққиёти ҳақида маълумот берувчи нодир манба бўлганлиги сабабли хорижий мамлакат шарқшунос олимларининг диққатини ўзига жалб қилган. Хусусан, АҚШдаги Индиана университети профессори, шарқшунос олим Девин де Уиснинг асар таҳлилига бағищланган “The Predecessors of Nava’i in the “Funun al-balaghah” of shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century” (“Навоийнинг салафлари Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг асарида: XV асрдан буён Марказий Осиё маданиятшунослигида унутилган манба”) номли тадқиқоти шулар жумласидандир<sup>57</sup>. Тадқиқот мавзуси айнан Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарига бағищланганлиги ва ғарб шарқшуносининг ўрта аср Мусулмон Шарқи адабиёти ва маданияти ҳақидаги қарашларини ўзида акс эттирганлиги билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Девин де Уис ўз тадқиқотида даставвал асар ҳақидаги умумий маълумотларни келтириб, рисолани темурийлар давридаги адабий ва маданий ҳаёт ҳақида маълумот берувчи манба сифатида баҳолайди. Тадқиқотнинг “The Manuscript, the Author, and the Work” (“Қўлёзма, муаллиф ва ижод”) деб номланган фаслида қўлёзма сақланаётган манзил, унинг ҳолати, қўлёzmани

---

<sup>57</sup> Devin DeWEESE. The Predecessors of Nava’i in the “Funun al-balaghah” of shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century / Journal of Turkish studies, edited by Sinasi Tekin, 2005, volume 29. – P. 73-163.

кўчирган котиб, рисола муаллифи ва асарнинг илмий аҳамияти ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Девин Де Уиснинг ёзишича, мазкур рисола ҳақидаги илк маълумот 1930 йил шарқшунос олим Ҳерманн Эзе томонидан тузилиб, Оксфорддаги “Каларендан Пресс” нашриётида чоп қилинган “Бодлиан кутубхонасида сақланаётган форсий, туркий, ҳиндий ҳамда пушту қўлёзмалари каталоги”нинг иккинчи қисмида учрайди. Унда асар номи, Мирзо Улуғбекка бағишиланганлиги, 1225-устунда №-127 рақами остида сақланаётганлиги ҳақида қисқагина айтиб ўтилган. 1984 йил Элеазар Бирнбаумнинг “Туркий қўлёзмалар: 1960 йилдан буён рўйхатга олинган ва рўйхатга олинмаган қўлёзмалар” асарининг тўртинчи қисмида ҳам ушбу қўлёзма ҳақида маълумот берилади. Кейинчалик 2003 йилда Ҳерманн Эзенинг каталоги асосида Гунай Кут ҳам “Фунун ул-балоға” хусусида тўхталган бўлиб, унда асар ҳақида умумий маълумот бериш билан чекланилган.

Девин де Уис ўзбек олимлари томонидан “Фунун ул-балоға”нинг чоп этилганлиги ва ўрганилганлигини ҳам қайд этиб, профессор А.Ҳайитметовнинг “Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма”, “Тарозий қомуси” ҳамда профессор Т.Мирзаев билан ҳаммуалифликда ёзган “Олимнинг ноёб тухфалари” мақолалари билан танишиб чиқсанлигини қайд этади. Аммо Девин Де Уис мазкур мақолалардан етарли маълумотлар топа олмаганлигини айтиб, амалга оширилган нашрда ҳам бир қатор камчиликлар кўзга ташланишини таъкидлайди. Унга кўра, асарнинг факсимилемеси ёки араб алифбосида кўчирилган варианти илова қилинмасдан, фақат кирилл алифбосида чоп этилиши жиддий камчилик ҳисобланиб, бу рисоланинг аслият руҳини ҳис қилишга ҳалал беради. Қолаверса, қўлёзма нусхасининг 122–138-саҳифалари ўқилиш қийин бўлгани учун нашрда кўрсатилмаган, шунингдек, нашрда қўлёзма саҳифалари чалкаштириб юборилган, яъни 2а- саҳифа 26 деб, 26-саҳифа 3а- деб кўрсатилган ва ҳоказо. Гарчи, бу жиддий илмий хато ҳисобланса-да, дейди Д.Де Уис, нашрдан асарнинг моҳияти ҳақида умумий маълумот олиш мумкин.

Муаллиф асарнинг Мирзо Улугбекка бағишилаб ёзилганини айтиб, Алишер Навоий ҳам, Захириддин Мұхаммад Бобур ҳам шайх Аҳмад Худойод Тарозийни олим сифатида тилга олмаганлигини маълум қиласи. Аммо Бобур “Рисолаи аруз” асарида Тарозий деган шоирнинг бир байтини келтирган. Айнан мазкур байт “Фунун ул-балоға” (114б-саҳиға)да жузъий фарқлар билан учрайди, аммо муаллифнинг номи келтирилмаган. Қизиги шундаки, Тарозий ва Бобур мазкур байтни мутлақо бошқа-бошқа вазнларга мисол тариқасида келтирғанлар. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, дейди де Уис, Бобур мазкур байтни ё Тарозийнинг “Девон”идан олган ёхуд “Фунун ул-балоға”нинг бошқа нусхасидан фойдаланган.

Олим тадқиқотда Тарозий номи ўз даврида ва ундан сўнг яратилган манбаларда тилга олинганмикан деган саволни қўяди. Сўнг Толеъ Ҳиравийнинг “Бадоеъ ул-луғат”, муаллифи номаълум “Абушқа”, Махди Хоннинг “Санглоҳ”, Ҳожи Халифанинг “Кашф уз-зуннун” асарларида ҳам Тарозий ва унинг “Фунун ул-балоға” асари ҳақида маълумот учрамаслигини маълум қиласи. Бироқ де Уис Тарозийнинг форс ҳамда араб адабиёти ва адабиётшунослигининг билимдони бўлганлигини айтиб, асарда араб тилида яратилган “Арузи Қустос”, “Арузи Андалусий” ҳамда форс тилида ёзилган “Меъёр ул-ашъор” асарларидан фойдаланганлиги, араб ва форс шеъриятидан келтирилган иқтибослар бунга исбот бўла олишини таъкидлайди.

Девин де Уис “Фунун ул-балоға” қўллэзмасининг салкам ярмини, яъни 766–139а саҳифаларини арузшуносликка доир матн ташкил қилишини таъкидлар экан, Шайх Аҳмад Тарозий мазкур қисм учун кичик муқаддима ёзганлигини айтиб, уни ҳавола қиласи ва иловада эски ўзбек ёзувида кўрсатади, сўнг рақамланмаган фасллар келишини маълум қиласи.

Умуман олганда, профессор Д.де Уис ўз тадқиқотида “Фунун ул-балоға” асари ёзилган давр, унинг тили, қўллэзма тарихи хусусида маҳсус тўхталиб, рисоланинг илмий қимматини белгилашга ҳаракат қиласи. Асарнинг сақланиб қолган ҳар бир қисмини алоҳида шарҳлашга, моҳиятини очиб беришга уринади, ўз қарашларини асослаш учун рисоланинг баъзи парчаларини инглиз

тилига таржима қилиб, иқтибос сифатида келтиради ҳамда уларни тадқиқот сўнгидা эски ўзбек алифбосида илова қиласди. Олимнинг бош мақсади асарнинг ўша давр адабий муҳитидаги ва бугунги кундаги аҳамиятини белгилаш, унда номлари келтирилган ижодкорларни ўрганиш бўлганлиги учун унда арузнинг назарий масалалари ритмик унсурлар сатҳида маҳсус таҳлил қилинмаган.

Бобурнинг аruz рисоласи дастлаб илмий жиҳатдан тавсиф этилган тадқиқот бу А.Шербакнинг “Сочинение Бабура об арузе” (1971) мақоласидир. Муаллиф гарчи мақола саралавҳасида уни “дастлабки хабар” деб атаган бўлсада, лекин унда аruz билимдонининг жиддий қарашлари кузатилади. Мақолада масалага Бобур рисоласидаги тадрижийлик асосида ёндашув кўзга ташланади. Муаллиф дастлаб рисола ва у ҳақдаги умумий маълумотларни келтиргач, уни Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асари билан қиёслайди: умумий ва фарқли жиҳатларга тўхталади, Бобур рисоласининг ҳажман ва моҳиятан кенглигига эътибор қаратади, қамраб олинган масалалар кўламини таҳлил қиласди. Мақолада аruz илмидаги нисбатан мураккаб соҳа – зихоф масаласининг батафсил изоҳи унинг илмий қимматини оширган: муаллиф Бобур рисоласида келтирилган зихофларни нома-ном санаб, уларнинг тавсифини келтирас экан, зихофларнинг байт таркибида (мисра боши, ўртаси ва охирида) келишига қараб, номлари ўзгариши мумкинлигини қайд этади. Масалан, *харм* зихофи ҳақида гапирав экан, унинг мисра бошига хослигини, агар мисранинг бошқа ўринларида (ўртаси ёки охирида) келса, *таҳниқ* деб аталишини таъкидлайди<sup>58</sup>. Лекин зихофлардаги мураккаблик Шербакни ҳам баъзи ўринларда нотўғри хуносаларга олиб келган: муаллиф зихофлар тавсифининг сўнгида келтирилган *хазм* истилоҳини 44-зихоф сифатида талқин қиласди. Аслида *хазм* бу байтнинг бошида бир ёки бир неча ҳарфнинг орттирилиши бўлиб, маъно учун хизмат қиласдиган, лекин тақтиъда ҳисобга олинмайдиган ўзгариш (*иллат*)лардан ҳисобланади. Бобур унинг руҳи ва жузвларга ҳеч қандай

---

<sup>58</sup> Щербак А. Сочинение Бабура об арузе // Народы Азии и Африки. – М.: Наука, 1969. – № 5. – С.162.

алоқаси йўқлигини ва араб арузига хослигини айтади<sup>59</sup>, Атоулоҳ Ҳусайнининг Шамс Қайс Розийга таяниб айтган фикрига қўра эса, ҳазмни қадимги араб шоирлари ўз шеърларида қўллаганлар ва “...хозирғи арабу ажам шоирлари буни ишлатмасликлари керактур, чунки андин шеър завқиға халал еткай ва табъ андин нафрат эткай”<sup>60</sup>.

Шербак зихофларнинг умумий тавсифидан сўнг аслий рукнларнинг зихофлари ва фуруъларига тўхталади, уларнинг умумий сонини Бобурга таяниб, 96 та деб белгилайди. Муаллиф баҳрлар ва доираларнинг вужудга келиш усувларини ҳам асосан Бобур талқини асосида тушунтиради: аслий рукнлар ва уларнинг турли зихофларидан баҳрлар ҳосил бўлади ва уларнинг умумий миқдори 19 та, *Тавил* доирасидан яна икки баҳр: *Ариз* ва *Амиқ* ҳосил қилинади; доираларни икки гурухга: бир хил аслий рукнлардан ясалувчи баҳрлар доиралари ва турли рукнлардан ҳосил бўлувчи баҳрлар доираларига ажратиб тасниф қилиш мумкин. Шу тариқа мақолада тақтиъ қоидалари, баҳрлардан ҳосиб бўлувчи вазнлар ва Бобур рисоласида келтирилган поэтик жанрларга хос вазнларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Туркий шеършунослик, хусусан туркий арузнинг назарий масалалари яна бир шарқшунос олим И.В.Стеблеванинг тадқиқот ва мақолаларида ўз ифодасини топган. Ўз илмий фаолиятини қадимги туркий халқлар шеъриятини тадқиқ қилиш билан бошлаган олима 1972 йилда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аruz рисоласи”ни факсимиле, сўз боши ва кўрсаткичлари билан нашр эттирди<sup>61</sup>.

“Бобурнинг шеършунослик (аруз)га доир рисоласидан парчалар” (“Извлечения из трактата Бабура по стихосложению” (арузу), 1970), “Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аruz рисоласи”да тақтиъ қоидалари

<sup>59</sup> С.Ҳасанов нашрида бу истилоҳ *харм* тарзида хато ўқилган (Қаранг: Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б.21). Чунки *харм* бу байт аввалига ҳарф оттириш эмас, балки рукннинг бошида келган биринчи хижони ташлаб юборишидир, бошқача айтганда, мағоййлун аслий рукнидаги ватади мажмуъдан биринчи мутахарrik ҳарфни олиб ташлашдир.

<sup>60</sup> Атоулоҳ Ҳусайний. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 18.

<sup>61</sup> Захирад-Дин Муҳаммад Бабур. Трактат об арузе. Факсимиле рукописи. Изд.текста, вступит. статья и указатели И.В.Стеблевой. – М., 1972.

ҳақида” (“О правилах скандирования в “Трактате об арузе” Захираддина Мухаммада Бабура”, 1975), “Туркий аруз назариясининг замонавий талқини муаммосига доир” (“К проблеме современной интерпретации теории тюркского аруза”, 1977) каби тадқиқотларида И.Стеблева Бобур ижоди ва аруз илмининг билимдони сифатида намоён бўлади.

Олиманинг “Туркий поэтика: ривожланиш босқичлари: VIII-XX асрлар” (“Тюркская поэтика: этапы развития: VIII-XX вв.”, 2012) номли тадқиқоти бевосита туркий поэтикамага доир изланишларининг давоми ва умумлашмаси сифатида вужудга келди. И.Стеблева тадқиқотининг учинчи бобини XV-XVI асрлар туркий мумтоз адабиёти таҳлилига бағишилар экан, унинг дастлабки фаслида Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи”га тўхталиб ўтади. Муаллиф гарчи ушбу рисолаларнинг асосий қисми анъанага кўра, араб ва форсий арузнинг умумий қонуниятларига бағишиланган бўлса-да, уларда туркий тил ва туркий аруз билан боғлиқ ҳодисалар ҳам қаламга олинганини таъкидлайди.

Навоий “Мезон ул-авзон”да шеър тақтиши билан боғлиқ масалаларга тўхталар экан, “алиф”, “вов” ва “йой” ҳарфларини ҳаракатлар тарзида ёзиш туркий арузга хос эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, Бобур ҳам “Аруз рисоласи”да туркий тил учун асосий қонуниятлардан бири сифатида фатҳа (а), дамма (и) ва касра (у)дан сўнг “алиф”, “вов” ва “йой”ни ёзиш зарурлигини эслатиб ўтади. И.Стеблева ўз тадқиқотида ушбу таъкидларга алоҳида эътибор қаратади ва Бобур рисоласида келтирилган “сени кўрсам” бирикмасини вазн талабига кўра, фоилотун (– V –), мафоийлун (V – –) ва фаилотун (V V – –) тарзида тақтиъга солиш мумкинлигини айтиб ўтади. Оима ушбу бирикмадаги “сени” сўзини Бобур иккита чўзиқ (– –) тарзида келтирмаганлигига диққат қаратар экан, ёнма-ён келган икки очиқ бўғиннинг чўзиқ бўлиш ҳолати кам учрайдиган ҳодиса деб ҳисоблайди, бу ҳолат кейинчалик туркий аруз учун қуйидаги муҳим қонуниятни вужудга келтирган деган холосага келади:

“Ёпиқ бўғинлар чўзиқ ҳижоларни, очиқ бўғинлар эса қисқа ҳижоларни пайдо қилади, баъзан эса очиқ ҳижолар ҳам чўзиқ, ҳам қисқа ҳижо вазифасини бажариши мумкин”<sup>62</sup>. Дарҳақиқат, замонавий арузшунослиқда чўзиқ ҳижонинг ёпиқ бўғин ва чўзиқ унли билан тугаган очиқ бўғиндан иборат кўриниши ҳақида сўз боради.

И.Стеблеванинг туркий тилга хос “нг” товуш бирикмасига доир кузатишлари ҳам қизиқарлидир. Араб алифбосида “нун” ва “коф” ҳарфларининг бирикмаси асосида ёзиладиган мазкур товуш Навоий ва Бобурнинг ёзишларича, тақтиъда доим ҳам белгиланавермайди. Агар ёзувда ҳаракатсиз “нун” ҳарфидан сўнг “коф” ҳарфи келса, “нун” тақтиъда эътиборга олинмайди. Масалан, **янглиғ, тўнглук** каби сўзларда. Ушбу сўзлар фаълун (– –) рукнини вужудга келтиради. “Бошқача айтганда, бўғинни якунловчи ҳарф “коф” ҳисобланади ва бу биринчи бўғиннинг чўзиқ ҳамда тақтиъдаги рукнга мос бўлиши учун старлидир. Шу сабабли “коф” ҳарфидан аввал келаётган “нун” ҳарфи тақтиъдан соқит қилинади, яъни ортиқча ҳисобланади”<sup>63</sup>.

Тадқиқотда келтирилишича, Навоий ва Бобурнинг рисолалари туркий шеър шакллари ҳақидаги маълумотларнинг келтирилиши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Гарчи ушбу шакллар қатъий аruz қонуниятларига мос келмаса-да, лекин туркий шоирлар амалиёти туфайли аruz тизимининг муайян баҳрларига мослаштирилган, улар орасида *туюқ* мумтоз лирик шеър навъи сифатида жанрий хусусиятлар касб этиб улгурган эди: ҳажман икки байтдан иборат бўлиши, рамал баҳрида яратилиши ва рубоий каби қофияланиш тизимиға эгалилик ва қофияда тажниснинг риоя қилиниши шулар жумласидандир.

Умуман олганда, темурийлар даври арузшунослигининг илмий таҳлили асосида қуйидагича холосаларга келиш мумкин:

---

<sup>62</sup> Стеблева И.В. Тюркская поэтика: этапы развития: VIII-XX вв. – М.: Восточная литература, 2012. – С.112.

<sup>63</sup> Стеблева И.В. Там же. – С. 114.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари туркий шеършунослик, хусусан арузшуносликка доир илк назарий қўлланма бўлиб, унинг давр адабий ва маданий муҳитини очиб беришдаги аҳамияти таҳлил қилингани ҳолда, туркий шеършуносликнинг шаклланиши ва ривожидаги ўрни, арузшуносликдаги бошқа манбалар билан муносабати етарлича тадқиқ этилмаган.

Замонавий шеършуносликда Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ усанойиъ” асари илми бадиъ нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ қилингани ҳолда унинг “Муқаддима”сида келтирилган аruz илми билан боғлиқ ва муаллифнинг ўз даврининг етук арузшунос олими сифатидаги қиёфасини очиб берувчи илмий-назарий қараашлари етарлича ўрганилмаган.

Туркий рисолалар, хусусан Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари бўйича яратилган тадқиқотларда олимлар рисолани форсий арузга доир бошқа рисолалар билан қиёсламаганликлари учун арузшуносликда баъзи янглиш хulosалар келиб чиққан.

Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ва Захириддин Бобурнинг “Аруз рисоласи” темурийлар даврида туркий арузшунослик; Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолай аруз” ва Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарлари эса ушбу даврда форсий арузшунослик шеършуносликнинг мустақил тармоғи сифатида шакллангани ва такомилига етганлигини кўрсатадики, уларни қиёсий аспектда монографик планда тадқиқ этиш бугунги кун арузшунослигининг долзарб масаласидир.

### **1.3. Рисолалар учун асос бўлган назарий манбалар таҳлили**

Ўрта асрларга келиб, арузшунослик кўплаб ютуқларга эришди: янги баҳрлар, доиралар, вазнлар кашф этилди, аruz илмига янги истилоҳ ва тушунчалар олиб кирилди. Араб, форс ва туркий тилларда ушбу илмнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган кўплаб рисолалар яратилди. Мазкур рисолаларда Халил ибн Аҳмад томонидан бир тизимга келтирилган аruz илми

назарий жиҳатдан мукаммалашган ва кенгайтирилган бўлса-да, муаллифлар камтарлик юзасидан ўз рисолаларини устозлари Халил ибн Аҳмад асарининг баёни ёки шарҳи деб таъкидладилар. Хусусан, “Меъёр ул-ашъор”нинг муаллифи Насириддин Тусий шундай ёзди: “Арузийларнинг одатича, ҳар бир вазнни тушунтиришда мисол тариқасида байт келтирадилар. Ва улар араб арузидан айнан Халил ибн Аҳмад келтирган байтни келтирадилар. Шу сабабли биз ҳам ушбу байтларни айнан ўзгаришсиз келтирамиз ва у (Халил ибн Аҳмад) келтирган зихофлар намуналарини қисқартирилган ҳолда берамиз... Биз ишни Тавил баҳрини келтиришдан бошлаймиз, зеро Халил ибн Аҳмад шу йўлдан борган ва бошқалар ҳам унга эргашган эдилар”<sup>64</sup>. Ушбу фикрлардан кўринадики, Халил ибн Аҳмаддан кейин яратилган арабий ва форсий манбаларнинг аксариятида “араб филологиясининг отаси”га эргашиш бор.

Темурийлар даврига келиб яратилган рисолаларда эса энди бевосита Халил ибн Аҳмадга эмас, унинг издошлари асарларига суюниш тамойили бошланади. Ҳар бир муаллиф ўzlари истифода этган манбаларни кўрсатиш асносида муайян тарзда аruz тизимиға ўз ёндашувларини ҳам келтириб ўтганлар. Шу маънода бу давр арузшунослигида қайд этилган манбаларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш мумтоз олимларимизнинг ушбу илмдаги издошликлари ва новаторликларини аниқлашга имкон беради.

Муаллифлар ўzlари истифода этган ва таъсирланган манбаларнинг номларини рисолаларнинг муқаддимаси ва турли ўринларида айтиб ўтганлар. Хусусан, Шайх Аҳмад Тарозий асарнинг аruzга доир бўлими муқаддимасида шундай ёзади: “Бу ҳавастин кўп нусхаларни мутолаа қилди, нетокким, “Арузи қистос” ва “Арузи Ундулусий” ва ”Меъёр-ул ашъор” ва бу тариқа нусхаларнинг баҳрларида кўп ғаввослиқ қилдуқ”<sup>65</sup>. Алишер Навоий ҳам “Мезон ул-авzon”га ёзилган муқаддимада ўзидан аввал яратилган аruzга доир манбалар: Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Насириддин Тусийнинг

<sup>64</sup> Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳо чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С.52-53.

<sup>65</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли кўлёзма). – С. 76 б.

“Меъёр ул-ашъор”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарларига тўхталиб ўтади<sup>66</sup>. Демак, маълум бўладики, ушбу манбалардаги асосий тушунчалар, унсурлар ва талқинлар бу давр арузшунослигининг шаклланишида муайян тарзда мезон бўлиб хизмат қилган. Шу боис, ушбу манбалар билан темурийлар даври рисолалари орасидаги таъсир масалаларини ўрганиш аҳамиятли бўлиб, бу орқали форсий ва туркий арузниң такомили ҳамда ривожини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Арузшуносликда ҳалигача ушбу рисолаларнинг ўзидан кейинги рисолаларга таъсири масалалари ўзаро қиёсий жиҳатдан ўрганилмаганлиги мазкур рисолалар тадқиқининг заруратини оширади.

Даставвал ватандошимиз **Маҳмуд Замахшарийнинг** аруз илмига бағишлиланган рисоласига тўхталиб ўтамиз. Маълумки, Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) Марказий Осиёдан етишиб чиққан ва жаҳон тамаддуни хазинасини илм соҳасининг турли тармоқларига доир элликдан ортиқ асарлари билан бойитган йирик олимдир. Унинг араб грамматикаси, лугатшунослик, география, тафсир, ҳадис, фикҳ, аруз илмига оид кўплаб асарлари Шарқу Ғарбда бирдай шухрат тутган. Олимнинг “Ал-муфассал”, “Муқаддимат ул-адаб”, “Китоб ал-жимол”, “Ал-кашшоф”, “Асос ал-балоғат” каби асарлари ўзбек<sup>67</sup>, рус, шарқ ва ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиб, аксарияти жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Замахшарий асарлари орасида “Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ал-аруз” (“Аруз илмига доир ҳақиқий мезон”) рисоласи нисбатан кам ўрганилган асар бўлиб, замонавий шеършунослик нуқтаи назаридан маҳсус тадқиқ этилмаганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Асарнинг кўплаб қўлёзма нусхалари мавжуд: ҳозирда улар жаҳоннинг машҳур қутубхоналари, жумладан Ҳалаб миллий қутубхонаси, Ашир Афанди номли ёзувчилар

---

<sup>66</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авzon. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: F.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 534.

<sup>67</sup> Ўзбек олимларидан А.Рустамов, У.Турсунов, У.Уватов, З.Исломов, М.Ҳакимжонов ва бошқаларнинг Маҳмуд Замахшарий ижодининг турли қирралари бўйича қилган эътиборли тадқиқотлари бор.

уюшмаси кутубхонаси, Берлин кутубхонаси, Лейден (Голландия) шахри ва Миср китоблар уйида сақланади.

“Ал-Қистос ал-мустаким фи илм-ал-аруз” (қисқача “Ал-қистос”) арабистонлик олим Доктор Фахриддин Қабова томонидан Байрутда 1989 йилда шарҳ ва изоҳлар билан нашр этилган. Биз тадқиқотимизда мазкур нашр ҳамда асарнинг Миср китоблар уйида 416 инвентарь рақами остида сақланувчи, ҳижрий 538 йилда кўчирилган нусхасидан фойдаландик.

“Ал-қистос” асари муқаддима ва турли ҳажмдаги беш фасл, баҳрлар тавсифи ва кичик хотимадан иборат. Муқаддима мусулмон Шарқидаги анъанага кўра, ҳамд ва наът билан бошлангач, рисолани тартиб бериш билан боғлиқ сабабларга тўхталиб ўтилади. Муаллиф адабиёт илмлари ҳозирги замонда анча сўниб қолди, кўпчилик бу илмлардан бехабар, деган маънода сўз юритар экан, бу жаҳолатни бартараф этган киши “имом, улуғ устоз, аср яктоси, араб ва ажам фахри, замон жамоли Нажмуддин” эканини таъкидлайди ҳамда ушбу асарда бу илмдан нима келтирилган бўлса, ул зотнинг хазинасидан олинганилигини айтади. Шу зотнинг остонасига бош уриши натижасида аruz илмига доир катта илмга эга бўлганини, унга бу мавзуда илгари ҳеч кимга очилмаган йўл очилганини айтиб, ўша асосда мазкур асарни битганлигини ва устозининг кўригидан ўтказганини баён қиласи<sup>68</sup>.

Шунингдек, Замахшарий асарнинг муқаддимасида адабий илмлар таснифини келтирас экан, уларни 12 синфдан иборат деб билади: 1) луғат илми, 2) амалий илм, 3) иштиқоқ илми, 4) эъроб (флексия) илми, 5) маъоний илми, 6) баён илми, 7) аruz илми, 8) қофия илми, 9) наср яратиш илми, 10) шеър айтиш илми, 11) китобат илми, 12) муҳозара (нотиқлик) илми<sup>69</sup>. Олимнинг фикрича, шеършунослик илмини яхши эгаллаш учун юқоридаги илмлардан хабардор бўлиш талаб этилади. Ушбу тасниф кейинчалик ажам олимлари томонидан жузъий ўзгартиришлар билан қабул қилиниб, кўплаб

<sup>68</sup> Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустаким фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 14. (араб тилида).

<sup>69</sup> Маҳмуд Замахшарий. Юқоридаги манба. – С. 15–16.

шеършунослар мазкур адабий илмлар классификаторини ўз рисолаларида асос қилиб оладилар<sup>70</sup>.

Рисоланинг биринчи фасли шеър таърифига бағишиланган. Замахшарий ўз даври арузшунослари араб шеърига ёндашувда ихтилофли фикрда эканликларини айтади. Муаллифнинг фикрича, агар араб шеъри арузнинг анъанавий баҳрларидан ташқарига чиқиб, янгича вазнларда айтилса ҳам, уни шеър деб аташ мумкин, зеро араб назмининг асоси унинг тилига, яъни араб тилида ёзилганлигига боғлиқ. Лекин бундай шеърни шеър тан олмайдиганлар ҳам борки, улар араб шеърияти арузнинг мавжуд баҳрларida яратилиши лозим деб ҳисоблайдилар. Биринчи йўлни тутганлар шеърни “мазмун ифодалайдиган вазнли, қофияли сўз” дея таърифлайдилар.

Асарда “аруз” сўзининг луғавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтилади. “Аruz” сўзи чет, чекка маъносини билдирувчи “урз” сўзидан олинганлиги, баъзиларнинг фикрича, биринчи мисранинг охири, яъни чети аруз деб аталганлиги, кейинчалик эса бу сўз вазнлар илмига нисбатан ишлатилаётганлиги билан боғлиқ фикрлар келтирилади. Шунингдек, атаманинг вужудга келишида уйнинг устуни маъносидаги “аруз” сўзи ҳам назарда тутилган деган фикр ҳам бор. Бу таърифларнинг аксарияти кейинчалик Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарида деярли ўзгаришсиз келтириб ўтилган.

Асарнинг иккинчи фасли<sup>71</sup> аруз назариясига доир муҳим бирликлар: жуввлар таърифига бағишиланган. Булар *сабаби хафиф* ва *сабаби сақил* (енгил ва оғир сабаб), *ватади мажмуъ* ва *ватади мафруқ* (бириккан ва ажralган ватад) ҳамда *фосилаи суэро* (кичик фосила)дир. Муаллиф улардан анъанавий арузшуносликда мавжуд *фосилаи кубро* (катта фосила)га тўхтаб ўтмайди. Жуввлар таърифидан сўнг улардан ҳосил бўлувчи аслий рукнларга

---

<sup>70</sup> “Фиёс ул-луғот” асарининг муаллифи Муҳаммад Фиёсүддин адабий илмларга қўйидаги 12 тадан илмни киритади, уларнинг аксарияти Замахшарий таснифи билан мос келади: 1) сарф илми; 2) иштиқоқ илми; 3) луғат илми; 4) баён илми; 5) маоний илми; 6) бадеъ илми; 7) нахв илми; 8) қофия илми; 9) аруз илми; 10) танқидчилик илми; 11) иншо илми; 12) китобат илми.

<sup>71</sup> Асарда фасллар ракамланмаган. Биз шартли равишда уларни кетма-кетликда шундай ракамладик.

тўхталинган. Маълумки, Замахшарийгача яратилган арузга доир асарларда аслий руқнлар таркибида содир бўлувчи ўзгаришлар зиҳоф ва иллатларга ажратилар эди. Лекин “Ал-қистос”да барча ўзгаришлар умумийликда кўрсатилиб, ҳар бир аслий руқндан ҳосил бўлувчи тармоқ руқнлар таҳлил қилинган. Бундай ёндашув кейинчалик туркий шеършуносликка доир илк назарий манба - Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида ҳам кузатилади. Тарозий ўз асарини ёзишда Замахшарийнинг ушбу рисоласидан фойдаланганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик.

Кейинги фаслда доиралар таърифига ўтилади. Маълумки, *аруз доиралари* руқнлар, улардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар сонининг тенглигига кўра ўзаро яқин бўлган баҳрларнинг гуруҳлаштирилган айланаси бўлиб, “Ал-қистос”да жами 5 та доира келтирилган. Улардан биринчиси “Доираи мухталифа” (*турли хил, ихтилофли*) деб номланган. Бу доира *Тавил, Мадид* ва *Басит* баҳрларини ўз ичига олади. Мазкур доиранинг бундай номланишига сабаб ушбу баҳрлар турли, яъни икки хил аслий руқнлардан таркиб топади. Хусусан, *Тавил* фаувлун (*V--*) ва мафоийлун (*V---*), *Мадид* фоилотун (*-V-*) ва фоилун (*- V -*), *Басит* мустафъилун (*- -V -*) ва фоилун (*- V -*) руқнларининг ўзаро алмашиниб тақрорланишига асосланади.

Асарда келтирилган иккинчи доира “Доираи муштабиҳа” бўлиб, у *Ҳазажс*, *Рамал* ва *Ражаз* баҳрларидан тузилган. Шу тариқа “Ал-қистос”да қолган доиралар: “Доираи мұтталифа”, “Доираи мұжталиба” ва “Доираи мұттафиқа” ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилади.

Рисоланинг навбатдаги фаслидан бошлаб баҳрлар тавсифига тўхталиб ўтилади. Баҳрлар улар мансуб бўлган доиралар кетма-кетлигига келтирилади. Шу маънода “Ал-қистос”да 16 та баҳр тавсифланганлигини қузатиш мумкин. Бу баҳрлар қуйидагилардир: 1) *Тавил*; 2) *Мадид*; 3) *Басит*; 4) *Воғир*; 5) *Комил*; 6) *Ҳазажс*; 7) *Ражаз*; 8) *Рамал*; 9) *Саріъ*; 10) *Мунсарих*; 11) *Хафиғ*; 12)

*Музориъ; 13) Муқтазаб; 14) Мужтасс; 15) Мутақориб; 16) Ракз (Мутадорик)<sup>72</sup>.*

Асарда баҳрлар икки қисмга ажратилиб тасниф қилинган: 1) муттафиқ ул-аркон (бир хил аслий руқнлардан ташкил топган баҳрлар). Буларга *Комил, Вофир, Ҳазаж, Ражаз, Рамал, Мутақориб, Ракз (Мутадорик)* баҳрлари киритилган; 2) муҳталиф ул-аркон (турли аслий руқнларнинг тақороридан ҳосил бўладиган баҳрлар). Буларга *Тавил, Мадид, Басит, Саріъ, Мунсарих, Хафиғ, Музориъ, Муқтазаб, Мужтасс* баҳрлари киради. Баҳрларни бу тарзда тасниф қилиб ўрганиш уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари (қандай руқнлардан таркиб топганлиги)ни ўзлаштиришга ёрдам беради. Айнан шу тасниф кейинчалик Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, сал кейинроқ эса Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аruz рисола”сида асос қилиб олинади.

“Ал-қистос”да баҳрларнинг умумий таърифидан сўнг вазнлар таҳлилига ўтилади. Замахшарий ўз рисоласида вазнларга мисол сифатида Халил ибн Аҳмад асарида келтирилган байтлардан, Али (р.а.) ҳикматларидан, Имрул Қайс, Абул Асвад ад-Дуъалий, Язид ибн ал-Ҳаззоқ, Тарафий каби ижодкорларнинг шеърларидан фойдаланадики, бу ҳолат замонавий китобхонни бизгача етиб келмаган Халил ибн Аҳмад асарининг айрим жиҳатлари ҳамда қадимги давр араб шеърияти билан қисман бўлса-да таништиришга имкон яратади. Демак, кўринадики, “Ал-қистос”да келтирилган зихофларга муносабат, баҳрлар таснифи билан боғлик ўринлар кейинчалик темурийлар давридаги туркий рисолалалар: Шайх Аҳмад Тарозий, Бобурнинг асарларида анъанавийлик касб этяпти.

Темурийлар даври арузшунослиги, хусусан Шайх Аҳмад Тарозий рисоласи учун назарий асос вазифасини ўтаган яна бир араб тилидаги манба бу “**Арузи Андалусий**” асаридир. Бу манба ҳам замонавий арузшуносликда маҳсус тадқиқ этилмаган, ҳатто шу кунгача ўзбек олимлари томонидан

---

<sup>72</sup> Ракз ёки Мутадорик баҳри арузшуносликка Халил ибн Аҳмаддан кейин унинг издоши ва шогирди Абулҳасан Ахфаш Балхий томонидан (ваф. 830/833) киритилган.

муаллифи номаълум асар сифатида тилга олиб келингган<sup>73</sup>. Аслида “Арузи Андалусий” асари араб олими Абу Жайш ал-Ансорий ал-Мағрибий Андалусий (ваф. 1229) қаламига мансуб бўлиб, манбаларда у ҳақда жуда кам маълумотлар учрайди. Турк сайёҳи ва олими, Котиб Чалабий номи билан машҳур бўлган Ҳожи Халифа (1609-1657) ўзининг “Кашф уз-зуннун” асарида Андалусийнинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Муҳаммад эканлиги, “Абу Жайш” (аскарнинг отаси) номи билан шухрат топганлиги, “Арузи Андалусий” номли асар ёзганлиги ва ҳижрий 626 йилда вафот этганлиги ҳақида маълумот келтиради. Шунингдек, Имом Абдул Қадир ал-Бағдодийнинг “Хазинат ул-адаб” асарида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар деярли такрорланади. “Арузи Андалусий” аruz илмига доир муҳтасар услубда битилган рисола бўлиб, шеърий йўлда ёзилган. Д.Фролов ўзининг “Классический арабский стих” асарида араб арузшунослигининг тадрижий тараққиёти ҳақида гапирав экан, XIII асрлардан бошлаб арузга доир шарҳ (баён) йўсинида ёки назмда битилган рисолалар ёзила бошланганлигини, уларнинг аксарияти ушбу илмни ўзлаштириш ва ёд олиш учун мўлжалланганлигини айтади<sup>74</sup>. “Арузи Андалусий” назмда битилгани учунми, орадан бир аср вақт ўтиб, унга кўплаб шарҳлар ёзила бошланган. Улардан энг дастлабкиси ва нисбатан мукаммали фақиҳ Абдулмуҳсин бин Муҳаммад ал-Қайсарий ал-Румий (ваф. 761/1360) томонидан амалга оширилган бўлиб, қўлёзма нусхаси Саудия Қироллиги университети кутубхонасида сақланади. Қўлёзмага “Баён мушкулот ал-муҳтасар фи илм ал-аруз ал-мавсум би Андалусий” деб сарлавҳа қўйилган. Мусанифнинг маълумотига кўра, қўлёзма 22 сахифадан иборат бўлиб, матн 12 см x 15 см ҳажмдаги қоғозга ёзилган, ҳар бир варакда 21 сатр бор. Бир сатр 14-16 сўзни ўз ичига олади. Ҳошияга котиб томонидан баъзи изоҳлар киритилган. Ушбу шарҳ Абдулҳодий Абдураҳмон ал-Шовий томонидан

<sup>73</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А. Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 1. – Б. 70-73; Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 383.

<sup>74</sup> Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруды. – М.: Наука. 1991. – С.8.

батафсил изоҳлар билан Куфа университети журналида 2017 йилда эълон қилинган<sup>75</sup>. Биз тадқиқотимизда ушбу нашрдан фойдаландик.

“Арузи Андалусий” мусулмон Шарқига хос анъанавий муқаддима, асосий қисм ва асар яқунланганига шукронга тарзида битилган кичик хотимадан иборат. Дастреб Оллоҳга ҳамд ва Пайғамбар (с.а.в.)га наът айтилгач, аruz илми ҳақида умумий маълумотлар (асосчиси Халил ибн Аҳмад эканлиги, Ахфаш унинг шогирди сифатида бу илмга янгиликлар қўшганлиги, асарда тилга олинган баҳр ва зихофлар сони) келтирилади. Шеърнинг асосини байт ташкил қилиши айтилиб, унинг бўлаклари руқнлар асосида таҳлил қилинади: байтнинг биринчи мисрасидаги аввалги руқн *садр*, сўнгги руқн *аруз*, иккинчи мисранинг илк руқни *ибтидо*, сўнгги руқни *зарб* деб аталиши, бу руқнлар орасидаги бўлаклар ҳашив номи билан юритилишига изоҳ берилади. Сўнг муаллиф арузнинг энг кичик бирликлари – жузвлар талқинига тўхталар экан, анъанавий уч жузв: сабаб, ватад ва фосилага таъриф беради, уларнинг ҳар бири яна иккига (сабаби хафиғ, сабаби сақил; ватади мажмуъ, ватади мафруқ ва фосилаи суғро, фосилаи кубро) бўлинишини айтади. Муаллиф ушбу жузвлар аслий руқнларни вужудга келтиришини таъкидлаб, арузийлар (арузшунослар) орасида аслий руқнлар борасида ихтилофлар борлиги, улардан Жавҳарий деган олим бу масалага алоҳида ёндашганлигини айтиб ўтади. Маълумки, Исломил Жавҳарий (тахм. 940, Фороб – 1008, Бағдод) келиб чиқиши туркий ҳисобланган арабзабон олимлардан бўлиб, унинг аruz қонун-қоидаларига бағищланган “Арузи вурқатий” деган асари бор. Асарда муаллиф Халил ибн Аҳмад таълимотига баъзи ислоҳотлар киритади: аслий руқнлар сонини 8 та эмас, 7 та деб кўрсатади (Жавҳарийда *мағъувлоту* руқни келтирилмаган); баҳрлар миқдорини Халилдан фарқли равишда 12 та деб ҳисоблайди (унингча, *Сарив*, *Мунсариҳ*, *Муктазаб* ва *Мужтасс* баҳрлари аruz илми учун ортиқча, чунки моҳиятан *Сарив* *Баситнинг*, *Мунсариҳ* ва *Муктазаб*

---

<sup>75</sup> Абдулҳодий Абдураҳмон ал-Шовий. Абу Ал-Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг “Арузи Андалусий” асарига Абдулмуҳсин ал-Қайсарий шархи тадқиқи. – Куфа университети журнали, 2017. – № 45. – С. 149-206. (араб тилида).

эса *Ражазнинг*, *Мужтасс* эса *Хафифнинг* бир туридир)<sup>76</sup>. Андалусий салафининг ушбу фикрига ижобий муносабат билдиргани ҳолда, ўз асарида Халил таълимотига содик қолади. Унда саккиз аслий руқннинг барчаси жузвлар таркиби бўйича қуидагича тақсимланган:

1. Фаувлун (فَعْلُنْ) – бир ватади мажмӯъ (*V –*) “فَعْوٌ” (*fayv*) ва бир сабаби хафиф (*–*) “لُنْ” (*lun*)дан иборат бўлади (*V – –*).

2. Фоилун (فَاعْلُنْ) – бир сабаби хафиф (*–*) “فَأَوْ” (*fo*)ва бир ватади мажмӯъ (*V –*) “عَلْنٌ” (*ilun*)дан таркиб топади (*– V –*).

3. Мафоийлун (مَفَاعِلُنْ) – бир ватади мажмӯъ (*V –*) “мафо” ва бир сабаби хафиф (*–*) “ий” ҳамда яна бир сабаби хафиф (*–*) “лун”дан таркиб топади (*V – – –*).

4. Мустафъилун (مُسْتَفْعِلُنْ) – икки сабаби хафиф (*– –*) “мустаф” ва бир ватади мажмӯъ (*V –*) “илун”дан ташкил топади (*– – V –*).

5. Фоилотун (فَاعْلَتُنْ) – бир сабаби хафиф (*–*) “фо”, бир ватади мажмӯъ (*V –*) “ило” ва бир сабаби хафиф (*–*) “тун” дан таркиб топади (*– V – –*).

6. Мафоилатун (مَفَاعِلَتُنْ) – бир ватади мажмӯъ (*V –*) “мафо” ва фосилаи суғро (*V V –*) “илатун”дан ташкил топади (*V – V V –*).

7. Мутафоилун (مُتقَاعِلُنْ) – бир фосилаи суғро (*V V –*) “мутафо” ҳамда бир ватади мажмӯъ (*V –*) “илун”дан иборатдир (*V V – V –*).

8. Мафъувлоту (مَفْعُولَاتُهُ) – икки сабаби хафиф (*– –*) “мафъув” ва бир ватади мафруқ (*– V*) “лоту”дан таркиб топади (Аслий руқнлар таркибининг бу тарздаги изоҳи Шайх Аҳмад Тарозий рисоласида айнан такрорланган).

Маълумки, аruz илмида аслий руқнларнинг турли ўзгаришларга учраши натижасида зихофлар ҳосил бўлади. Арузшунослиқда уларнинг микдори борасида ҳар хилликлар бор. Форсий манбаларда асл араб зихофлари 22 та

---

<sup>76</sup> Бу ҳақда қаранг: Калиева Ш.С. Творчество Исмамля ал-Джаухари и его место в арабской филологии. Авт. дисс. .... канд. филол. н. – Ташкент, 2002. – С. 17.

эканлиги айтилади<sup>77</sup>. Лекин “Арузи Андалусий”да 34 та зихоф келтирилган бўлиб, уларнинг баъзилари араб тилида яратилган аввалги рисолаларда учрамайди. Андалусий келтирган зихофлар қуидагилардир: *хабн, тайй, қабз, кафф, хабл, шакл, измор, вақс, хазл, асб, ақл, нақс, ҳазф, қатф, касф, қатъ, ҳазз, қаср, батр, вақф, салм, ташъис, изола, тасбиз, тарфил, ссалм, сарм, ғазб, қасм, ақс, жамм, харм, харб, шатр*. Ушбу зихофларнинг аксарияти кейинчалик ҳеч ўзгаришсиз “Фунун ул-балоға”га ўтганлигини кузатиш мумкин. Таққослаш учун ҳар икки асарда тилга олинган зихофларни келтирамиз:

<b>Зихоф номи</b>	<b>“Арузи Андалусий”</b>	<b>“Фунун ул- балоға”</b>
1. Хабн	+	+
2. Тайй	+	+
3. Қабз	+	+
4. Кафф	+	+
5. Хабл	+	+
6. Шакл	+	+
7. Измор	+	+
8. Вақс	+	+
9. Батр	+	+
10. Хазл	+	+
11. Асб	+	+
12. Ақл	+	+
13. Нақс	+	+
14. Ҳазф	+	+
15. Қатф	+	+

<sup>77</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 50; Вахид Табризи. Джам-и муҳтасар / Критический текст, перевод и примечания А.Е.Бертельса. – М.: Восточная литература, 1959. – С. 31.

16. Касф (кашф)	+	+
17. Қатъ	+	+
18. Ҳазз	+	+
19. Қаср	+	+
20. Вакф	+	+
21. Салм	+	+
22. Ташъис	+	+
23. Изола	+	+
24. Тасбиф	+	+
25. Тарфил	+	+
26. Ссалм	+	+
27. Сарм	+	+
28. Ғазб	+	-
29. Қасм	+	+
30. Ақс	+	+
31. Жамм	+	+
32. Харм	+	+
33. Харб	+	+
34. Шатр	+	+
35. Ҳажф	-	+
36. Кабл	-	+

Күринадики, ҳар икки рисоладаги зихофлар деярли ўхшаш бўлиб, факат “Арузи Андалусий”да келтирилган ғазб зихофи “Фунун ул-балоға”да, “Фунун ул-балоға”да келтирилган “кабл” ва “ҳажф” зихофлари эса “Арузи Андалусий”да учрамас экан.

Асарда араб шоирлари ал-Мутанаббий, ибн ал Кайс, ал-Бухтурий каби ижодкорлар билан бир қаторда Исломил Жавҳарий, Маҳмуд Замахшарийларнинг номлари келтирилиши асар муаллифининг ўзигача мавжуд арузга доир манбалар билан яхши таниш бўлганлигини кўрсатади.

Демак, маълум бўляптики, “Арузи Андалусий”да келтирилган аслий руқнлар таркибининг изоҳи, зихофлар номи ва моҳияти билан боғлиқ ўринларда Шайх Аҳмад Тарозий андалусиялик салафи Абу Жайш ал-Ансорий рисоласига таянган.

Бу давр арузшунослиги учун назарий асос сифатида хизмат қилган манбалардан яна бири форсий арузшуносликка доир бизгача етиб келган илк рисола Шамс Қайс Розийнинг **“Ал-мўъжам фи маъойири ашъор ул-ажам”** (қисқача “Ал-мўъжам”) асаридир<sup>78</sup>. Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балоға” асарида маълумот берилишича, форс арузи ва қофиясига доир илк асар ёзган олимлар Абул Аълоий Шуштарий ва Абу Юсуф (10 аср)лар бўлиб<sup>79</sup>, афсуски, бу асарлар бизгача етиб келмаган. Шунингдек, Низомий Арузий Самарқандий (1160 й.да в.э.) ҳам ўзининг “Чаҳор мақола” асарида Абулҳасан Али Баҳром Сараҳсий (1106 й.да в.э.) аruz илмига доир “Фоят ул арузайн” асарини ёзганлиги ҳақида маълумот беради<sup>80</sup>, лекин бу асар ҳам ҳали топилгани йўқ. Шу маънода замонавий арузшунослиқда “Ал-мўъжам” асари форсий тилдаги илк манба сифатида эътироф этилади.

Шамсуддин Муҳаммад ибн Шамс Қайс Розий (XIII аср) Эроннинг Рой шаҳрида таваллуд топган бўлиб, таҳсил олиш мақсадида Мовароуннаҳр ва Хуросонга келади ҳамда Хоразмшоҳ Саид Муҳаммад ибн Такаш ҳукмронлиги даврида дастлаб Бухорода, сўнг Хоразмда яшайди, Хоразмшоҳлар саройида

<sup>78</sup> Асар юзасидан олиб борилган талдикотлар ҳақида қаранг: Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики //Шамс Қайс Розий. Свод правил персидской поэзии. – М.: Восточная литература. 1997; Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. – Тошкент, 2008. – Б.78–79; Мусульманкулов Р. Персидско- таджикская классическая поэтика (Х-ХVвв. ) – М.: Наука, 1989; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 1997: Юсупова Д. Сравнительный анализ ранних трактатов об арузе на персидском и тюркском языках / Наука вчера, сегодня, завтра (Сб. ст. по материалам VIII междунар. науч.-практ. конф.) № 1 (8). Новосибирск: Изд. «СибАК», 2014. – С. 66 –72.

<sup>79</sup> Муҳаммад ибн Умар Родуёний. Таржумон ул-балоға. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 11.

<sup>80</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар / Форсий тилдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Т.: Г.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б. 32.

турли юқори лавозимларда фаолият олиб боради. Бу ҳақда “Ал-мўъжам” асари дебочасида таъкидлаб ўтилади. Асар дастлаб Сайд Муҳаммад ибн Такаш таклифига биноан араб тилида “Ал-мўъраб фи маъойири ашъор-ул-араб” номи билан ёзила бошлаган (1218). Кейинчалик ўз даври уламоларининг илтимосига қўра, муаллиф асарни форс тилига ўтиради. Илмий тадқиқотларда Шамс Қайс Розийнинг турк тили грамматикаси ҳақида Жалолиддин Хоразмшохга бағишиланган “Тибъён ул-луғат ат-турки ала лисон қанғли” (“Турк тилининг қанғли тилидаги муфассал баёни”) номли асар ҳам ёзганлиги айтиб ўтилади<sup>81</sup>. Бу маълумотлар муаллифнинг туркий тилни ҳам мукаммал билганлиги, эҳтимол, асли келиб чиқиши туркий бўлганлиги билан боғлик фаразни илгари суришга имкон беради. Афсуски, олимнинг “Ал-мўъжам”дан бошқа асари бизгача етиб келмаган.

“Ал-мўъжам” муқаддима, икки асосий қисм ҳамда хотимадан иборат. Асарнинг аввалги қисми аruz илми таҳлилига бағишиланган. Иккинчи қисм эса илмлар учлигининг кейинги икки тармоғи: қофия ҳамда бадиий санъатлар талқинидан иборат. Муаллиф аruz билан боғлик масалаларни тўрт бобда баён қилади. Дастлабки боб арузнинг маънолари, руқнлар шарҳи ҳамда арузий истилоҳлар ҳақида бўлиб, муаллиф дастлаб наср ва назм тушунчаларини фарқлар экан, аruzга шундай таъриф беради: “Билгилки, мансур сўз мезони наҳв (синтаксис) бўлганидек, манзум сўз мезони аруздир”. Аruz дейилишига сабаб сифатида муаллиф қуйидаги фикрни келтиради: “У шунинг учун ҳам аруздирки, шеърни унга арз қиласилар”<sup>82</sup>. Рисоладаги анъанага қўра, олим бирор истилоҳ хусусида сўз юритганда, аввал унинг луғавий, кейин эса истилоҳий маъносини келтириб ўтади. Масалан, байт ва унинг тузилиши ҳақида сўз борар экан, унинг арабча “уй” эканлиги, бу тушунча қадимги арабларнинг чодири билан боғланишини таъкидлаб, сўнгра садр, ибтидо, аruz

<sup>81</sup> Бу ҳақда қаранг: Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231). – М., 1986; Шамс ад-дин Муҳаммад ибн Қайс ар-Рази. Свод правил персидской поэзии. Ч.П. О науке рифмы и критики поэзии (Перевод с персидского, исследование и комментарий Н.Ю.Чалисовой). – М.: Наука, 1987. – С. 46.

<sup>82</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзехот ва хозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.31.

ва зарб тўғрисида маълумот беради. Ёки сабаб – *арқон*, ватад – *ёғоч қозик*, фосила – *икки этак ораси* маъноларини билдиришини айтиб ўтар экан, ушбу тушунчаларнинг аruz фанида кейинчалик истилоҳ кўринишини олганлигини асослайди. Бундай ёндашув кейинроқ темурийлар даврига оид форсий рисола – Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарида ҳам кузатилади.

Шамс Қайс Розийнинг фикрича, аruz ўлчовининг мадори уч руқн асосига қурилган бўлиб, булар: сабаб, ватад ва фосиладир<sup>83</sup>. Ушбу руқнлар ўз навбатида яна иккига ажратилади. Бобда баъзи арузшуносларнинг руқнларнинг ҳар бирини яна уч қисмга ажратишларига доир муаллифнинг салбий муносабати келтирилган<sup>84</sup>.

Арузга доир қисмнинг иккинчи боби руқнлар таркибидан ҳосил бўлувчи жузв ва вазнлар таҳлилига бағишиланган. Муаллиф дастлаб ҳар бир руқннинг ёлғиз ўзидан таркиб топган байтларни келтирад экан, бундай байтлар табъга маъқул ва хушоҳанг эмаслигини таъкидлайди. Хусусан, фақат сабаби хафиғдан таркиб топган байт:

*To kai mоро дар ғам дорй  
To kai бар мо орй хорй?*<sup>85</sup>

(Мазмуни: Қачонгача бизни ғамда ушлайсан, қачонгача бизга хорлик ор бўлиб қолади?)

Бир руқннинг ўзидан матбуъ шеър ҳосил бўлмаслиги билан боғлиқ бундай фикр “Ал-мўъжам”дан кейин ёзилган арузга доир деярли барча рисолаларда анъанага айланди. Алишер Навоий “Мезон-ул авзон” (“Вазнлар ўлчови”) асарида фақат *сабаблардан* таркиб топган байт сифатида қуидаги мисолни келтирса:

*Эй ой, келким, ёрингдурмен,*

<sup>83</sup> Бунда Шамс Қайс Розий “руқн” истилоҳи остида жузв (арузнинг энг кичик бирлиги)га ишора киляпти.

<sup>84</sup> Рисолада Шамс Қайс Розий айнан қайси арузшуносга ишора қилганлиги айтилмаган, Бобур ўз асарида номи тилга олинмаган ушбу арузшуноснинг таснифини ёқлайли ва маълум маънода буни асослайди. Бу хақда ишимизнинг кейинги бобида фикр юритамиз.

<sup>85</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 45.

*Фурқат шоми зорингдурмен<sup>86</sup>,*

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида мисол Қайс Розий байтига шаклан анча яқинdir:

*Ҳар дам пешат дорам зорй,  
К-аз ғам то кай зорам дорй?*

(Таржимаси:

*Васлинг истаб зорингдурман,  
Токай ғамдан хорингдурман)*

Бобур эса “Рисолаи аruz” асарида “Ал мўъжам”даги байтни айнан келтиради<sup>87</sup>.

“Ал-мўъжам”да сабаб, ватад ва фосиладан ҳосил бўлувчи бўлаклар асллар (аслий рукнлар) деб кўрсатилган. Асарда араб арузидан фарқли равишда, ўнта асл тилга олинади. Муаллифнинг фикрича, Халил ибн Аҳмад аслларни саккизта деб кўрсатган, арузда лекин *фои-ло-тун* ва *мус-тафъи-лун* каби асллар ҳам мавжудки, улар таркибан *фоилотун* ва *мустафъилундан* фарқланадилар<sup>88</sup>. Муаллиф ушбу аслларни арузшуносликка ўзи киритганлигини таъкидлайди. Қуйида ушбу икки аслни ўзаро фарқлари билан келтирамиз:

- Мустафъилун** (مُسْتَفْعِلُنْ) – икки сабаби хафиф ( – – ) “мустаф” ва бир ватади мажмуъ ( V – ) “илун”дан ташкил топади ( – – V – ); **мус-тафъи-лун** (مُسْتَفْعِلُنْ) бир сабаби хафиф ( – ), ватади мафрук ( – V ) ва сабаби хафиф ( – )дан таркиб топади.
- Фоилотун** (فَاعِلَثُنْ) – бир сабаби хафиф ( – ) “фо”, бир ватади мажмуъ ( V – ) “ило” ва бир сабаби хафиф ( – ) “тун” дан таркиб топади ( – V – – ); **фои-ло-тун** (فَاعِلَثُنْ) – бир ватади мафрук ( – V ) ва икки сабаби

<sup>86</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: F.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 535.

<sup>87</sup> Бу ҳақда қаранг: Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 17-18.

<sup>88</sup> Бунда Шамс Қайс Розий *фоилотун* ва *мустафъилун* асллари икки сабаби хафиф ва бир ватади мажмуъдан, *фои-ло-тун* ва *мус-тафъи-лун* асллари эса икки сабаби хафиф ва бир ватади мафрукдан таркиб топишига эътибор қаратяпти.

(— —) хафифдан таркиб топади. Кўринадики, Шамс Қайс Розий киритган мустафъи-лун ва фои-ло-тун аслларида анъанавий *ватади мажмуъ* эмас, балки *ватади мафруқ* жузви иштирок этмоқда.

Учинчи боб асллар таркибидаги ўзгаришлар (зихофлар) ва улардан пайдо бўлувчи фуруълар (тармоқ руқнлар) тахлилига бағишлиланган. Шамс Қайс Розий ушбу бобда юқорида келтиргани 10 та аслдан вужудга келувчи зихофларга тўхталиб ўтади. Муаллифнинг фикрича, уларнинг сони ўттиз бешта бўлиб, йигирма иккитаси араб арузига, қолган ўн учтаси ажам арузига хос. Араб арузига мансуб зихофларга муаллиф қуйидагиларни киритади: *қабз, қаср, ҳазф, хабн, кафф, шакл, харм, харб, шатр, қатъ, ташъис, тайй, вақф, қашф, салм, муоқабат, садр, ажуз, турфон, муроқабат, исбоғ, анола*<sup>89</sup>. Ажам арузига эса қуйидаги зихофлар киритилган: *жадъ, ҳатм, жаҳф, таҳниқ, салҳ, тамс, жабб, залал, наҳр, рафъ, рабъ, батр, ҳазаз*. Темурийлар даври рисолаларида ушбу истилоҳлардан 28 таси зихоф сифатида қабул қилинганки, биз ушбу масалага ишимизнинг кейинги бобида тўхталиб ўтамиз.

“Ал-мўъжам” биринчи қисмининг тўртинчи боби *қадим* ва *ҳадис* (янги) баҳрлар зикри, доиралар нақши, байтлар тақтизи ва баҳр жузвларини бирбиридан фарқ қилиш тўғрисидадир<sup>90</sup>. Ушбу бобда Шамс Қайс Розий баҳрларнинг вужудга келиш усуллари ва уларнинг доираларга бирлашиши ҳақида сўз юритар экан, даставвал араб арузида 15 та баҳр борлигини, улар беш доира таркибига киритилганлигини айтади. Ҳар бир баҳрнинг лугавий ва истилоҳий маънолари, доираларнинг номларини батафсил изоҳлайди<sup>91</sup>, ушбу баҳрлардан бештаси (*Тавил, Мадид, Басит, Воғир ва Комил*) араб шеърияти учун хос бўлиб, ажам шоирлари фақат ўз маҳоратларини кўрсатиш учунгина уларда шеър битганларини, ушбу баҳрлар солим табъдан йироқ эканлигини исботлаш мақсадида улардан намуналар келтиришини таъкидлайди. Кейинги

<sup>89</sup> Ушбу истилоҳлардан муаллиф гарчи *муоқибат, садр, ажуз, турфон, муроқабатни* зихофлар қаторида санаб ўтса-да, лекин аслий руқнларнинг зихофини келтиришда уларга тўхталиб ўтмайди, бу истилоҳларни алоҳида фаслда “лақаби дигар” (бошқа номлар) номи билан изоҳлайди. Дарҳақақат, ушбу санаб ўтилган истилоҳлар зихоф бўлмасдан, байт ва унинг таркибига тегишли ҳодисалардир.

<sup>90</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзехот ва хозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 63.

<sup>91</sup> Бу изоҳлар кейинчалик “Арузи Сайфий”га деярли ўзгаришсиз ўтган.

fasllarida qolgan baqrilar (forсий aruzshunoслар томонидан кейинчалик киритилган баqrilar билан бирга 14 та) мисоллар билан батафсил изохланади, улардан ҳосил бўлувчи тўрт доира таҳлил қилинади. Бу ҳолат темурий аruzshunoслардан Абдураҳмон Жомийнинг рисоласида ҳам кузатилади: Жомий араб баqrларининг батафсил таҳлилидан воз кечиб, 14 баqrга тўхталиб ўтган ва ушбу баqrларни тўрт доирада кўрсатиб берган.

Шунингдек, ушбу бобда Шамс Қайс Розий ilk forсий aruzshunoслар Баҳром Сарахсий ва Бузургмехр Қойинийлар томонидан каشف этилган 21 мустаҳдас (янги) баqr ҳамда уларни бирлаштирадиган уч доира ҳақида ҳам маълумот беришни лозим топади. Ушбу баqrлардан *Сарим*, *Кабир*, *Бадил*, *Калиб*, *Ҳамид*, *Сагир*, *Асамм*, *Салим*, *Ҳамим* баqrлари “Доираи мунъакиса”; *Қотеъ*, *Муштарак*, *Муаммам*, *Мусаттар*, *Муайян*, *Боис* баqrлари “Доираи мунғалата”, *Маснуъ*, *Мустаъмал*, *Aхрас*, *Мубҳам*, *Муҳмал*, *Маъкус* баqrлари “Доираи мунқатиқа” таркибига киритилган (18-иловага қаранг).

Хулоса қилиб айтганда, темурийлар даври aruzshunoслиги учун Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” рисоласидаги баъзи тамойиллар: арузий атамаларнинг луғавий маъноларини изохлаш, жузвлар моҳиятини байтлар асосида талқин қилиш, баqrларга ёндашув ва доиралар миқдори билан боғлиқ баъзи ўринлар назарий асос вазифасини ўтаган. Бу кўпроқ Абдураҳмон Жомий, Сайфий Бухорий ҳамда Бобур рисолаларида кўзга ташланади.

Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асари ўзидан кейин яратилган forсий ва туркий шеършуносликка доир рисолалар: Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Атоуллоҳ Ҳусайнин “Бадойиъ ус-санойиъ”, Заҳириддин Бобурнинг “Аruz рисола”си учун назарий асос вазифасини ўтаган. Насириддин Тусий (1201, Тус – 1272, Бағдод) ўз даврининг қомусий олимни бўлиб, фаннинг турли соҳаларига доир 200 дан ортиқ асар ёзган. Улардан шеършуносликка оид “Меъёр ул-ашъор” рисоласи 1253-1254 йилларда яратилган. Асар муқаддима ҳамда икки йирик қисм: илми аruz ва илми қофияга доир боблардан иборат. Муқаддима ўз навбатида яна уч фаслга бўлинади. Унда шеърнинг моҳияти, уни вужудга

келтирувчи унсурлар, вазн ва қофия, уларнинг истилоҳий ва луғавий маънолари ҳақида сўз боради.

Аruzga доир бўлим нисбатан катта бўлиб, ўн фаслдан иборат. Биринчи ва иккинчи фаслларда мутаҳаррик ва сокин ҳарфлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Учинчи фасл эса ушбу мутаҳаррик ва сокин ҳарфлардан пайдо бўлувчи бирликлар, яъни *жузвлар* таҳлилига бағишлиланади. Тусий жузвларни тасниф қилишда уларни *сабаб*, *ватад* ва *фосилага* ажратиб, ушбу жузвларнинг ҳар бири яна икки қисмга бўлинишини таъкидлайди. Шу ўринда Тусийнинг масалага ёндашишда форсий тил қонуниятларини алоҳида ҳисобга олганлигини таъкидлаш керак. Муаллифнинг фикрича, форсий сўзлар фақат *сабаб* ва *ватад* каби жузвларнигина ўз ичига олади, *фосила* эса арабий калималарга хосдир ва форсий аruz учун аҳамиятга молик эмас<sup>92</sup>. Муаллиф бунда кичик фосила (VV –) нинг сабаби сақил (VV) ва сабаби хафиф (–) дан, катта фосила (VVV –) нинг эса сабаби сақил (VV) ва ватади мажмуъ (V –) дан таркиб топганлигини асослайди ҳамда сабаб ва ватаднинг ўзи руkn ясашда етарли эканлигини, аruz илмида фосилага эҳтиёж йўқлигини таъкидлайди. Бу фикр кейинчалик темурийлар даври арузшунослигида Атоуллоҳ Ҳусайнӣ, Сайфий Бухорий томонидан қисман, Бобур томонидан тўлалигича қабул қилинган.

“Меъёр ул-ашъор”нинг тўртинчи фасли ушбу жузвлардан пайдо бўлувчи руknлар ҳақидадир. Муаллифнинг фикрича, ҳар жузвнинг такоридан аслий руknлар ҳосил бўлади ва улар таркибига кўра *хумосий* (беш ҳарфли) ёки *субоъий* (етти ҳарфли) бўлади. Аслий руknлар араб арузида суратда ўнта, ҳақиқатда эса саккизтадир. Ушбу саккизта руknдан иккитаси, яъни *фаувлун* ва *фоилун* хумосий, қолганлари эса субоийдир. Форсий аruzда эса аслий руknлар ҳақиқатда еттита, суратда эса бештадир. Ушбу беш аслий руkn (*фаувлун*, *мафоийлун*, *фоилотун*, *мустафъилун*, *мафъувлоти*) шеъриятда мустаъмал,

<sup>92</sup> Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 24.

яъни кенг истеъмолда бўлиб, *мафоилатун*, *мутафоилун* номустаъмал, яъни кенг қўлланилмаган.

Рисолада бешинчи фаслдан бошлаб, баҳрлар ва улардан ҳосил бўлувчи доиралар тавсифига ўтилади. Муаллиф араб арузига хос бўлган беш доирани келтириб ўтади. Булар “Доираи мухталифа”, “Доираи мўъталифа”, “Доираи мужталиба”, “Доираи муштабаҳа” ва “Доираи муттафиқа” бўлиб, рисолада ушбу доираларга мансуб бўлган баҳрлар йигирма иккита эканлиги айтилади. Шулардан 10 таси (*Ҳазаж*, *Ражаз*, *Рамал*, *Сариъ*, *Қариб*, *Мунсариҳ*, *Хафиф*, *Музориъ*, *Мужтасс*, *Мутақориб*) форсий шеъриятда кенг қўлланилиши таъкидланади. Қолган баҳрлар эса, муаллифнинг фикрича, зихофлар орқали ифодаланади. Шунингдек, арабларга тақлидан ёзилган баъзи шеърлар ҳам бор, лекин улар форсий шеъриятнинг асосий баҳрларига мувофиқ эмас. Араб арузига хос бўлган *Тавил*, *Мадид*, *Басит*, *Воғир* ва *Комил* баҳрлари эса оҳанг жиҳатдан чиройли бўлмай, форсий тил қонуниятларига ҳам мос келмайди<sup>93</sup>.

“Меъёр ул-ашъор”нинг олтинчи фасли руқнлар ва улардан ҳосил бўлувчи зихофлар ҳақидадир. Арузшуносликда зихофга учраган руқнларни музоҳаф ёки *фаръий* руқнлар деб аташ қабул қилинган. Ўзгариш деганда, руқнга бирор ҳаракатли ёки сокин ҳарфларни қўшимча қилиш ёки аксинча, бир ёки бир қанча ҳаракатли ёки сокин ҳарфларни камайтириш назарда тутилади. Муаллифнинг фикрича, руқнда икки хил ўзгариш юз бериши мумкин. Агар бир хил ўзгариш рўй берса, *муфрад* ўзгариш, агар ўзгариш икки ёки ундан зиёд бўлса, бу *мураккаб* ўзгариш деб аталган. Бундай тасниф кейинчалик Бобур томонидан ҳам қабул қилинган ва “Аruz рисоласи”да қўлланилган.

Асарда жами ўттиз тўртта зихоф келтирилган бўлиб, муаллифнинг таснифига кўра, улардан йигирматаси муфрад (*маҳбун*, *матвий*, *мақбуз*, *макфуф*, *музмар*, *маъсуб*, *мавқуф*, *макшуф*, *мақсур*, *мақтуъ*, *маҳзуф*, *ахазз*, *аслам*, *мушаъас*, *аслам*, *ахрам*, *аъсаб*, *мусаббағ*, *музол*, *мураффал*), ўн

<sup>93</sup> Насируддин Тусий. Кўрсатилган асар. – Б. 33.

тўрттаси эса мураккаб ўзгаришга учраган (*машиул, маҳбул, маъқул, манкус, мактуф, мавқус, мајзул, абтар, асрар, аштар, ахраб, ақсам, ажам ва аълас*) музоҳафлардир.

Тусий рисоласининг еттинчи фасли “Ҳар бир баҳрнинг мустаъмал вазнлари тафсили” деб номланиб, унда муаллиф дастлаб араб арузига хос баҳрларни келтиришни маъқул топади ва бунда Халил ибн Аҳмад изидан бориб, ҳар бир вазнга у келтирган мисолни, кейин эса форсий адабиётдан мисол беришни лозим деб ҳисоблади. Баҳрлар улар мансуб бўлган доиралар билан бирга келтирилади. Бунда дастлаб “Доираи муҳталифа”га мансуб *Тавил, Мадид, Мақлуби Тавил, Басит, Воғир, Комил* каби олти баҳр мустаъмал вазнлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади. Диққатга сазовор жиҳати, *Мақлуби тавил* (Ариз) баҳри форсий арузшунослар томонидан кашф этилган бўлиб, араб манбаларида учрамайди. “Доираи мужталиба” баҳрларига форсий шеъриятда етакчи бўлган *Ҳазаж, Ражаз, Рамал* баҳрлари ва улардан ҳосил бўлувчи вазнлар киритилган. “Доираи муштабаҳа”га *Сариъ, Қариб, Мунсарих, Ҳафиғ, Музориъ, Муқтазаб, Мужтасс* баҳрлари, “Доираи муттафиқа”га эса *Мутақориб* ва *Ғариф* (Мутадорик) баҳрлари киритилган.

Рисоланинг саккизинчи фасли руқнларга даҳли бўлмаган ўзгаришлар тадқиқига, тўққизинчи фасл баъзи форсий истилоҳлар тавсифига бағишланган. Биринчи бўлимнинг сўнгги – ўнинчи фасли аruz илмининг манфаати ва фойдаларига бағишланганки, бунда муаллиф китобхонга ушбу илмдан келиб чиқадиган фойда ва манфаатларни мисоллар билан асослашга ҳаракат қиласди.

Демак, кўринадики, Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асаридаги баъзи ўринлар: фосила билан боғлиқ фикрлар, зихофлар таснифи, *Мақлуби тавил* (Ариз) баҳрига доир қарашлардан кейинчалик темурийлар давридаги рисолаларда фойдаланилган.

## **Биринчи боб бўйича хulosалар:**

Аруз тизимига оид илмий ёндашувлар таҳлили ва темурийлар даври арузшунослиги учун асос бўлган назарий манбаларни қиёсий ўрганиш асносида қўйидаги хulosаларга келинди:

1. Аруз тизими ҳақидаги фан сифатида шаклланган арузшунослик Шарқ халқлари тафаккурида яратилган шеърият шаклига оид назарий умумлашмалар мажмуидан иборат бўлиб, унинг барча кирралари ва ҳолатларини ўрганиш адабиётнинг тарихий ривожидаги мавжуд ҳодисалар кетма-кетлигини холис баҳолаш ва намоён этишга хизмат қиласади.

2. Бугунги кунгача аруз тизимига доир бир қанча илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси юртимизда арузшунослик мустақил бир фан сифатида ўз йўналишини топганлиги далилидир.

3. Ўрта асрларда Марказий Осиё ва Хурросонда арузшунослик соҳаси ягона ижтимоий-маданий ва илм-фан тараққиётига қаратилган муҳит меваси, унинг ҳосиласи бўлган. Айнан мана шу даврда арузшуносликда ягона асосга таянган ҳолда икки миллий арузшунослик назариялари, яъни форс-тожик арузи назарияси ҳамда ўзбек (туркий) арузи назарияси яратилди ва шаклланди. Мана шу икки назарияларнинг бир муҳитда, бир маданий ҳудудда вужудга келиши уларнинг илдизлари бир эканлигидан далолат берибина қолмай, балки уларнинг миллийликка интилиб, ажralиб чиқишида темурийлар даврининг ўзига хос таъсири ва шарт-шароитлари муҳим омил бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатади.

4. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари туркий шеършунослик, хусусан арузшуносликка доир илк назарий манба бўлиб, унинг туркий шеършуносликнинг шаклланиши ва ривожидаги ўрни, арузшуносликдаги бошқа манбалар билан муносабати етарлича тадқиқ этилмаган.

5. Замонавий шеършуносликда Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ” асари илми бадиъ нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ қилингани ҳолда унинг “Муқаддима”сида келтирилган аруз илми билан боғлиқ ва

муаллифнинг ўз даврининг етук арузшунос олими сифатидаги қиёфасини очиб берувчи илмий-назарий қарашлари темурийлар даври арузшунослиги фонида етарлича ўрганилмаган.

6. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ва Заҳириддин Бобурнинг “Аruz risolasi” темурийлар даврида туркий арузшунослик; Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолай аruz” ва Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарлари эса ушбу даврда форсий арузшунослик шеършуносликнинг мустақил тармоғи сифатида шакллангани ва такомилига етганлигини кўрсатадики, уларни қиёсий аспектда монографик планда тадқиқ этиш бугунги кун арузшунослигининг долзарб масаласидир.

7. Халил ибн Аҳмаддан кейин яратилган арабий ва форсий манбаларнинг аксариятида “араб филологиясининг отаси”га эргашиш кузатилса, темурийлар даврига келиб яратилган рисолаларда бевосита Халил ибн Аҳмадга эмас, балки унинг издошлари асарларида берилган маълумотларга таяниш тамойили бошланади.

8. Бу давр рисолалари учун арабнавис олимлар: Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос” ва Абу Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг “Арузи Андалусий”, форсигўй арузшунослар: Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарлари назарий асос вазифасини ўтаган. Эътиборли жиҳати, улардан Маҳмуд Замахшарий, Шамс Қайс Розий ва Насируддин Тусий асли туркийлардан бўлиб, ўша давр анъаналари ва фаолият юритган маданий муҳитлари мезонлари асосида ўз асарларини араб ва форс тилларида яратганлар. Ушбу рисолалардан Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос” ҳамда Абу Жайш Андалусийнинг “Арузи Андалусий” асари Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”сида, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” рисоласи эса Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолай аruz”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ”, Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг “Аruz risola”сида; Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асари эса Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Алишер Навоийнинг “Мезон

ул-авзон” ва Захириддин Мұхаммад Бобурнинг “Аruz рисоласи” асарларида тилга олинади.

9. Темурийлар даври арузшунослиги учун Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос” асарида келтирилган баъзи тамойиллар: зихофлар талқини, баҳрлар таснифи билан боғлиқ ўринлар назарий асос вазифасини ўтаган бўлса (Шайх Аҳмад Тарозий, Бобур асарлари мисолида), аслий руқнлар таркибининг изоҳи, зихофлар номи ва моҳияти билан боғлиқ ўринларда Шайх Аҳмад Тарозий “Арузи Андалусий”га таянган.

10. Форсигўй олим Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” рисоласидаги арузий атамаларнинг лугавий маъноларини изоҳлаш, жузвлар моҳиятини байтлар асосида талқин қилиш, баҳрларга ёндашув билан боғлиқ жиҳатлар “Арузи Сайфий”, “Рисолаи аruz” ва “Аruz рисоласи” учун муҳим аҳамият касб этган. Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асаридаги баъзи ўринлар: фосиланинг мустакил жузв эмаслиги билан боғлиқ фикрлар, зихофлар таснифи, *Maғлуби тавил* (*Ariz*) баҳрига доир қарашлардан Бобур рисоласида фойдаланилган.

11. Баъзан темурийлар даври рисолалари ўз ичидаги бир-биридан таъсиранган манбаларни кузатиш мумкин. Хусусан, Алишер Навоий “Мезон ул-авzon”ни, Сайфий Бухорий “Арузи Сайфий”ни ёзишда Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz”идан, Бобур “Аruz рисоласи”да Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарларидан хабардор бўлганликлари кузатилади.

Юқоридаги ҳолатларнинг барчаси туркий аruz учун фақат форсий манбалар эмас, балки бевосита араб тилидаги манбалар ҳам назарий асос вазифасини ўтаганлигини кўрсатади.

## **II боб. РИСОЛАЛАРДА ЖУЗВ, РУКН ВА ЗИХОФ ТАЛҚИНИ**

### **2.1. Жузв – аруз тизимидағи әнг кичик ритмик бирлик сифатыда**

**Жузв** (ар. جزو – бўлак, қисм, парча, бутун эмас) – мутаҳаррик ва сокин ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлувчи ритмик бўлак бўлиб, аруз назариясидаги әнг кичик ритмик бирлик ҳисобланади. Мумтоз арузшуносликда ушбу тушунча баъзан “асл”, баъзан “рукн” атамаси билан ҳам юритилган. Арузга доир манбаларда келтирилишича, Халил ибн Аҳмад аруз назариясидаги ушбу ритмик бирликни жузв деб атаган, кейинчалик форсий арузшунослар уни турли номлар билан атай бошлаганлар. Хусусан, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарида ушбу бирлик “рукн” истилоҳи остида келтирилади<sup>94</sup>, Насируддин Тусий эса қўп масалаларда араб салафига эргашгани каби, бу ўринда ҳам Халил ибн Аҳмад қўллаган “жузв” атамасидан фойдаланади<sup>95</sup>.

Темурийлар даври арузшунослигига ҳам ушбу истилоҳни қўллашда фарқлар кузатилади. Жумладан, Шайх Аҳмад Тарозийда *асл*, Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайниний ва Алишер Навоийда *рукн*, Сайфий ва Бобурда жузв тарзида келтирилади. Биз Халил ибн Аҳмад ва унинг издошлари қўллаган ҳамда луғавий маъноси жиҳатидан тушунча моҳиятини очиб берувчи “жузв” атамасидан фойдаланишга қарор қилдик.

Анъанавий арузшуносликда жузвларнинг 3 та тури келтирилиб, улар яна ўз навбатида икки гурухга ажратилган. Масалан, *сабаб* (ар. “арқон”) *сабаби хафиф* (енгил сабаб) ва *сабаби сақил* (оғир сабаб)дан, *ватад* (ар. “қозиқ”) *ватади мажмуъ* (бириккан ватад) ёки *мақрун* (яқинлашган) ва *ватади мафруқ* (ажратилган ватад)дан, *фосила* (ар. “палос” ёки “намат”) *фосилаи суҳро* (кичик фосила) ва *фосилаи кубро* (катта фосила)дан иборат бўлган. *Сабаби хафиф* бир мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан ҳосил қилинувчи жузв бўлиб, замонавий

---

<sup>98</sup> Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 24-25.

арузшуносликда бир чўзиқ ҳижо ( – )га тенг ҳисобланади. Масалан, “ҳам”, “зар”, “пар” ёки “то”, “бу” кабилар. *Сабаби сақил* эса икки мутаҳаррик ҳарфнинг кетма-кет келишидан вужудга келиб, замонавий арузшуносликда икки қисқа ҳижо (*V V*) ни билдиради. Бунга “тана”, “кана”, “сана” ва бошқа сўзлар мисол бўла олади.

Жузвнинг иккинчи тури ватад *ватад* ҳам юқорида таъкидланганидек, икки қисмга ажратилади:

*а) ватади мажмуъ* ёки *ватади мақрун* – икки мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфнинг бирикувидан ҳосил бўлувчи бўлак. Замонавий арузшуносликда эса қисқа ҳижодан сўнг чўзиқ ҳижонинг келишини ифодалайди: *V –*. Масалан, “чаман”, “тараф”, “ватан” каби.

*б) ватади мафруқ* – икки мутаҳаррик ва улар ўртасида келган бир сокин ҳарф ёки бир мутаҳаррик ҳарфдан сўнг икки сокин ҳарфнинг келишидан ташкил топувчи бўлак. Замонавий арузшуносликда чўзиқ ҳижодан сўнг қисқа ҳижонинг келиши ёки ўта чўзиқ ҳижони ( – *V* ) билдиради: масалан, “асра”, “баҳра”, “куйла” ёки “ишиқ”, “мехр”, “даро” ва бошқалар.

Жузвларнинг сўнгги учинчи қўриниши фосила деб аталиб, қуйидаги икки турга бўлинади:

*а) фосилаи суэро* – уч мутаҳаррик ҳарфдан сўнг бир сокин ҳарфнинг келишидан ташкил топувчи бўлак. Замонавий арузшуносликда икки қисқа ҳижодан сўнг бир чўзиқ ҳижонинг келишини (*V V –*) билдиради: масалан, “юрагим”, “ажабо”, “санамо” каби;

*б) фосилаи кубро* – тўрт мутаҳаррик ҳарфдан сўнг бир сокин ҳарфнинг келишидан ташкил топувчи бўлак. Замонавий арузшуносликда уч қисқа ҳижодан сўнг бир чўзиқ ҳижонинг келиши *фосилаи куброни* (*V V V –*) билдиради. Масалан, *ярамадинг, санамадим*.

Деярли барча арузшунослар ўз рисолаларида арузнинг назарий масалаларини ёритишни жузвлар тавсифидан бошлаганлар. Темурийлар даврида яратилган рисолалар ҳам бундан мустасно эмас. “Фунун ул-балоға” муаллифи жузвларни “усули ситта” (олти асл) номи остида келтиради: “Ва

аруз аҳлининг истилоҳи бирла асл олти келибтур. Они усули ситта ўқурлар. Ондин иккисини сабаб дерлар. Ва иккисин ватад ўқурлар. Ва иккисини фосила”<sup>96</sup>. Асарда сабаби хафиф учун “лам”, сабаби сақийл учун “ара”, ватади мажмұъ учун “Али”, ватади мафрук учун “раъс”, фосилаи сүгро учун “жабала” ва фосилаи кубро учун “самака” сўзлари келтирилган<sup>97</sup> (1-иловага қаранг). Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида жузв тушунчаси руҳн истилоҳи остида берилади: “Аммо билгилки, аruz фанининг арбоблари шеър вазнларининг биносини уч руқндан иборат қилдилар: сабаб, ватад ва фосила. Сабаб икки турлидир: бири сабаби хафиф бўлиб, бир мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан ташкил топади, “тул” ва “мул” каби. Яна бири сабаби сақил бўлиб, у икки мутаҳаррик ҳарфдан иборат, “гала” ва “гила” сингари. Мазкур сўзлардаги “хо” ҳарфи ўзидан олдинги ҳаракатни ифода қилиш учун ёзилсада, талаффузга кирмайди”<sup>98</sup>. Жомий бу ўринда аruz тизимида ёзув эмас, талаффуз бирламчилигига дикқат қаратмоқдаки, бу ҳолат тақтий, хусусан вазнни аниқлашда муҳим аҳамият қасб этади.

Шу тариқа Жомий ватад ва фосила жузвларига ҳам таъриф берар экан, ҳар бир жузв учун иккитадан (жами 12 та) мисол келтиради (2-иловага қаранг). Шунингдек, ушбу уч жузвнинг барчаси акс этган мисра ҳам келтирадики, бу бу жузвлар ҳақидаги тасаввурни мукаммаллаштиради:

*Бе гули рухат лола ба чаман нанигарад*<sup>99</sup>.

Жомийнинг фикрича, ушбу уч руқнлардан ҳеч бирини фақат бир руқннинг ўзи билан, яъни бошқа руқнларни киритмаган ҳолда қўллаш табъга маъқул эмас. Масалан, фақат *сабаблардан* таркиб топган маснавийга эътибор қаратсак:

*Ҳар дам пешат дорам зорй,*

<sup>96</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 рақамли қўллэзма). – С. 77 а.

<sup>97</sup> Аслида “самака” сўзи фосилаи куброга эмас, балки фосилаи сүгрога мос келади. Бу сўз хаттот томонидан янглиш кўчирилган бўлса керак (Қаранг: Юқоридаги манба. – С. 77б.)

<sup>98</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 10.

<sup>99</sup> Ушбу мисрадаги сўзларни юқоридаги уч жузв асосида тақсимлайдиган бўлсак, қуйидаги манзара вужудга келади: “Бе” – сабаби хафиф, “гули” – сабаби сақил, “руҳат” – ватади мажмӯъ, “лола” – ватади мафрук, “ба чаман” – фосилаи сүгро, “нанигаро” – фосилаи кубро.

— — — — —  
*К-аз ғам то кай зорам дорй?*  
— — — — —

Табъи назми бор ҳар қандай китобхон ушбу байтдан етарлича лаззат ололмайди. “Демак, муайян вазнга эга бўлган сўзни айтишда рукиларнинг ўзаро бирикуви ва бу бирикувлар натижасида ҳосил бўладиган усулларни қўллашдан ўзга чора йўқ. Ва барча арабу ажам шеърларининг биноси шу асосга қурилган”<sup>100</sup>.

Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида ҳам жузв тушунчаси устози Абдураҳмон Жомий рисоласи сингари “руки” истилоҳи остида берилган. Тушунчага таърифда ҳам Навоий рисоласи Жомийникига яқин туради. Асарда сабаб ва ватад учун 4 тадан, фосила учун иккитадан (жами 20 та) мисол келтирилган (3-иловага қаранг). Навоий ҳам Жомий сингари ушбу жузвларнинг барчаси қатнашган мисра келтиради:

*Ул қўзи қаро дарду ғамидин чидамадим*<sup>101</sup>.

Бобурнинг “Аruz рисоласи”да ҳам уч жузв ҳақида маълумот келтирилади. Лекин Бобур юқоридаги фикрларга қўшимча тарзда баъзи олимлар сабабнинг учинчи турига *сабаби мутавасситни*, ватадга *ватади касратни* ҳамда фосилага яна бир тур сифатида *фосилаи узмони* ҳам киритишларини айтади (4-иловага қаранг). Бунда Бобур Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарида келтирилган маълумотни назарда тутади. Бу ҳақда “Ал-мўъжам”да шундай дейилади: “Ажам арузшуносларидан бири сабабни уч тур: хафиф, сақийл, мутавасситга; ватадни мақрун, мафруқ ва мужтамиъ ҳамда фосилани суғро, кубро ва узмога ажратади... Бу шахс на афойил таркибидан ва на тақтиъ илмидан хабардордир...”<sup>102</sup> Бобур сабаб ва ватаднинг уч турли бўлишини инкор қилмаган ҳолда, фосилани жузв сифатида

---

<sup>100</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 12.

<sup>101</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 535.

<sup>102</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.44.

эътиборга молик эмас деб ҳисоблайди ва бунда “Меъёр ул-ашъор”нинг муаллифи Насируддин Тусийнинг фикрини қувватлайди<sup>103</sup>.

Шу ўринда Бобур ижобий муносабат билдирган *сабаби мутавассит* ва *ватади касратга* тўхталиб ўтсак. Бобурнинг рисоласи манбаларимиз доирасида ушбу масалага маҳсус тўхталиб ўтилган темурийлар давридаги ягона асадир. На Тарозийда, на Жомий ва Навоийда сабаб ва ватадларнинг ушбу турларига муносабат билдирилмайди. Даставвал *сабаби мутавассит* ҳақида сўз юритсак. Сабабнинг ушбу тури бир мутаҳаррик ва икки сокин ҳарфдан ташкил топади ва замонавий арузшуносликда ўта чўзиқ ҳижо (~)га тенг ҳисобланади. Масалан, *дор*, *бор*, *қанд*, *айт*, *қайт* ва бошқалар. Бундай жузв фақат байтнинг охирги рукнида, яъни аruz ва зарбда қўлланилади. *Ватади касрат* эса икки мутаҳаррик ва икки сокин ҳарфдан иборат бўлади ва замонавий арузшуносликда бир қисқа ва бир ўта чўзиқ ҳижо (V ~) га тенг ҳисобланади<sup>104</sup>. Масалан, *нишон*, *ниҳон*, *дараҳт*, *караҳт* ва бошқалар. Бобур ўз рисоласида қуйидаги байтни келтириб, ушбу жузвларни қўллашга зарурат борлигини асослайди:

“Туро лаъл шакаррез, маро чаим гўҳарбор,  
Туро ханда бувад хўй, маро гиръя бувад кор.

Бу байтнинг ҳашвида ва арузида *шакаррез* ва *гўҳарбор* лафзи мағоъийл вазнида воқиъ бўлубтурким, мақсур бўлғай. Бу икки сокини мутаволи мұтабардур. Бас бу икки жузвни учар эътибор қилмоқнинг важхи бор”,<sup>105</sup> Дарҳақиқат, байтда келтирилган *лаъл*, *чаим*, *гўҳарбор*, *хўй*, *кор* каби сўзларни *сабаб* ва *ватаднинг* Бобургача келтирилган турлари: сабаби хафиф ва сабаби сақил ҳамда ватади мажмуъ ва ватади мафруқда ифодалашнинг имкони йўқ.

<sup>103</sup> Ушбу масалага муносабат С.Ҳасановнинг тадқикотида ҳам келтириб ўтилган. Бу ҳақда қаранг: Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 23-24.

<sup>104</sup> Тожик арузшуноси У.Тоировнинг “Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам” лугатида *ватади касрат* *ватади мажмуънинг* яна бир номи деган янглиш фикр келтирилган (Қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 57.)

<sup>105</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 17-18.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-санойиъ” асарида жузв тушунчаси “рунн” истилоҳи остида келтирилиб, анъанавий уч жузв ҳақида маълумот берилади, лекин ушбу муаллифда ҳам уларнинг фақат иккитаси: сабаб ва ватадгина вазн ясашда аҳамиятли эканлиги таъкидланади ва ушбу фикр илк бор Насируддин Тусий томонидан айтилганлиги эслатиб ўтилади: “... билгилки, машҳур фикрга қўра, шеър вазнлари уч руники асосланиптур: сабабу ватаду фосила... Баъзилар фосила алоҳида руники эрмас дептурлар ва фосилайи суғро икки, биринчиси сақилу иккинчиси хафиғ сабабдин ибораттур, фосила-йи кубро эрса, сабаб-и сақилу ватад-и мажмуъдин. Демак, ҳақиқатта шеър вазнлари икки руники асосланиптур, бири сабабу иккинчиси ватаддур. Муҳаққиқлар пешвоси Ҳожа Насириддин Тусий, тоба суроҳ(у), “Меъёр-ул-ашъор”да бу фикрни ихтиёр этиптур ва арконни ажзо деб атаптур”<sup>106</sup>. Муаллиф бунда кичик фосила (VV – )нинг сабаби сақил (VV) ва сабаби хафиғ (–)дан, катта фосила (VVV – )нинг эса сабаби сақил (VV) ва ватади мажмуъ (V – )дан таркиб топганлигини асослайди ҳамда сабаб ва ватаднинг ўзи руники ясашда етарли эканлигини, аruz илмида фосилага эҳтиёж йўқлигини таъкидлайди (5-иловага қаранг). Аслида аruz илмида фосиланинг ортиқча эканлиги илк бор Ҳалил ибн Аҳмаднинг издоши Абулҳасан Ахфаш томонидан айтиб ўтилган эди: “Арузнинг руники сабабу ватаддан ортиқ эмас. Аруз афойилларидан ҳисобланувчи фосиланинг бири (фосилаи суғро – Д.Ю.) икки сабаб (яъни сабаби сақил ва сабаби хафиғ)дан ва яна бири (фосилаи кубро – Д.Ю.) сабабу (яъни сабаби сақил) ватад (ватади мажмуъ)дан иборатдир”<sup>107</sup>.

“Арузи Сайфий”нинг муаллифи ҳам жузв атамасини қўллар экан, тўғридан тўғри бўлмаса-да, лекин билвосита фосиланинг аruz илми учун аҳамиятсиз эканлигига урғу қаратади: “Баъзилар фосилани асосий жузв деб санамайдилар; уларнинг фикрича, фосилаи суғро сабаби сақил ва сабаби

<sup>106</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 10-11.

<sup>107</sup> Бу ҳақда қаранг: Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва хозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.37.

хафиfdbан, фосилаи кубро эса сабаби сақил ва ватади мажмуъдан иборат”<sup>108</sup>.

Биз тадқиқ этаётган рисолалардан фақат “Арузи Сайфий”да жузвларнинг луғавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтилган: “Ва байтни уйга қиёслар эканлар, араб қўчманчиларининг уйи арқон, қозик, устун ва палосдан иборат, араб тилида *сабаб* – бу арқон, *ватад* – қозик, *фосила* – чодирнинг устуни маъноларини билдиради, байтнинг қисмларини айнан уйнинг бўлаклари билан атадилар”. Шунингдек, Сайфий байтнинг жузвлари ва уйнинг қисмлари билан боғлиқ ўхшашликларни ҳам топишга интилади: “Икки ҳарфли жузвни сабаб деб, уч ҳарфли жузвни ватад деб, тўрт ҳарфли жузвни фосила деб ва беш ҳарфли жузвни *фозила*<sup>109</sup> деб атадилар, чунки икки ҳарфли сўз уч ҳарфли сўздан кўра кучсизроқ, уч ҳарфли сўз эса тўрт ҳарфлидан заифроқ, худди арқон қозиқдан, қозик эса устундан кучсиз бўлгани каби”. Бу ҳолат бевосита рисоланинг қўлланма йўналишида эканлиги билан белгиланади. Муаллиф асар муқаддимасида рисоланинг яратилиш сабабига тўхталар экан, шундай дейди: “...дўстлар орасида аruzга доир китоблар ҳақида баҳслар бўлиб турарди ҳамда улар ҳар бир истилоҳга изоҳ талаб қилардилар ва ўша оннинг ўзида у сўзнинг батафсил изоҳини эшитардилар. Ушбу изоҳлар аruzга доир қадимий ва замонавий араб ҳамда форс манбаларида йўқ эди. “Илм китоб орқали қўлга киради” деганларидек, улардан шундай хукм бўлдики, бу шарҳларни киритиш учун бир рисола тартиб берилса”<sup>110</sup>.

Бобур “Бобурнома”да “Арузи Сайфий” рисоласида атамаларнинг бу қадар кенг ва батафсил изоҳланишига манфий муносабат билдиради: “Бир форсий арузи бор. Бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асру пурсухандур. Камсухан бу маъни билаким, кераклик нималарни битимайдур. Пурсухан бу маъни билаким, равшан ва зоҳир калималарни нуқта ва эъробиғача

<sup>108</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 9. (форс тилида).

<sup>109</sup> *Фозила* – батъзи арузшуносларнинг фикрига кўра, яна бир жузв номи. Икки турга бўлинади: 1) фозилаи сугро – беш мутахаррик ва бир сокин ҳарфдан иборат жузв бўлиб, замонавий арузшунослиқда тўрт қисқа бир чўзиқ ҳижо (VV VV –)ни ифодалайди; 2) фозилаи кубро – олти мутахаррик ва бир сокин ҳарфдан иборат жузв бўлиб, замонавий арузшунослиқда беш қисқа, бир чўзиқ ҳижо (VVVVV –)ни ифодалайди (Бу ҳақда қаранг: Тоиров У. Фарҳангни истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 418.)

<sup>110</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 1. (форс тилида).

битибтур”<sup>111</sup>. Бобур бу ўринда “Арузи Сайфий”да зиҳофлар, фуруълар, вазнлар миқдорининг нисбатан камлигини “камсуханлик”, арузий истилоҳларнинг лугавий маъносигача бўлган батафсил изоҳларни эса “пурсуханлик” деб баҳоламоқда<sup>112</sup>.

Рисолаларда жузвлар таърифидан кейин асл руқнлар билан боғлик таҳлилларга ўтилади. Юқорида номлари тилга олинган жузвлар асосида саккизта аркон (асл руқнлар) пайдо бўлади. Мазкур саккиз руқнни аruz илмида ажзори афоъил деб атаганлар. Улар қуидагилардир:

1. Фаувлун (فَعْلُن) – бир ватади мажмуъ (*V-*) “فُؤْ” (*fauv*) ва бир сабаби хафиф (–) “لُن” (*lun*)дан иборат бўлади (*V- -*).
2. Фоилун (فَاعْلُن) – бир сабаби хафиф (–) “فَا” (*fo*) ва бир ватади мажмуъ (*V-*) “عُلُن” (*ilun*)дан таркиб топади (*-V-*).
3. Мафоийлун (مَفَاعِلُن) – бир ватади мажмуъ ( *V-*) “мафо” ва бир сабаби хафиф (–) “ий” ҳамда яна бир сабаби хафиф (–) “лун”дан таркиб топади (*V--*).
4. Мустафъилун (مُسْتَقْلُن) – икки сабаби хафиф (– –) “мустаф” ва бир ватади мажмуъ ( *V-*) “илун”дан ташкил топади (*--V-*).
5. Фоилотун (فَاعِلَنْ) – бир сабаби хафиф (–) “фо”, бир ватади мажмуъ ( *V-*) “ило” ва бир сабаби хафиф (–) “тун” дан таркиб топади (*-V--*).
6. Мафоилатун (مَفَاعِلَنْ) – бир ватади мажмуъ ( *V-*) “мафо” ва фосилаи сүфро (*V V-*) “илатун”дан ташкил топади (*V- VV-*).
7. Мутафоилун (مُتَفَاعِلُنْ) – бир фосилаи сүфро (*V V-*) “мутафо” ҳамда бир ватади мажмуъ ( *V-*) “илун”дан иборатдир (*V V- V-*).
8. Мафъувлоту (مَفْعُولَتْ) – икки сабаби хафиф (– –) “мафъув” ва бир ватади мафрук (– *V*) “лоту”дан таркиб топади.

Ушбу давр рисолаларида муаллифлар ҳар бир руқннинг таркибини таҳлил қилиб, уларни нечта сабаб, нечта ватад ҳамда нечта фосиладан ташкил

<sup>111</sup> Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б. 162.

<sup>112</sup> Дарҳақиқат, Сайфий Бухорийнинг рисоласи зиҳофлар (18 та) ва вазнлар (93 та) миқдори бўйича бу даврда яратилган арузга доир рисолалар орасида энг сўнгти ўринда туради.

топганлигини баён этадилар. Мазкур баёнлар орасида деярли ихтилофлар йўқ. Фақат “Фунун ул-балоға” муаллифи ушбу рукиларни таркиби жиҳатидан қариндошлиқ ва бегоналик нуқтаи назаридан таҳлил қиласиди, бундай тасниф бошқа рисолаларда учрамайди. Хусусан, фаувлун ва фоилун рукиларига ўзаро ухти (опа-сингил) рукилар деб қарап экан, уларнинг ҳар иккиси бир сабаби хаиф ва ватади мажмуъдан таркиб топганлигини таъкидлайди. Қиёсланг:

*Фаувлун* (V – –) = ватади мажмуъ + сабаби хаиф

*Фоилун* (– V –) = сабаби хаиф + ватади мажмуъ.

Ушбу рукилар *хумосий* бўлиб, беш ҳарфдан иборатдирлар.

Кейинги опа-сингил рукилар мафоийлун, фоилотун ва мустафъилун бўлиб, улар таркибан *субоъий*, яъни етти ҳарфдан иборатдирлар. Уларнинг жузвий таркиби қўйидагича:

*Мафоийлун* (V – – –) = ватади мажмуъ + сабаби хаиф + сабаби хаиф.

*Фоилотун* (– V – –) = сабаби хаиф + ватади мажмуъ + сабаби хаиф.

*Мустафъилун* (– – V – ) = сабаби хаиф + сабаби хаиф + ватади мажмуъ.

Навбатдаги қариндош рукиларга мафоилатун ва мутафоилун аслий рукилари киради. Улар ватади мажмуъ ва фосилаи сұғро каби жузвлардан таркиб топиши билан характерланади:

*Мафоилатун* (V – V V – ) = ватади мажмуъ + фосилаи сұғро

*Мутафоилун* (V V – V –) = фосилаи сұғро + ватади мажмуъ

Муаллифнинг фикрича, сўнгги, яъни саккизинчи рукин ҳисобланмиш *мафъувлоту* ёлғиз рукин бўлиб, унинг қариндоши йўқ, чунки фақат угина икки сабаби хаиф билан ватади мафруқдан иборатдир:

*Мафъувлоту* (– – – V) = сабаби хаиф + сабаби хаиф + ватади мафрук.

Дарҳақиқат, агар эътибор қаратилса, юқоридаги аслий рукилардан фарқли ўлароқ, фақат мафъувлоту рукини таркибида ватади мафрук жузви қўлланилганлигини кузатиш мумкин.

Ушбу саккиз руқн аруз илмида “афойилу тафойил” деб ҳам юритилади<sup>113</sup>. А.Жаъфарнинг фикрича, бу руқнларнинг хумосий, яъни беш ҳарфдан иборатлари афойил, субоъий, яъни етти ҳарфдан иборатлари тафойил деб аталади<sup>114</sup>.

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида ушбу саккиз руқннинг таркиби келтирилгач, улардан форсий шеъриятда қўлланилганлари бешта эканлиги айтилади: “Ва бу асллардан форсий шеърда кўп қўлланиладигани бешдан ортиқ эмас: *мафоийлун*<sup>115</sup>, *фоилотун*, *мустафъилун*, *мафъувлоту*, *фаувлун*<sup>116</sup>. Асарда фақат шу аслий руқнларгагина тўхталиб ўтилиб, улардан ҳосил бўлувчи зихофлар ва фуруълар (тармоқ руқнлар) таҳлил қилинган.

Алишер Навоий ҳам “Мезон ул-авзон”да устози Жомий изидан бориб, форсий ва туркий шеъриятда қўлланилган аслий руқнларгана тўхталиб ўтишини таъкидлайди: “Ва улча бу секкиз усулдин форсий шеърда касирулвукӯйдур – бешдур: 1) мафоъилун, 2) ва фоъилотун, 3) ва мустафъилун, 4) ва мафъувлоту, 5) ва фаъулун. Ва туркча шеърда ҳам улча мулоҳаза қилилибдур, бу аркондин ўзга вуқуъ топмас, магар такаллуф била. Ва бу беш аслнинг ҳар бирига неча фаръдурким тағайюрлар сабабидинки, ани арузийлар “зихоф” дерлар, ҳосил бўлур”<sup>117</sup>. Сайфий “Арузи Сайфий”да аслий руқнлар шаклан 8 та, лекин эътиборда 10 та эканлигини таъкидлар экан, уларнинг олтитаси (саккизтаси) таси субоъий, қолган иккитаси (фаувлун ва фоилун) хумосий эканлигини айтади ва ҳар бир руқннинг пайдо бўлиш таркибини келтириб ўтади. Атоуллоҳ Ҳусайнин “Бадойиъ ус-санойиъ”да бу масалага чуқурроқ ёндашиб, эътиборда 10 та бўлган аслий руқнлардан иккитаси мунқатиъ (ажратиб ёзилувчи) эканлигини айтади: “Муҳаққиқлар афоъил шаклан

<sup>113</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 12; Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: F.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 535.

<sup>114</sup> Ҷаъфэр Ә. Эрзузун нәзәри әсаслары вә Азәрбајчан әрузу. – Бакы: Елм, 1977. – С. 57.

<sup>115</sup> Асарнинг тожик тилидаги нашрида ва № 4326 ракамли қўлёзмада *мафоилатун* тарзида келган. Бу хаттонинг асарни кўчириш жараённада йўл кўйган хатоси бўлса керак.

<sup>116</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 12

<sup>117</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: F.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 536.

секиздур, лекин эътиборда ўнтур дептурлар. Мустафъилун бир айтилишиға кўра икки сабаб-и хафиғ сўнг ватад-и мажмуъдин ибораттур, иккинчисига кўра икки сабаб-и хафиғ ва орада бир ватад-и мафруқтин ибораттур. Баъзилар иккинчисин мус тафъ лун деб айириб ёзурлар. Аввалғисин **муттасил**, иккинчисин **мунқатиъ** дерлар. Анингдек фоилотун ҳам бир айтилишиға кўра икки сабаб-и хафиғ ва алар орасида бир ватад-и мажмуъдин ибораттур ва иккинчисига кўра ватад-и мафруқ ва аниг сўнгидин икки сабаб-и хафиғдин ибораттур ва буни ҳам баъзилар айириб фоъ лотун деб ёзурлар. Биринчисин **муттасил**, иккинчисин **мунқатиъ** дерлар”<sup>118</sup>.

Бобурнинг “Аruz risolasi”да жузвлар ва аслий руқнлар муносабати янада батафсилоқ баён қилинган. Бобур руқнларнинг хумосий ёки субоий бўлиши билан боғлиқ салафларининг фикрини такрорлар экан, уларни тўлдиради: “Хумосий, сабаб била ватаддин муаллаф бўлғусидур. Бас, агар сабаби хафиғ бўлса ва ватади мажмуъ, андин икки таълиф мумкиндур... Аммо субоий икки сабаб била бир ватаддин муаллаф бўлғусидур, бас агар сабаблар хафиғ бўлса ва ватади мажмуъ уч навъ таълиф бўла олур... Агар аввалғи сабаби сақийл бўлса ва ватади мажмуъдин икки навъ таълиф келибтур”<sup>119</sup>. Бунда Бобур хумосий руқнлар сабаб ва ватаддан иборат бўлишини ва уларга икки аслий руқн: фаувлун ва фоилун киришини, субоий руқнлар эса агар икки сабаб ва бир ватаддан иборат бўлса, уч навъ бўлишини ва уларга мафоийлун, мустафъилун ва фоилотун киришини; агар бир сабаби сақил, сабаби хафиғ ва ватади мажмуъ бўлса, икки навъли: мутафоилун ва мафоилатун бўлишини таъкидлайди.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, темурийлар давридаги барча рисолаларда арузнинг энг кичик бирлиги сифатида жуззв олиниб, ундан аслий руқнлар ҳосил қилиниши таъкидланган. Гарчи жузвлар миқдори ва уларнинг

<sup>118</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 11.

<sup>119</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 19.

аруздаги аҳамияти билан боғлиқ талқинларда фарқлар сезилса-да, аслий руқнларни ҳосил қилишдаги таркибда умумийлик кузатилади.

## 2.2. Рисолалардаги зихоғға доир талқинлар қиёси

Аruz тизимида аслий руқнлар таркибиде содир бўладиган турли ўзгаришлар зихоғ деган атама остида юритилади<sup>120</sup>. Бундай ўзгаришлар аслий руқнлардаги баъзи ҳижоларни ташлаб юбориш, қисқартириш, тўлдириш ҳисобига амалга оширилади. Ҳосил бўлган бўлак, яъни руқн *фуруъ* деб аталади. Замонавий арузшуносликда улар, асосан, тармоқ руқнлар деб юритилади<sup>121</sup>. Зихоғ масаласи арузшуносликдаги энг мураккаб ва чалкаш масалалардан бўлиб, манбаларда уларнинг миқдори, вужудга келиш усуллари, таркибий тузилиши билан боғлиқ ихтилофлар бор. Баъзи арузшунослар моҳиятан бир бўлган зихоғни қайси аслий руқнда содир бўлишига кўра икки, баъзан уч хил ном билан атайдилар; баъзилари шеъриятда қўлланилмайдиган, аслий руқнларда сунъий йўл билан содир бўладиган ўзгаришларни ҳам зихоғлар қаторига киритадилар, натижада моҳиятан шундай ҳам мураккаб бўлган зихоғ масаласи янада мураккаброқ тусга киради.

А.Хожиаҳмедовнинг асосли таъкидига кўра, зихоғлар тўрт хил ўзгаришга учраши мумкин:

1. Аслий руқнлар сон жиҳатидан ўзгартирилиб, таркибидаги бир ёки бир неча ҳижо туширилади.
2. Аслий руқнлар сифати жиҳатидан ўзгартирилиб, таркибидаги чўзиқ ҳижолар қисқа ёки ўта чўзиқ ҳижога, баъзан қисқа ҳижо чўзиқ ҳижога айлантирилади.

---

<sup>120</sup> А. Жаъфарнинг фикрича, барча ўзгаришлар ҳам зихоғ деб аталавермайди. Аслий руқндаги ўзгариш сабабнинг таркибida содир бўлсангина, уни зихоғ деб аташ мумкин, ватад ва фосила таркибидаги ўзгариши *иллат* деб аташ зарур (Чәфәр Ә. Эрузун нәзәри әсаслары вә Азэрбајчан әрузу. – Бакы: Елм, 1977. – С. 71). Биз темурийлар даври арузшунослигига қабул қилинган анъана асосида барча ўзгаришларни зихоғ истилохи остида келтиришни лозим топдик. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, А. Жаъфар келтирган тамойил ҳар доим ҳам асосли эмас, чунки аслий руқнлардаги ўзгаришлар баъзан бир вақтнинг ўзида сабабда ҳам, ватадда ҳам содир бўлиши мумкин. Бу ҳолат кўпроқ мураккаб зихоғларда намоён бўлади.

<sup>121</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аruz системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б.60; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ НМК, 1998. – Б. 21.

3. Аслий руқнлар бир вақтнинг ўзида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгартирилиб, бир ёки бир неча ҳижоси туширилади, айни вақтда чўзиқ ҳижо қисқа ёки ўта чўзиқ ҳижога, қисқа ҳижо чўзиқ ҳижога айлантирилади.

4. Аслий руқнларнинг юқоридаги икки хил зиҳофга дуч келишидан сўнг ҳосил бўлган тармоқ руқн яна бир бор сифат жиҳатидан ўзгартирилади<sup>122</sup>.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида зиҳофга шундай таъриф берилади: “Ва зиҳоф улдурким, солимни бир иллат ва жиҳат бирла ўксутуб ё ўлтуруб, тағиyr ва табдил қилурлар”<sup>123</sup>. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўз рисолаларида зиҳофга таъриф бермайдилар, тўғридан тўғри зиҳофлар талқинига ўтадилар. Атоуллоҳ Ҳусайнин эса бу масалага анча батафсил ёндашади. Унинг фикрига кўра, зиҳоф мутаҳаррик ҳарфни сокин қилиш, бир ёки бир неча ҳарфни тушириш ёхуд орттириш ҳисобига ҳосил қилинади. Зиҳоф таркибидаги ушбу ўзгаришлар тасодифий бўлмай, муайян қонуниятга асосланади: “Сокин қилишу тушуруш бир жузвнинг ўзида бўлмоғи мумкиндур. Ўзгариш тушуруш ё орттириш била бўлур. Тушуруш била ҳосил бўлған ўзгариш бир жузвға ё байт боши ёхуд охириға, ё бошдин аёғиға хос бўлурким, ул жузв воқиъ бўлған ерда ул ўзгариш ҳам бўлмоғи мумкиндур. Орттириш била ҳосил қилинған ўзгариш ҳамеша байт боши ёки охириға хос бўлур ва ўртада воқиъ бўлмас”<sup>124</sup>.

Бобур Атоуллоҳ Ҳусайнин ва бошқа арузшуносларнинг орттириш билан ҳосил қилинган ўзгариш байтнинг охирига хос бўлиши ва ўртада (ҳашвда) содир бўлмаслиги билан боғлиқ фикрларига манфий муносабат билдиради: “Арузийлар бу мазкур бўлғон зиҳофот (*вақф, ташъис, қаср, қатъ, касф, ҳазф, ҳазаз, салм, тасниъ, изола, тарфил* – Д.Ю.)никим, мисраънинг охириға маҳсустур дебтурлар. Мисраънинг ўртасида ҳам воқиъ бўлуптур, нечукким,

<sup>122</sup> Ҳожиахмедов А. Ўзбек арузи лугати. – Т.: Шарқ НМК, 1998. – Б. 53-54.

<sup>123</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли кўлётма). – С. 78 б.

<sup>124</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 12.

Салмон Соважийнинг “Қасидайи маснуъ”ида рамал баҳрида бу байт воқиъ бўлубтур:

*Абр лутфи ту ба табъ меҳри халқи ту бадам,  
Фоъилотун фаъилон фоъилотун фаъилун  
Мекунад хор суман мекунад хок дирар,  
Фоъилотун фаъилун фоъилотун фаъилун<sup>125</sup> (таъкид бизники –  
Д.Ю.)*

Бобур Салмон Соважийнинг ушбу байтида мисранинг охирига хос деб қаралаётган икки зихоф: қаср ва ҳазф зихофлари мисра ўртасида: фаъилон ва фаъилун тармоқ руқнлари тарзида қўлланилаётганлигини айтади<sup>126</sup>.

Темурийлар даври арузга доир рисолаларда зихофлар миқдори ва талқинида фарқлар кузатилади. урлича кўрсатилган. “Фунун ул-балога”да аввал зихофларнинг умумий таърифи (35 зихоф), кейин ҳар бир руқнга мансуб зихоф тавсифи келтирилган. “Рисолаи аруз”да ҳам, “Мезон ул авзон”да ҳам фақат 5 та аслий руқнларга мансуб 32 та зихофлар таърифи берилади. Атоуллоҳ Ҳусайнин 39 (хармнинг лақаблари билан қўшиб ҳисоблагандаги 47) та зихофни изоҳлар экан, уларни араб арузига хос бўлган (28 та), ажам арузига хос бўлган (11 та) зихофларга ажратади. “Арузи Сайфий”да зихофларга бағишлиланган маҳсус фасл йўқ: Сайфий баҳрлар ва вазнларни тушунтириш асносида 18 та зихофга тўхталиб ўтади. Бобур аввал 44 та зихофнинг пайдо бўлиш усусларини тушунтиради, кейин ҳар бир аслий руқнга мос зихоф ва фуруъларнинг номларини келтириб ўтади. У зихофларнинг муфрад ёки муракқаб бўлишини таъкидлайди: “Билгилким, ҳар тагаййорким усулаға кирап, ани зихоф дерлар. Ул руқни муғаййарни музохафу фуруъ дерлар. Бу тагаййор ё муфрад бўлур, ё муракқаб. Муфрад улдурким, бир руқнда бир навъ тагаййордин кўпрак воқиъ бўлмағай. Муракқаб улдурким, бир навъдин зиёда бўлғай”<sup>127</sup>.

<sup>125</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 21.

<sup>126</sup> Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 33-34.

<sup>127</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 19.

Биз Бобурнинг ушбу таснифини янада тўлдирган ҳолда зихофларни улардаги ўзгаришлар асосида учга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз<sup>128</sup>:

**1. Муфрад зихофлар** – фақат бир амал билан ўзгаришга учрайдиган зихофлар. Буларга *қабз*, *қаср*, *ҳазф*, *салм*, *қатъ*, *хабн*, *кафф*, *харм*, *ҳазаз*, *ташъис*, *тасбиғ*, *тазийл*, *тайй*, *асб*, *тарфил*, *измор*, *вақф*, *кашиф*, *ссалм*, *жабб*, *рафъ*, *жазм*, *газб* киради<sup>129</sup>.

**2. Мураккаб зихофлар** – икки амал билан ўзгаришга учрайдиган зихофлар. Буларга *сарм*, *харб*, *шатр*, *ҳажсф* (*жсаҳф*), *шакл*, *кабл*, *хабл*, *ақл*, *нақс*, *қатф*, *хазл*, *вақс*, *ҳатм*, *батр*, *рабъ*, *тахлиъ*, *жадъ*, *қасм* киради.

**3. Ўта мураккаб зихофлар** – уч амал билан ўзгаришга учрайдиган зихофлар, бундай зихофлар мураккаб зихофнинг муфрад зихоф билан бирикувидан ҳосил бўлади. Буларга *залал*, *жамм*, *наҳр*, *ақс* киради.

Қиёслашимиз асосида бу давр рисолаларида жами 23 та муфрад зихоф борлиги маълум бўлди<sup>130</sup>. Ушбу зихофларни шартли равишда яна икки гурухга ажратиш мумкин:

- 1) мисралар боши ва ўртасида қўлланиладиган зихофлар;
- 2) мисра охирида қўлланиладиган зихофлар.

Биринчи гурухга *қабз*, *хабн*, *кафф*, *харм*, *ташъис*, *тайй*, *асб*, *измор*, *ссалм*, *рафъ*, *жазм*, *газб* каби зихофлар киради. Дастреб ушбу зихофларни улар ҳосил қиласидан фуруълари билан бирга қиёсий аспектда кўриб чиқамиз.

**Қабз** (*панжса орасига олиш*, *қисии*) – мафоийлун (*V---*) ва фаувлун (*V-*) аслий рукнларидан бешинчи сокин ҳарфни олиб ташлаш; замонавий

<sup>128</sup> Акрам Жаъфар ўз тадқиқотида зихофларни бир неча йўл билан тасниф қилиш мумкинлигини таъкидлар экан, озарбайжон арузига доир зихофларни уч гурухга бўлиб таснифлайди: 1) содда зихофлар; 2) ёндаш зихофлар ва 3) мураккаб зихофлар. Ушбу таснифда бир оз ноаниқлик бор. Биринчидан, А.Жаъфар *мураккаб зихоф* атамаси остида келтираётгани ўзгаришлар зихофларни эмас, балки фуруъ (тармоқ рукн)ларни билдиради (Чәфэр Ә. Әрузун нәзәри әсаслары ве Азәрбајҹан әрузу. – Бакы: Елм, 1977. – Б. 109-112). Уларни бир-бираидан фарқлаш лозим. Замонавий арузшуносликда бундай чалкашлик айрим ўринларда тоҷик арузшуноси У.Тоировда ҳам кузатилади (қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991).

<sup>129</sup> Зихофлар кетма-кетлиги “Фунун ул-балоға”даги тартиб асосида берилди.

<sup>130</sup> Бобур муфрад зихофларнинг сонини 21 та деб кўрсатади, унинг рисоласида *тахлиъ* зихофи келтирилмаган.

арузшуносликда мафоийлун рукнидан “йо” ҳарфини ҳамда фаувлун рукнидан “нун” ҳарфини ташлаб юбориш бўлиб, натижада мафоийлун ( $V - - -$ )дан *мафоилун* ( $V - V -$ ), фаувлун ( $V - -$ )дан *фаувлуу* ( $V - V$ ) қолади:

- а) *мафоийлун* ( $V - - -$ ) → *мафоилун* ( $V - V -$ );
- б) *фаувлун* ( $V - -$ ) → ( $V - V$ ).

Ҳосил қилинган фурӯз деб аталади. Ушбу зихоф *Ҳазажс*, *Мутақориб*, *Қариб*, *Музориъ* ва *Мушокил* баҳрларининг ясалишида иштирок этади. Мазкур зихоф номи биз тадқиқ этаётган барча манбаларда айнан келтирилиб, барча арузшунослар бир овоздан қабз мафоийлун ва фаувлун аслий рукнига тегишли эканлигини таъкидлайдилар.

**Хабн** (этакни қирқии ёки йиғии) – фоилотун ( $-V - -$ ), фоилун ( $-V -$ ), мустафъилун ( $- - V -$ ), мафъувлоту ( $-V-$ ) аслий рукнларидаги сабаби хаифининг сокин ҳарфини ташлаб юбориш ёки замонавий арузшуносликда асл рукнлардаги биринчи чўзиқ хижони қисқартириш. Бунда қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

- а) *фоилотун* ( $-V - -$ ) → *фаилотун* ( $V V - -$ );
- б) *фоилун* ( $- V -$ ) → *фаилун* ( $V V -$ );
- в) *мустафъилун* ( $- - V -$ ) → мутафъилун ( $V - V -$ ) = *мафоилун* ( $V - V -$ );
- г) *мафъувлоту* ( $- - - V$ ) → маувлоту ( $V - - V$ ) = *мафоийлуу* ( $V - - V$ ).

Хабн зихофи орқали ҳосил бўлган тармоқ рукн *махбун* деб аталади. Ушбу зихоф *Рамал*, *Ражаз*, *Мужтасс*, *Мутадорик*, *Жадид*, *Хафиф*, *Мунсарих* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. “Фунун ул-балоға” ва “Аруз рисоласи”нинг муаллифи ушбу зихофи юқорида келтирилган барча аслий рукнларга боғлиқ ҳолда талқин қиласидар, Жомий ва Навоийнинг рисолаларида эса фоилун аслий рукнининг зихофлари кўрсатилмаганлиги учун хабн зихофининг фоилотун, мустафъилун, мафъувлоту аслий рукнларига хос кўринишлари айтиб ўтилади. “Бадойиъ ус-санойиъ”да эса хабн зихофи мафъувлоту рукнидан ташқари, қолган уч аслий рукнга тегишли эканлиги таъкидланади. “Арузи Сайфий”да ушбу зихоф *Ражаз*, *Рамал*, *Мужтасс*, *Жадид* баҳрларига боғлиқ ҳолда эслаб ўтилади.

**Қафф** (*туяниң товонини кесмоқ, қайтармоқ*) – мафоийлун ( $V---$ ), фоилотун ( $-V--$ ) ва мустафъилун ( $--V-$ ) аслий рукиларидағи еттинчи сокин ҳарфни ёки сүнгги сабаби хафиғнинг охирги ҳарфини олиб ташлаш, замонавий арузшуносликда асл рукилардаги сүнгги ундош ҳарф “н”ни ташлаб юбориш ёки сүнгги чўзиқ хижони қисқа ҳижога айлантириш. Натижада мафоийлу ( $V--V$ ), фоилоту ( $-V-V$ ) ва мустафъилу ( $--VV$ ) рукилари қолади ва уларни *макфуф* деб атайдилар:

- a) *мафоийлун* ( $V--$ ) → *мафоийлу* ( $V--V$ );
- б) *фоилотун* ( $-V--$ ) → *фоилоту* ( $-V-V$ );
- в) *мустафъилун* ( $--V-$ ) → *мустафъилу* ( $--VV$ )

Ушбу зихоф *Хазажс, Рамал, Қаріб, Музориъ* ва *Мушокил* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. “Фунун ул-балоға” ва “Аruz рисоласи”да ушбу зихофнинг мафоийлун, фоилотун, мустафъилун аслий рукиларига хослиги таъкидланса, “Бадойиъ ус-санойиъ”да фақат мафоийлун ва мустафъилун рукиларидан келиб чиқиши айтилади, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ушбу зихофни мафоийлун ва фоилотун рукилари билан боғлиқ ҳолда эслаб ўтадилар, Сайфий *каффни* фуруғи билан бирга *Хазажс, Рамал, Қаріб, Музориъ, Мушокил* баҳрларини таҳлил қилиш асносида келтириб ўтади.

**Харм** (*бурунни кесиши*) – мафоийлун ( $V--$ ) аслий рукинининг аввалида келган ватади мажмуъдан биринчи мутаҳаррик ҳарфни олиб ташлаш ёки мафоийлун ( $V---$ ) рукидаги “ма”ни ташлаб юбориш, шунда “*фоийлун*” ( $--$ ) қолади, унинг ўрнига *мафъувлун* ( $--$ ) қўйилади:

*мафоийлун* ( $V--$ ) → *фоийлун*” ( $--$ ) = *мафъувлун* ( $--$ ).

Вужудга келган тармоқ руки *ахрам* деб аталади. Мазкур зихоф *Хазажс* (қўпроқ рубоий вазнлари таркибида), *Қаріб ва Музориъ* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Ушбу зихоф номи деярли барча манбаларда мафоийлун аслий руки билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган<sup>131</sup>. Атоуллоҳ

<sup>131</sup> “Фунун ул-балоға”да харм зихофи мафоилатун аслий рукинга ҳам хослиги, ундан ҳосил бўлган фуруғ *ақсам* деб аталиши билан боғлиқ янгилиш маълумот келтирилади. Бизнингча, котиб бу ўринда қўлёзмани қўчириш пайтида *қасм* зихофини *харм* билан адаштириб юборган бўлса керак. Каранг: Шайх Ахмад ибн

Хусайний харм зиҳофи таркибига моҳиятан ўхшаш бўлган 9 та фуруъ (асlam, асрар, аъзаб, ақсам, ажамм, аъқас, ахрам, аштар, ахраб)ни киритади<sup>132</sup>.

**Ташъис** (*сочилии, пароканда бўлиши*) – фоилотун ( $-V - -$ ) аслий рукнидаги ватади мажмуънинг бир ҳаракатли ҳарфини олиб ташлаш, замонавий арузшуносликда фоилотун ( $-V - -$ )даги қисқа ҳижо “*и*” (*V*) ни ташлаб юбориш, натижада фолотун ( $- - -$ ) қолади ва уни ўзига тенг мафъувлун билан алмаштирадилар:

*фоилотун ( $-V - -$ ) → фолотун ( $- - -$ ) = мафъувлун ( $- - -$ ).*

Ҳосил қилинган руқн *мушаъас* деб аталади. Ташъис *Рамал, Мужтасс* ва *Хафиф* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Ушбу зиҳоф номи “Арузи Сайфий”дан бошқа барча манбаларда айнан келтирилган<sup>133</sup>. Атоуллоҳ Хусайний мазкур зиҳофнинг мисра охирига хослигини таъкидлайди. У арузшунослар ташъиснинг “Хафиф ва Мужтасс баҳрларидан ўзгасида бўлмас дебтурлар” деб ёзар экан, Шамс Қайс Розий ва Насируддин Тусий рисолаларига ишора қиласи. Бобурнинг рисоласида эса мушаъас тармоғи ҳам Рамал баҳри таркибидаги, ҳам мисра ўртасида (ҳашв)дан ўрин олган иккита вазн (*Рамали мусаммани макфуфи мушаъас* (бир руқн макфуф, бир руқн мушаъас) ва *Рамали мусаммани машкули мушаъас* (бир руқн машкул, бир руқн мушаъас)<sup>134</sup> таркибида келтирилган. Асос сифатида иккинчи вазнга мисол келтирамиз<sup>135</sup>:

*Қани сенча дилдоре, қани сенча дилдода,*

*Қани сен киби саркаш, қани мендек афтода*<sup>136</sup>

---

Худойодд Тарозий. Фунун ул-балога (Бодлиян кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 рақамли қўллэзма). – С. 85 а.

<sup>132</sup> Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 17.

<sup>133</sup> Юқорида таъкидлаганимиздек, “Арузи Сайфий”да 18 та зиҳоф номи келтирилган бўлиб, улар ҳам алоҳида фаслда эмас, балки баҳр ва вазнлар билан боғлиқ ўринда тилга олинган. Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда *ташъис* зиҳофи билан ясалувчи вазнни келтирганлиги учун ушбу зиҳофи эслаб ўтмаган.

<sup>134</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 72-73.

<sup>135</sup> Ишнинг ҳажмидан келиб чиқиб, зиҳофлар билан боғлиқ ҳолатда факат баъзи мунозарали ўринлардагина байтлардан мисол келтирилади.

<sup>136</sup> “Аруз рисоласи” (“Мухтасар”) да “мендек афтода” жумласи “менингдек уфтода” тарзида келтирилган ва бўғиннинг ортиклияги сабаб вазн бузилишига йўл қўйилган. Бизнингча, бу котибининг хатоси бўлса керак, чунки асар факсимилесида ҳам ушбу жумла шу шаклда келади (Қаранг: Бобир Захириддин. Юқоридаги манба. – Б.73, 61 б.).

Фаъилоту **мафъувлун** фаъилоту мафъувлун (таъкид бизники).

Шунингдек, мушаъас тармоғининг мисра ўртасида келишига эпик шеъриятда Мұхаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” достонидаги баъзи мисралар ҳам далолат қиласи:

*Беш ёғоч ийлодур бу манзилдин...*

*Фоилотун мафъувлун* фаълун

*Халқ қонидин рангин ул ҳам...<sup>137</sup>*

*Фоилотун мафъувлун* фаълун.

Юқоридаги ҳолатлар мушаъас тармоғи туркий шеъриятда форсий шеъриятдан фарқли равища кенгрөқ имкониятга эга холда қўлланилганлигини кўрсатади.

**Тайй** (*йигиши, тугатии*) – мустафъилун (– V –) ва мафъувлоту (– – V) аслий рукнларидан “ф” сокин ҳарфини ташлаб юбориш, натижада мустаъилун (– VV –) ва маъулоту (– V – V) қолади. Уларни ўзига тенг муфтаилун (– VV –) ва фоилоту (– V – V) билан алмаштирадилар:

- а) *мустафъилун* (– – V –) → мустаъилун (– VV –) = *муфтаилун* (– VV –);
- б) *мафъувлоту* (– – – V) → маъулоту (– V – VV) = *фоилоту* (– V – V).

Тайй зихофи орқали ҳосил бўладиган рукнлар *матвий* деб аталади ва асосан *Ражаз*, *Саріъ*, *Мунсариҳ* ва *Муқтазаб* баҳрлари таркибида иштирок этади. Ушбу зихоф барча манбаларда айнан келтирилган.

**Асб** (*кесиши учун дарахт шохларини йигиши ёки оғизнинг қуриши*) – мафоилатун (V – VV – ) рукнидаги сабаби сақилнинг иккинчи ҳарфини сокин қилиш. Бошқача айтганда, мафоилатундаги “лом”дан кейин келувчи ҳаракат (“а”)ни ташлаб юбориш. Натижада мафоилтун қолади ва уни ўзига тенг мафоййлун (V – – –) билан алмаштирадилар:

*мафоилатун* (V – VV –) → *мафоилтун* (V – – –) = *мафоийлун* (V – – –).

---

<sup>137</sup> Мұхаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Шодиев. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 195.

Хосил бўлган руқн *маъсуб* деб аталади ва фақат *Воғир* баҳри таркибидагина иштирок этади. Ушбу зихоф номи “Арузи Сайфий”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи аruz”да келтирилмайди<sup>138</sup>. “Фунун ул-балоға” муаллифи байтни тўлиқ ушбу зихоф асосида битсалар, ҳазаж баҳрининг солими келиб чиқишини айтади<sup>139</sup>. Дарҳақиқат, *Воғири мусаммани маъсуб* (мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун) вазни *Ҳазажси мусаммани солим* (мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун) вазнига моҳиятан тенгдир<sup>140</sup>.

**Измор** (*отни оздирини*) – мутафоилун (*VV – V – –*) аслий рукнидаги сабаби сақилнинг иккинчи мутахаррик ҳарфини сокин қилиш, бошқача айтганда, мутафоилундаги иккинчи унли ҳарфни ташлаб юбориш. Натижада мутфоилун қолади ва уни ўзига тенг мустафъилун билан алмаштирадилар: *мутафоилун* (*VV – V – –*) → *мутфоилун* (*– – V –*) = *мустафъилун* (*– – V –*).

Хосил бўлган руқн *музмар* деб аталади ва фақат *Комил* баҳри таркибидагина иштирок этади. Ушбу зихоф номи ҳам “Арузи Сайфий”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи аruz”да келтирилмайди<sup>141</sup>. “Фунун ул-балоға” муаллифи худди маъсуб фуруъида бўлгани каби бу ўринда ҳам байтни тўлиқ музмар тармоғи асосида битсалар, *Ражаз баҳрининг солими* келиб чиқишини

<sup>138</sup> Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда *асб* зихофи билан ясалувчи вазнни келтирганлиги учун, Жомий ва Навоийлар эса фақат форсий ва туркий арузда қўлланилган 5 аслий рукнгагина тўхталиб ўтганлари учун ушбу зихофи эслаб ўтмаганлар.

<sup>139</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли қўллэзма). – С.118 б.

<sup>140</sup> Акрам Жаъфар бу каби ҳолатларнинг, яъни баъзан аслий рукннинг тармоқ рукнга тенг келиш ҳолатларини арузнинг нуқсонларидан бири деб ҳисоблади. Унинг фикрича, ана шу нуқсон сабаб муайян бир шеърнинг вазнини аниқлашда чалкашлик келиб чиқиши мумкин. Масалан, Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достони вазни *Ҳазажси мусаддаси маҳзуф* бўлиб, уни баъзи арузшунослар *Воғири мусаддаси маъсуби мақтуф* деб белгилайдилар. Бу фикр бир қараашда асослидай туюлади. Лекин айни пайтда айнан шу ҳодиса аруз тизимининг миллийлик қасб этишига сабаб бўлади. Чунки шу мисол воситасида ёндашадиган бўлсак, *Воғир* баҳри аруб арузига хос бўлиб, форсий ва туркий шеърият учун номатбуть баҳр ҳисобланади ва деярли қўлланилмайди. Демак, ўз-ўзидан форсий ёки туркий арузшунос Низомий достони вазнини *Воғир*га хос деб эмас, балки *Ҳазаж* баҳрида деб ҳисоблади, бинобарин, *Ҳазаж* баҳри форсий шеъриятнинг етакчи баҳридир. Худди шунингдек, Бобурнинг рисоласида келтирилган

*Гоғил ўлма, эй соқий, гул чогин ганимат тут,*

*Вақтми айш эрур боқий, ол чоғир, кетур, бот тут*

байти Муқтазаб баҳрининг бир рукн матвий, бир рукн мақтуъ вазнига ҳам мос келиши айтиб ўтилади. Лекин Бобур “бу вазнни ҳазаж баҳридин тутулса муносибтур, не учунким, солимидин бор” деб таъкидлар экан, ушбу байтнинг вазни *Ҳазажи мусамман*, бир рукн аштар, бир рукн солимда эканлигига ишора қиласи (Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрға тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 110). Демак, кўринадики, бу байтни *Муқтазаб* баҳрида эмас, балки *Ҳазаж*да битилган деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда *Муқтазаб* баҳри туркий шеъриятга хос бўлмаган баҳр эканлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз (Бу ҳақда қаранг: Диссертация, Муқтазаб, 3-боб).

айтади<sup>142</sup>. Дарҳақиқат, *Комили мусаммани музмар* (мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун) вазни *Ражази мусаммани солим* (мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун) вазнига моҳиятан тенгдир.

**Салм** (سلم) (*бузилиши, нуқсон етиши*) – фаувлун (*V– –*) асл рукнидан биринчи ҳижо “фа” (*V*)ни ташлаб юбориш. Натижада “увлун” (– –) қолади ва уни ўзига тенг фаълун (– –) билан алмаштирадилар:

*фаувлун (V– –) → увлун (– –) = фаълун (– –).*

Ҳосил бўлган руқн *асlam* деб аталади ва фақат *Мутақориб* баҳри таркибидагина иштирок этади. Ушбу зихоф номи деярли барча манбаларда айнан келтирилган<sup>143</sup>. Фақат Атоуллоҳ Ҳусайнини салмни *харм* зихофи таркибида келтириб, фаувлун аслий рукнидан “фа”ни тушириш ҳисобига аслам пайдо бўлишини айтади<sup>144</sup>.

**Рафъ** (қўтариши, *бартараф қилиши*) – мустафъилун (– – *V –*) ва мафъувлоту (– – – *V* ) аслий руқнларидан биринчи сабаби хафиф (–), яъни дастлабки чўзиқ ҳижони ташлаб юбориш. Натижада мустафъилундан “тафъилун” ва мафъувлоту (– – – *V* ) дан “ъувлоту” қолади ва уларни ўзига тенг бўлган фоилун (– *V –*) ва мафъулу (– – *V* ) билан алмаштирадилар:

a) *мустафъилун (– – V –) → тафъилун = фоилун ( – V –);*

b) *мафъувлоту (– – – V) → ъулоту = мафъувлу ( – – V ).*

Ушбу руқнлар вазн таркибида *марфуъ* деб аталади ва асосан *Ражаз*, *Мунсарих*, *Мужтасс* ва *Муқтазаб* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Рафъ зихофи “Фунун ул-балоға” ва “Арузи Сайфий”да келтирилмайди.

**Жазм** (кесиб ташлаш) – мафоийлун (*V – – –*) аслий рукнидан ватади мажмуънинг аввалги мутахаррик ҳарфини олиб ташлаш; бошқача айтганда, мафоийлун (*V – – –*) рукнидаги “ма”ни ташлаб юбориш, шунда “фоийлун” (– – –) қолади. Унинг ўрнига *мафъувлун* (– – –) қўйилади:

<sup>142</sup> Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамили қўлёзма). – С.119 б.

<sup>143</sup> Шамс Қайс Розийнинг фикрича, ушбу зихоф ажам шеърияти учун хос эмас.

<sup>144</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 17.

*мафоийлун* (*V--*) → *фоийлун* (*--*) = *мафъувлун* (*--*).

Вужудга келган тармоқ руқн *ажзам* деб аталади<sup>145</sup>. Ушбу зихоф бу даврдаги Бобур рисоласидан бошқа манбаларда келтирилмайды<sup>146</sup>.

**Газб ёки ‘азб** (*шохни синдириши*) – мафоилатун (*V- VV-*) аслий рукнида *харм* қоидасининг келиши, яъни мафоилатуннинг биринчи ҳаракатли ҳарфини олиб ташлаш; бошқача айтганда, мафоилатун (*V- VV-*) рукнидаги биринчи кисқа ҳижони ташлаб юбориш, натижада фоиълатун (*- VV-*) қолади, уни ўзига тенг муфтаилун (*- VV-*) билан алмаштирадилар:

*мафоилатун* (*V- VV-*) → *фоилатун* (*- VV-*) = *муфтаилун* (*- VV-*)  
Ҳосил бўлган руқн *ағзаб* деб аталади ва *Воғир* баҳри таркибидагина қўлланилади. Ушбу зихоф Бобурнинг “Аруз рисоласи”да мустақил зихоф тарзида<sup>147</sup>, Атоуллоҳ Ҳусайнинда *харм* зихофи таркибида келтирилган<sup>148</sup>.

**Муфрад зихофларнинг** иккинчи гуруҳи *қаср*, *ҳазф*, *салм*, *қатъ*, *ҳазаз*, *тасбиз*, *тазийл*, *тарфил*, *вақф*, *кашф*, жабб каби зихофларлан иборат бўлиб, асосан мисра охирида, яъни аруз ва зарбда қўлланилади. Юқорида таъкидланганидек, Бобур уларнинг баъзилари хусусан, *ҳазф*, *қаср*, *вақф*, *тасбиз* кабилар мисра ўртаси (ҳашв)да ҳам қўлланилиши мумкинлигини айтади, лекин бу ҳолат одатий ва доимий бўлмасдан, айрим ўринлардагина истисно тариқасида келгани учун биз уларни мисра охирида қўлланувчи зихофлар гуруҳида кўриб чиамиз.

**Қаср** (*қисқартиши*) – аслий рукнлардаги сўнгти сабаби хаифининг сокинини ташлаб юбориш, қолган мутахаррик (*ҳаракатли*) ҳарфни эса сокин (*ҳаракатсиз*) қилиш. Яъни мафоийлун (*V---*), фоилотун (*-V--*) ҳамда

<sup>145</sup> Бобурнинг рисоласида бу зихоф билан боғлик чалкашлик бор. “Аруз рисоласи”да келтирилган ва мафоийлун аслий рукнидан ясалади деб айтилаётган *жазм* зихофи айнан шу руқнга хос *ахрам* зихофи билан бир хилдир. Биз манбаларимиз доирасида жазм зихофи келтирилган бошқа бирор рисолани учратмадик. Бизнингча, Бобурнинг “Аруз рисоласи”да *харм* зихофи янглиш тарзда “жазм” шаклида келтирилган бўлса керак. Қўлёзма факсимилесида котиб томонидан бу сўз бир ўринда *харм*, бир ўринда жазм тарзида ёзилган. Афсуски, бу масалага А.Шербак ҳам, С.Ҳасанов ҳам муносабат билдириб ўтмаганлар.

<sup>146</sup> Р.Мусулмонкулов янглиш тарзда ушбу зихофи Жомийнинг “Рисолай аруз” асарида келтирилган деб хисоблайди (Бу хақда қаранг: Мусульманкулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика. (Х-XV вв.). - М.: Наука, 1989. – С. 90).

<sup>147</sup> Ушбу зихоф Бобурнинг рисоласида муфрад зихофа ҳам, мураккаб зихофа ҳам киритилмаган. Эҳтимол, Бобур уни *харм* зихофи билан ўхшашлиги учун алоҳида тасниф қилмагандир.

<sup>148</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 17.

фаувлун ( $V - -$ ) рукнларининг охиридан “ун”ни ташлаб юбориш, шунда мафойил ( $V - \sim$ ), фоилот ( $- V -$ ) (уни арузшуносликда фоilon деб атash қабул қилинганд) ва фаувл ( $V \sim$ ) қолади ва бу фурӯъ мақсур деб аталади:

- a) мафойлун ( $V - - -$ ) → мафойил ( $V - \sim$ );
- б) фоилотун ( $- V - -$ ) → фоилот ( $- V \sim$ ) = фоilon ( $- V \sim$ );
- в) фаувлун ( $V - -$ ) → фаувл ( $V \sim$ ).

Ушбу зихоф *Хазаж, Рамал, Мутақориб, Қариб, Музориъ ва Мушокил* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Мазкур зихоф барча манбаларда айнан келтирилган.

**Ҳазф** (*ташлаш, ташқари қилиши*) – мафойлун ( $V - - -$ ), фоилотун ( $- V - -$ ), фаувлун ( $V - -$ ) аслий рукнларининг охиридан сабаби хафиғни олиб ташлаш. Замонавий арузшуносликда аслий рукндан сўнгги чўзиқ ҳижони ташлаб юбориши билдиради. Бунда зихофлар қуидаги қўринишда ҳосил бўлади:

- a) мафойлун ( $V - - -$ ) → мафой ( $V - -$ ) = фаувлун ( $V - -$ );
- б) фоилотун ( $- V - -$ ) → фоило ( $- V -$ ) = фоилун ( $- V -$ );
- в) фаувлун ( $V - -$ ) → фаув ( $V -$ ) = фаал ( $V -$ ).

Вужудга келган фурӯъ маҳзуф деб аталади. Ҳазф зихофи *Хазаж, Рамал, Мутақориб, Музориъ, Мушокил, Тавил, Мадид* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Ушбу зихоф ҳам барча манбаларда айнан келтирилган.

**Ссалм<sup>149</sup>** (صلم) (*қулоқни кесиши*) – мафъувлоту ( $-- - V$ ) аслий рукнидан ватади мафрук ( $- V$ )ни, бошқача айтганда, сўнгти икки ҳижони ташлаб юбориш<sup>150</sup>. Натижада “мафъув” ( $--$ ) қолади ва уни ўзига teng фаълун ( $--$ ) билан алмаштирадилар:

мафъувлоту ( $-- - V$ ) → мафъув ( $--$ ) = фаълун ( $--$ ).

<sup>149</sup> Ушбу зихофни “со” ҳарфи билан ёзиладиган *салм* зихофидан фарқлаш учун С.Ҳасанов кўллаган имлодан фойдаландик (Қаранг: Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 29).

<sup>150</sup> А.Жаъфарнинг фикрига кўра, *ссалм* мафъувлоту эмас, балки фоилотун аслий рукнининг зихофи бўлиб, ҳазф ва қатъ зихофларининг бирекувидан ҳосил бўлади, бошқача айтганда, икки ўзгаришга учраган (ёндаш) зихоф ҳисобланади. Лекин Насируддин Тусийда ҳам, Бобурнинг рисоласида ҳам *ссалм* зихофи муфрад зихофлар сирасига киритилиб, аслий рукн охиридаги ватади мафрукни олиб ташлаш ҳисобига вужудга келиши айтилади. Жомий ва Навоий ҳам бу ўзгариш ватади мафрукда содир бўлишини айтадилар. Бизнингча ҳам, шу қараш тўғридир.

Ҳосил бўлган руқн *асслам* деб аталади ва асосан *Сариъ, Мунсарих* ҳамда *Муқтазаб* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Ушбу зихоф номи “Арузи Сайфий”дан бошқа барча рисолаларда айнан келтирилган<sup>151</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида *ссалм* зихофи қатнашган байтга мисол:

*Гар бикиший в-ар нақуший моро,*  
*– VV – / – VV – / – –*

Муфтаилун муфтаилун **фаълун** (таъкид бизники)  
*Нест ғам, аз сар нақуший ёро.*  
*– VV – / – VV – / – –*

(Таржимаси:

*Ўлдурубон, тиргузубон ҳар дам,*  
*Мен била не қилса қилар, йўқ ғам)*<sup>152</sup>.

**Қатъ** (кесии) – фоилотун ( $-V--$ ) аслий руқнидаги сўнгги сабаби хаиф ( $-$ ) “тун”ни ташлаб юбориш, натижада “фоило” ( $-V-$ ) қолади, ушбу қолган руқн ҳамда фоилун ( $-V-$ ), мустафъилун ( $--V-$ ) ва мутафоилун ( $VV-V-$ ) асл руқнларидаги ватади мажмуънинг сокин ҳарфини ташлаб юбориш ва унинг ёнидаги ҳарфни сокин қилиш, бошқача айтганда, ушбу аслий руқнлардаги “н” ҳарфини ташлаб юбориб, ундан олдин келган “л”ни сокин ҳарфга айлантириш. Бунда қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

- а) *фоилотун* ( $-V--$ ) → фоило ( $-V-$ ) = *фоилун* ( $-V-$ ) → фоил ( $--$ ) = *фаълун* ( $--$ );
- б) *фоилун* ( $-V-$ ) → фоил ( $--$ ) = *фаълун* ( $--$ )
- в) *мустафъилун* ( $--V-$ ) → мустафъил ( $--$ ) = *мафъувлун* ( $--$ );
- г) *мутафоилун* ( $VV-V-$ ) → мутафоил ( $VV-$ ) = *фаилотун* ( $VV--$ ).

Ҳосил бўлган тармоқ руқн *мақтую* деб юритилади ва кўпроқ *Рамал, Ражаз, Мужтасс, Комил, Мутадорик, Сариъ* каби баҳрларни ҳосил қилишда

<sup>151</sup>Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда *ссалм* зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун ушбу зихофи эслаб ўтмаган.

<sup>152</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарх ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 64-65.

иштирок этади. Мазкур зихофга муносабатда темурийлар даври арузшунослигига фарқлар кузатилади. “Фунун ул-балоға” ва “Аруз рисоласи”нинг муаллифи бу зихоф фақат фоилун, мустафъилун ва мутафоилун аслий рукнларига хос эканлигини таъкидлайдилар, Жомий ва Навоийлар эса ушбу аслий рукнлар ёнига фоилотунни ҳам қўшадилар, Навоий бу зихофни баъзилар *ссалм* ҳам дейишларини айтади. Атоуллоҳ Ҳусайнин уни асосан мустафъилун рукни билан боғлик ҳолда эслаб ўтади ва қатънинг мисра охирига хослигини таъкидлайди<sup>153</sup>. Қатъ зихофи Рамал баҳри таркибида қатнашган байтга “Мезон ул-авзон”дан мисол:

*Оlam ичра манга ул ҳури малаксиймо бас,*

*Бу қачон бўлса муюссар, қадаҳи саҳбо бас.*

Фоилотун фаилотун фаилотун фаълун<sup>154</sup>.

**Ҳазаз**<sup>155</sup> (*думни кесии, қисқартиши*) – мустафъилун, фоилун ва мутафоилун аслий рукнларидан бир ватади мажмуъ (*V-*), яъни бир қисқа ва бир чўзиқ ҳижони ташлаб юбориш<sup>156</sup>. Натижада мустафъилундан “мустаф” (*-*), фоилундан “фо” (*-*), мутафоилундан “мутафо” (*V V-*) қолади. “Мустаф”ни ўзига teng фаълун, “фо”ни фаъ ва “мутафо”ни фаилун билан алмаштирадилар:

а) мустафъилун (*- - V -*) → мустаф (*--*) = *фаълун* (*--*);

б) фоилун (*- V -*) → фо (*-*) = *фаъ* (*-*);

в) мутафоилун (*V V - V -*) → мутафо (*V V*) = *фаилун* (*V V*).

Ҳосил бўлган рукнларни *аҳазз* деб атайдилар. Ушбу рукнлар *Ражаз*, *Мутадорик*, *Мунсариҳ* ва *Комил* баҳри вазнларини ҳосил қилишда иштирок этади. Темурийлар даври арузшунослигига ушбу зихофга муносабатда ҳам фарқлар кузатилади. “Фунун ул-балоға”да ҳазаз мутафоилун аслий рукни

<sup>153</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 14.

<sup>154</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: F.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 558.

<sup>155</sup> Бадойиъ ус-санойиъ” нашрида бу зихоф номи “ҳазаж” тарзида янглиш келтирилган (Каранг: Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 15).

<sup>156</sup> А.Жаъфар ушбу зихоф мафъувлоту аслий рукнидан ҳам ҳосил бўлади, деган янглиш маълумотни келтириди. Бу ўринда гап ватади мажмуъни қисқартириш ҳакида бормоқда, мафъувлоту рукни эса ватади мажмуъдан эмас, балки ватади мафруқдан таркиб топади.

билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади<sup>157</sup>, мустафъилун ва фоилун аслий руқнларининг зихофи сифатида келтирилмайди, Жомий ва Навоийнинг рисолаларида эса фоилун ва мутафоилун аслий руқнларининг зихофлари кўрсатилмаганлиги учун ушбу зихофнинг фақат мустафъилунга хослиги айтилади. “Бадойиъ ус-санойиъ”да ҳазаз мутафоилун аслий руқнининг зихофи эканлиги таъкидланиб, унинг мисра охирига хослигига ургу қаратилади. “Арузи Сайфий”да мазкур зихоф келтирилмаган<sup>158</sup>. Фақат Бобургина “Аруз рисоласи”да ҳазазни юқорида келтирилган барча аслий руқнларга боғлиқ ҳолда талқин қиласди ва арузшунослар уни мисранинг охирига хос ўн бир зихофга киритишларини айтади<sup>159</sup>.

**Тасбиф** (*тўлдириши*) – фоилотун ( $-V-$ ), мафоийлун ( $V--$ ) ва фаувлун ( $V-$ ) аслий руқнларининг сўнгти сабаби хафифи (сўнгти чўзиқ ҳижо)ни “алиф” (*o*) билан тўлдириш. Натижада фоилотун ( $-V-$ )дан фоилотон ( $-V-\sim$ ) (уни ўзига teng фоилийён ( $-V-\sim$ ) билан алмаштирадилар), мафоийлундан мафоийлон ( $V-\sim$ ), фаувлун ( $V--$ )дан фаувлон ( $V-\sim$ ) ҳосил бўлади. Бу руқнлар вазн таркибида *мусаббаг* деб аталади. Ушбу зихоф *Рамал*, *Ҳазаж*, *Мутакориб*, *Музориъ*, *Мужтасс*, *Тавил*, *Мадид* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Тасбиф ушбу давр манбаларида айнан келтирилган бўлса-да<sup>160</sup>, “Рисолай аруз” ва “Мезон ул-авzon”да фақат фоилотун аслий руқни билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган, мафоийлун ва фаувлун аслий руқнларида ушбу зихоф номи келтирилмайди, “Бадойиъ ус-санойиъ”да тасбифнинг мисра охирида келиши ва бошқа номлар билан ҳам аталиши таъкидланади: “...

<sup>157</sup> Шайх Аҳмад Тарозий ҳазаз зихофини янгилиш тарзда мафоийлун аслий руқнига ҳам тегишли деб хисоблайди (Қаранг: Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 ракамли қўлёзма). – С. 82 б. Луғавий маъноси “думни кесиш” бўлган ҳазаз мафоийлундан ясалиши учун унинг сўнгти ҳижолари қисқариши керак, лекин мафоийлунда сўнгти ҳижолар ватади мажмуъ эмас, балки иккита енгил сабабдан иборат.

<sup>158</sup> Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда ҳазаз зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун ушбу зихофни эслаб ўтмаган.

<sup>159</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б.21-22.

<sup>160</sup> Бобурнинг “Аруз рисоласи”да ушбу зихоф номи аслий руқнлар билан боғлиқ ўриниларда негадир тасниъ тарзида берилган, бизнингча, бу котибининг хатоси бўлса керак, чунки арузшуносликда тасниъ билан боғлиқ истилоҳ учрамайди.

баъзилар буни ***ташбиъ*** деб атарлар, ***исбог*** ҳам дерлар ва баъзилар олдингисига қиёсан ***ишбоъ*** дерлар”<sup>161</sup>.

**Тазийл ёки изола** (*этакни узун қилиши*) – мустафъилун (– V –), фоилун ( – V –) ва мутафоилун (V V – V – ) асл рукиларидағи сўнгги жузв – ватади мажмуъга бир “алиф” (о)ни қўшиб узайтириш, бошқача айтганда, ушбу рукилардаги сўнгги чўзиқ ҳижони ўта чўзиқ ҳижога айлантириш. Натижада мустафъилун мустафъилонга, фоилун фоilonга, мутафоилун мутафоilonга айланади. Ҳосил қилинган тармоқ руки музол деб аталиб, асосан мисра охирида келади ва *Ражаз*, *Мутадорик* ҳамда *Комил* баҳрлари таркибида иштирок этади. Ушбу зихоф “Фунун-ул балоға”дан ташқари барча манбаларда ***изола*** тарзида келтирилган. “Рисолай аруз” ва “Мезон ул-авзон”да фоилун ва мутафоилун аслий рукиларига хос зихофлар келтирилмаганлиги учун фақат мустафъилуннинг изоласига тўхталиб ўтилган. “Бадойиъ ус-санойиъ”да ушбу зихофнинг мисра охирига хослиги таъкидланади. Бобур “Аруз рисоласи”да изолани юқорида келтирилган барча аслий рукиларга боғлиқ ҳолда талқин қиласиди.

**Тарфил** (*этакни чўзии*) – мустафъилун (– V –) ва мутафоилун (VV – V –) аслий рукиларининг ватади мажмуъ (V –)ига бир сабаби хафиғни орттириш, бошқача айтганда, ушбу асл рукиларнинг охирига бир чўзиқ ҳижони қўшиш. Натижада мустафъилун мустафъилунтунга, мутафоилун мутафоилунтунга айланади ва уларни ўзига teng мустафъилотун ва мутафоилотун билан алмаштирадилар:

а) *мустафъилун* ( – – V – ) → мустафъилунтун ( – – V – –) = *мустафъилотун* ( – – V – –);

б) *мутафоилун* (VV – V – ) → мутафоилунтун (VV – V – –) = *мутафоилотун* (VV – V – –).

Ҳосил бўлган рукилар *мураффал* деб аталади ва асосан *Ражаз*, *Комил* ҳамда *Мунсариҳ* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. “Фунун ул-

<sup>161</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 16.

балоға”да тарфил фақат мутафоилун аслий рукнига хос зихоф сифатида күрсатилган, бунда Шайх Аҳмад Тарозий форсий салафи Насируддин Тусийга таянган кўринади, чунки Тусий “Меъёр ул-ашъор”да “...тарфил мутафоилуннинг охиридан бошқа жойда келмайди” деган фикрни билдиради<sup>162</sup>. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий бу зихофни фақат мустафъилун аслий рукни билан боғлиқ ҳолда талқин қиласидилар, уларнинг рисолаларида мутафоилун аслий рукнининг зихофлари келтирилмаган. “Бадойиъ ус-санойиъ”да ушбу зихофнинг мисра охирига хослиги таъкидланади. Тарфил “Арузи Сайфий”да ҳам келтирилмайди<sup>163</sup>. Фақат Бобургина тарфилни ҳар иккала аслий рукнга тегишли зихоф сифатида эътироф этади.

Барча рукнлари тарфилдан иборат “Фунун ул-балоға”да келтирилган байтга мисол:

*Э сабо ели сен / гузар айласанг ул / сари зулфиидин тар  
Мутафоилатун / мутафоилатун / мутафоилатун  
Карам айлаву ул / дили хастадин бир / хабаре кетургил  
Мутафоилатун / мутафоилатун / мутафоилатун<sup>164</sup>.*

**Вакф** (*тўхтатии*) – мафъувлоту (— — V) аслий рукнидаги сўнгги жузв – ватади мафруқ (— V )ни сокин қилиш, бошқача айтганда, мафъувлоту (— — V)дан “у” ҳарфини ташлаб юбориш. Натижада мафъувлот қолади (— ~) ва уни ўзига teng мафъулон (— ~) билан алмаштирадилар:

*мафъувлоту (— — V) → мафъувлот (— ~) = мафъувлон (— ~) .*

Ҳосил бўлган рукн *мавқуф* деб аталади ва асосан *Сариъ*, *Мунсарих* ҳамда *Муқтазаб* баҳрлари таркибида иштирок этади. Ушбу зихоф барча манбаларда айнан келтирилган. “Бадойиъ ус-санойиъ”да унинг мисра охирига хослиги таъкидланади.

<sup>162</sup> Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 44.

<sup>163</sup> Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда *тарфил* зихофи билан ясалувчи вазнни келтирилмаганлиги учун ушбу зихофни эслаб ўтмаган.

<sup>164</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли кўлёзма). – С.120 б.

**Кашф** (*ошкор қилиши, очиши*) ёки **касф** (*туя товонини кесиши*) – мафъувлоту (– – – V) аслий рукнидан сўнгги ҳижо (“ту”)ни ташлаб юбориш. Натижада мафъуло қолади (– – –) ва уни ўзига тенг мафъувлун (– – –) билан алмаштирадилар:

*мафъувлоту (– – – V) → мафъувло (– – –) = мафъувлун (– – –).*

Ҳосил бўлган руқн *макиуф* (*максуф*) деб аталади ва асосан *Саръ*, *Мунсариҳ* ҳамда *Муқтазаб* баҳрлари таркибида иштирок этади. Ушбу руқн номи “Фунун ул-балоға” ва “Мезон ул-авзон”дан ташқари, ушбу даврдаги барча рисолаларда *максуф* тарзида келтирилган<sup>165</sup>.

**Жабб** (*ахта қилинган*) – мафоийлун (V – –) рукнининг сўнгги икки сабаби хафиини олиб ташлаш, яъни мафоийлундан “ийлун” (– –) ни ташлаб юбориш, шунда “мафо” (V – ) қолади. Унинг ўрнига ўзига тенг бўлган “фаал” (V – )ни қўядилар ва бу руқн номини “мажбуб” деб атайдилар:

*мафоийлун (V – –) → мафо (V – ) = фаал (V – ).*

*Мажбуб*, асосан, Ҳазаж баҳри билан боғлиқ шеърий ўлчовлар, жумладан рубоий вазнларини ҳосил қилишда иштирок этади. Ушбу зихоф номи “Фунун ул-балоға” ва “Арузи Сайфий”дан бошқа барча рисолаларда айнан келтирилган<sup>166</sup>. *Жабб* Атоуллоҳ Ҳусайнин томонидан форсий арузшунослар кашф этган зихофлар гуруҳига киритилган.

**Мураккаб зихофлар** аслий рукнларнинг икки марта ўзгаришга учраши натижасида вужудга келади. Биз тадқиқ этаётган манбаларда уларнинг умумий сони 18 та. Ушбу зихофларни ҳам мисрада келиш ўрнига кўра икки гурухга ажратиш мумкин. Даставвал мисра боши ва ўртасида келувчи зихофларни келтириб ўтамиз. Уларга *сарм*, *харб*, *шатр*, *шакл*, *кабл*, *тахлиъ*, *хабл*, *ақл*, *нақс*, *қатф*, *хазл*, *вақс*, *қасм* киради.

---

<sup>165</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин ушбу зихофнинг *касф* тарзида (нуқтасиз “син” билан) ўқилишини тўғри деб ҳисоблайди (Бу ҳақда каранг: Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 14-15.). Бизнингча, *касф* шакли тўғрироқ, чунки истилоҳнинг лугавий маъноси (“очиш”)га кўра, мафъувлотудаги руқни беркитиб турган сўнгти кисқа ҳижони ташлаб юбориш орқали руқнда очилиш содир бўлади.

<sup>166</sup> Шайх Аҳмад Тарозий рисоласида рубоий вазнларига кенг ўрин ажратилмаганлиги учун мазкур вазнларни ҳосил қилишда иштирок этувчи зихофлар, жумладан *жабб* ҳам келтирилмаган. Сайфий Бухорий эса баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санаашда *жабб* зихофи билан ясалувчи вазнга тўхталмаганлиги учун ушбу зихофи эслаб ўтмайди.

**Сарм** (*тишини синдириши*) – салм ва қабз амалларининг бирикувидан ҳосил бўлувчи мураккаб зихоф. Бунда аввал фаувлун ( $V-$ ) аслий рукнидан биринчи ҳижо “фа”ни ташлаб юборадилар, сўнгра эса ҳосил бўлган “увлун”дан “нун” ҳарфини олиб ташлайдилар. Натижада “увлу” ( $-V$ ) қолади ва уни ўзига тенг фаълу ( $-V$ ) билан алмаштирадилар:

$$\text{фаувлун } (V-) \rightarrow \text{увлун } (-) \rightarrow \text{увлу } (-V) = \text{фаълу } (-V)$$

Ҳосил бўлган руқн *асрам* деб аталади ва асосан *Мутақориб* ҳамда *Тавил* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Атоуллоҳ Хусайнин ушбу зихофни *харм* зихофи таркибида келтириб, фаувлун аслий рукнидан “фа”ни тушириш ва сўнгра уни қабз қилиш ҳисобига асрам пайдо бўлишини айтади<sup>167</sup>. Бу зихоф “Арузи Сайфий”дан бошқа қолган барча манбаларда айнан келтирилган<sup>168</sup>. Бобур “Аruz рисоласи”да Мутақориб баҳри билан боғлиқ ўринда ушбу зихоф қатнашган 16 руқнли туркий байтни мисол сифатида келтиради:

Эй юзи чобук, вей кўзи учрук, вей тили чучук, лаблари шаккар,

Эй хати сунбул, вей сўзи чун мул, вей юзи гул-гул, қомати аръар.

Фаълу фаувлун фаълу фаувлун фаълу фаувлун фаълу фаувлун<sup>169</sup>.

**Харб** (*хароб қилиши, вайрон қилиши*) – кафф ва *харм*нинг бирлашишидан пайдо бўлувчи мураккаб зихоф. Мафоийлун ( $V--$ ) аслий рукнидан “ма”ни ва охирги “н” ҳарфини олиб ташлаш натижасида “фоийлу” ( $--V$ ) қолади, унинг ўрнига *мафъувлу* ( $--V$ ) ни қўядилар ва “ахраб” деб атайдилар:

$$\text{мафоийлун } (V--) \rightarrow \text{мафоийлу } (V--V) \rightarrow \text{фоийлу } (--V) = \text{мафъувлу } ( --V ).$$

Ушбу зихоф *Ҳазаж* (кўпроқ рубоий вазнлари таркибида), *Қариб* ва *Музориъ* баҳрлари вазнларини ҳосил қилишда иштирок этади. *Харб* барча манбаларда

<sup>167</sup> Атоуллоҳ Хусайнин. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 17.

<sup>168</sup> Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда *сарм* зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун ушбу зихофни эслаб ўтмаган.

<sup>169</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 39.

мафоийлун аслий рукни билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган<sup>170</sup>. Аттоуллоҳ Ҳусайнний Ҳурросон пешволаридан бири бўлмиш Ҳожа Имом Ҳасан Қаттон *ахрам* ва *ахрабдан* икки шажара ясаб, барча рубоий вазнларини шу икки шажараага киритганлигини таъкидлаб ўтади<sup>171</sup>.

**Шатр** (*кесииш, айб-нуқсонли қилиши*) – қабз ва *хармдан* таркиб топган мураккаб зиҳоф бўлиб, мафоийлун (*V— —*) аслий рукни таркибида содир бўлади. Ушбу зиҳоф аввал мафоийлундан бешинчи сокин ҳарфни олиб ташлаш ёки шу руқннинг аввалида келган ватади мажмуъдан биринчи мутаҳаррик ҳарфни олиб ташлаш ёки мафоийлундан аввалги ҳижо “*ма*”ни ташлаб юбориш (*харм* амалини бажариш) эвазига ҳосил қилинади. Шунда фоилун (*— V —*) қолади. Уни *аштар* деб атайдилар:

*мафоийлун (V— —) → мафоилун ( V— V —) → фоилун (— V —) = фоилун ( — V —).*

Форс-тожик арузшунослари, хусусан У.Тоиров *аштар* фақат Ҳазажс баҳри таркибида қўлланилади деб ҳисоблайдилар,<sup>172</sup> лекин Бобурнинг “Аruz рисоласи”да бу зиҳоф Ҳазажс баҳридан ташқари, *Музориъ* баҳри вазнлари билан боғлиқ ҳолда ҳам талқин қилинади. Бобур ўз рисоласида ушбу зиҳоф қатнашган ҳам форсий, ҳам туркий байти келтиради. “Аруз рисоласи”дан *Музориъи мусаддаси макфуфи аштар* вазнига туркий мисол:

*Мени ишқ дилғиғор қилгуси,*  
*Мени шавқ беқарор қилгуси.*  
Мафоийлу фоилоту **фоилун**<sup>173</sup>.

Ушбу зиҳоф номи ҳам барча манбаларда мафоийлун аслий рукни билан боғлиқ ҳолда келтириб ўтилган, фақат Атоуллоҳ Ҳусайнний шатрни *харм* зиҳофи

<sup>170</sup> Р.Мусулмонкулов “Арузи Сайфий”да келтирилган зиҳофларни санашда негадир ушбу зиҳоф номини унугиб қолдиради (Мусульманкулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика. (Х-ХV вв.). - М.: Наука, 1989. – С. 185.)

<sup>171</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 17-18.

<sup>172</sup> Қаранг:Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 35.

<sup>173</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 94.

таркибида келтириб, агар мафоийлун аслий рукнини харм қилиш вақтида у мақбуз (яъни қабз амалига учраган) бўлса, *аштар* деб аташларини айтади<sup>174</sup>.

**Шакл** (*тушовлаш*) – *хабн* ва *кафф* зихофларининг бирикувидан ҳосил бўлувчи мураккаб зихоф. Бунда фоилотун ( $-V-$ ) ва мустафъилун ( $--V-$ ) аслий рукнларининг биринчи ҳижоси дастлаб қисқа ҳижога айлантирилади, яъни *хабн* қилинади, сўнгра яна охирги чўзиқ ҳижолар ҳам қисқартирилиб, *кафф* амали бажарилади ва натижада қуидаги манзара ҳосил бўлади:

- а) *фоилотун* ( $-V-$ ) → *фаилотун* ( $V V-$ ) → *фаилоту* ( $V V-V$ );
- б) *мустафъилун* ( $--V-$ ) → *мафоилун* ( $V-V-$ ) → *мафоилу* ( $V-VV$ );

Шакл зихофи орқали ҳосил бўлган тармоқ руки *машкул* деб аталади. Мазкур зихоф билан боғлиқ маълумотлар барча манбаларда деярли бир хил бўлиб, фақат “Фунун ул-балоға”нинг муаллифи ушбу зихофни мустафъилун билан боғлиқ ҳолатда *шакл* деб атамай, *хабну кафф* деб номлайди ва ундан ҳосил бўлган фуруъни *махбуни макфуф* деб аташларини таъкидлайди<sup>175</sup>.

**Кабл** (*кишанлаш*) – *хабн* ва қатъ зихофларидан ҳосил бўлувчи мураккаб зихоф; бунда мустафъилун ( $--V-$ ) ни аввал хабн қиладилар, яъни биринчи чўзиқ ҳижосини қисқартирадилар, натижада мутафъилун ( $V-V-$ ) қолади, сўнгра унда қатъ амалини бажарадилар ва мутафъил ( $V-$ ) ҳосил бўлади, уни ўзига тенг фаъувлун ( $V-$ ) билан алмаштирадилар:

*мустафъилун* ( $--V-$ ) → *мутафъилун* ( $V-V-$ ) → *мутафъил* ( $--$ )  
= *фаувлун* ( $V-$ ).

Ҳосил қилинган руки *макбул* деб аталади ҳамда *Ражаз* ва *Басит* баҳрлари таркибида қўлланилади. Ушбу зихоф *кабл* тарзида фақат туркий рисолалар: Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” ва Бобурнинг “Аруз рисоласи”да келтирилган<sup>176</sup>. Тарозий рисоланинг Ражаз баҳри билан боғлиқ фаслида *кабл* зихофи қатнашган туркий мисол келтиради:

<sup>174</sup> Атоуллоҳ Хусайнин. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 17.

<sup>175</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 ракамли қўллэзма). – С. 84 а.

<sup>176</sup> А.Жаъфарнинг фикрича, *кабл* араб арузига хос зихоф бўлиб, форсий арузда унинг муқобили сифатида *тахлиъ* қўлланилади. Лекин *тахлиъ* мустафъилундан ташқари, фоилуннинг ҳам зихофидир, *кабл* эса фақат

*Васлинг таманноси била чектим жафо билурсен...*

Мустафъилун мустафъилун мустафъилун **фаувлун**<sup>177</sup>.

**Тахлиъ** (*қўлни кесии*) – мустафъилун ва фоилун аслий рукинларини қатъ ва *хабн* қилиш. Бу амал мустафъилун (– –V –) аслий рукин билан боғлиқ ҳолатда *кабл* деб ҳам аталади (*кабл* зихофиға қаранг); шу маънода тахлиъ хар икки рукинга, кабл эса фақат мустафъилунга тегишилдир. Бу мураккаб зихофда фоилун (–V –) аслий рукиндан аввал “и” ҳарфини ташлаб юбориб, “л” ҳарфини сокин қиласидар, натижада фоил (– – ) қолади, уни фаълун (– –) билан алмаштирадилар, сўнгра ҳосил бўлган рукини *хабн* қиласидар, яъни биринчи чўзиқ ҳижони қисқа ҳижога айлантирадилар, шунда фаълун (– –) фаал (V –)га айланади:

*фоилун (–V –) → фоил (– –)= фаълун (– –)→ фаал (V –).*

Ҳосил бўлган рукини *мухалла* ёки *мақтуъи маҳбун* деб атайдилар. Мазкур рукинlar *Ражаз* ва *Мутадорик* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Бу зихоф номи “Фунун ул-балоға”, “Аруз рисоласи” ва “Арузи Сайфий”да келтирилмайди. Тарозий ва Бобур *тахлиъ* моҳияттан *кабл*га яқин бўлганлиги учун уни алоҳида зихоф сифатида санамаганлар. Атоуллоҳ Ҳусайнининг фикрича, ушбу зихоф араб арузига хос бўлиб, форс шеъриятида қўлланилмаган: “... бу араб ашъорининг зихофларидиндур ва форс шеъринда келмас. Форс рисолаларида муни ёзиптурлар, лекин араб шеърига маҳсуслугун зикр этмаптурлар”<sup>178</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” ва Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарларида фоилун аслий рукинининг зихофлари келтирилмаганлиги учун ушбу зихоф фақат мустафъилун аслий рукин билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган.

**Хабл** (*қўл ва оёқни кесии*) – *хабн* ва *тайй* зихофларидан ҳосил бўлувчи мураккаб зихоф; мустафъилун (– – V –) ва мафъувлоту (– – – V ) аслий

мустафъилунга хос зихоф хисобланади (Бу ҳақда қаранг: Чәфәр Ә. Әрузун нәзәри әсаслары вә Азәрбајчан әрузү. – Бакы: Елм, 1977. – Б. 86). Бу қараш асосга эга бўлиб, биз *тахлиъ* зихофини келтиришда унга таянамиз.

<sup>177</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамили қўлёзма). – С. 117 а.

<sup>178</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 14.

руқнларини аввал *хабн*, кейин *тайй* қилиш. Бошқача айтганда, мустафъилун (– – V –) ва мағъувлоту (– – – V) руқнларининг биринчи ва иккинчи чўзиқ хижоларини қисқа хижога айлантириш. Бунда аввал мустафъилун (– – V –)дан мутафъилун (V – V –), мағъувлоту (– – – V)дан маъулоту (V – – V) қолади. Ушбу *хабн* амалидан кейин иккинчи ҳижо ҳам қисқартирилса, яъни *тайй* қилинса, мутафъилун (V – V –)дан мутаилун (V V V –), маъулоту (V – – V)дан маулоту (V V – V) қолади. Мутаилун (V V V –)ни ўзига тенг фаилатун (V V V ), маулоту (V V – V)ни ўзига тенг фаилоту (V V – V) билан алмаштирадилар:

а) *мустафъилун* (– – V –) → мутафъилун (V – V –) → мутаилун (V V V –) = *фаилатун* (V V V –);

б) *мағъувлоту* (– – – V) → маъувлоту ( V – – V ) → маулоту ( V V – V ) = *фаилоту* ( V V – V ).

Ҳосил бўлган руқнлар махбул деб аталади ва *Ражаз*, *Сариъ*, *Мунсарих* ҳамда *Муқтазаб* баҳрлари таркибида иштирок этади. Ушбу зихоф номи “Арузи Сайфий”дан бошқа барча манбаларда айнан келтирилган<sup>179</sup>.

**Ақл** (*туяниңг болдирини сонига боғлаб қўйши*) – *асб* ва қабз зихофларининг бирикувидан ҳосил бўлувчи мураккаб зихоф. Бунда аввал мафоилатун (V–VV–) руқнини *асб* (сабаби сақилнинг иккинчи ҳарфини сокин қилиш) қилиб, мафоилтунга айлантирадилар, сўнгра ҳосил бўлган руқнни қабз (бешинчи сокин ҳарфни олиб ташлаш) қиласидилар, натижада мафоитун (V– V –) ҳосил бўлади, уни ўзига тенг мафоилун билан алмаштирадилар:

*мафоилатун* (V–VV–) → *мафоилтун* (V – – –) → *мафоитун* (V – V –) = *мафоилун* (V – V –).

Ҳосил бўлган руқн *маъқул* деб аталади ва фақат *Воғир* баҳри таркибидагина иштирок этади. Ушбу зихоф номи “Арузи Сайфий”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи аruz”да келтирилмайди<sup>180</sup>. Бобур “Аруз рисола”сида

<sup>179</sup> Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санаща *хабл* зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун ушбу зихофни эслаб ўтмаган.

<sup>180</sup> Сайфий *ақл* зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун, Жомий ва Навоийлар эса фақат форсий ва туркий арузда қўлланилган 5 аслий руқнгагина тўхталиб ўтганлари учун ушбу зихофни эслаб ўтмаганлар.

Вофир баҳри балан боғлиқ фаслда ушбу зиҳоф қатнашган беш хил мисол келтиради. Улардан бири:

*Улусқа меҳр кўрсатибон, кўнгулга кўп жафо қиласен,  
Юрок чок-чок этибон рақибқа даво қиласен.*

**Мафоъилун** мафоъилатун **мафоъилун** мафоъилатун<sup>181</sup>.

**Нақс** (*айбли, нуқсонли*) – *асб* ва *кафф* зиҳофларининг бирикувидан ҳосил бўлувчи мураккаб зиҳоф. Бунда аввал мафоилатун (*V–VV–*) аслий рукнини *асб* (сабаби сақилнинг иккинчи ҳарфини сокин қилиш) қилиб, мафоилтунга айлантирадилар, сўнгра ҳосил бўлган рукнни *кафф* (“нун” ҳарфини ташлаб юбориш) қиладилар, натижада мафоилту (*V– – V*) ҳосил бўлади, уни ўзига teng мафоийлу билан алмаштирадилар:

*мафоилатун (V–VV–) → мафоилтун (V– – –) → мафоилту (V– – V) =  
мафоийлу (V– – V).*

Ҳосил бўлган рукн *манқус* деб аталади ва фақат *Вофир* баҳри таркибидагина иштирок этади. Ушбу зиҳоф номи “Арузи Сайфий”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи аруз”да келтирилмайди<sup>182</sup>.

**Қатф** (*узум бошини кесиши ёки мева шингилларини кесиб олиши*) – *асб* ва *ҳазф* зиҳофларининг бирикувидан ҳосил бўлувчи мураккаб зиҳоф. Бунда аввал мафоилатун (*V–VV–*) аслий рукнини *асб* (сабаби сақилнинг иккинчи ҳарфини сокин қилиш) қилиб, мафоилтунга айлантирадилар, сўнгра ҳосил бўлган рукнни *ҳазф* (сўнгти сабаби хафиғни ташлаб юбориш) қиладилар, натижада мафоил (*V– –*) ҳосил бўлади, уни ўзига teng фаувлун билан алмаштирадилар:

*мафоилатун (V–VV–) → мафоилтун (V– – –) → мафоил (V– –) =  
фаувлун (V– –).*

---

<sup>181</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б.

<sup>182</sup> Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда *асб* зиҳофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун, Жомий ва Навоийлар эса факат форсий ва туркий арузда қўлланилган 5 аслий рукнгагина тўхталиб ўтганлари учун ушбу зиҳофни эслаб ўтмаганлар.

Ҳосил бўлган руқн *мақтуф* деб аталади ва фақат *Воғир* баҳри таркибидагина иштирок этади. Ушбу зихоф номи ҳам “Арузи Сайфий”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи аruz”да келтирилмайди<sup>183</sup>.

**Ҳазл (қирқилиши)** – измор ва *тайй* зихофларининг бирикувидан ҳосил бўлувчи мураккаб зихоф. Бунда аввал мутафоилун (*VV–V–*) аслий рукнини измор (“Бадойиъ ус-санойиъ”га кўра, сабаби сақилнинг иккинчи мутаҳаррик ҳарфини сокин қилиш) қилиб, мутфоилун (*– – V –*)га айлантирадилар, сўнгра ҳосил бўлган рукнни *тайй* (иккинчи сабаби хаифини қисқартириш) қиласдилар, натижада мутфаилун (*–V V –*) ҳосил бўлади, уни ўзига тенг муфтаилун билан алмаштирадилар:

*мутафоилун (VV–V–) → мутфоитун (– – V –) → мутфаилун (–V V –) =  
муфтаилун (– V V –).*

Ҳосил бўлган рукн *махзул* деб аталади ва фақат *Комил* баҳри таркибидагина иштирок этади. Ушбу зихоф номи ҳам “Арузи Сайфий”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи аruz”да келтирилмайди<sup>184</sup>. Бобурда ушбу зихоф номи жазл, ундан ҳосил бўлувчи фуруъ эса *мажзул* деб кўрсатилган.

**Вакс (бўйинни қайирмоқ)** – измор ва *хабн* амалларидан таркиб топувчи мураккаб зихоф<sup>185</sup>; бунда аввал мутафоилун (*VV – V –*) аслий рукнидаги сабаби сақилнинг иккинчи мутаҳаррик ҳарфини сокин қиласдилар, натижада мутфоилун (*– – V –*) қолади (измор), сўнгра ундаги сабаби хаифининг сокин ҳарфини ташлаб юборадилар, тафоилун (*V – V –*) ҳосил бўлади (*хабн*) ва уни ўзига тенг мафоилун билан алмаштирадилар:

*мутафоилун (VV – V – –) → мутфоитун (– – V –) → тафоилун (V – V – ) =  
мафоилун (V – V – ).*

---

<sup>183</sup> Сайфий қатф зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун, Жомий ва Навоийлар эса фақат форсий ва туркий арузда қўлланилган 5 аслий рукнгагина тўхталиб ўтганлари учун ушбу зихофни эслаб ўтмаганлар.

<sup>184</sup> Сайфий ҳазл зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун, Жомий ва Навоийлар эса фақат форсий ва туркий арузда қўлланилган 5 аслий рукнгагина тўхталиб ўтганлари учун ушбу зихофни эслаб ўтмаганлар.

<sup>185</sup> У.Тоировнинг фикрича, *мавқус* муфрад зихоф бўлиб, мутафоилун (*VV – V – –*) рукнидаги биринчи қисқа бўйинни ташлаб юбориш хисобига ҳосил қилинадики, бу фикр моҳияттан тўғри эмас (Қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 94).

Ҳосил бўлган руқн *мавқус* деб аталади ва фақат *Комил* баҳри таркибидагина иштирок этади. Ушбу зихоф номи ҳам “Арузи Сайфий”, “Мезон ул-авзон”, “Рисолаи аруз”да келтирилмайди<sup>186</sup>.

**Қасм** (*тишини синдириши*) – *асб* ва *харм* зихофларидан ҳосил бўлувчи мураккаб зихоф; бунда мафоилатун ( $V-$   $VV-$ ) аслий рукнини аввал *асб* қиласдилар, яъни сабаби сақилнинг иккинчи ҳарфини сокин қиласдилар ва натижада мафоилтун ( $V---$ ) қолади, сўнгра *харм* амалини бажариб, уни фоилтун ( $--$ ) қиласдилар ва уни ўзига teng мафъувлун ( $--$ ) билан алмаштирадилар:

*мафоилатун* ( $V-$   $VV-$ ) → *мафоилтун* ( $V---$ ) → *фоилтун* ( $--$ ) = *мафъувлун* ( $--$ ).

Ҳосил бўлган руқн *ақсам* деб аталади ва *Воғир* баҳри таркибида иштирок этади. Мазкур зихоф “Фунун ул-балога”да мафоилатуннинг зихофи сифатида эслаб ўтилган, Жомий ва Навоийда мафоилатун аслий рукни билан боғлиқ зихофлар келтирилмаганлиги учун қасмга тўхталиб ўтилмайди, Атоуллоҳ Ҳусайнний эса ушбу зихофни *харм* зихофи таркибида санаб ўтади. Бобур қасмни мураккаб зихофлар қаторида санайди, “Арузи Сайфий”да мазкур зихоф ҳақида маълумот йўқ<sup>187</sup>.

Мисра охирига мансуб зихофларга *ҳажф*, *ҳатм*, *батр*, *рабъ*, *жадъ* каби зихофлар киради.

**Ҳажф**<sup>188</sup> (*нуқсонли қилиши*) – мураккаб зихоф; фоилотун ( $-V-$ ) аслий рукнини аввал *хабн* қилиб, яъни биринчи чўзиқ ҳижони қисқартириб, фоилотун ( $VV-$ )га айлантириш, сўнгра ҳосил бўлган руқндан фосилаи суғро, яъни “фаило” ( $VV-$ ) ни ташлаб юбориш. Натижада “*тун*” қолади ва уни ўзига teng “*фаъ*” билан алмаштирадилар:

фоилотун ( $-V-$ ) → фоилотун ( $VV-$ ) → *тун* ( $-$ ) = *фаъ* ( $-$ )

<sup>186</sup>Сайфий измор зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун, Жомий ва Навоийлар эса фақат форсий ва туркий арузда қўлланилган 5 аслий руқнгагина тўхталиб ўтганлари учун ушбу зихофни эслаб ўтмаганлар.

<sup>187</sup> Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда қасм зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун ушбу зихофни эслаб ўтмаган.

<sup>188</sup> Жомий, Навоий ва Бобурда ушбу зихоф номи *жасұф*, ундан ҳосил қилинган тармоқ руқнлар мажхуф тарзида келтирилган.

Ҳосил бўлган руknни *маҳжуз* деб атайдилар. Бу зиҳоф ажам арузшунослари томонидан Халил ибн Аҳмаддан сўнг кашф қилинган. Ҳажф асосан *Рамал ва Мужтасс* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади, лекин Бобурнинг “Аruz рисоласи”да мазкур зиҳофнинг фуруъи – *маҳжуз* қатнашган *Хафиғ* баҳрига мансуб вазн ҳам келтирилган:

*Келки сенча ёр топилмас,*  
*Билки менча зор топилмас.*  
Фоъилоту муфтаилун **фаъ**<sup>189</sup>.

Ушбу зиҳоф номи “Арузи Сайфий”дан бошқа барча манбаларда келтирилган.<sup>190</sup>

**Ҳатм** (*тишини тагидан синдириши*) – ҳазф ва қаср амалларидан таркиб топувчи мураккаб зиҳоф; бунда аввал мафоийлун (*V--*) ни ҳазф килиб, мафоий (*V-*) ҳосил қилинади, сўнгра мафоий (*V-*) даги “й” қисқартирилиб, мафоъ (*V~*) қолади, уни ўзига тенг фаувл (*V~*) билан алмаштириб, *аҳтам* деб атайдилар. Бошқача айтганда, мафоийлун (*V--*) рукнидан икки чўзиқ хижони (ийлун --) ташлаб юбориб, қолган мафоъ (*V~*) нинг ўрнига фаувл (*V~*)ни қўйиб, руkn номини *аҳтам* деб атайдилар:

*мафоийлун (V--)* → мафоий (*V-*) → мафоъ (*V~*) = *фаувл (V~)*.

Ушбу руkn асосан Ҳазаж баҳри вазнларини, жумладан рубоий вазнларини ҳосил қилишда иштирок этади. Ҳатм “Фунун ул-балога” ва “Арузи Сайфий”дан бошқа барча рисолаларда айнан келтирилган<sup>191</sup>. Мазкур зиҳоф Атоуллоҳ Ҳусайнин томонидан форсий арузшунослар кашф этган зиҳофлар гурухига киритилган.

**Батр** (*думни кесии, илдизидан ағдариши*) – мафоийлун (*V--*) аслий рукни таркибида *харм* ва *жабб*; фоилотун аслий рукни таркибида *қатъ* ва

<sup>189</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 106.

<sup>190</sup> Сайфий ҳажеф зиҳофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун ушбу зиҳофи эслаб ўтмаган.

<sup>191</sup> Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Бобурнинг рисолаларида мафоийлун аслий рукннинг 11 та зиҳофи борлиги айтилиб, ҳатми зиҳофи ҳам шулар қаторида санаб ўтилган. Шайх Аҳмад Тарозий эса ушбу аслий рукн билан боғлик 10 та зиҳофи келтирас экан, негадир ҳатмни ташлаб кетади. Афтидан, Тарозий асосан рубоий вазнларини ҳосил қилишда иштирок этувчи ушбу зиҳофи келтириши мухим деб ҳисбламаган бўлса керак, чунки унинг рисоласида Ҳазаж баҳри вазнлари билан боғлик фаслда ҳам рубоий вазнларига кенг тўхталиб ўтилмаган. Сайфий Бухорий эса баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санаашда ҳатм зиҳофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун ушбу зиҳофи эслаб ўтмайди.

ҳазф; фавулун аслий рукни таркибидан *салм* ва ҳазф амалларидан вужудга келувчи мураккаб зихоф; бунда мафоийлун (*V---*) аслий рукнидан бир ватади мажмуъ (*V-*) ҳамда бир сабаби хафиф (*-*)ни; фоилотун (*-V-*) аслий рукнидан бир сабаби хафиф (*-*) ҳамда бир ватади мажмуъ (*V-*) ни, фавулун аслий рукнидан эса бир ватади мажмуъни ташлаб юборадилар, натижада “лун” ёки “тун” қолади. Унинг ўрнига ўзига тенг “фаъ” (*-*)ни қўядилар:

- а) *мафоийлун* (*V---*) → ийлун (*--*) → лун (*-*) = *фаъ* (*-*);
- б) *фоилотун* (*-V--*) → фотун = *фаълун* (*--*) → *фаъ* (*-*)<sup>192</sup>;
- в) *фавулун* (*V-*) → лун (*-*) = *фаъ* (*-*).

Ҳосил қилинган рукн *абтар* деб аталади. Ушбу рукн асосан *Ҳазаж*, *Рамал*, *Мутақориб*, *Музориъ*, *Мужтасс*, *Хафиф* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Шайх Аҳмад Тарозий, Жомий ва Навоийнинг рисолаларида батр зихофи фақат *мафоийлун* ва *фавулун* аслий рукнларига тегишлилиги айтилади<sup>193</sup>, *фоилотун* рукни келтириб ўтилмайди. Атоуллоҳ Ҳусайнинь батр зихофини *фавулун* ва *фоилотун* рукнларига хос деб билгани ҳолда, *мафоийлун* аслий рукнига Шамс Қайс Розий киритганлигини айтади, лекин унга муносабат билдирмайди, Бобур ушбу зихофни фақат *фавулун* ва *фоилотун* аслий рукнларига хос деб ҳисоблайди, унинг *мафоийлун* аслий рукнига мансублиги ҳақида фикр билдирилмайди<sup>194</sup>. “Арузи Сайфий”да *батр* зихофи билан боғлиқ маълумот келтирилмаган. Бобурнинг “Аруз рисоласи”да фоилотун аслий рукни билан боғлиқ ҳолдаги *батр* зихофининг фуруълари қатнашган вазнлар сони еттига бўлиб<sup>195</sup>, Бобур уларни *фаъ* тарзида эмас, *фаълун* тарзида келтирадики, бизнингча, бу моҳиятан тўғри эмасдир. Чунки бу ўринда қўлланган *фаълун* фуруъи *абтарнинг* эмас, балки қатънинг тармоғидир. “Рисолаи аруз”даги ана шундай байтлардан бирини қиёслаш учун келтирамиз:

<sup>192</sup> А.Жаъфар ушбу зихофнинг фоилотун аслий рукнидан ясалишига манфий муносабат билдиради (Чэфэр Э. Эрузун нэзэри эсаслары вэ Азэрбајчан эruz. – Бакы: Елм, 1977. – Б. 82).

<sup>193</sup> Шайх Аҳмад Тарозий ушбу зихофни мафоийлун аслий рукни билан боғлиқ ҳолатда “ҳазаз ва ҳазз” деб атайди, батр истилоҳини қўлламайди.

<sup>194</sup> Бобур мафоийлун аслий рукнининг зихофларини санаганда, батр истилоҳини қўлламаса-да, фуруъларни келтириш вақтида ахрами мажбуб деган истилоҳини қўллайдики, бу моҳиятан батрнинг ўзидир.

<sup>195</sup> Бу ўринда *абтарнинг* ўзи ҳақида сўз бормоқда, *абтари мусаббаг* бундан мустасно.

Махбун, аруз ва зарб абтар

*Ҳажр ўлтурди мени англасам эрди мунча,*

*Дўстлар, ердин айрилмас эдим ўлгунча<sup>196</sup>.*

Фоилотун фаилотун фаилотун **фаълун**<sup>197</sup>.

**Рабъ** (*манзил; тўртга тақсим қилиши*) – *салм* ва *хабн* амалларидан ясалувчи мураккаб зиҳоф; бу зиҳофга кўра, фоилотун (–V–) аслий рукнини аввал *салм* қиласидилар, яъни “алиф” (o), “то” (m) ва “нун” (n)ни кесиб ташлайдилар, натижада “фоил” (– –) қолади. Кейин *хабн* амали ёрдамида “фоил”нинг биринчи чўзиқ ҳижосини қисқартирадилар, шунда *фаил* (V – ) пайдо бўлади. Уни ўзига teng фаал (V –) билан алмаштириб, рукн номини *марбуб* деб атайдилар:

*фоилотун* (– V –) → *фоил* (– –) → *фаил* (V –) = *фаал* (V –).

Ушбу зиҳоф *Рамал* ва *Музориъ* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади. Рабъ зиҳофи “Фунун ул-балоға” ва “Арузи Сайфий”да келтирилмаган.

**Жадъ / жазъ** (*қулоқ ва қўлни кесиши*) – мураккаб зиҳоф; мафъувлоту (– – – V) асл рукнидан икки сабаби хафиф (–)ни ташлаб юбориш ва “т”ни сокин қилиш. Бошқача айтганда, мафъувлоту (– – – V) рукнидан аввалги икки чўзиқ ҳижони ташлаб юбориш ва сўнгги қисқа ҳижони сокин қилиш. Натижада “лом” (~) қолади ва уни ўзига teng “фоъ” (~) билан алмаштирадилар:

*мафъувлоту* (– – – V) → *лом* (~) = *фоъ* (~).

Ҳосил қилинган рукн *маждуъ* деб аталади ва асосан *Сариъ*, *Мунсарих* ҳамда *Муқтазаб* баҳрлари таркибида келади. Ушбу зиҳоф “Фунун ул-балоға”дан ташқари барча рисолаларда келтирилган<sup>198</sup>. Атоуллоҳ Ҳусайнин жадъни форсий арузшунослар кашф этган зиҳофлар гуруҳига киритади.

**Ўта мураккаб зиҳофлар** миқдори тўртта бўлиб, улар қуйидагилардир:

**Залал** (*соннинг гўштсиз бўлиши*) – ҳатм мураккаб зиҳофи ҳамда *харм* муфрад зиҳофидан ясалувчи ўта мураккаб зиҳоф; мафойилун (V – –) аслий

<sup>196</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 72.

<sup>197</sup> Бу байтнинг вазни аслида *Рамали мусаммани мақтудир*.

<sup>198</sup> Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да мафъувлоту аслий рукнидан келиб чиқувчи 12 зиҳофи изохлар экан, *фаъ* фуруъини келтиргани холда негадир *фоъни* келтириб ўтмайди.

рукни таркибида содир бўлади. Бунда мафоийлун рукни аввал ҳатм қилиниб, мафоъ (*V ~*) га айлантирилади, сўнгра мафоъдан қисқа ҳижо “*ма*”ни ҳам олиб ташлаб, “*фоъ*” (~)ни қолдирадилар ва уни “*азалл*” деб атайдилар:  
*мафоийлун* (*V--*) → мафоъ (*V~*) → *фоъ* (~).

Ушбу рукн асосан Ҳазаж (рубоий вазнлари таркибида) ва Музориъ баҳри вазнларини ҳосил қилишда иштирок этади. Залал “Фунун ул-балоға” ва “Арузи Сайфий”да келтирилмаган. Бу зихоф Атоуллоҳ Ҳусайнин томонидан форсий арузшунослар кашф этган зихофлар гуруҳига киритилган.

**Жамм** (*наизасиз*) – *ақл* мураккаб зихофи ҳамда *харм* муфрад зихофларининг бирикувидан ҳосил бўлувчи ўта мураккаб зихоф; мафоилатун (*V–VV–*) аслий рукни таркибида содир бўлади. Бунда аввал мафоилатун рукнини *ақл* (сабаби сақилнинг иккинчи ҳарфини сокин қилиш ва бешинчи сокин ҳарфни олиб ташлаш) қилиб, мафоилун (*V– V –*)га айлантирадилар, сўнгра ҳосил бўлган рукнни *харм* (биринчи мутахаррик ҳарфни ташлаб юбориш) қиласадилар, натижада фоитун (*– V –*) ҳосил бўлади, уни ўзига тенг фоилун билан алмаштирадилар:

*мафоилатун* (*V–VV–*) → *мафоилтун* (*V--*) → *мафоитун* (*V– V –*) → *фоитун* (*– V –*) = *фоилун* (*– V –*).

Ҳосил бўлган рукн *ажамм* деб аталади ва фақат *Вофир* баҳри таркибида иштирок этади. Ушбу зихоф бу даврдаги туркий манбалар: “Фунун ул-балоға” ва “Аruz risolasi”да мустақил зихоф сифатида келтирилган<sup>199</sup>, Атоуллоҳ Ҳусайнин эса уни *харм* зихофи таркибида келтиради<sup>200</sup>.

**Наҳр** (*томоқни кесии*) – жадъ мураккаб зихофи ва *кашф* муфрад зихофи бирикувидан ҳосил бўлувчи ўта мураккаб зихоф; форсий арузшунослар томонидан кашф этилган. Бунда дастлаб мафъувлоту (*-- – V*) аслий рукнидан икки сабаби хафиф, яъни иккинчи чўзиқ ҳижо (*--*)ни ташлаб юборадилар, сўнгра рукн охиридаги қисқа ҳижо “*my*” (*V* )ни олиб

<sup>199</sup> Жамм бизгача етиб келган форсий тилдаги илк асар “Ал-мўжам”да ҳам келтирилмайди. Бизнингча, Шайх Аҳмад Тарозий ва Бобур мазкур зихофи келтиришда Насируддин Тусийга таянадилар.

<sup>200</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 17.

ташлайдилар. Натижада “ло” (–) қолади ва уни ўзига тенг “фаъ” (–) билан алмаштирадилар. Ҳосил бўлган рукнни *манҳур* деб атайдилар ва бу рукн асосан *Сариъ*, *Мунсариҳ* ҳамда *Муқтазаб* баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этади:

*мафъувлоту (– – V) → ло (–) = фаъ (–).*

Ушбу зихоф ҳам барча рисолаларда келтирилган бўлиб, фақат “Фунун ул-балоға”да муаллиф уни *ссалму ҳазф* номи билан келтиради. Шайх Аҳмад Тарозийнинг фикрича, ушбу зихоф *ссалм* ва *ҳазф* зихофларидан вужудга келади. Бу ҳолда у ўта муракқаб эмас, балки икки муфрад зихофдан иборат муракқаб зихоф ҳисобланади. Атоуллоҳ Ҳусайнний ҳам, Бобур ҳам (Шамс Қайс Розий таъсирида бўлса керак) уни жадъ ва кашфнинг бирикувидан ҳосил бўлган деб ҳисоблайдилар, бизнингча ҳам, шу қараш тўғридир<sup>201</sup>.

**Ақс** (*соҷни ўрии*) – *нақс* ва *харм* зихофларидан ҳосил бўлувчи ўта муракқаб зихоф; бунда мафоилатун ( $V-$   $VV-$ ) аслий рукнини аввал *нақс* қиласидилар, натижада мафоилту ( $V-$   $V$ ) ҳосил бўлади, сўнгра *харм* амалини бажариб, уни фоилту ( $– V$ ) қиласидилар ва уни ўзига тенг мафъувлу ( $– V$ ) билан алмаштирадилар:

*мафоилатун ( $V-$   $VV-$ ) → мафоилту ( $V-$   $V$ ) → фоилту ( $– V$ ) = мафъувлу ( $– V$ )<sup>202</sup>.*

Ҳосил бўлган рукн *маъқус* деб аталади ва Вофир баҳри таркибида иштирок этади. Мазкур зихоф “Фунун ул-балоға”да мафоилатуннинг зихофи сифатида эслаб ўтилган, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий мафоилатун аслий рукни билан боғлиқ зихофларни келтирилмаганликлари учун *ақсга* тўхталиб ўтмаганлар, Атоуллоҳ Ҳусайнний ушбу зихофни ҳам *харм* зихофи таркибида санаб ўтади. Бобур қасмни муракқаб зихоф сифатида келтиради, “Арузи Сайфий”да мазкур зихоф ҳақида маълумот йўқ<sup>203</sup>.

<sup>201</sup> А.Жаъфар нахрнинг бу икки зихофдан вужудга келганлиги билан боғлиқ фикрга манфий муносабат билдиради, унингча мафъувлоту таркибида бу икки зихоф бир вактда қўлланилиши мумкин эмас.

<sup>202</sup> С.Ҳасанов рисоласида ушбу зихофдан ҳосил бўлувчи рукн мафъувлун тарзида келтирилган (Каранг: Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б.32).

<sup>203</sup> Сайфий баҳрлардан ҳосил бўлувчи вазнларни санашда *ақс* зихофи билан ясалувчи вазнни келтирмаганлиги учун ушбу зихофни эслаб ўтмаган.

Демак, юқоридагилардан маълум бўляптики, темурийлар даври аruzshunoслигига жами 45 та зихоф қўлланилган бўлиб, улардан 23 таси муфрад, 18 таси мураккаб ва 4 таси ўта мураккаб зихофлардир. Ушбу зихофларнинг 44 таси Бобурнинг “Рисолаи аruz” асарида келтирилган.

Арузга доир рисолаларда баҳр ва вазнлар таҳлилидан олдин *тақтиъ* билан боғлиқ тушунчага тўхталиб ўтилади. *Тақтиъ* (ар. “кешиш”, “парчалаш”) аruzshunoсликда шеър вазнини аниқлаш учун байтни рукнларга ажратиш бўлиб, мумтоз шеършуносликда бу ҳодисага вазнни белгилашнинг муҳим усули сифатида қаралган. “Тақтиъни билмаган киши байтни рукнларга парчалай олмайди, шеърнинг вазнини тўғри белгилаши қийин... Тақтиъ ёзув, орфография ва талаффуз нормалари, тил тарихи билан узвий боғлиқдир; айниқса, фонетика, вазн ва нутқ алоқасини аниқлашда унинг аҳамияти каттадир”<sup>204</sup>.

Темурийлар даври аruzshunoслигига тақтиъ масаласи ёритилган илк рисола Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асаридир. Асарда тақтиънинг аruz илмидаги аҳамияти шундай изоҳланади: “... илмнинг муҳими тақтиъ билмактур ва тақтиъ улдурким, байтни жузв-жузв ва тақсим этиб, ҳар жузвни ўз муқобаласиндағи рукн бирла ҳаракот саканотин мувофиқ қилмоқтур ва мунда эътибор лафзғадур, китобатқа эмас. Ҳар ҳарфким, талаффуз бўлур, ул тақтиъга келур ва ҳар ҳарфким, китобатқа келур, иборатқа келмас, тақтиъга тақи келмас, нетокким, *ва ҳува-р-ражсалнинг* алиф ломи китобатта битилибтур, ўқурда лафзға келмас”<sup>205</sup>. Бу ўринда Шайх Аҳмад Тарозий аruz илмидаги муҳим нуқта – тақтиъда асосий эътибор ёзувга эмас, балки талаффузга қаратилишига ургу беряпти. Тақтиъ билан боғлиқ ушбу эътиборли фикрлар Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” ва Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарларида ҳам кўзга ташланади. Ҳар икки муаллиф тақтиъга таъриф бергач, китобат (ёзув)да бор, лекин лафзда

<sup>204</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аruz системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б. 80.

<sup>205</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли кўлёзма). – С. 89 а.

(талаффуз)да ҳисобга олинмайдиган баъзи ҳарф ва ҳарфий бирикмаларга эътибор қаратадилар. Улардан бири “вов”и атф ( “ва” боғловчиси) бўлиб, жумлалар орасида келганда у тарзида ўқилади. Масалан, “гулу лола”, “жону жаҳон”. Шунингдек, “нун” ҳарфи “хун”, “хон”, “дон” сўзларида тақтиъга кирмайди. Лекин ушбу жумлалар изофа ёки “*a*”, “*y*”, “*e*” унлиларини қабул қиласа (“ху-ни”, “xo-ни”, “до-ни” сингари), тақтиъга дахлдор бўлади ёки “даст”, “маст”, “гүфт” каби жумлалар уч ундош ва бир унли ҳарфдан иборат бўлиб, бунда иккинчи қатор ундош, яъни “*m*” ҳарфи қисқа хижо ҳисобланади. Ушбу жумлалар мисра ўртасида келса, “*m*” ҳарфидан сўнг қисқа “*u*” унлиси талаффуз этилади. Агар ушбу жумлалар мисра охирида келса, сокин ҳарф тарзида талаффуз қилинади.

Форсий тилда баъзан вазн талаби билан ўта чўзиқ хижо охирида келувчи қатор ундошлар (масалан, “дўст”, “рост” сўзларида) бир чўзиқ ва икки қисқа хижо ўрнига ўтади. Шунда тақтиъ қуидагича бўлади: *dўst*, *rost*

– V V – V V

Кўринадики, арузий матнда шеър тақтиъи билан боғлиқ ўринларда асосий эътибор ёзувга эмас, балки талаффузга қаратилади ва арузшунос олим, шоир ёки ижодкор матн билан ишлашда китобат (ёзув)да бор, лекин лафзда (талаффуз)да ҳисобга олинмайдиган ҳарф ва ҳарфий бирикмаларни назардан соқит қилмаслиги талаб этилади.

### **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

Темурийлар даврида яратилган арузга доир рисолаларда келтирилган жузв, зихоф ва фуруъ билан боғлиқ қарашларга қуидагича хулоса ясаш мумкин:

1. Темурийлар даври арузшунослари ўз рисолаларида арузнинг назарий масалаларини ёритишни жузвлар тавсифидан бошлаганлар. Жузв тушунчаси барча ижодкорларда арузнинг асосий назарий бирлиги сифатида келтирилса-да, истилоҳ номида фарқлар кузатилади. Бу тушунча “Фунун ул-балоға”да *асл*, “Рисолай аруз”, “Мезон ул-авзон”, “Бадойиъ ус-санойиъ” ва

“Арузи Сайфий”да руқн, Бобурнинг “Аruz рисоласи”да жузв тарзида келтирилади.

2. Шайх Аҳмад Тарозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий жузвлар сонини умумий тарзда олтита деб келтирадилар ва фосила билан боғлик ихтилофли масалаларга тўхталиб ўтирмайдилар. Бобур сабаб ва ватаднинг уч турли бўлишини инкор қилмаган ҳолда, фосилани жузв сифатида эътиборга молик эмас деб ҳисоблайди ва бунда “Меъёр ул-ашъор”нинг муаллифи Насируддин Тусийнинг фикрини қувватлайди. У анъанавий жузвларга қўшимча тарзда сабабнинг учинчи турига *сабаби мутавасситни*, ватадга *ватади касратни* ҳамда фосилага яна бир тур сифатида *фосилаи узмони* ҳам киритиш мумкинлигини айтади. Бу жиҳатдан Бобурнинг рисоласи манбаларимиз доирасида ушбу масалага маҳсус тўхталиб ўтилган темурийлар давридаги ягона асаддир.

3. Атоуллоҳ Ҳусайнин ҳам Бобур сингари жузвлар қаторига фақат сабаб ва ватадни киритади, фосилани алоҳида жузв сифатида эътироф этмайди. Сайфий Бухорий эса тўғридан тўғри бўлмаса-да, лекин билвосита фосиланинг аruz илми учун аҳамиятсиз эканлигига урғу қаратади. Биз тадқиқ этаётган рисолалардан фақат “Арузи Сайфий”да жузвларнинг луғавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтилган бўлиб, бу бевосита рисоланинг қўлланма характеристида эканлиги билан боғлик.

4. Жузвлардан ҳосил бўлувчи аслий руқнлар талқинида рисолаларда деярли фарқлар кузатилмайди. Барча рисолалардан аслий руқнлар сони асосан 8 та деб кўрсатилади. Фақат “Фунун ул-балоға” муаллифи ушбу руқнларни таркиби жиҳатидан қариндошлик ва бегоналиқ нуқтаи назаридан таҳлил қиласиди, бундай тасниф бошқа рисолаларда учрамайди. Хусусан, фаувлун ва фоилун руқнларига ўзаро ухти (опа-сингил) руқнлар деб қарар экан, уларнинг ҳар иккиси бир сабаби хафиф ва ватади мажмуъдан таркиб топганлигини таъкидлайди.

5. Бу давр рисолаларида зиҳофлар миқдори турлича кўрсатилган. “Фунун ул-балоға”да 35 та, “Рисолаи аruz” ва “Мезон ул-авзон”да 32 та,

“Бадойиъ ус-санойи”да 39 та, “Арузи Сайфий”да 18 та, Бобурнинг “Аруз рисоласи”да 44 та зихоф келтирилган.

6. “Фунун ул-балоға”да аввал зихофларнинг умумий таърифи, кейин ҳар бир рукнга мансуб зихофлар таърифи келтирилган. Абдураҳмон Жомий ҳам, Алишер Навоий ҳам факат форсий ва туркий аruzга хос бўлган 5 та аслий рукнларга мансуб зихофларга тўхталиб ўтадилар. “Бадойиъ ус-санойи”да ҳам барча зихофлар умумийликда келтирилади, лекин бунда аввал араб аruzига хос бўлган (жами 28), сўнгра ажам аruzига хос бўлган (жами 11) зихофлар таърифи берилади, Ҳусайнин ҳарм зихофи таркибида келтирган 9 зихоф унинг ўз фикрига кўра, мустақил зихоф бўлмасдан, ҳармнинг вужудга келиш ҳолатига кўра лақабларидир. “Арузи Сайфий”да зихофларга бағишланган маҳсус фасл йўқ, Сайфий баҳрлар ва вазнларни тушунтириш асносида 18 та зихофга тўхталиб ўтади, Бобур аввал 44 та зихофнинг пайдо бўлиш усусларини тушунтиради, кейин ҳар бир аслий рукнга мос зихоф ва фуруъларнинг номларини келтириб ўтади.

7. Темурийлар даври арузшунослигида зихофлар миқдори бўйича ҳам, уларнинг аслий рукнларга алоқадорлиги масаласида ҳам, фуруъларнинг баҳрлар таркибида келиш масаласида ҳам энг батафсил ёндашган олим Бобур бўлиб, у келтирган баъзи зихофлар темурийлар даври рисолаларида ҳам, форсий салафлари рисолаларида ҳам учрамайди.

8. Арузшуносликда шеър вазнини аниқлаш учун байтни рукнларга ажратиш тақтиъ деб аталиб, тақтиъда асосий эътибор ёзувга эмас, балки талаффузга қаратилади: баъзи ҳарфлар матнда акс этса-да, талаффузда бўлмаса, тақтиъда ҳисобга олинмайди.

### **III боб. БАҲРЛАР ВА УЛАРДАН ҲОСИЛ БЎЛУВЧИ ВАЗНЛАР ҚИЁСИ**

#### **3.1. Баҳрлар таснифи. Муттафиқ ул-аркон гуруҳига мансуб баҳрлар**

Аруз тизимида руқнлар бирлашиб, баҳрларни ҳосил қиласи. “Баҳр” сўзи араб тилида “денгиз” деган маънони билдиради. Манбаларда баҳрнинг денгиз билан алоқадорлиги хусусида деярли маълумот келтирилмаган, фақат Сайфий ушбу сўзни истилоҳ билан боғлиқ ҳолда қуидагича талқин қиласи: “Баҳр “денгиз” деган маънони билдиради; аммо форсий тилдаги атамаларда у шеъриятдаги бир қанча турларни ичига олган вазнли ўлчовларнинг тўплам ёки синфларининг бири маъносини англатади. У денгизга солиштирилади, чунки денгиз нарсаларнинг турларини, маржонлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқаларни ўз ичига олади, шунингдек, шеърлар ҳам изоҳланаётганидек, турли баҳрларда яратилган бўлади. Баъзилар бундаги ўхшашликни жойлашувда деб айтадилар, киши сув тубига йиқилганда гангийди ва чалкашади, шеърият денгизига йиқилганда ҳам вазнларнинг кўплаб ўзгарган шаклларига дуч келади”<sup>206</sup>. Кўринадики, Сайфий “баҳр” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари орасидаги боғлиқликка эътибор қаратар экан, аруз тизимидаги ҳеч бир атама тасодифий бўлмасдан, муайян асосга эга эканлигини таъкидламоқчи бўлади.

“Навоий ҳам, Бобур ҳам ўз рисолаларида зихоф ва руқндан кейин турувчи асосий масала вазн эмас, балки баҳр эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Бу ҳолат ўзбек арузшунослигига араб ва форс арузшунослигидан анъана сифатида ўтган”<sup>207</sup>. Дарҳақиқат, темурийлар давригача яратилган барча рисолалар, жумладан бу давр арузшунослиги учун асос бўлган назарий манбаларда ҳам аслий руқнлар ва зихофлар масаласидан сўнг баҳрлар тавсифига ўтилган.

---

<sup>206</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Х.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 15.

<sup>207</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б.74.

Арузшуносликда қайси баҳр илгари пайдо бўлган деган масалада баҳсли қарашлар мавжуд. Д.Фролов, И.Фильшинский, Б.Шидфар “араб шеъри даставвал сажъ шаклида пайдо бўлган, Ражаз баҳри эса сажъдан ўсиб чиққан, шу маънода Ражаз баҳри энг қадимий баҳр ҳисобланади” деган фикрни билдирадилар<sup>208</sup>.

Э.Талабовнинг фикрига кўра, агар биринчи шеър сажъдан пайдо бўлган бўлса, унда у фақат *Ражаз* эмас, *Комил* ёки *Вофир* доирасида бўлиши ҳам мумкин. Бунда олим қадимги араб шеъриятидаги “Коҳин сажълари”ни мисол қилиб келтириб, улар ҳижоларнинг ҳарфий ва савтий сифатига кўра, *Комил* ва *Вофирга* яқинроқ туроди, деган хулосага келади<sup>209</sup>.

Араб олими Ж.Зайдоннинг араб адабиёти тарихига доир тадқиқотида арабларда дастлаб шеър айтган киши сифатида Мудор ибн Низор номи тилга олинади. Ривоят қилишларича, у сафарлардан бирида эҳтиётсизлик қилиб, тусидан йиқилиб тушибди ва қўлини синдириб олибди. Атрофдагилар уни кўтариб олиб бораётганларида, у оғриққа чидай олмай:

وَيَدَاهُ

Ba.йада.x, va.йада.x!

(Вой қўлим,вой қўлим) деб йиғлаб юборган экан. Оломон эса уни тинчитиш учун

هَا يَدَاهُ

Ха.йада.x, ха.йада.x!

(Ха, ана қўли, ха мана қўли) деган мисраларни айтган эканлар. Шу тариқа, қўшқоғияли байт дунёга келибди. Э.Талабовнинг фикрича, ушбу байт *Рамал* баҳрининг *Рамали мураббаъи мақсур* (рукнлари ва тақтиъ: фоilon фоilon фоilon) вазнига мос келади, шунга кўра илк арабий шеър *Рамалда* яратилган дейиш ҳам мумкин<sup>210</sup>. “...Агар бу борада *Ражаз* бирламчи

<sup>208</sup> Қаранг: Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруды. – М.: Наука, 1991. – С. 91; Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). – М.: Наука. 1974. – С.79; Фильшинский И.М. Арабская литература в средние века. – Москва: Гл.ред.вост.лит., 1978. – С. 50.

<sup>209</sup> Талабов Э. Аруз. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2017. – Б. 16.

<sup>210</sup> Бу ҳақда қаранг: Талабов Э. Юқоридаги асар. – Б. 10.

сифатида тан олинса, у ҳолда унда сажъникидан кўра, мақолнинг унсурлари кўпроқ. Аммо агар шеърни сажъдан фарқ этиш мумкин бўлса, унда *Комил ёки Вофирдаги* байт бирламчи пайдо бўлган дейиш мантиқан тўғрироқ бўлади, чунки унсурлар шунга мойил. Агар шеърбоши қўшиқ бўлса, у *Рамалда* бўлган, албатта. Араб шеърини шу уч йўналишда тадқиқ этиш тўғри бўлади”<sup>211</sup>.

Арузга доир манбаларда баҳрлар сони турлича кўрсатилади. Агар Халил ибн Аҳмад яратган аruz тизимида 15 та баҳр (*Тавил, Мадид, Басит, Вофир, Комил, Ҳазаж, Ражаз, Рамал, Сариъ, Мунсарих, Музориъ, Ҳафиф, Муқтазаб, Мужтасс ва Мутақориб*) мавжуд бўлса, кейинроқ унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий (835 йилда в.э.) яна бир баҳр (*Мутадорик*)ни кашф қиласди ва шу тариқа араб баҳрлари сони 16 тага етади<sup>212</sup>. Форсий арузшунослар ушбу баҳрлар қаторига яна уч баҳр: *Жадид* (*Ғарид*), *Қарид* ва *Мушокилни* қўшадилар ва натижада жами баҳрлар сони 19 тага етади. “Ал-мўъжам”да Шамс Қайс Розий ушбу 19 баҳрни *мутақаддим* (аввалдан мавжуд) баҳрлар тарзида эътироф этиб, уларнинг ҳар бирини мисоллар билан изоҳлайди. Асарда мазкур баҳрлар тавсифидан сўнг алоҳида фаслда яна 21 баҳрнинг номи келтирилиб, муаллиф уларни *мустаҳдас* (янги бунёд қилинган) баҳрлар деб атайди. Шамс Қайснинг фикрича, улар форсий арузшунослар Баҳром Сараҳсий, Бузургмехр Қосимийлар томонидан кашф қилинган (9-иловага қаранг).

Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида эса 18 баҳр келтирилган бўлиб, унда аввалги рисолада келтирилмаган *мақлуби Тавил* баҳрининг берилиши ҳамда *Мушокил* ва *Ғарид* баҳрларининг тушиб қолдирилиши муаллифнинг ушбу масалага ўз салафидан айри муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

Темурийлар даври арузшунослигига ҳам баҳрлар миқдорини келтиришда ҳар хилликлар бор. Шайх Аҳмад Тарозий ўз рисоласида баҳрлар сонини 40 та деб кўрсатса, Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайнний, Алишер

<sup>211</sup> Талабов Э. Юқоридаги асар. – Б. 5.

<sup>212</sup> Бу ҳақда қаранг: Мусульманкулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика. (Х-ХV вв.). – М.: Наука, 1989.– С. 91; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Авт. дисс. .... доктора филол. н. - Душанбе. 1997. – С. 24.

Навоий ва Сайфий Бухорийлар баҳрлар миқдорини умумий маънода 19 та деб ҳисоблайдилар. Улар орасида Абдураҳмон Жомий масалага бир оз ўзгачароқ ёндашиб, “Рисолаи аruz”да 14 баҳрни мисоллар билан изоҳлайди, араб арузига хос бўлган *Тавил*, *Комил*, *Басит*, *Мадид*, *Вофир* баҳрларига кенг тўхталиб ўтирмайди. Бобурнинг “Аруз рисоласи”да эса ушбу баҳрларга қўшимча равишда яна икки баҳр (*Ариз* ва *Амиқ*) тадқиқ қилинган. Ушбу рисолалардан фақат “Арузи Сайфий”да баҳрларнинг луғавий маънолари ҳам изоҳланадики, бу ҳам бевосита рисоланинг қўлланма характеристида эканлиги билан боғлиқ.

Ушбу давр рисолалари орасида дастлаб “Фунун ул-балоға”да баҳрлар таснифига гувоҳ бўламиз. Рисоланинг баҳрлар ҳақидаги қисми 4–6-фаслларни ўз ичига олади. Муаллиф саккизта аслий руҳн ҳақида маълумот бергач, баҳрларни айнан мазкур солим руҳнлар ва улардан ҳосил бўлган зиҳофлар иштирокида пайдо қиласидиган руҳнлар шакллантиришини маълум қиласиди. Шу ўринда Шайх Аҳмад Тарозийнинг туркий тил қонуниятлари билан боғлиқ фикрлари айнан шу фаслларда ёритилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Муаллиф аruz илмини ёритишидан бош мақсади араб ва форс олимлари томонидан кашф қилинган баҳрларни “туркий иборат бирла баён” қилиш эканлигини айтар экан, ушбу баҳрлар учун мисолларни туркий байтлар билан асосламоқ ниятида эканлигини таъкидлайди. Хусусан, Тарозий “нг” бирикмасининг туркий тилда бир товушни ифодалашини айтиб, тақтиъ билан боғлиқ ўринларда бу жиҳатга эътибор қаратилиши зарурлигини таъкидлайди:

“Билгилким, туркий лафзда баъзи ерда “нун” ва “коф” бир ҳарф сонида саналур, агарчи китобатта икки ҳарф битилур”<sup>213</sup>.

Шунингдек, баҳрлар ва улардан ҳосил бўлувчи вазнларни тушунтиришда муаллиф асосан туркий шеърият учун матбуъ (ёқимли, табъга маъқул) вазнларнига беришни маъқул қўради: “Энди бизнинг китобимизнинг биноси туркийгадур. Номатбуъ вазнларни тарк қилсок, муносиброқ бўлгай”.

<sup>213</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли кўллэзма). – С. 91 б.

Рисолада Тарозий баҳрларни икки катта гурухга ажратиб, тасниф қилади<sup>214</sup>:

1) *муттафиқ ул-ажзо*<sup>215</sup> – фақатгина бир аслий руқндан, яъни муаллиф таъбири билан айтганда, аркони солимадан ташкил топган баҳрлар. Масалан, *фаувлун* руқни байтда саккиз марта тақорланиб келса, бу айнан муттафиқ ул-арконга киравчи *Мутақориб* баҳридир.

2) *мухталиф ул-ажзо* – турли аслий руқнларнинг тақоридан ҳосил бўлган баҳрлар. Масалан, *фаувлун мафоийлун* *фаувлун мафоийлун*. Кўриб турибмизки, икки солим руқн ўзаро алмашиб, янги баҳр – *Тавилни* ҳосил қилмоқда. У.Тўйчиевнинг фикрича, ушбу гурухга киравчи баҳрларнинг ўзи ҳам аслида уч турлидир. Биринчи турда иккита аслий руқн навбатлашиб (алмашиниб) келади. Буларга *Хафиф*, *Мунсариҳ*, *Музориъ*, *Мужтасс*, *Муқтазаб*, *Тавил*, *Мадид*, *Басит*, *Ариз*, *Амиқ* баҳрлари киради. Иккинчи турда икки хил аслий руқндан бири аввал тақорорланади, иккинчиси тақорорланмайди. Буларга *Сариъ*, *Фарид (Жадид)*, *Қариб* баҳрлари киради. Учинчи тур икки хил аслий руқндан бири тақорорланмасдан, иккинчиси тақорорланишига асосланади. Бу турга *Мушокил* баҳри киради<sup>216</sup>. Биз баҳрлар тавсифини Шайх Аҳмад Тарозий таснифи асосида келтиришни мақсадга мувоғиқ деб ҳисобладик.

Даставвал биринчи гурух, яъни *муттафиқ ул-арконга* мансуб баҳрлар тавсифига тўхталамиз. Шайх Аҳмад Тарозий мазкур гурухга *Мутақориб*, *Мутадорик*, *Ҳазаж*, *Рамал*, *Ражаз*, *Вофир*, *Комил*, *Сақил* каби баҳрларни киритади. Қолган рисолаларда эса ушбу баҳрлар турли ўринларда, доиралар таркиби асосида келтирилган. Муаллифларнинг баҳрлар таърифи ва тавсифига ёндашувлари ҳам бир-биридан фарқланади. Улар орасида фақат “Арузи Сайфий”дагина баҳрлар номининг луғавий ва истилоҳий маънолари, келиб чиқиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Атоуллоҳ Ҳусайннийда

<sup>214</sup> Бунда муаллиф Махмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос” асарида келтирилган таснифдан фойдаланади.

<sup>215</sup> Тарозийда “ажзо” аркон (руқнлар) маъносида қўлланилган. Биз ишимизда баҳрлар гурухини *муттафиқ ул-аркон* ва *мухталиф ул-аркон* тарзида кўлладик.

<sup>216</sup> Бу ҳақда қаранг: Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б. 75.

арузга доир фикрлар асар муқаддимасида келтирилганлиги учун баҳрлар тавсифи анча қисқа. Абдураҳмон Жомий эса баҳрларни келтиришда дастлаб солим руқнли вазнларга, сўнгра зихофга учраган вазнларга тўхталишни маъқул кўради. Алишер Навоийда аввал мусамман, сўнгра мусаддас ва мураббаъ руқнли вазнлар келтирилган, ўрни билан баъзан мутатаввал вазнларга ҳам тўхталиб ўтилган. Бобурнинг “Аруз рисоласи”да ҳам Тарозий сингари баҳрлар икки гурухга ажратилади, баҳрлардаги вазнларнинг кўлланилиш даражаси ва оҳанг имкониятларига ҳам эътибор қаратилиб, улар мустаъмал ва номустаъмал, матбуъ ва номатбуъга ажратилиб, тавсиф қилинади.

Энди ушбу баҳрларнинг таркиби ва манбаларда қай тарзда келтирилишини қиёсий жиҳатдан кўриб чиқсак.

**1. Мутақориб**<sup>217</sup> (ар. “бир-бирига яқин”) – туркий шеъриятда даставвал кўлланилган аruz баҳри номи<sup>218</sup>. Ундаги ватад ва сабаблар бир-бирига яқин масофада жойлашганлиги учун шундай аталган<sup>219</sup>. Шунингдек, ватадларнинг ўзи ҳам ўзаро бир-бирига яқин бўлганлиги сабабли мазкур баҳрга шундай ном берилган деган қарашлар ҳам бор, чунки ҳар икки ватад (*V –*) орасида биргина сабаб (–) жойлашган<sup>220</sup>. *Мутақориб* баҳри *фаувлун* (*V – –*) аслий руқнининг байтдаги такрорига асосланади. Форсий ва туркий шеъриятда асосан *мусамман* руқнли вазнлари кўлланилади. Темурийлар даври рисолаларида вазнлар назарий жиҳатдан изоҳланганлиги учун мустаъмал бўлмаган вазнлар ҳам келтирилиб ўтилади, шу маънода *Мутақориб* баҳрининг номустаъмал (мусаддас ва мураббаъ руқнли) вазнларига ҳам тўхталиб ўтилган. “Фунун ул-балоға”да унинг 11 та мусамман руқнли, 4 та мусаддас

<sup>217</sup> Баҳрлар тавсифи Шайх Аҳмад Тарозий рисоласидаги кетма-кетлик асосида берилди.

<sup>218</sup> Шайх Аҳмад Тарозий баҳрлар тавсифини айнан шу баҳрдан бошлашида ҳам туркий тил қонуниятлари асос қилиб олинган, чунки илк марта туркий адабиётда Юсуф Ҳожиб томонидан кўлланилган *Мутақориб* баҳрининг *Мутақориби мусаммани маҳзуф* вазни туркий халқларнинг шеърий тизими – бармоқнинг энг фаол шаклларидан бири бўлган ўн бирлик туркумига ҳам миқдор, ҳам оҳанг жиҳатдан жуда уйғун. Тарозийгача аruzга доир рисолаларда баҳрлар тавсифи *Тавилдан* бошланар эди, биз буни Маҳмуд Замахшарий, Насирудин Тусий рисолаларида ҳам кузатдик.

<sup>219</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.68.

<sup>220</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 45. (форс тилида)

рукили ҳамда 3 та мураббаъ рукили (жами 18 та) вазнлари келтирилса, Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да мазкур баҳрнинг 8 та мусамман рукили, 2 та мусаддас рукили ҳамда битта *мутатаввал*<sup>221</sup> рукили (жами 11 та) вазнларини санаб ўтади. Бобурда бу кўрсаткич анчагина катта. Бобур ўз рисоласида *Мутақориб* баҳрининг 29 та мусамман, 7 та мусаддас, 4 та мураббаъ ва 2 та мутатаввал (жами 42 та) вазнларини келтиради<sup>222</sup> Ушбу вазнлардан 20 таси мустаъмал эканлиги ушбу баҳрнинг туркий шеъриятдаги қўлланилиш даражасини кўрсатади. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида эса *Мутақориб* баҳрининг жами 10 вазни келтирилган бўлиб, шулардан еттитаси мусамман, иккитаси мусаддас ва биттаси мутатаввал вазнлардир. Атоуллоҳ Ҳусайнин баҳрларга қисқача таъриф бериш билан чекланади, унда баҳрлардан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 6 вазни келтирилиб, шундан 5 таси мусамман ва биттаси мусаддас рукили вазнлардир. *Мутақориб* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Рисола номи	Баҳр-нинг келтирилиш ўрни	Баҳр мансуб доира	Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнлар	Мураббаъ вазнлар	Мутатаввал вазнлар	Жами
“Фунун ул-балоға”	1	—	11	4	3	1	8
“Мезон ул-авзон”	13	Муттафиқа	8	2	—	1	1
“Арузи Сайфий”	13	Муттафиқа	5	1	—	—	0
“Рисолаи аruz”	13	Муттафиқа	7	2	—	1	0
“Аруз рисоласи”	1	Муттафиқа	2 9	7	4	2	4
“Бадойиъ ус-санойиъ”	5	Муттафиқа	—	—	—	—	—

<sup>221</sup> Мутатаввал (ар. “узун”, “чўзик”) – 8 рукиндан ортиқ, бошқача айтганда, 12 ва ундан ортиқ рукиндан таркиб топган вазн.

<sup>222</sup> Биз ушбу кўрсаткични беришда С.Ҳасанов тузган жадвалдан фойдаландик (Қаранг: Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58).

**2. Мутадорик** (ар. “топмоқ”, “хабар бермоқ”, “орқадан келиб қўшилмоқ”) – туркий ва форсий шеъриятда нисбатан кам қўлланилган аруз баҳрларидан бирининг номи. Унинг асл рукнидаги *сабабни* кейинроқ топиб, қолган жузвларга ҳамроҳ қилганликлари учун шундай ном билан аталган. Шунингдек, Халил ибн Аҳмад келтирган 15 баҳр қаторига унинг шогирди Абулҳасан Ахфаш Балхий томонидан 16-баҳр сифатида қўшилганлиги учун шундай ном олган деган қарашлар ҳам бор<sup>223</sup>. Манбаларда *Ракз ул-хайр, савт ун-ноқис, Fariб, Muштақ* деган номлар билан ҳам келтирилади<sup>224</sup>. *Мутадорик* баҳри *фоулун* (— V —) аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Туркий шеъриятда даставвал Алишер Навоий томонидан истифода этилган. Асосан *мусамман* рукили вазнлари қўлланилади. “Фунун ул-балоға”да бу баҳрнинг 6 та мусамман рукили, 5 та мусаддас рукили ҳамда 2 та мураббаъ рукили (жами 13 та) вазнлари келтирилса, Алишер Навоий “Мезон ул-авzon”да ушбу баҳрнинг тўртта мусамман рукили ва учта мусаддас рукили (жами 7 та) вазнларини санаб ўтади. Бобурнинг “Аруз рисоласи”да 26 вазн келтирилган бўлиб, улардан 14 таси мусамман, 7 таси мусаддас, 5 таси мураббаъ ва биттаси мутатаввалдир<sup>225</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида эса *Мутадорик* баҳрининг жами 6 вазни келтирилган бўлиб, шулардан 4 си мусамман, иккитаси мусаддас вазнлардир. Атоуллоҳ Ҳусайнин баҳрларга қисқача таъриф бериш билан чекланади, унда баҳрлардан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 4 вазни келтирилган, уларнинг барчаси мусамман рукили вазнлардир. Рисолада мутадорик баҳрининг “Савти ноқус” деб аталиши сабабларига ҳам тўхталиб

<sup>223</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адаб, 1991. – С.68; Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёровчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872.– С. 47. (форс тилида).

<sup>224</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 75; Алишер Навоий. Мезон ул-авzon. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: F.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 571; Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёровчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872.– С. 9. (форс тилида).

<sup>225</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 66.

ўтилган. Сайфий Бухорий Жобир Ансорий (р.а.)дан қуидаги ривоятни келтиради:

“Бир куни Шом йўлида ҳазрат амирал мұмминин ва имом ал-муттақин Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу билан кетаётib, ибодатхона ёнидан ўтдик. Бир тарсо ноқус (кatta қўнғироқ) чалаётган экан. Ҳазрат Али ноқуснинг овозини тинглаб, ундан чиқаётган садога диққатимизни тортдилар ва дунёнинг фонийлиги тўғрисида бир неча байт ўқидилар. Дастребки байт шундай эди:

Ҳаққо ҳаққо ҳаққо ҳаққо  
Фаълун фаълун фаълун фаълун  
Сидқо сидқо сидқо сидқо.  
Фаълун фаълун фаълун фаълун.

Кейинчалик маълум бўлдики, ноқуснинг овози *Мутадорики мақтуъ вазнининг оҳангига ўхшар экан*<sup>226</sup>. *Мутадорик* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қуидаги жадвалда кўриш мумкин:

Рисола номи	Баҳр-нинг келтирилиш ўрни	Баҳр мансуб доира	Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнлар	Мураббаъ вазнлар	Мутатаввал вазнлар	Жами
“Фунун ул-балога”	2	-	6	5	2	-	13
“Мезон ул-авзон”	14	Муттафиқа	4	3	-	-	7
“Арузи Сайфий”	14	Муттафиқа	4	-	-	-	4
“Рисолаи аруз”	2	Муттафиқа	4	2	-	-	6
“Аруз рисоласи”	14	Муттафиқа	14	7	5	1	7
“Бадойиъ уссанойиъ”	16	Муттафиқа	-	-	-	-	

<sup>226</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Х.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 48. (форс тилида).

**3. Ҳазаж** (ар. “ёқимли овоз”; “хушоҳанг куй”) – туркий ва форсий шеъриятда кенг қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Унда бир *ватади мажмуъ* (*V-*) дан сўнг икки *сабаби хафиф* (—)нинг келиши натижасида ушбу ўлчовда ёзилган шеърлар ёқимли оҳанг касб этган деб қаралади<sup>227</sup>. Шунингдек, қадимда араблар хуш овоз билан севиб ўқийдиган шеърларнинг асосан ушбу баҳрда битилганлиги ҳам бундай номланишга сабаб қилиб кўрсатилади<sup>228</sup>. Ҳазаж баҳри *мафоийлун* (*V---*) аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Асосан *мусамман* ва *мусаддас*, баъзан *мураббаъ* рукили вазнларни ўз ичига олади.

Мазкур баҳрнинг энг кўп вазни “Фунун ул-балога”да келтирилган. Муаллиф китобхонга баҳрларнинг қонуниятлари яхши маълум бўлиши учун уч баҳр: *Ҳазаж*, *Рамал* ва *Ражаз* баҳрларига кенгроқ тўхталиб ўтишга қарор қиласи ва ушбу қарорини қуидагича изоҳлайди:

“Ул сабабтин бу уч баҳрни айирдуқким, буларнинг солими басе матбуъ ва хушояндадур ва булардин кўп матбуъ шуъбалар қўпор... ”<sup>229</sup>. Шундан келиб чиқиб, фаслнинг *Ҳазаж* баҳрига бағишланган қисми салмоқли ўрин тутади: бу баҳрдан 108 та вазн келтирилган, шулардан 89 таси мусамман рукили вазнлар бўлса, 15 таси мусаддас, 3 таси мураббаъ ҳамда битта мутатаввал рукилардан иборат.

Муаллиф бу хақда шундай ёзади: “Бу вазнда форсий ва туркий фаровон келибтур ва басеъ матбуъ баҳрдур. Ва мундин кўп хосса шуъбалар қўпорким, бағоят матбуъ ва солисдур. Ва мунунг асли Вофир баҳридин қўпор ва мундин шуъбалар пайдо бўлурким, ҳеч баҳрдин даст бермас”<sup>230</sup>. Алишер Навоий “Мезон ул-авzon”да *Ҳазажсинг* ўн битта мусамман рукили вазнларини, ўнта мусаддас рукили вазнларини ва битта мураббаъ рукили (жами 22 та) вазнларини санаб ўтади. Агар бунга рубоий вазнларини ҳам қўшсак, *Ҳазаж*

<sup>227</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзехот ва ҳозиркунанда чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 65.

<sup>228</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 15. (форс тилида).

<sup>229</sup> Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балога (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма). – С. 88 б

<sup>230</sup> Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий. Юқоридаги манба. – С. 88 б.

баҳри вазнлари Навоий рисоласида 46 тага етади. Бобур “Аруз рисоласи”да Ҳазаж баҳрининг 105 вазнини келтириб ўтади, ушбу вазнларнинг 71 таси мусамман, 21 таси мусаддас, 9 таси мураббаъ ва 4 таси мутатаввал бўлиб, 71 та мусамман вазнлардан 24 таси рубоий вазнлари ҳисобланади<sup>231</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида эса ушбу баҳрнинг жами 52 вазни келтирилган бўлиб, шулардан 34 таси (24 таси рубоий вазнлари) мусамман, 14 таси мусаддас ва 4 таси мураббаъ вазнлардир. Жомий вазнлар тартибини беришда аввал солим руқнили вазнларни, кейин зихофга учраган вазнларни келтиради. Атоуллоҳ Ҳусайнин Ҳазаж баҳри аслида арабларда мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари олти марта мағоийлундан иборат бўлишини, форсий шеъриятда эса мусамман шаклида қўлланилишини айтиш билан чекланади, унда баҳрлардан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 19 вазни келтирилган, уларнинг 10 таси мусамман, 9 таси мусаддас руқнили вазнлардир. Ҳазаж баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда қўриш мумкин:

	Рис ола номи	Баҳр нинг келтирилиш ўрни	Баҳр мансуб доира	Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнла	Мураббаъ вазнла	Мутатаввал вазнлар	Жами
.	“Фунун үл-балоға”	3	-	8 9	1 5	3	1	1 08
.	“Мезон үл-авзон”	1	Муъталифа	1 1\24	1 0	-	1	4 6
.	“Арузи Сайфий”	1	Муҷталиба	1 0	9	-	-	1 9
.	“Рисолаи аруз”	1	Муъталифа	1 0/24	1 4	4	-	5 2
.	“Аруз рисоласи”	3	Муҷталиба	7 1	2 1	9	4	1 05

<sup>231</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58.

.	“Ба дойиъ ус- санойиъ”	6	Му жталиба	—	—	—	—	
---	------------------------------	---	---------------	---	---	---	---	--

**4. Рамал** (ар.“бўйра тўқиши”; “туяниг лўкиллиши”) – туркий ва форсий шеъриятда кенг қўлланилган аruz баҳрларидан бири. Ундаги *ватади мажмуълар* (V–) ва *сабаби хафиблар* бир-бирининг орасида жойлашганлиги ва бу худди бўйрани арқон билан тўқиши эслатгани учун шундай аталган. Баъзи арузшуносларнинг фикрига кўра, бу сўз таяниг лўкиллаб чопишини англатувчи *рамалон* калимасидан олинган, чунки уни ўқишдан келиб чиқадиган оҳанг таяниг лўкиллашини эслатади<sup>232</sup>. Шунингдек, баъзи ривоятларда айтилишича, Рамал қўшиқ номларидан бири бўлиб, у мазкур вазнда ёзилганлиги учун шу ном билан аталган. *Рамал баҳри фоилотун* (– V – –) аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Асосан *мусамман* ва *мусаддас*, баъзан *мураббаъ* рукили вазнларни ўз ичига олади. “Фунун ул-балоға”да *Рамал баҳрининг* 8 та мусамман рукили, 3 та мусаддас рукили, битта мураббаъ рукили ва битта мутатаввал (жами 13 та) вазнлари келтирилган. Эътибор қаратилса, *Рамал баҳри* асарда ҳазаж баҳри сингари батафсил эмаслигини сезиш мумкин. Буни олим қуйидагича изоҳлайди: “Билгилким, биз юқори айтиб эрдукким, уч баҳрни шарҳ этоли деб. Эмди бу баҳр (*Рамал баҳрининг* – Д.Ю.)нинг музоҳифотининг таркибин ва тартибин ҳазаж баҳриндин қиёс қилсоқ, маълум бўлурким, ҳар баҳрға не миқдор шуъба лозим бўлур. Агар барчасин битир бўлсоқ, бу китоб анинг эҳтимолин қила олмас...”<sup>233</sup>. Шу тариқа муаллиф энди *Рамал баҳрининг* фақат “матбуи машҳур ва мұтабар” вазнларига тўхталиб ўтади.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да ушбу баҳрнинг еттита мусамман рукили вазнларини, тўртта мусаддас рукили вазнларини ва иккита мураббаъ ва битта мутатаввал рукили (жами 14 та) вазнларини санаб ўтади. Бобур ўз

<sup>232</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 65; Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Х.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 47. (форс тилида); Мухаммад Фиёсүддин. Меъроҷ ул-аруз.

<sup>233</sup> Шайх Аҳмад ибн Ҳудойод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли қўллэзма). – С. 115 а

рисоласида *Рамал* баҳрига мансуб 59 та вазни келтириб, улардан 38 таси мусамман, 13 таси мусаддас, 6 таси мураббаъ ва 2 та мутатаввал руқнили эканлигини таъкидлайди. Ушбу вазнлардан 31 таси мустаъмал, 28 таси мухтараъ, 12 таси мустаъмали матбуъ вазнлардир<sup>234</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида *Рамал* баҳрининг жами 14 вазни келтирилган бўлиб, шулардан 7 таси мусамман, 5 таси мусаддас ва 2 таси мураббаъ вазнлардир. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатидан Навоий ва Жомий рисоласида ўзаро яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнин Рамал баҳри аслида арабларда мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари олти марта фоилотундан иборат эканлигини, форсий шеъриятда эса мусамман шаклида қўлланилишини айтиш билан чекланади, унда баҳрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 19 вазни келтирилган, уларнинг 12 таси мусамман, 7 таси мусаддас руқнили вазнлардир. *Рамал* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Рис ола номи	Баҳр-нинг келтирилиш ўрни	Бар мансуб доира	Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнлар	Мураббаъ вазнлар	Мутатаввал вазнлар	Жами
“Фунун ул-балога”	3		8	3	1	1	13
“Мезон ул-авзон”	3	Муъталифа	7	4	2	1	14
“Ар узи Сайфий”	3	Муъталиба	1 2	7	-	-	19
“Рисолаи аруз”	3	Муъталифа	7	5	2	-	14
“Ар уз рисоласи”	5	Муъталиба	3 8	1 3	6	2	59
“Бадойиъ усанойиъ”	8	Муъталиба	-	-	-	-	

<sup>234</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 77.

**5. Ражаз** (ар. “тезлик”, “шитоб”, “изтироб”) – туркий ва форсий шеъриятда кенг қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Араб қабилаларининг шижаоти ва жанглардаги мардоналигини васф этувчи шеърлар, асосан, ушбу ўлчовда битилганлиги учун шундай аталган<sup>235</sup>. Баъзи арузшуносларнинг айтишларича, сўзи “йўл давомида қалтирайдиган ва тўхтайдиган туя” маъносини англатадиган “*ражз*” калимасидан олинган. *Ражаз* баҳри мустафъилун (—V—) аслий рукнининг байтдаги такрорига асосланади. Асосан мусамман ва мусаддас, баъзан мураббаъ рукили вазнларни ўз ичига олади. “Фунун ул-балоға”да *Ражаз* баҳрининг 14 та мусамман рукили, битта мусаддас рукили, битта мураббаъ рукили ва битта мутатаввал (жами 17 та) вазнлари келтирилган. Муаллиф бу баҳрнинг мусамман рукили вазнларига мисоллар келтиргач, улардан номатбуъ вазнларда форсий ёки туркий тилда шеър айтилмаслигини маълум қилиб, маҳоратни намойиш қилиш учун гоҳида бир ғазал ёки қитъа ёзилишини таъкидлайди.

Алишер Навоий “Мезон ул-авzon”да *Ражазнинг* олтига мусамман рукили вазнларини, олтига мусаддас рукили вазнларини ва битта мураббаъ рукили (жами 13 та) вазнларини санаб ўтади. Бобур ўз рисоласида *Ражаз* баҳрига мансуб 63 та вазни келтириб, улардан 33 таси мусамман, 18 таси мусаддас, 10 таси мураббаъ ва 2 та мутатаввал рукили эканлигини таъкидлайди. Ушбу вазнлардан 32 таси мустаъмал, 31 таси мухтаръ вазнлардир<sup>236</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида *Ражаз* баҳрининг жами 15 вазни келтирилган бўлиб, шулардан 7 таси мусамман, 6 таси мусаддас ва 2 таси мураббаъ вазнлардир. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатидан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнин *Ражаз* баҳри аслида арабларда мусаддас шаклда эканлигини, жузвлари олти марта мустафъилундан иборат бўлишини, форсий

<sup>235</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 65.

<sup>236</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 74.

шөъриятда эса мусамман шаклида қўлланилишини айтиш билан чекланади, унда баҳрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 8 вазни келтирилган, уларнинг 5 таси мусамман, 3 таси мусаддас руқнили вазнлардир. Ражаз баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Ри сола номи	Б ахр- нинг келти- рилиш ўрни	Бах р мансуб доира	М усам- м ан вазнлар	М усад- дас вазнла р	М ураб- баъ вазнлар	М утатав- вал вазнлар	Ж ами
“ Фунун ул- балоға”	5	-	1 4	1	1	1	1 8
“ Мезон ул-авзон”	2	Муъталифа	6	6	1	-	1 3
“А рузи Сайфий”	2	Му жталиба	5	3	-	-	8
“Р исолаи аруз”	2	Муъ талифа	7	6	2	-	1 5
“А ruz рисоласи ”	4	Му жталиба	7	6	2	-	1 5
“Б адойиъ ус- санойиъ”	7	Му жталиба	-	-	-	-	

**6. Вофир** (ар. “мўл, фаровон”) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб адабиётида, қисман форс-тожик шеъриятида истифода этилган. Унда ҳаракатли ҳарфлар, яъни қисқа ҳижолар чўзиқ ҳижолардан кўпроқ бўлганлиги ва араб шеърларининг аксарияти ушбу баҳрда битилганлиги учун шундай аталган. *Вофир* баҳри мафоилатун (*V–VV–*) аслий руқнининг байтдаги такорига асосланади. Араб шеъриятида *Вофирнинг* барча руқнили вазнларидан фойдаланилган. Форсий шеъриятда баъзи шоирлар ўз

махоратларини намойиш қилиш учунгина баъзан ушбу баҳрга мурожаат қилганлар<sup>237</sup>. Туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ва Бобур ижодида истифода этилмаган. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да *Воғир* баҳрининг Ҳазаж бахри билан алоқадорлиги ҳақида сўзлаб, Ҳазажсга хос баъзи вазнларнинг ҳосил бўлишини *Воғир* баҳрига боғлайди. Дарҳақиқат, *Воғир* баҳрининг аслий рукни бўлмиш мафоилатун ( V – V V – ) даги икки сабаби сақийл (V V)ни бир сабаби хафиф (–) билан алмаштиrsa, Ҳазаж баҳрининг аслий рукни мафоийлун (V – – –) келиб чиқади:

$$V - (V V) - = V - (--) -$$

Муаллиф рисолада *Воғир* баҳрининг 4 та мусамман руқнили, 1 та мусаддас руқнили ва битта мураббаъ руқнили (жами 6 та) вазнини келтиради ва ушбу баҳр вазнлари асосан араб шеъриятига хос бўлиб, туркийда номатбуъ (оҳанг жиҳатдан ёқимли эмас) эканлигини айтади: “Ва мундин ҳеч матбуъ вазн кўпмас. Ва баъзи баҳрларнинг аслин ул сабабтин номатбуъ вазнга бино қилибтурларким, аruz илмин аслда араб пайдо қилибтур. Ва арабий шеър номатбуъ баҳрда кўпрак мулойим тушар. Эмди бизинг китобимизнинг биноси туркийгадур. Номатбуъ вазнларни тарқ қилсоқ, муносиброқ бўлгай”<sup>238</sup>.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да *Воғирнинг* битта мусамман ва битта мусаддас руқнили (жами 2 та) вазнларини мисоллар билан келтириб ўтади. Бобур ўз рисоласида *Воғир* баҳрига мансуб 22 та вазнни келтириб, улардан 12 таси мусамман, 8 таси мусаддас, 2 таси мураббаъ руқнили эканлигини таъкидлайди. Ушбу вазнлардан 10 таси мустаъмал, 12 таси мухтараъ, 4 таси мустаъмали матбуъ вазнлардир<sup>239</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида *Воғир* баҳрининг фақат икки: мусаддаси солим ва мусаммани солим вазнлари келтирилган бўлиб, Жомий ушбу баҳр ажам шеъриятига хос бўлмаганлиги учун унинг бошқа вазнларига тўхталиб

---

<sup>237</sup> Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи Аҷам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 58.

<sup>238</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма). – С. 119 а.

<sup>239</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аruz рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 82.

ўтмаслигини таъкидлайди<sup>240</sup>. Атоуллох Ҳусайний *Вофир* баҳри аслида мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари олти марта мафойлундан иборат бўлишини, ажам шоирлари эса уни мусамман шаклида ҳам қўллаганларини айтиб, *Вофири мусаммани солим* вазнига бир байт мисол келтиради. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг фақат бир вазни (*Вофири мусаммани солим*) келтирилган бўлиб, танланган байт Жомийнинг “Рисолаи аruz” асаридан олинган. Бу байт қуидагичадир:

*Чи шуд санамо, ки сўи касе ба чаими ризо наменигарй,*

*V – V V – / V – V V – / V – V V – / V – V V –*

*Зи расми ҷафо намегузарй, тариқи вафо намесинарй.*

*V – V V – / V – V V – / V – V V – / V – V V –<sup>241</sup>.*

*Вофир* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қуидаги жадвалда кўриш мумкин:

Рисола номи	Б ахр- нинг келти- рилиш ўрни	Б ах мансуб доира	М усам- м ан вазнлар	М усад-дас вазнлар	М ураб- баъ вазнлар	М утатав- вал вазнлар	Ж ами
“Фунун ул-балога”	3	-	4	1	1	1	6
“Мезон ул-авзон”	6	1 Мух талита	1	1	-	-	2
“Арузи Сайфий”	8	1 Муъ талифа	1				1
“Рисолаи аruz”	-	-	1 2	8	2		2
“Аруз рисоласи”	6	Муъ талифа	1	1	-	-	2

<sup>240</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 19.

<sup>241</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 51; Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 19.

“Бадойиъ уссанойиъ”	4	Муъ талифа	—	—	—	—	
---------------------	---	------------	---	---	---	---	--

**7. Комил** (ар. “тўлиқ, мукаммал”) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб адабиётида, қисман форс-тожик ва туркий шеъриятда истифода этилган. Унинг асл руқнлари аруз доиралари таркибида ўзгаришга учрамагани ва қисқа ҳижолар нисбати чўзиқ ҳижолардан қўп эканлиги учун шундай аталган. *Комил* баҳри мутафоилун ( $VV - V -$ ) аслий руқнининг байтдаги такрорига асосланади. Араб шеъриятида *Комил*нинг асосан мусаддас руқнили, форсий ва туркий шеъриятда эса мусамман руқнили вазнларидан фойдаланилган. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да *Комил* баҳрининг *Ражаз* баҳри билан алоқадорлиги ҳақида сўзлаб, *Комил*нинг жузвлари ўзгартирилса, *Ражаз* баҳрининг асли келиб чиқишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, мутафоилун ( $V V - V -$ )даги икки сабаби сақил ( $V V$ )ни бир сабаби хафиф ( $-$ ) билан алмаштирса, *Ражаз* баҳрининг аслий руқни мустафъилун ( $- - V -$ ) келиб чиқади:

$$(V V) - V - = (-) - V -$$

Муаллиф рисолада *Комил* баҳрининг 7 та мусамман руқнили, 7 та мусаддас руқнили ва 3 та мураббаъ руқнили (жами 17 та) вазнини келтириб, ушбу баҳрда номатбуъ вазнлар кўплигини айтади: “Билгилким, мундин басе қўп номатбуъ вазнлар қўпор. Кўпрагин гаройиб учун битилди”<sup>242</sup>.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да *Комил* баҳрининг битта мусамман ва битта мусаддас руқнили (жами 2 та) вазнларини мисоллар билан келтириб ўтади. Бобур “Аруз рисоласи”да *Комил* баҳрига мансуб 22 та вазнни келтириб, улардан 10 таси мусамман, 7 таси мусаддас, 5 таси мураббаъ руқнили эканлигини таъкидлайди. Ушбу вазнлардан 3 таси мухтараъи матбуъ вазнлардир<sup>243</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида *Комил*

<sup>242</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойодод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма). – С. 119 а.

<sup>243</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 83.

баҳрининг фақат икки: мусаддаси солим ва мусаммани солим вазнлари келтирилган бўлиб, Жомий ушбу баҳр ажам шеъриятига хос бўлмаганлиги учун унинг бошқа вазнларига тўхталиб ўтмаслигини таъкидлайди<sup>244</sup>. Атоуллоҳ Ҳусайнин Камил баҳри аслида мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари олти марта мутафоилундан иборат эканлигини, ажам шоирлари эса уни мусамман шаклида ҳам қўллаганларини айтиб, *Комили мусаммани солим вазнига Салмон Соважийдан мисол келтиради*. Бу байт Жомий рисоласидаги байт билан бир хил. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрининг фақат солим вазни келтирилган бўлиб, танланган байт “Ал-мўъжам”дан олинган.

*Камил* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Ри сола номи	Ри ахр- нинг келти рили ш ўрни	Бах р мансуб доира	М усам ан вазн- лар	М усад-дас вазнлар	М ураб- бая вазнлар	Мут атав-вал вазнлар	Ж ами
“ Фунун ул- балоға”		—	7	7	3	—	1 7
“ Мезон ул-авzon”	5	Мух талита	1	1	—	—	2
“А рузи Сайфий”	9	Муль талифа	1 0	7	5	—	2 2
“Р исолай аруз”		—	1	1	—	—	2
“А руз рисоласи ”		Муль талифа	1 0	7	5	—	2 2
“Б адойиъ		—	—	—	—	—	

<sup>244</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолай аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 19.

ус-санойиъ”							
-------------	--	--	--	--	--	--	--

**8. Сақил** (ар. “оғир”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан аруз назариясига олиб кирилган баҳр номи. Ритм жиҳатдан оғир оҳангта эга бўлганлиги учун шундай аталган. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Бу баҳр *мафъувлоту* (--- V) аслий рукнининг байтдаги такорига асосланади. Шайх Аҳмад Тарозийдан аввал ўтган арузшунослар ҳам, кейинги давр олимлари ҳам бир овоздан ушбу аслий рукндан алоҳида баҳр ҳосил бўлмаслигини таъкидлайдилар<sup>245</sup>. Мумтоз арузшуносликда ушбу рукнининг зихофларидан турли вазнлар ҳосил қилинган ва уларнинг баъзилари мустаъмал вазнлар ҳисобланади. Лекин Тарозий мафъувлотунинг солим шаклидан ҳам баҳр ҳосил қилинишини ва бу баҳр муттафиқ ул-арконга киришини асослаб беради. Рисолада ушбу баҳрнинг хос баҳрлардан эканлиги айтилиб, *Сақили мусаммани солим* вазнига бир байт мисол келтирилади:

*Сендеқ ёри / ширин рўйу / нозук табъ / қайда бор,*

--- V / --- V / --- V / --- V

*Сен эй дилдор қилса зулму биздин панд ол зинҳор.*

--- V / --- V / --- V / --- V

Шунингдек, муаллиф бу баҳр вазнлари номатбуъ эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: “Билгилким, бу баҳрнинг мусамманидин ва мусаддасидин ҳеч матбуъ шеър келмас”<sup>246</sup>. Дарҳақиқат, рукн сўнгида қисқа ҳижонинг келиши оҳангнинг оғир чиқишига олиб келади ва бу ҳол мисра охири учун айниқса нотабийидир, чунки шеърий нутқда мисра сўнги одатда, чўзиқ ҳижо билан

---

<sup>245</sup> Аслий рукнининг ватади мафруқ билан тугаши шундай хulosага олиб келган. Қаранг: Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 48; Насируддини Тўсий. Месъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 29-30; Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука. 1991. – С. 316. Мусульманкулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика. (Х-XV вв.). – М.: Наука, 1989. – С. 81.

<sup>246</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 ракамли кўллэзма). – С. 121 б.

якунланади. Шу сабабли бўлса керак, Шайх Аҳмад Тарозийдан сўнг ҳам ушбу баҳр арузга доир рисолалардан ўрин олмаган.

Юқоридагиларга хulosа қилиб шуни айтиш мумкинки, темурийлар даври арузшунослигида баҳрлар икки катта гурӯҳга: муттафиқ ул-аркон ва мухталиф ул-арконга бўлиб тасниф қилинган. Маҳмуд Замахшарийдан бошланган бу тасниф Шайх Аҳмад Тарозий рисоласида асос қилиб олинган. “Фунун ул-балоға”да биринчи гурӯҳга 8 та баҳр киритилиб, улар орасида сўнгги баҳр сифатида келтирилган *Сақил* баҳри темурийлар давригача ва ундан кейинги рисолаларда ҳам учрамайди, шу маънода ушбу баҳрни Шайх Аҳмад Тарозийнинг кашфиёти деб айтиш мумкин.

### **3.2. Мухталиф ул-аркон гурӯҳига мансуб баҳрлар талқини**

“Фунун ул-балоға”да иккинчи гурӯҳга киритилган баҳрлар мухталиф ул-аркон баҳрлари бўлиб, улар турли аслий рукнлар такоридан ҳосил бўлади. Шайх Аҳмад Тарозий уларнинг сонини 32 та деб кўрсатади. Баҳрларни кетма-кетликда келтирар экан, Тарозий бир нуқтага алоҳида ургу беради: “Ва шарт улдурким, ул икки жузвниким, таркиб этиб, баҳр қилурлар, бир-бирининг **уҳти** (опа-сингил – Д.Ю.) керак. Агар бегона бўлса, бу тоифанинг қошинда раво эрмас”<sup>247</sup>.

Бу ўринда шайх Аҳмад Тарозий эътибор қаратган нуқта шуки, икки солим рукнни алмаштириб қўллаш натижасида мухталиф ул-арконга кирувчи бирор баҳр ҳосил қилинса, ундан кейинги баҳр унинг аксини такорлаши лозим, агар бу шарт адо этилмаса, у баҳр сифатида тан олинмайди. Буни муаллиф мухталиф ул-арконнинг биринчи ва иккинчи баҳри сифатида келтирган баҳрларнинг рукнларига диққат қилиш орқали тушуниб олиш мумкин. Биринчи баҳр *Муқорин* деб номланиб, тақтии қуйидагичадир: *фаувлун фоилун фаувлун фоилун*. Энди иккинчи баҳрга эътибор қаратамиз: бу

---

<sup>247</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойод Тарозий. Кўрсатилган манба. – С. 78 б.

баҳр *Мувофиқ* деб номланиб, унинг тақтии *фоилун* *фаувлун* *фоилун* *фаувлундан* иборат. Кўриб ўтилганидек, *Муқорин* баҳридаги руқнларнинг ўрни алмашиниб такрорланса, *Мувофиқ* баҳри ҳосил бўляпти. Бу эса шайх Аҳмад Тарозий таъкидлаганидек, ул икки жузвнинг ухти, яъни *опа-синги* бўлаётганлигини билдиради.

Шайх Аҳмад Тарозий келтираётган мазкур шеърий вазн қонунияти манбаларимиз доирасида ундан аввалги ва ундан кейин битилган аruzshunoslickka доир рисолаларда учрамади.

Муаллиф асарда ўзи таҳлил қилаётган қирқ баҳрнинг ўн олтитаси (*Тавил*, *Мадид*, *Басит*, *Вофир*, *Комил*, *Рамал*, *Ражаз*, *Ҳазаж*, *Сариъ*, *Мунсариҳ*, *Хафиғ*, *Музориъ*, *Муқтазаб*, *Мужтасс*, *Мутақориб*, *Мутадорик*) илгари ҳам, яъни араб шеъриятида мавжуд бўлганлигини айтиб ўтади. Шунингдек, асарда келтирилган *Жазил* (*мақлуби Тавил*) баҳри Тусий рисоласида келтирилган. Бу эса қолган йигирма баҳрни муаллифнинг ўзи тартиб берганлиги билан боғлиқ тахминни вужудга билдиради, чунки биз ўз манбаларимиз доирасида таркибан бундай баҳрларни учратмадик. Шамс Қайс Розий асарида келтирилган мустаҳдас баҳрлар эса асосан мусаддас (олтилик) руқнли бўлиб, уларнинг таркиби билан 9-иловада танишиш мумкин.

Энди мухталиф ул-ажзога кирувчи баҳрларни қиёсий таҳлил асосида кўриб чиқамиз.

1. **Муқорин** (ар. “яқин, ёнма-ён турган”, “пайваста”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Унда икки хумосий руқн (*фаувлун* ва *фоилун*) бир-бирига яқин жойлашганлиги учун шундай аталган. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик аruzshunoслигига доир манбаларда учрамайди. *Муқорин* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фаувлун* (*V--*), *фоилун* (*-V-*), *фаувлун* (*V--*), *фоилун* (*-V-*) бўлиб, “Фунун ул-балоға”да ушбу баҳрнинг бир *мусамман* ва икки

мусаддас руқнли вазнлари таҳлил қилинганд. Рисолада келтирилган *Муқорини мусаммани солим* вазнига мисол<sup>248</sup>:

*Қилибон / ҳар сари / ишорат / эй санам,  
Олурсен / ақлу дил тумон минг / дамбадам.  
Фаувлун фоилун фаувлун фоилун*<sup>249</sup>.

*V – – / – V – / V – – / – V –*

**2. Мувофиқ** (ар. “мос”, “мутаносиб”) – Шайх Ахмад Тарозий томонидан аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Ундаги икки руқн (фоилун ва фаувлун) таркибан ўзаро мос жузвлар (бир сабаб ва бир ватад)дан иборат бўлганлиги шундай аталган. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Мувофиқ баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилун* ( $-V-$ ), *фаувлун* ( $V--$ ), *фоилун* ( $-V-$ ) *фаувлун* ( $V--$ ) бўлиб, муқорин баҳрининг акси ҳисобланади, шу маънода ушбу баҳрни *мақлуби муқорин* деб ҳам аташ мумкин. “Фунун ул-балоға”да ушбу баҳрнинг икки *мусамман* руқнли вазнлари келтирилган.

**3. Тавил**<sup>250</sup> (ар. “узун”) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб адабиётида, қисман форс-тожик ва туркий шеъриятда истифода этилган. Араб арузидаги нисбатан узун баҳрлардан бўлганлиги учун шундай аталган. Шунингдек, унинг руқнлари бир байтда саккиз мартадан кам бўлмаслигини назарда тутиб, шундай ном берилган деган қарашлар ҳам бор<sup>251</sup>. *Тавил* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фаувлун* ( $V--$ ), *мафоийлун* ( $V---$ ), *фаувлун* ( $V--$ ), *мафоийлун* ( $V---$ ) бўлиб, шеъриятда ушбу баҳрнинг фақат *мусамман* руқнли вазнларидан фойдаланилган. “Фунун ул-балоға”да ушбу баҳр оҳанг жиҳатдан номатбуъ бўлса-да, шоирлар орасида жуда машҳур эканлиги таъкидланади. Рисолада унинг учта мусамман, бир

<sup>248</sup> Ишнинг ҳажмидан келиб чиқиб, диссертацияда барча баҳрларга мисол келтиришнинг имкони бўлмаганлиги учун фақат ноанъанавий баҳрлар таҳлилида ва баъзи мунозарали ўринлардагина мисоллар бериб борилади.

<sup>249</sup> Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамили қўлёзма). – С. 122 а.

<sup>250</sup> *Тавил* баҳрини XIX асрдан бошлиб шоирлар девонларида алоҳида жанр сифатида келтирилувчи *баҳри тавил* билан адаштирмаслик лозим.

<sup>251</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи X.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 49.

мусаддас ва бир мураббаъ – жами беш вазни келтирилган. Навоий “Мезон ул-авзон”да *Тавилнинг* фақат бир вазни (*Тавили мусаммани солим*)ни келтириб ўтади, “Хазойин ул-маоний” куллиётида эса ушбу баҳрда ёзилган 3 ғазал мавжуд. Бобурнинг рисоласида *Тавил* баҳрига мансуб 6 та вазн келтирилган: улардан 5 таси мусамман, биттаси мураббаъ руқнилидир. Бу вазнлар орасида бир вазн муҳтараъи матбуъ бўлиб, руқнлари *фаувлу мафоийлун фаувлу мафоийлундан* иборат. Бу вазнга Бобурнинг қуидаги байти келтирилган:

*Не сенча / парий бордур / не мен ки / би девона*

*V – V / V – – – / V – V / V – – –*

*Не сенча / кииши машхур / не мендек / эл афсона.*

*V – V / V – – – / V – V / V – – –*

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида *Тавил* баҳрининг фақат бир вазни (*Тавили мусаммани солим*) келтирилган бўлиб, Жомий ушбу баҳр ажам шеъриятига хос бўлмаганлиги учун унинг бошқа вазнларига тўхталиб ўтмаслигини таъкидлайди<sup>252</sup>. Атоуллоҳ Ҳусайнин *Тавил* баҳри аслан мусамман шаклда бўлиши ва жузвлари тўрт марта фаувлун мафоийлундан иборат бўлишини айтиш билан чекланади. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг фақат бир вазни (*Тавили мусаммани солим*) келтирилган. *Тавил* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қуидаги жадвалда кўриш мумкин:

Рисола номи	Баҳрнинг келтирилиш ўрни	Баҳр мансуб доира	Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнлар	Мураббаъ вазнлар	Мутатаввал вазнлар	Жами
“Фунун ул-балога”	3	–	3	1	1	–	5
“Мезон ул-авзон”	7	1 М уштабих а	1	–	–	–	1

<sup>252</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 17-19.

“А рузи Сайфий”	5	1	М ухталиф а	1	—	—	—	1
“Р исолаи аруз”	—	—	—	1	—	—	—	1
“А руз рисоласи ”	8	8	М ухталиф а	5	—	1	—	6
“Б адойиъ ус- санойиъ”	—	—	—	—	—	—	—	—

**4. Жазил ёки ариз – форсий арузга хос баҳрлардан бири.** Аruz илмининг ихтироиси Xалил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшунослари томонидан кашф қилинган. Асосан форсий адабиётда, қисман туркий шеъриятда ҳам истифода этилган. Насируддин Тусий ўз рисоласида баҳр номини *Ariz* деб келтиради<sup>253</sup>. Бу баҳр *Тавил* сингари фаувлун ва мафоийлун рукнларидан иборат, фақат унда аввал *мафоийлун*, сўнгра *фаувлун* рукни келади. Шу боис ушбу баҳр форсий арузшуносликда *мақлуби Тавил* деб ҳам аталган<sup>254</sup>. Туркий арузшуносликда мазкур баҳр ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Рисолада ушбу баҳр **Жазил** номи билан келтирилиб, *Тавил*нинг акси эканлиги таъкидланади ва икки вазнига мисол келтирилади<sup>255</sup>. *Ariz* баҳри маҳсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *мафоийлун* (*V--*), *фаувлун* (*V-*), *мафоийлун* (*V--*) *фаувлун* (*V- -*) бўлиб, шеъриятда унинг асосан *мусамман* рукнили вазнларидан фойдаланилган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да *Ariz* ҳақида маълумот келтирмайди, лекин “Хазойин ул-маоний” *Ariz*нинг мусаммани солим вазнида ёзилган бир ғазал бўлиб, унинг матлаъси қуйидагича:

<sup>253</sup> Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 30.

<sup>254</sup> Бу ҳақда қаранг: Насируддини Тусий. Юқоридаги манба. – С. 57; Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.22; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.) – М.: Наука, 1989. – С. 91; Тоиров У. Фарҳанг истилоҳоти арӯзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 14.

<sup>255</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сақланувчи Elliott №-127 ракамли кўлёзма). – С. 123 а.

*Санойи зотинг ичра топиб ажз, аҳли идрок,  
Гаҳи лоуҳси айтиб замоне “мо арафнок”<sup>256</sup>.*

Шу ўринда савол туғилади: Нима учун Алишер Навоий бу баҳр ҳақида “Мезон ул-авзон” асарида маълумот бермаган? Гап шундаки, *Aриз* баҳри мафоийлун асл рукни ва унинг фаувлун тармоғига таркиб жиҳатдан ўхшаш руқнлардан тузилган. Шундан келиб чиқиб, мумтоз арузшуносликда мазкур баҳрга алоҳида баҳр сифатида эмас, балки Ҳазаж таркибидаги вазнлардан бири сифатида қараш ҳам мавжуд бўлган<sup>257</sup>. “Мезон ул-авзон”дан бир оз илгарироқ яратилган Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида ҳам бу баҳр алоҳида келтирилмайди. “Мезон ул-авзон” учун Жомий асарини таянч манба сифатида олган Алишер Навоий устози Жомий изидан бориб, мазкур баҳрга алоҳида тўхталиб ўтмаган<sup>258</sup>.

Бобур ўз рисоласида *Aриз* ҳақида маълумот келтирас экан, бу баҳрнинг араб арузида мавжуд эмаслигини, балки форс шоирларининг ихтироси эканлигини алоҳида таъкидлайди: “Бу вазнда тозий (арабча – Д.Ю.) шеър топмайдурлар. Бу баҳрни ажам шуъароси пайдо қилиб мақлуби тавил дебтурлар, ариз ҳам дерлар”<sup>259</sup>. Шунингдек, Бобур *Aриз* баҳрининг мафоийлун фаувлун мафоийлун фаувлун (*V – – – / V – – / V – – – / V – –*) руқнларининг такоридан вужудга келиши ҳақида ҳам айтиб ўтади.

Бобурнинг рисоласида ушбу баҳрдан ҳосил бўлувчи тўрт мустаъмал (истеъмолдаги) вазн ҳақида маълумот берилиб, бу вазнларининг иккитаси мустаъмали матбуъ (истемолдаги ёқимли) эканлигини таъкидлайди. Улардан бири *Aризи мусаммани солим* вазнига ўзининг:

*Лабинг маржон, тишинг дур, хатинг райҳон, хадинг гул,  
Сочинг анбар, юзунг ҳур, менгинг мўлтон, юзунг мул –*

<sup>256</sup> Алишер Навоий. Нводир уш-шабоб. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.2. – Т.: F.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 234.

<sup>257</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 85.

<sup>258</sup> Бу икки асарнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида қаранг: Д.Юсупова. Жомий ва Навоий: арузга доир рисолаларнинг қиёсий тадқики / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Т.: MUMTOZ SO’Z, 2010. – Б. 33-39.

<sup>259</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 27.

байтими мисол қилиб келтиради<sup>260</sup>. Ариз баҳрининг *Аризи мусаммани мақбуз* (*мафоилун фаувлун мафоилун фаувлун*) вазни учун эса Торий тахаллусли шоирнинг:

*Сангаки барги гулдин либос қилса бўлгай,*

*Гуле бу гулишан ичра қиёс қилса бўлгай –*

байти келтирилган. Лекин афсуски бу шоир ҳақида манбаларда маълумот учрамайди.

Атоуллоҳ Ҳусайнин “Бадойиъ ус-санойиъ”да “Доираи муҳталифа”га кирувчи *Тавил*, *Мадид*, *Басит* баҳрлари ҳақида маълумот бериш асносида бу доирага киритилиши мумкин бўлган яна бир баҳр сифатида *мақлуби Тавилни* ҳам эслаб ўтади ва ушбу баҳрда араб тилида шеър ёзилмаганлигини, форсий тилда ҳам фақат Баҳромий топган баъзи шеърлар мавжудлигини айтади<sup>261</sup>, <sup>262</sup>. “Арузи Сайфий”да ушбу баҳр маҳсус келтирилмаган, муаллиф *Тавил* баҳрини келтириш асносида йўл-йўлакай унинг номини ҳам “мақлуби Тавил” сифатида айтиб кетади<sup>263</sup>.

**5. Фарид** (ар. “тенги йўқ”, “ягона”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фаувлун* (*V – –*), *фоилотун* (*– V – –*), *фаувлун* (*V – –*), *фоилотун* (*– V – –*) бўлиб, “Фунун ул-балоға”да ушбу баҳрнинг бешта вазни: тўрт мусамман ва бир мусаддас руқнли вазнлари келтирилган.

**6. Мазид** (ар. “тенги йўқ”, “ягона”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилотун* (*– V – –*), *фаувлун* (*V – –*), *фоилотун* (*– V – –*)

---

<sup>260</sup> Бобир Захириддин. Кўрсатилган асар.– Б. 84.

<sup>261</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 22-23.

<sup>262</sup> Насируддин Тусий “Меъёр ул-ашъор”да ушбу баҳрда дастлаб ва фақат Фароловий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо, X асрнинг биринчى ярмида яшаб ўтган) деган шоир шеърлар битганлиги ва бу шеърлар Баҳромий орқали етиб келганлигини айтади (Насируддини Тусий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳо чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 57).

<sup>263</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 49. (форс тилида)

–), *фаувлун* (*V – –*) бўлиб, *Фарид* баҳрининг акси ҳисобланади, шу маънода ушбу баҳрни *мақлуби* *Фарид* деб ҳам аташ мумкин.“Фунун ул-балоға”да *Мазиднинг* икки вазни: бир *мусамман* ва бир *мусаддас* руқнли вазнлари келтирилган. *Мазиди мусаддаси солим* вазнига мисол:

Боғ ичинда / нигоре / қил тамошо<sup>264</sup>

– *V – – / V – – / – V – –*

*Фоилотун фаувлун* *фоилотун.*

**7. Мутарокиб** – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фаувлун* (*V – –*), *мустафъилун* (*– – V –*), *фаувлун* (*V – –*), *мустафъилун* (*– – V –*). “Фунун ул-балоға”да мутарокибининг мусамман руқнлардан таркиб топган уч вазни келтирилган. *Мутарокиби мусамманни солим* вазни учун келтирилган мисол:

Хиромон бўлса санам қиёмат пайдо бўлур

Малойик ҳайрон қолур, парилар шайдо бўлур.

*Фаувлун мустафъилун* *фаувлун мустафъилун*<sup>265</sup>.

**8. Мутадовил** (ар. “амалдаги”, “истеъмолдаги”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди<sup>266</sup>. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мустафъилун* (*– – V –*), *фаувлун* (*V – –*), *мустафъилун* (*– – V –*), *фаувлун* (*V – –*) бўлиб, *Мутарокиб* баҳрининг акси ҳисобланади, шу маънода ушбу баҳрни *мақлуби* *Мутарокиб* деб ҳам аташ мумкин. Муаллиф ушбу баҳр асосан мусамман руқнли вазнларда

<sup>264</sup> Кўлёзмада баъзан вазнлар учун мисол берилганда, муаллиф (ёки котиб) бир мисранинг ўзини келтириш билан чекланган ўринлар ҳам бор (Қаранг: Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли кўлёзма). – С.123 б).

<sup>265</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли кўлёзма). – С.124 а.

<sup>266</sup> *Мутадовил* – луғавий маъносига кўра Шайх Аҳмад Тарозийгача аruz назариясида мавжуд ёки шеъриятда муайян тарзда қўлланилган баҳр бўлиши керак, лекин афсуски, хозирча ушбу баҳр ҳақида бошқа манбада маълумот учрамади.

қўлланилишини таъкидлаб, унинг “...шўйбалари мусаддас ва мураббаъда асру номатбуъ келур, ул сабабдин кетурмадук” деб айтади<sup>267</sup>.

**9. Муталойим** – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилун* ( $-V-$ ), *мафоийлун* ( $V- - -$ ), *фоилун* ( $-V-$ ), *мафоийлун* ( $V- - -$ ). *Муталойими мусаммани солим* вазнига мисол:

Эй санам, юзунг нури...<sup>268</sup>

*Фоилун мафоийлун*

Муаллиф ушбу баҳрнинг солими Ҳазажс баҳрининг садри (биринчи руқни) аштар қилинган вазнига тўғри келишини айтади. Дарҳақиқат, ушбу баҳр Ҳазажси мусаммани аштар вазнига таркибан мос келади.

**10. Мутанофир** (ар.) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мафоийлун* ( $V- - -$ ), *фоилун* ( $-V-$ ), *мафоийлун* ( $V- - -$ ), *фоилун* ( $-V-$ ) бўлиб, *Муталойим* баҳрининг акси ҳисобланади, шу маънода ушбу баҳрни *мақлуби Муталойим* деб ҳам аташ мумкин.“Фунун ул-балоға”да *Мутанофирнинг* тўрт вазни келтирилган. *Мутанофирни мусаммани солим* вазнига мисол:

Кўзунг бизга / қасд ила / отор ўқин / дамбадам,

Кўнгул хам ўз / жойини/ қилур қалқон, / эй санам.

*Мафоийлун*    *фоилун*    *мафоийлун*    *фоилун*.

**11. Мадид** (ар. “давомли, чўзилган, тортилган”) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб адабиётида, қисман форс-тожик шеъриятида истифода этилган. Унинг руқнлари доирада *Тавил* баҳри таркибидан тортиб олинганлиги сабабли шундай аталган. *Фоилотун* руқнидаги икки сабаби

<sup>267</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма). – С.124 а.

<sup>268</sup> Қўлёзмадаги матннинг баъзи ўринлари ўчиб кетганлиги учун байтни тўлик ўқишининг имкони бўлмади.

хафиф ўртасида давомийлик борлиги учун шундай ном олган деган қараашлар ҳам бор<sup>269</sup>. *Мадид* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилотун* (– V –), *фоилун* (– V –), *фоилотун* (– V –), *фоилун* (– V –) бўлиб, шеъриятда *Мадиднинг* асосан *мусамман* ва *мусаддас* руқнили вазнларидан фойдаланилган. Туркий арузшунослиқда *Мадид* ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Муаллиф ушбу баҳрнинг олти вазнини изоҳлаб, уларга мисолларни ўз ижоди ҳамда форсигўй ижодкорлар: Насируддин Тусий ва Ваҳид Табризийдан келтиради. *Мадид* туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ва Бобур ижодида истифода этилмаган. Алишер Навоий “Мезон ул-авzon”да *Мадиднинг* битта мусамман руқнили вазнини мисоллар билан келтириб ўтади. Бобурнинг рисоласида *Мадид* баҳрига мансуб 4 та вазн келтирилган бўлиб, улардан 3 таси мусамман ва биттаси мураббаъ руқнилидир. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида *Мадид* баҳрининг фақат бир вазни (*Мадиди мусаммани солим*) келтирилган. Жомий ушбу баҳр ажам шеъриятига хос бўлмаганлиги учун унинг бошқа вазнларига тўхталиб ўтмаслигини таъкидлайди<sup>270</sup>. Атоуллоҳ Ҳусайнин *Мадид* баҳри аслан мусамман шаклда эканлиги ва жузвлари тўрт марта *фоилотун* *фоилундан* иборат бўлишини айтиш билан чекланади. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг асосий вазни - *Мадиди мусаммани солим* келтирилиши билан бир қаторда ундаги иккинчи руқнни маҳбун (фаилун) тарзида қўллаб, вазн ҳосил қилиш мумкинлиги айтилади ва унга мисол тариқасида қўйидаги байт келтирилади:

*Аз миён / даҳанаши то тавон йак сариму,*

– V – – / V V – / – V – – / V V –

*З-он нишон боз маде зан суҳан ҳич мигу.*

– V – – / V V – / – V – – / V V –<sup>271</sup>

---

<sup>269</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 50. (форс тилида).

<sup>270</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 17-19.

<sup>271</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 51. (форс тилида)

*Мадид* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қуидаги жадвалда кўриш мумкин:

Рисола номи	Баҳр-нинг келтирилиш ўрни	Баҳр мансуб доира	Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнлар	Мураббабаъ вазнлар	Мутатаввал вазнлар	Жами
“Фунун ул-балога”	12	—				—	
“Мезон ул-авзон”	18	Мушта - биҳа	1	—	—	—	1
“Арузи Сайфий”	16	Мухталифа	2	—	—	—	2
“Рисолай аруз”	—	—	1	—	—	—	1
“Аруз рисоласи”	9	Мухталифа	3	—	1	—	4
“Бадойиъ ус-санойиъ”	—	—	—	—	—	—	

**12. Амиқ** (ар. “кенг, энли”) ёки **Жадид** (ар. “янги”) – форсий арузга хос баҳрлардан бири. Аруз илмининг ихтирочиси Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшунослари томонидан кашф қилинган. Асосан форсий адабиётда истифода этилган. Тусий ўз рисоласида баҳр номини *Амиқ* деб келтиради<sup>272</sup>, баъзи манбаларда “мақлуби *Мадид*” (мадиднинг зидди) номи билан ҳам келади<sup>273</sup>. Туркий арузшуносликда бу баҳр ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Рисолада мазкур баҳр *Жадид* номи билан келтирилади. *Амиқ* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилун* (– V –), *фоилотун* (– V –), *фоилун* (– V –), *фоилотун* ( – V –) бўлиб, шеъриятда *Амиқ*нинг асосан

<sup>272</sup> Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 30.

<sup>273</sup> Бу ҳақда қаранг: Насируддини Тўсий. Кўрсатилган манба. – С. 57; Атоуллоҳ Ҳусайнний. Бадойиъ-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.22; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (Х-ХV вв.) – М.: Наука, 1989. – С. 91; Тоиров У. Фарҳанг истилоҳоти арӯзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 14.

мусамман рукили вазнларидан фойдаланилган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да ушбу баҳр ҳақида маълумот келтирмайди.

Бобурнинг ўз рисоласида маълумот беришича, ушбу баҳр ҳам форсий шоирларнинг ихтиросидир. Рисолада *Амиқнинг мусамман* (саккиз рукили) ва мураббаъ (тўрт рукили) шаклларига форсий ва туркий байтлардан мисоллар келтирилади. Хусусан, *Амиқи мусаммани солим* вазнига қуидаги байт келтирилган:

Сўйи ман гоҳ-гоҳе, дилбаро, як нигоҳе,  
Дилбаро, як нигоҳе сўйи ман гоҳ-гоҳе<sup>274</sup>  
*Фоилун фоилотун фоилун фоилотун.*

Гарчи Бобур амиқ баҳрининг икки вазни мустаъмал, бири мустаъмали матбуъ (истеъмолдаги ёқимли) вазн эканлигини таъкидласа-да, туркий шеъриятда Бобургача ва ундан кейин ҳам ушбу вазнда тўлиқ ғазал ёки бошқа жанрдаги шеър яратилмаган.

“Бадойиъ ус-санойиъ”да ушбу баҳр ҳақида маълумот келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да ҳам *Амиқ* маҳсус келтирилмайди, муаллиф *мадиҷ* баҳрини келтириш асносида йўл-йўлакай унинг номини “мақлуби *Мадиҷ*” сифатида айтиб кетади<sup>275</sup>.

**13. Мухит** (ар. “доира”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аруз назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Маҳсус аслий рукинга эга эмас. Унинг солим рукилари *фоилун* (– V –), *мустафъилун* (– –V– ), *фоилун* (– V –), *мустафъилун* (– –V– ) бўлиб, “Фунун ул-балоға”да мухитнинг уч вазни: икки *мусамман* ва бир мусаддас рукили вазнлари келтирилган. *Мухити мусаммани солим* вазнига мисол:

Эй пари / рухсор манга / қилмадинг / бир дам вафо...  
*Фоилун мустафъилун фоилун мустафъилун*

<sup>274</sup> Бобур Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 86.

<sup>275</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 51. (форс тилида)

– V – / – V – / – V – / – V –

**14. Басит** (ар. “кенг, ёйик”) – араб арузига хос баҳрлардан бири. Асосан араб адабиётида, қисман форс-тожик шеъриятида истифода этилган. Унинг рукнларидан бири *мустафъилуннинг* бошланиш қисмида икки *сабаби хафиф* (–) ёйилиб тургани учун шундай аталган. Шунингдек, *Басит* баҳри вазнларининг *аруз* ва *зарбида* ҳаракатлар, яъни қисқа унлилар ёйилганлиги сабабли шундай ном олган деган қарашлар ҳам бор<sup>276</sup>. Ушбу баҳр маҳсус аслий рукнга эга эмас. Унинг солим рукнлари *мустафъилун* (–V–), *фоилун* (–V–), *мустафъилун* (–V–), *фоилун* (–V–) бўлиб, шеъриятда *Баситнинг* асосан *мусамман* ва *мусаддас* рукнли вазнларидан фойдаланилган. Туркий арузшуносликда *Басит* ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Муаллиф рисолада *Баситнинг* мусамман ва мусаддас рукнларидан ташқари, мураббаъ рукнли вазнига ҳам мисол келтиради:

Ўтсанг, сабо, кўйидин,  
Келтур манго бўйидин<sup>277</sup>.

*Мустафъилун фоилун*

– – V – / – V –

Бу баҳр туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ижодида истифода этилмаган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да *Баситнинг* битта мусамман рукнли вазнини мисоллар билан келтириб ўтади. Бобурнинг рисоласида бу баҳрга мансуб 8 та вазн келтирилган бўлиб, улардан 4 таси мусамман, 3 таси мусаддас ва биттаси мураббаъ рукнлидир. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида мазкур баҳрнинг фақат бир вазни (*Басити мусаммани солим*) келтирилган бўлиб, Жомий ушбу баҳр ажам шеъриятига хос бўлмаганлиги учун унинг бошқа вазнларига тўхталиб ўтмаслигини таъкидлайди<sup>278</sup>.

<sup>276</sup> Сайфий. Юқоридаги манба. – С. 50. (форс тилида)

<sup>277</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли қўлёзма). – С. 127 а.

<sup>278</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарх ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 18-19.

Атоуллоҳ Ҳусайнний *Басит* баҳри аслан мусамман шаклда эканлиги ва жузвлари тўрт марта *мустафъилун фоилундан* иборат бўлишини айтиш билан чекланади. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг асосий вазни – *Басити мусаммани солим* келтирилиб, мисол билан далилланган<sup>279</sup>.

Басит баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

P исола номи	Б ахр- нинг келти- - рили ш ўрни	Б ахр мансуб доира	М усам- м ан вазнла р	М усад- дас вазнла р	М ураб- баъ вазнла р	Му татав- вал вазнлар	Жам и
“ Фунун ул- балоға”	14	–	3	1	1	–	5
“ Мезон ул-авзон”	19	М уштабих а	1	–	–	–	1
“А рузи Сайфий”	17	М ухталиф а	1	–	–	–	1
“Р исолаи аруз”	–	–	1	–	–	–	1
“А руз рисоласи ”	1	М ухталиф а	4	3	1	–	8
“Б адойиъ ус- санойиъ”	–	–	–	–	–	–	

**15. Музориъ** (ар. “ўхшаш”, “монанд”) – туркий ва форсий шеъриятда қўлланилган аruz баҳрларидан бири. Ҳазаж баҳрига ўхшаш бўлганлиги учун шундай номланган деган қарашиб бор, чунки *Музориънинг* иккинчи рукни

<sup>279</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 50. (форс тилида)

худди *Хазаж* сингари мафоийлун (*V---*)дан иборат<sup>280</sup>. Шунингдек, *Мунсарих* баҳрига ўхшаб, иккинчи рукни таркибида ватади мафруқ (*-V*) иштирок этгани учун шу ном билан аталган, деган қарашлар ҳам бор. *Музориъдаги* иккинчи рукни мафоийлун (*V---*)нинг биринчи жузви ватади мафруқ бўлса, *Мунсарих* баҳридаги иккинчи рукни *мафъулоту* (*--V*) нинг сўнгги жузви ватади мафруқдан иборат. *Музориъ* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мафоийлун* (*V---*), *фоилотун* (*-V--*), *мафоийлун* (*V---*), *фоилотун* (*-V--*) бўлиб, туркий шеъриятда *Музориънинг* фақат *мусамман* руқнли вазнларидан фойдаланилган. Туркий арузшуносликда *Музориъ* ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балога” асарида келтирилган. Муаллиф ушбу баҳрга анча кенг тўхталган бўлиб, қўлёzmанинг 127 б сахифасидан<sup>128</sup> б сахифасигача *Музориъ* баҳрига доир вазн ва мисоллар келтирилган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да *Музориънинг* саккизта мусамман руқнли ва тўртта мусаддас руқнли (жами 12 та) вазнларини келтириб ўтади. Бобур ўз рисоласида *Музориъ* баҳрига мансуб 24 та вазнни келтириб, улардан 16 таси мусамман, 5 таси мусаддас ва 3 таси мураббабъ руқнли эканлигини таъкидлайди<sup>281</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида ушбу баҳрнинг жами 12 вазни келтирилган бўлиб, шулардан 8 таси мусамман, 4 таси мусаддас вазнлардир. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнин *Музориъ* баҳри аслида арабларда мусаддас шаклда эканлигини, жузвлари икки марта *мафоийлун* *фоилотундан* иборат бўлишини, форсий шеъриятда эса мусамман шаклида қўлланилишини айтиш билан чекланади, унда баҳрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 7 вазни келтирилган, уларнинг 6 таси мусамман, биттаси мусаддас руқнли вазнлардир. *Музориъ* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

<sup>280</sup> Сайфи Бухорий. Арузи Сайфи. – Калькутта, 1876. – С. 36. (форс тилида).

<sup>281</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58.

	Ри сола номи	Б ахр- нинг келти- рилиш ўрни	Б ахр мансуб доира	М усам- ан вазнлар	М усад-дас вазнлар	М ураб- баъ вазнлар	Мут атав-вал вазнлар	Ж ами
.	“ Фунун ул- балоға”	15	—	—	—	—	—	
.	“ Мезон ул-авзон”	5	М ужта м ия, Мухтали фа	8	4	—	—	1 2
.	“А рузи Сайфий”	5	М уштабих а	6	1	—	—	7
.	“Р исолаи аруз”	5	М ухталиф а	8	4	—	—	1 2
.	“А ruz risolasi ”	5	М ушта б иха, Мушта б ихаи солим	1 6	5	3	—	2 4
.	“Б адойиъ ус- санойиъ”	—	—	—	—	—	—	

**16. Мушокил** (ар. “ўхшаш”, “шаклдош”) фақат форсий шеъриятда қўлланилган аruz баҳрларидан бирининг номи. Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшунослари томонидан кашф қилинган. Қариб баҳри сингари *мафоийлун* ва *фоилотун* руқнларидан таркиб топганлиги учун шундай шундай аталган<sup>282</sup>. Фақат Қариб баҳридан фарқ қилиб, *Мушокилда* *фоилотун* руқни *мафоийлундан* аввал келади. Шунингдек, *Музориъ* руқнларининг тескари ҳолдаги такоридан вужудга келганлиги учун *Музориъ* баҳри билан шаклдош маъносида ҳам шундай аталган. *Мушокил* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас.

<sup>282</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи X.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 44. (форс тилида).

Унинг солим рукилари *фоилотун* ( $-V--$ ), *мафоийлун* ( $V---$ ), *мафоийлун* ( $V---$ ) бўлиб, форс-тожик шеъриятида *Мушокилнинг* кўпроқ мусаддас рукили вазнларидан фойдаланилган. Лекин Шайх Аҳмад Тарозий уни мусамман рукили баҳрлар қаторида келтириб, унинг солим рукилари *фоилотун* ( $-V--$ ), *мафоийлун* ( $V---$ ), *фоилотун* ( $-V--$ ), *мафоийлун* ( $V--$ ) иборатлигини таъкидлайди. Ушбу баҳр туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ва Бобур шеъриятида қўлланилмаган. “Мезон ул-авзон”да рисоланинг баҳрлар қисмида *Мушокилнинг* тўрт вазни, “Доираи мужтамиа”нинг изоҳланиш қисмида эса яна бир вазни (жами 5 вазн) келтириб ўтилган. Ушбу вазнлардан биттаси мусамман, иккитаси мусаддас, иккитаси мураббаъ рукилидир. Бобурнинг рисоласида *Мушокил* баҳрига мансуб 18 та вазн келтирилиб, улардан 2 таси мусамман, 10 таси мусаддас ва 6 таси мураббаъ рукилидир<sup>283</sup>. Бобурнинг таъкидлашича, ушбу вазнлардан 6 таси мустаъмал ва 12 таси муҳтараъдир, улардан иккита мустаъмал матбуъ оҳангта эга<sup>284</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида *Мушокил* баҳрининг 4 вазни келтирилган бўлиб, улардан биттаси мусамман, биттаси мусаддас ва иккитаси мураббаъ рукили вазнлардир<sup>285</sup>. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнин ушбу баҳрни Шамс Қайс Розий “Ал-мўъжам”да келтирган доиралар таркибига кирувчи баҳр сифатида изоҳлаб, унинг жузвлари *фоилотун* *мафоийлун* *мафоийлундан* иборат эканлигини айтади. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг факат бир вазни келтирилган. *Мушокил* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

	<b>Ри сола номи</b>	<b>Б аҳр- нинг келти-</b>	<b>Б аҳр мансуб доира</b>	<b>М усам- м ан вазнлар</b>	<b>М усад-дас вазнлар</b>	<b>М ураб- баъ вазнлар</b>	<b>Мут атав-вал вазнлар</b>	<b>Ж ами</b>
--	-----------------------------	---------------------------------------	---------------------------------------	---	-----------------------------------	--	-------------------------------------	------------------

<sup>283</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 93.

<sup>284</sup> Бобир Захиридин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 202.

<sup>285</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарх ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 70-71.

		<b>рилиш ўрни</b>						
.	“Фунун ул-балоға”	16	—					-
.	“Мезон ул-авзон”	2	1 ужта м иа, Мунта 3 иа	М 1	2	2		5
.	“А рузи Сайфий”	2	1 —		1			1
.	“Р исолаи аруз”	2	1 унтазиа	М 1	1	2		4
.	“А руз рисоласи”	1	2 унта 3 иа, Мушта б ихаи солим	М 2 0	1	6		1 8
.	“Б адойиъ ус-санойиъ”	—						

**17. Саҳиҳ** (ар. “түғри”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшуюслигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари мағоийлун ( $V - - -$ ), мустағъилун ( $- - V -$ ), мағоийлун ( $V - - -$ ), мустағъилун ( $- - V -$ ) бўлиб, “Фунун ул-балоға”да асосан мусамман руқнли баҳр сифатида изоҳланади. Асар қўлёзмасининг ушбу баҳр тавсифи келтирилган саҳифаси қаттиқ уринганлиги ва матндаги сўзларни ўқиши имконияти чекланганлиги боис мазкур баҳр изоҳида шу маълумотлар билан чекланамиз.

**18. Сарих** (ар. “аниқ”, “оидин”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган

араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руңнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мустафъилун* ( – – V – ), *мафоийлун* (V – – – ), *мустафъилун* ( – – V – ), *мафоийлун* (V – – – ) бўлиб, *Саҳиҳ* баҳрининг акси ҳисобланади, шу маънода ушбу баҳрни *мақлуби саҳиҳ* деб ҳам аташ мумкин. *Сариҳ* баҳри “Фунун ул-балоға”да асосан мусамман руқнли баҳр сифатида изоҳланади. Асар қўлёзмасининг ушбу баҳр тавсифи келтирилган сахифаси ҳам қаттиқ уринганлиги ва матндаги сўзларни ўқиш имконияти чекланганлиги боис мазкур баҳр изоҳида ҳам шу маълумотлар билан чекланамиз.

**19. Хафиф** (ар. “енгил”) – туркий ва форсий шеъриятда фаол қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Руқнлари икки томондан *сабаби хафиф* билан ўралганлиги ва енгил оҳангга эга бўлганлиги учун шундай аталган<sup>286</sup>. *Хафиф* баҳри махсус аслий руңнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилотун*(– V – –), *мустафъилун* ( – – V – ), *фоилотун*(– V – –) бўлиб, туркий шеъриятда хафифнинг асосан *мусаддас* руқнли вазнларидан фойдаланилган. Лекин Шайх Аҳмад Тарозий ушбу баҳрни мусамман руқнли баҳрлар қаторида келтириб, унинг солим руқнлари *фоилотун*(– V – –), *мустафъилун* ( – – V – ), *фоилотун*(– V – –), *мустафъилун* ( – – V – ) эканлигини таъкидлайди. *Хафиф* баҳрига хос муҳим хусусиятлардан бири қўпвазнлилик бўлиб, биринчи руқн *фоилотун*(– V – –) ёки *фаилотун*(V V – –) ва учинчи руқн *фаилун* ( VV – ), *фаилон* (VV~), *фаълун* ( – – ), *фаълон* ( – ~ ) тарзида бир шеърий асарда ўзаро алмашиниб қўлланаверади ва бу ҳолат бир шеърнинг 8 вазнда ёзилиш имконига эга бўлишини таъминлайди. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да рисоланинг баҳрларга доир қисмида *Хафифнинг* бешта вазнини, “Доираи мужтамиа”ни изоҳлаш қисмида бир вазнини (жами 6 вазн) келтириб ўтади. Бобурнинг рисоласида *Хафиф* баҳрига мансуб 22 та вазн келтирилиб, улардан 18 таси мусаддас ва 4 таси мураббаъ руқнилди<sup>287</sup>. Бобурнинг таъкидлашича,

<sup>286</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 42. (форс тилида).

<sup>287</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58.

ушбу вазнларнинг 9 таси мустаъмал, 13 таси эса мухтараъ ҳисобланади<sup>288</sup>.

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида хафиф баҳрининг 8 вазни келтирилган, улардан 7 таси мусаддас, биттаси Рудакийнинг байти билан далилланган мусамман руқнили вазндири<sup>289</sup>. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнини хифиф баҳри асли мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари икки қатла фоилотун мустағъилун фоилотундан иборат эканлигини айтиш билан чекланади, унда баҳрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 5 мусаддас руқнили вазни келтирилган. Хифиф баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

	Рисола номи	Баҳр-нинг келтирилиш ўрни	Баҳр мансуб доира	Мусамман вазнлар	Мусаддас вазнлар	Муррабаъ вазнлар	Мутатавваль вазнлар	Жами
.	“Фунун ул-балоға”	19						-
.	“Мезон ул-авзон”	1	1 унта з иа, Мужта м иа		6			6
.	“Арузи Сайфий”	1	1 ушта б иҳа		5			5
.	“Рисолаи аruz”	1	1 унта з иа	1	7			8
.	“Аруз рисоласи”	0	2 унта		8 1	4		2

<sup>288</sup> Бобир Захириддин. Муҳтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 196.

<sup>289</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарх ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 69.

			иа, Мушта б ихай солим	3				
.	“Б адойиъ ус- санойиъ”							

**20. Мужтасс** (ар. “илдизи билан юлиб олинган”) – туркий ва форсий шеъриятда фаол қўлланилган аruz баҳрларидан бири. *Хафиф* баҳридан юлиб олинганлиги учун шундай аталган<sup>290</sup>. Агар *Хафиф* баҳрида *мустафъилун* (– – V –) рукни икки *фоилотун* (– V – –)нинг орасида жойлашган бўлса, мужтассда *мустафъилун* (– – V –) рукни ҳар икки *фоилотун* (– V – –)дан илгари келади. “Фунун ул-балоға”га қўра, *Мужтасс* *Хафифнинг* аксиdir, яъни *Хафиф* баҳрининг солим руқнлари ўрин алмашиниб тақорланса, *Мужтасс* баҳри ҳосил бўлади. *Мужтасс* маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мустафъилун* (– – V –), *фоилотун* (– V – –), *мустафъилун* (– – V –), *фоилотун* (– V – –) бўлиб, туркий шеъриятда *Мужтасснинг* фақат *мусамман* руқнли вазнларидан фойдаланилган. *Мужтасс* баҳри учун ҳам ҳос бўлган муҳим хусусиятлардан бири кўпвазнлилик бўлиб, тўртинчи руқн *фаилун* (VV–), *фаилон* (VV~), *фаълун* (– –) *фаълон* (– ~) тарзида бир шеърий асарда ўзаро алмашиниб қўлланавериши мумкин. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да *Мужтасснинг* еттига мусамман руқнли ва иккита мураббаъ руқнли ва “Доираи мужтамиа”ни изоҳлаш қисмида битта мусаддас руқнли (жами 10 та) вазнларини келтириб ўтади. Бобур ўз рисоласида *Мужтасс* баҳрига мансуб 20 та вазни келтириб, улардан 12 таси мусамман, 5 таси мусаддас ва 3 таси мураббаъ руқнли эканлигини таъкидлайди<sup>291</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида *Мужтасс* баҳрининг жами 9 вазни келтирилган:

<sup>290</sup> Сайфи Бухорий. Арузи Сайфи. – Калькутта, 1876. – С. 37. (форс тилида).

<sup>291</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58.

улардан 7 таси мусамман, 2 таси мураббаба рукили вазнлардир<sup>292</sup>. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнин ғарбий Мужтасс баҳри аслида арабларда мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари икки марта мустафъилун фоилотун фоилотундан иборатлиги, форсий шеъриятда эса мусамман шаклида қўлланилишини айтиш билан чекланади, унда баҳрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 6 вазни келтирилган, уларнинг барчаси мусамман рукилидир. Мужтасс баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

	Ри сола номи	Б арх- нинг келти- рилиш ўрни	Б арх мансуб доира	М усам- м ан вазнлар	М усад-да с вазнлар	М ураб- баъ вазнлар	Мут атав-ва л вазнлар	Ж ами
.	“ Фунун ул- балога”	20	—	—	—	—	—	
.	“ Мезон ул-авзон”	7	М ужта м ия, Мухтали фа	7	1	2	—	1 0
.	“А рузи Сайфий”	7	М ушта Б иха	6	—	—	—	6
.	“Р исолаи аруз”	7	М ухталиф а	7	—	2	—	9
.	“А руз рисоласи ”	6	М ушта б иха, Мушта б ихаи солим	1 2	5	3		2 0

<sup>292</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 60-63.

.	“Бадойиъ ус-санойиъ”							
---	-------------------------	--	--	--	--	--	--	--

**21. Ажиб** (ар. “ажойиб”, “хайратланарли”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Руқнлар таркибининг ноанъанавий тузилишга эгалиги (мафоилатунда аввал ватад, сўнг фосила; мутафоилунда аввал фосила, сўнг ватад) баҳрни шундай номлаш учун асос бўлган дейиш мумкин. *Ажиб* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари мафоилатун ( $V - VV -$ ), мутафоилун ( $VV - V -$ ), мафоилатун ( $V - VV -$ ), мутафоилун ( $VV - V -$ ) бўлиб<sup>293</sup>, “Фунун ул-балоға”да асосан мусамман руқнили баҳрлар қаторида келтирилса-да, муаллиф рисолада унинг бир нечта мусаддас руқнили вазнларига ҳам мисол келтиради. *Ажиби мусаддаси солим* вазни:

Манго, э(й) санам, / қиласен неча / жафои карам  
 Вале манго ул / ситаминг эрур / вафои карам.  
 Мафоилатун      мутафоилун      мафоилатун<sup>294</sup>.  
 $V - VV -$        $VV - V -$        $V - VV -$

**22. Ғариб** (ар. “ғаройиб”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Аслий руқнлар таркиби жиҳатидан *Ажибга* ўхшаганлиги учун унга маънодош ном билан аталган. *Ғариб* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари мутафоилун ( $VV - V -$ ), мафоилатун ( $V - VV -$ ), мутафоилун ( $VV - V -$ ), мафоилатун ( $V - VV -$ ) бўлиб, *Ажиб* баҳрининг акси ҳисобланади, шу маънода ушбу баҳрни *мақлуби ажиб* деб ҳам аташ мумкин. “Фунун ул-

<sup>293</sup> Кўлёзманинг баҳрлар таснифи билан боғлиқ қисмида ушбу аслий руқн номи янглиш тарзда “мафоилун” деб ёзилган. Қаранг: Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли кўлёзма). – С. 80 а.

<sup>294</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 ракамли кўлёзма). – С. 134 б.

балоға”да асосан мусамман руқни баҳр сифатида изоҳланади. Қўлёзмада саҳифаларнинг четидаги матн сиёхи бўялиб кетганлиги учун ундаги байтларни тўлиқ ўқишининг имкони бўлмади: *Гариби мусамми солим* вазни учун келтирилган байтнинг (садр ва ибтидосиз) тахминий матни:

... қилмадур, /ўзунгуз бирор / вафо қилингиз,  
... кўнгул игна, / э(й) санам, они/ шифо билингиз.

(Мутафоилун) мафоилатун мутафоилун мафоилатун<sup>295</sup>.

**23. Мунтахаб** (ар. “танланган”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Таркиби хумосий (фоилун) ва субоъий (мафъувлоту) ҳарфли руқнлардан танлаб олинганлиги туфайли шундай аталган. **Мунтахаб** баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилун* (– V –), *мафъувлоту* ( – – – V ), *фоилун* (– V –), *мафъувлоту* ( – – – V ) бўлиб, “Фунун ул-балоға”да асосан мусамман руқни баҳр сифатида изоҳланади. Асар қўлёзмасининг ушбу баҳр тавсифи келтирилган саҳифаси ҳам қаттиқ уринганлиги ва матндаги сўзларни ўқиш имконияти чекланганлиги боис мазкур баҳр изоҳида ҳам шу маълумотлар билан чекланамиз.

**24. Муқтазаб** (ар. “қирқиб олинган”) – туркий шеъриятда қўлланилмаган аruz баҳрларидан бири. Асосан араб адабиётида, қисман форс-тожик шеъриятида истифода этилган. *Мунсарих* баҳридан ажратиб олинганлиги учун шундай аталган<sup>296</sup>. *Муқтазаб* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг асосини *мафъувлоту* ( – – – V ) ҳамда *мустафъилун* ( – – V –) аслий руқнларининг кетма-кет такрорланиши ташкил этади. Унинг солим руқнлари бир мисрада *мафъувлоту* ( – – – V ), *мустафъилун* ( – – V –), *мафъувлоту* ( – – – V ), *мустафъилун* ( – – V –)дан иборат. Туркий арузшуносликда *Муқтазаб* ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Алишер Навоий шеъриятида ушбу баҳр қўлланилмаган.

<sup>295</sup> Шайх Аҳмад Тарозий. Кўрсатилган манба. – С. 135 а.

<sup>296</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 37. (форс тилида).

“Мезон ул-авзон”да *Муқтазабнинг* иккита мусамман ва тўртта мураббაъ рукили (жами 6 та) вазнлари келтирилган. Бобур ўз рисоласида ушбу баҳрга мансуб 24 та вазни келтириб, улардан 16 таси мусамман, 5 таси мусаддас ва 3 таси мураббаъ рукили эканлигини таъкидлайди<sup>297</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида *Муқтазаб* баҳрининг жами 6 вазни келтирилган бўлиб, шулардан 2 таси мусамман, 4 таси мураббаъ вазнлардир. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнин *Муқтазаб* баҳри аслида арабларда мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари икки марта *мафъулоту мустафъилун* мустафъилундан иборат бўлишини, форсий шеъриятда эса мусамман шаклида қўлланилишини айтиш билан чекланади, унда баҳрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 2 вазни келтирилган, уларнинг ҳар иккиси мусамман рукилидир. *Муқтазаб* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

	Ри сола номи	Б ахр- нинг келти- рилиш ўрни	Б ахр mansub doira	М усам- м ан вазнлар	М усад-дас вазнлар	М ураб- баъ вазнлар	Мут атав-вал вазнлар	Ж ами
.	“ Фунун ул- балоға”	2 4	—	—	—	—	—	
.	“ Мезон ул-авзон”	6	М ужтамиа ,Мухтали фа	2	—	4	—	6
.	“А рузи Сайфий”	6	М ушта б иха	2	—	—	—	2
.	“Р исолаи аруз”	6	М ухталиф а	2	—	4	—	6
.	“А руз	5	М ушта	1 6	5	3	—	2 4

<sup>297</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58.

	рисоласи ”		б иха, Мушта б ихай солим					
.	“Б адойиъ ус- санойиъ”	—	—	—	—	—	—	

**25. Музҳар** (“зоҳир бўлган”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аруз назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилотун* (– V – –), *мафъувлоту* (– – – V), *фоилотун* (– V – –), *мафъувлоту* (– – – V) бўлиб, муаллиф уни мусамман руқнли баҳрлар қаторида санаб ўтади. “Фунун ул-балоға”да *Музҳарнинг* уч вазни келтирилган. *Музҳари мусаммани мавқуфи маҳбун* (фоилотун, фоилот, фоилотун, фаувлот) вазнига мисол:

Эй санам, дун / ёда ҳеч / сентегин йўқ / жафокор,  
Истасанг ҳам / топилмас / ментегин бир / вафодор.

*Фоилотун*    *фоилот*    *фоилотун*    *фаувлот*  
– V – –       – V ~       – V – –       V – ~

**26. Музмар** (“яширилган”, “беркитилган”) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аруз назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Ундаги ватади мафрук сабаби хаиф ва ватади мажмуъ орасида яширингани шундай аталишига асос бўлган дейиш мумкин. *Музмар* махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мафъувлоту* (– – – V), *фоилотун* (– V – –), *мафъувлоту* (– – – V), *фоилотун* (– V – –) бўлиб, *Музҳарнинг* акси бўлганлиги учун мазкур баҳрни *мақлуби музҳар* дейиш мумкин. Шайх Аҳмад Тарозий уни мусамман руқнли баҳрлар қаторида санаб ўтади. “Фунун ул-балоға”да музҳарнинг бир нечта солим ва музоҳаф вазнлари келтирилган. *Музмари мусаммани солим* вазнига мисол:

Эй дилдор, / йўқ сенингтек / бир айёр / моҳи пайкар,  
 Шаккар лаб, та/ ни суман ю / зи гулнор / холи анбар.  
*Мафъулоту / фоилотун / мафъулоту/ фоилотун*  
 – – – V – V – – – – – V – – – V – –

**27. Мунсарих** (ар. “осон ва равон қилингган”, “эркин”) – туркий ва форсий шеъриятда кенг қўлланилган аruz баҳрларидан бири. Ушбу баҳр вазнлари шўх ва ёқимли оҳангга эга бўлиб, руқнлари таркибида *сабаб* (–)лар *ватадлардан* илгари келганлиги учун шундай аталган. Шунингдек, бундай номланиш сўнгти руқнларда (*аруз ва зарб*)да эркинлик борлигидан келиб чиқкан деган қарашлар ҳам бор<sup>298</sup>. *Мунсарих* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мустафъилун* (– – V –), *мафъулоту* (– – – V ), *мустафъилун* (– – V –), *мафъулоту* (– – – V ) бўлиб, чўзиқ ҳижолар нисбатининг қисқа ҳижолардан уч баравар кўплиги вазннинг оғир чиқишига олиб келади, шу сабабли туркий шеъриятда *Мунсариҳнинг* асосан шўх ва енгил оҳангга эга бўлган тармоқ руқнли вазнларидан фойдаланилган. Кўпроқ мусамман ва мусаддас, баъзан *мураббаъ* руқнли вазнларни ўз ичига олади. Туркий арузшуносликда *Мунсарих* ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Муаллиф ушбу баҳрни мусамман руқнли баҳрлар қаторида санаб ўтади. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да *Мунсариҳнинг* саккизта мусамман руқнли вазнларини, иккита мусаддас ва иккита *мураббаъ* руқнли (жами 12 та) вазнларини санаб ўтади. Шунингдек, “Доираи мужтамиа”га изоҳ беришда унинг таркибига *Мунсариҳнинг* мусаддас шаклини киритиб, *Мунсариҳи мусаддаси* солим вазнини ҳам келтириб ўтади.

Бобур ўз рисоласида *Мунсарих* баҳрига мансуб 33 та вазнни келтириб, улардан 19 таси мусамман, 11 таси мусаддас, 3 таси *мураббаъ* ва 2 та мутатаввал руқнли эканлигини таъкидлайди. Ушбу вазнлардан 20 таси

---

<sup>298</sup> Сайфий. Юқоридаги манба. – С. 32. (форс тилида).

мустаъмал, 13 таси мухтараъ вазнлардир<sup>299</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолай аруз” асарида *Мунсариҳ* баҳрининг жами 11 вазни келтирилган бўлиб, шулардан 7 таси мусамман, 2 таси мусаддас ва 2 таси мураббаъ вазнлардир. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнин *Мунсариҳ* баҳри аслида арабларда мусаддас шаклда эканлигини, жузвлари икки марта мустафъилун мафъулоту мустафъилундан иборат бўлишини, форсий шеъриятда эса мусамман шаклида қўлланилишини айтиш билан чекланади, унда баҳрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрининг 6 вазни келтирилган, уларнинг 4 таси мусамман, 2 таси мусаддас рукили вазнлардир. *Мунсариҳ* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

	Ри сола номи	Б аҳр- нинг келти- рилиш ўрни	Б аҳр мансуб доира	М усам- м ан вазнлар	М усад-дас вазнлар	М ураб- баъ вазнлар	Мут атав-вал вазнлар	Ж ами
.	“ Фунун ул- балоға”	7	2	—	—	—	—	
.	“ Мезон ул-авzon”	4	М ухталиф а, Мужтам ия	8	2	2	—	1 2
.	“А рузи Сайфий”	4	М уштабих а	4	2	—	—	6
.	“Р исолай аруз”	4	М ухталиф а	7	2	2	—	1 1
.	“А руз рисоласи ”	3	М уштабих а, Муштаб ихаи солим	9	1 1	1 3	2 3	3

<sup>299</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 86.

.	“Б адойиъ ус- санойиъ”	-	-	-	-	-	-	
---	---------------------------------	---	---	---	---	---	---	--

**28.** **Мундараж** – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аруз назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мағъулоту* (— — — V), *мустағъилун* (— — V —), *мағъулоту* (— — V), *мустағъилун* (— V —) бўлиб, таркибан *Мунсариҳнинг* акси бўлганлиги учун мазкур баҳрни *мақдуби мунсариҳ* дейиш мумкин. Муаллиф уни мусамман руқнли баҳрлар қаторида санаб ўтади.

**29.** **Сариъ** (ар. “широб билан юрувчи”, “тез”) – туркий ва форсий шеъриятда кенг қўлланилган аруз баҳрларидан бири. Руқнлар таркибида *сабаблар* нисбатининг *ватаддан* кўплиги шеър вазнининг тез ва шитоб билан ўқилишига олиб келганлиги учун шундай аталган<sup>300</sup>. *Сариъ* баҳри махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мустағъилун* (— — V —), *мустағъилун* (— — V —), *мағъувлоту* (— — — V) бўлиб, шеъриятда *Сариънинг* факат *мусаддас* руқнли вазнларидан фойдаланилган. Шайх Аҳмад Тарозий ҳам уни мусадас руқнли баҳрлар қаторига киритиб, маснавий достонларга хослигини айтади ва Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор”, Ҳожу Ҳимматийнинг “Равзат ул-анвор”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулшан ул-асрор” достонлари ушбу вазнда ёзилганлигини таъкидлайди<sup>301</sup>. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да рисоланинг баҳрлар қисмида ушбу баҳрнинг бешта вазнини, “Доираи мұжтамиа”ни изоҳлаш қисмида бир вазнини (жами 6 вазн) келтириб ўтади. Бобур ўз рисоласида *Сариъ* баҳрига мансуб 17 та вазнни келтириб, улардан 15 таси мусаддас ва 2 таси мураббаъ руқнли эканлигини таъкидлайди<sup>302</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида *Сариъ*

<sup>300</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Х.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 39-40. (форс тилида).

<sup>301</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойодод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиян кутубхонасида сакланувчи Elliott №-127 рақамли қўлёзма). – С. 137 а.

<sup>302</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58.

баҳрининг жами 6 вазни келтирилган бўлиб, уларнинг барчаси мусаддас руқнилидир<sup>303</sup>. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнини *Cariъ* баҳри мусаддас шаклда бўлишини, жузвлари икки қатла *мустафъилун мустафъилун мафъулотудан* иборат эканлигини айтиш билан чекланади, унда баҳрдан ҳосил бўладиган вазнлар келтирилмаган. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 2 вазни келтирилган. *Cariъ* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

	Ри сола номи	Б аҳр- нинг келти- рилиш ўрни	Б аҳр мансуб доира	М усам- м ан вазнлар	М усад-дас вазнлар	М ураб- баъ вазнлар	Мут атав-вал вазнлар	Ж ами
.	“ Фунун ул- балоға”	29						-
.	“ Мезон ул-авзон”	8	М ужта мия		6			6
.	“А рузи Сайфий”	8	М ушта биха		2			2
.	“Р исолаи аруз”	8	М унта з иа		6			6
.	“А руз рисоласи ”	17	М унта з иа, Мушта б ихаи солим	5	1	2		1 7
.	“Б адойиъ ус- санойиъ”							

<sup>303</sup> Абдурахмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарх ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 63-65.

**30.** **Бадиъ** (ар.) – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аруз назариясига олиб кирилган баҳр номи. Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мағъувлоту* (— — — V), *мустафъилун* (— V — —) *мағъувлоту* (— — V) бўлиб, муаллиф уни мусаддас руқнили баҳрлар қаторида санаб ўтади. Бадиъ таркибан *Саріъ* баҳрининг акси бўлганлиги учун уни *мақлуби Саріъ* деб ҳам аташ мумкин.

**31.** **Қариб** (ар. “яқин”) – фақат форсий шеъриятда қўлланилган аруз баҳрларидан бирининг номи. Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшуноси Юсуф Арузий Нишопурӣ томонидан каشف қилинган. Руқнларининг таркиби жиҳатидан *Музориъ* ва *Ҳазаж* баҳрларига яқин бўлганлиги учун шундай аталган<sup>304</sup>. Қариб баҳри махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *мағоийлун* (V — — —), *мағоийлун* (V — — —), *фоилотун* (—V — —) бўлиб, шеъриятда Қарибнинг фақат мусаддас руқнили вазнларидан фойдаланилган. Туркий арузшуносликда Қариб баҳри ҳақидаги дастлабки маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Муаллиф ушбу баҳрни мусаддас руқнили баҳрлар қаторида санаб ўтади. Туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ижодида қўлланилмаган. “Мезон ул-авзон”да рисоланинг баҳрлар қисмида Қарибнинг уч вазни, “Доираи мужтамиа”нинг изоҳланиш қисмида эса яна бир вазни (жами 4 вазн) келтириб ўтилган. Бобур рисоласида Қариб баҳрига мансуб 14 та вазнни келтирилиб, улардан 11 таси мусаддас ва 3 таси мураббаба руқнилидир<sup>305</sup>. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида қариб баҳрининг уч вазни келтирилган, уларнинг барчаси мусаддас руқнилидир<sup>306</sup>. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнний ушбу баҳрни Шамс Қайс Розий “Ал-

<sup>304</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 41. (форс тилида).

<sup>305</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58.

<sup>306</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 63-65.

мўъжам”да келтирган доиралари таркибига кирувчи баҳр сифатида изоҳлаб, унинг жузвлари икки қатла *мафоийлун мафоийлун фоилотундан* иборат эканлигини айтади. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг 2 вазни келтирилган. *Қариб* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қуидаги жадвалда кўриш мумкин:

	<b>Ри сола номи</b>	<b>Б ахр- нинг келти- рилиш ўрни</b>	<b>Б ахр мансуб доира</b>	<b>М усам- м ан вазнлар</b>	<b>М усад-дас вазнлар</b>	<b>М ураб- баъ вазнлар</b>	<b>Мут атав-вал вазнлар</b>	<b>Ж ами</b>
.	“ Фунун ул- балоға”	31						-
.	“ Мезон ул-авзон”	0	1 ујта миа, Мунта зия		4			4
.	“А рузи Сайфий”	0	1 —		2			2
.	“Р исолаи аруз”	0	1 унта з иа		3			
.	“А руз рисоласи ”	9	1 унта з иа, Мушта б ихаи солим		1 1	3		1 4
.	“Б адойиъ ус- санойиъ”	—						

**32. Салиб – Шайх Аҳмад Тарозий томонидан туркий аruz назариясига олиб кирилган баҳр номи.** Бизгача етиб келган араб ва форс-тожик арузшунослигига доир манбаларда учрамайди. Махсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари *фоилотун* (*– V – –*), *мафоийлун* (*V – – –*), *мафоийлун*

(V – – –) бўлиб, “Фунун ул-балоға”даги сўнгги баҳр ҳисобланади. Муаллиф уни мусаддас руқнили баҳрлар қаторида санаб ўтади. Рисолада *Салиб* баҳрининг солим вазнлари билан бир қаторда музоҳаф вазнларига ҳам тўхталиб ўтилган. Улардан бири *Салиби мусаддаси мақбузи аҳазз* бўлиб, муаллиф унинг *Хафиғ* баҳридан ҳам хосил бўлишини таъкидлайди. Ушбу вазнни мисоли билан бирга келтирамиз:

Лабларингдин / хижил эрур / шаккар...<sup>307</sup>

*Фоилотун мафоилун фаълун*

– V – – V – – –

Дарҳақиқат, келтирилган вазн *Хафиғ* баҳрининг *Хафиғи мусаддаси маҳбуни мақтуъ* вазни билан таркибан бир хилдир.

**33. Жадид** (ар. “яқин”) – фақат форсий шеъриятда қўлланилган аruz баҳрларидан бирининг номи. Аруз илмининг ихтирочиси Халил ибн Аҳмаддан сўнг форс-тожик арузшуноси Бузургмеҳр Қойиний томонидан кашф қилинган. Руқнларининг бир-бирига нисбати жиҳатидан янгича таркибга эга бўлганлиги учун шундай аталган<sup>308</sup>. Манбаларда “Ғариб”, “Нодир” ва “Ажиб” деган номлар билан ҳам келтирилади<sup>309</sup>. *Жадид* баҳри маҳсус аслий руқнга эга эмас. Унинг солим руқнлари фоилотун (–V – –), фоилотун (–V – –), мустафъилун (– –V –) бўлиб, шеъриятда жадиднинг асосан мусаддас, баъзан мураббаъ руқнили вазнларидан фойдаланилган. “Фунун ул-балоға”да ушбу баҳр келтирилмаган<sup>310</sup>. Туркий шеъриятда, хусусан Алишер Навоий ижодида қўлланилмаган. “Мезон ул-авзон”да рисоланинг баҳрлар қисмида *Жадиднинг* бир вазни, “Доираи мужтамиа”нинг изоҳланиш қисмида эса яна бир вазни (жами 2 вазн) келтириб ўтилган. Бобур рисоласида *Жадид* баҳрига мансуб 11 та вазн келтирилиб, улардан 8 таси мусаддас ва 3 таси мураббаъ руқнилидир<sup>311</sup>.

<sup>307</sup> Кўлёзмадаги матн шикастланганлиги туфайли иккинчи мисрани ўқишининг имкони бўлмади.

<sup>308</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 40. (форс тилида).

<sup>309</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 65; Атоуллоҳ Ҳусайнний. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1981. – Б. 33.

<sup>310</sup> Шайх Аҳмад Тарозий “Жадид” истилоҳи остида келтирган баҳр арузшунослиқда “Амиқ” номи билан машҳур бўлиб, таркиб жиҳатидан биз таҳлил қилаётган баҳрдан фарқланади (*Амиқ* баҳрига қаранг).

<sup>311</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи”. – Т.: Фан, 1981. – Б. 58.

Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” асарида жадид баҳрининг фақат бир вазни таҳлил қилингандан<sup>312</sup>. Мазкур баҳр вазнларини келтириш жиҳатдан ҳам Жомий рисоласида Навоий рисоласига яқинлик бор. Атоуллоҳ Ҳусайнин ушбу баҳрни Шамс Қайс Розий “Ал-мўъжам”да келтирган доиралари таркибиға киравчи баҳр сифатида изоҳлаб, унинг жузвлари икки қатла *фоилотун* *моустафъилундан* иборат эканлигини айтади. “Арузи Сайфий”да эса ушбу баҳрнинг фақат бир вазни келтирилган. *Жадид* баҳрининг рисолалардаги ўрни ва вазнлар миқдорини қўйидаги жадвалда қўриш мумкин:

	<b>Ри сола номи</b>	<b>Б ахр- нинг келти- рилиш ўрни</b>	<b>Баҳр мансуб доира</b>	<b>М усам- ан вазнлар</b>	<b>М усад-дас вазнлар</b>	<b>М ураб- баъ вазнлар</b>	<b>М ута- таввал вазн- лар</b>	<b>Ж ами</b>
.	“ Фунун ул- балоға”	—						-
.	“ Мезон ул-авzon”	9	Мужт амиа, Мунт азия		2			2
.	“А рузи Сайфий”	9	—		1			1
.	“Р исолаи аруз”	9	Мунт азия		1			1
.	“А руз рисоласи ”	8 1	Мунт а зия, Мушта бихаи солим		8	3		1
.	“Б адойиъ ус- санойиъ”	—	—					

<sup>312</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарх ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 63-65.

Шу тариқа темурийлар даври рисолаларида таҳлилга тортилган баҳрлар миқдори 41 та эканлиги маълум бўлди. Булардан 21 таси Бобурнинг “Аруз рисоласи”да батафсил изоҳланган бўлса, қолган йигирма баҳр тавсифи фақат “Фунун ул-балоға”да келтирилган. Биз ўз манбаларимиз доирасида темурийлар давригача яратилган бошқа араб ва форсий манбаларда ҳам ушбу йигирма баҳр ҳақида маълумот топа олмадик. Бу фикр ҳозирча мазкур баҳрларнинг Шайх Аҳмад Тарозий томонидан кашф қилинганлиги ёки туркий арузшуносликка киритилганлиги билан боғлиқ фаразни илгари суришимизга асос бўлади.

Биз тадқиқотимизнинг аввалги бобида Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарида ҳам 40 та баҳр келтирилганлиги ҳақида ва улардан аксариятини муаллиф мустаҳдас (янги) деб атаганлиги ҳақида маълумот берган эдик. Бу икки рисоладаги ноанъанавий баҳрлар ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлиши учун уларни қиёслаш асосида кўрсатамиз:

<b>№</b>	<b>Баҳр номи</b>	<b>«Ал- мўъжам»</b>	<b>«Фунун ул- балоға»</b>
----------	------------------	-------------------------	-------------------------------

#### *Мусамман руқнили баҳрлар*

1.	Тавил	+	+
2.	Мадид	+	+
3.	Басит	+	+
4.	Вофир	+	+
5.	Комил	+	+
6.	Хазадж	+	+
7.	Раджаз	+	+
8.	Рамал	+	+
9.	Сарій	+	+
10.	Мунсарих	+	+
11.	Хафиф	+	+
12.	Музориъ	+	+
13.	Муқтазаб	+	+
14.	Мұжтасс	+	+
15.	Мутақориб	+	+
16.	Сақил	-	+
17.	Мутадорик	-	+
18.	Жазил	-	+
19.	Фарид	-	+
20.	Мазид	-	+
21.	Мутарокиб	-	+
22.	Мутадовил	-	+

23.	Муталойим	—	+
24.	Мутанофир	—	+
25.	Жадид	—	+
26.	Мұхит	—	+
27.	Мушокил	—	+
28.	Саҳиҳ	—	+
29.	Сарих	—	+
30.	Ажиб	—	+
31.	Ғаріб	—	+
32.	Мунтахаб	—	+
33.	Мұктазаб	—	+
34.	Музҳор	—	+
35.	Музмар	—	+
36.	Мундараж	—	+

*Мусаддас руқиғи баҳрлар*

37.	Сариъ	—	+
38.	Бадиъ	—	+
39.	Кариб	—	+
40.	Салиб	—	+
41.	Сарим	+	—
42.	Кабир	+	—
43.	Бадил	+	—
44.	Калиб	+	—
45.	Хамид	+	—
46.	Сагир	+	—
47.	Асамм	+	—
48.	Салим	+	—
49.	Хамим	+	—
50.	Котеъ	+	—
51.	Муштарак	+	—
52.	Муаммам	+	—
53.	Мусаттар	+	—
54.	Муайян	+	—
55.	Боис	+	—
56.	Маснуъ	+	—
57.	Мустаъмал	+	—
58.	Ахрас	+	—
59.	Мубҳам	+	—
60.	Мұхмал	+	—
61.	Маъкус	+	—

Агар диққат қаратылса, жалвалдаги 20 баҳр ҳар иккала рисола учун умумий бўлиб, қолган баҳрлар бир рисолада мавжуд бўлса, иккинчисида учрамайди.

Ушбу давр рисолаларида арузнинг назарий асослари баён қилиб берилиши билан бирга мазкур илмда санъат даражасига кўтарилиган истилоҳлар ҳақида ҳам сўз боради. Шундай истилоҳлардан бири *муталаввун* ҳодисаси бўлиб, у ҳақда Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ” ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Рисолай аруз” асарларида маълумотлар келтирилган. “Муталаввун” (*талаvvun*, зулбухур) арабча сўз бўлиб, “ранг-баранг”, “турланувчи” маъноларини ифодалайди. Истилоҳ сифатида эса шеърни бир неча вазнда ўқиш санъати назарда тутилади. Бунга байт таркибидаги унлиларни чўзиб ёки қисқа талаффуз этиш, ҳижоларни ажратиб ёки қўшиб ўқиш орқали эришилади. “Муталаввин борасидаги илк маълумотлар Ватвот рисоласида келтирилади. Араб, форс ва туркий аruz ва илми бадиъга бағищланган бошқа рисолаларда, хусусан Родуёний, Қайс Розий, Ваҳид Табризий рисолаларида муталаввин санъатига изоҳ берилмаган”<sup>313</sup>.

Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойик ус-сехр фи дақоиқ уш-шеър” асарида маълумот берилишича, Аҳмад Маншурий Самарқандийнинг “Канз ул-гаройиб” (“Ажойиботлар хазинаси”) асаридаги ҳар бир байтни 3 вазнда ўқиш мумкин бўлган<sup>314</sup>. Шунингдек, форс-тожик классиклари Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Сайидо Насафий, Абдураҳмон Жомийларнинг баъзи газаллари икки баҳр доирасида ёзилган<sup>315</sup>.

Темурийлар даври арузшунослигида муталаввун санъати ҳақида илк маълумот берувчи асар “Фунун ул-балоға” бўлиб, муаллиф бу санъатга рисоланинг илми бадиъ билан боғлиқ қисмида тўхталиб ўтади. Унда айтилишича, “бу анингтек бўлурким, шеъре айтурларким, икки вазн бирла ўқуса бўлур”. Муаллиф ушбу санъат далили учун

*Юзунгни кўрголи ҳаргиз кўнгулда қолмади ҳасрат*

---

<sup>313</sup> Тўйчиева Г. Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол.фан.бўйича фан доктори (Dsc) дисс. автор. – Т., 2018. – Б. 197.

<sup>314</sup> Қаранг: Рашидаддини Ватвот. Ҳадоиқ ус-сехр фи дақоиқ аш-шеър. – Душанбе: Ирфон, 1987. – С. 105.

<sup>315</sup> Қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 285-286.

*Сүзүнгни эшголи бори танимда қолмади меҳнат,*  
байтини келтириб, уни *Ҳазажи мусаммани солим ва Мужтасси мусаммани махбун* вазнларига солиб ўқиш мумкинлигини айтади<sup>316</sup>.

Ушбу санъат ҳақидаги нисбатан тўлиқроқ маълумот Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ” асарида келтирилади. Рисолада мазкур санъат *талаавун* деб номланиб, унинг зулбаҳрайн (байтни 2 хил баҳрда ўқиш) ва зулбухур (байтни бир неча баҳрлар доирасида ўқиш) каби турлари келтирилади. Хусусан, олим зулбухур ҳақида маълумот бериб,

*Рух-и ту лола-ий аҳмар, ҳат-и ту сунбули райҳон,*

*Тан-и ту ғайрат-и гулҳо, қад-и ту равнақ-и бўстон*

байтини келтиради ва уни уч баҳр доирасига солиш учун уч хил тарзда ўқиш зарурлигини таъкидлайди: “Агар бу байтни ғоятта енгил ўқисалар, рамал-и махбун-и мусаббағ баҳридин икки қатла фаъилотун фаъилотун фаъилотун фаъилийён вазнида бўлур. Агар ғоятта оғир ўқисалар, ҳазаж-и мусаббағ баҳридин икки қатла мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун вазни бўлур. Агар ўртача, на ғоятта енгилу ва на ғоятта оғир ўқисалар, мужтасс-и махбун-и мусаббағ баҳридин икки қатла мафоъийлун фаъилотун мафоъийлун мафоъийлун фаъилийён вазнида бўлур”<sup>317</sup>.

Ушбу парчада ғоятда енгил ўқиш дейилганда биринчи руқнни икки қисқа ҳижо билан бошлаш (қисқа ҳижо ургусиз ўқилади), ғоятда оғир ўқиш дейилганда, фақат биринчи ҳижо қисқа, қолганлари чўзиқ ҳамда ўртача ўқиш дейилганда биринчи ва учинчи руқннинг иккинчи ҳижоини, иккинчи ва тўртинчи руқннинг тўртинчи ҳижоини ургули ўқиш назарда тутилган. Айнан шу тарзда ўқилсагина, уч хил баҳр ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Баъзан муталаввун санъати лафзий санъат билан уйғунлик касб этиши мумкин. Бу ҳақда Атоуллоҳ Ҳусайнининг рисоласида шундай фикрлар

<sup>316</sup> Шайх Ахмад ибн Худойодод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Eliott №-127 рақамли қўлёзма). – С. 58 б.

<sup>317</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 87.

келтирилади: “Қасида-йи маснұ”ғи зулбұхур муталаввиннинг мисоли **мувассал би-л-харфайн**<sup>318</sup> ҳам бўлмиш қуидаги байттур:

Лаб-и ту жой-и луълув, хатт-и ту марказ-и лола,  
Шаб-и ту ҳомил-и кавқаб, маҳ-и ту бо хат-и ҳола<sup>319</sup>.

(Таржимаси: Лабинг гавхар (тиш) турадиган жой, хатинг лола маркази, Тунинг (сочинг) юлдузли (исирғали) ойинг (юзинг) теграсида хатдан ҳола (ой атрофида пайдо бўладиган нур ҳалқаси) бор)”<sup>320</sup>.

Муталаввун ҳодисаси эпик поэзия учун ҳам хос бўлиб, У. Тоировнинг маълумот беришича, Котибий Туршизийнинг “Мажмаъ ул-баҳрайн” ва Амъақ Бухорийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонларини бошдан охирига қадар икки баҳрда: *Рамали мусаддаси маҳзуф* ва *Сариъи мусаддаси матвийи макиуф* вазнларида ўқиш мумкин бўлган, ҳатто мазкур достонларнинг баъзи байтлари 3-4 вазнга ҳам солиб ўқилган.

Бобур ҳам “Рисолай аruz” асарида муталаввун санъати ҳақида гапириб, ўзининг

*Қошига боргали күнгүл ўзига келмади нетай,*  
*Юзини кўргали кўзум кўзига илмади ул ой*

байтини келтиради ва ушбу байтни аruz тизимидағи барча баҳрларга мослаб ўқиш мумкинлигини айтади<sup>321</sup>.

Муталаввун санъатини бир вазннинг иккинчи варианти сифатида тушунмаслик керак, чунки бунда бир баҳр таркибидаги солим руқнили вазннинг иккинчи бир баҳр таркибидаги зиҳофга учраган вазн билан таркибан мос бўлиб қолиши тушунилади ва бу ҳолатда ритмик оҳанг ўзгармайди (биз

---

<sup>318</sup> Мувассал би-л-харфайн (икки ҳарфга уланган) ёзув санъати бўлиб, бунда бошдан оёқ икки ҳарфигина бир-бирига қўшиб ёзиладиган сўзлар танланган бўлади.

<sup>319</sup> Ушбу байт *Рамали мусаммани маҳбун* (афойили ва тақтизи: *фаилотун фаилотун фаилотун*, *VV-- / VV-- / VV--*), *Ҳазажи мусаммани солим* (афойили ва тақтизи: *мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун*, *V--- / V--- / V--- / V---*), *Мужтасси мусаммани маҳбун* (афойили ва тақтизи: *мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун*, *V--V- / VV-- / V--V- / VV--*) вазнларига мослаб ўқилиши мумкин.

<sup>320</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнний. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 323.

<sup>321</sup> Бобурнинг ушбу байти Тарозий келтирған байтга мазмун ва шакл жиҳатидан жуда яқин, бу ҳолат Бобурнинг “Фунун ул-балоға” билан таниш бўлганлигига доир фаразни кучайтиради.

бу ҳақда юқорида ҳам фикр билдириб ўтдик<sup>322</sup>), муталаввун эса бир байтни ёки шеърни бир неча оҳангларда ўқиш санъатидир.

Юқорида келтирилган фикрлар муталаввун санъатининг урғу билан алоқадор ҳодиса эканлигини қўрсатади. Агар бу ҳодисасининг аruz илми билан боғликлиги назарда тутилса, аruz тизимининг ҳам урғу асосидаги таълимот эканлиги ойдинлашади. Чунки муталаввун асосида яратилган байт таркибидаги ҳижолар урғу асосида ўқилсагина, бир неча вазн ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади. Шу ўринда арузий матнда етакчи бўлган руқн (просодик) урғусини сўз (лексик) урғусидан фарқлаш зарурлигини таъкидламоқчимиз. Маълумки, гап қурилишида ҳар бир мустақил сўз урғу олади ва бу *лексик ургу* деб юритилади. Арузий матнда эса мисра бирлиги сифатида сўз эмас, руқн қабул қилинганлиги учун унда сўз урғуси ўз хукмронлигини йўқотиб, руқн урғуси етакчи ўринга чиқади, сўз урғуси матндан ташқаридағина етакчилик қиласи. Шунга кўра, байтда нечта руқн бўлса, шунча урғу бўлади. Аруздаги урғу фақат чўзиқ ҳижо билан боғлиқ ва қисқа ҳижо ҳеч қачон урғу олмайди. Араб арузи бўйича тадқиқотлар олиб борган олим Э.Талабовнинг ишларида муталаввун ҳодисасига тўхаталиб ўтилмаган бўлса-да, аruz тизимида урғунинг ўрни билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган<sup>323</sup>. Олимнинг фикрича, арузий матнда урғу ритмни яратишда муҳим аҳамият касб этади. “Арабий арузда бўғинларнинг миқдор муносабатлари билан бирга, ургуларнинг, яна ҳам тўғрироғи, ургули бўғинларнинг симметрияси мавжуд ва у ритм яратишда белгиловчидир”<sup>324</sup>. Айнан шу хulosани аруздан фойдаланувчи бошқа халқлар, хусусан форс-тожик ва туркий адабиёт вакиллари шеърияти ҳақида ҳам билдириш мумкин.

“Арузий матнда сўз урғуси (лексик ургу) билан ритм урғуси (просодик ургу) мутобиқ эмас – уларда ўзаро мослик йўқ. Ахёнда учраб турадиган

<sup>322</sup> Қаранг: *Асб, Измор зихофлари; Муталойим баҳри*.

<sup>323</sup> Талабов Э. Араб арузи. – Тошкент: ТошДУ, 1977; Талабов Э. Араб шеъриятида аruz тизими: Филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2004.

<sup>324</sup> Талабов Э. Араб шеъриятида аruz тизими: Филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 25.

мутобиқлик соф тасодифдир. Байт таркибидаги сўз рукилар тасарруфида ўз шакл ва урғу мустақиллигини батамом йўқотади, у мисрадаги қолип ва унинг просодик урғуси маромига бўйсундирилади – маҳв этилади”<sup>325</sup>.

Бобур рисоласида келтирилган, муталаввун санъати асосида ёзилган байтни таҳлил қиласиз. Ушбу байтни *Ражаз бахрининг Ражази мусамми матвийи маҳбун* вазнига мослаб ўқисак, урғу қуидаги ҳижоларга тушади:

Қошига бор | гали кўнгул | ўзига кел | мади нетай  
Юзини кўр | гали кўзум | кўзига ил | мади ул ой  
Мўфтаилун мафоилун мўфтаилун мафоилун

Энди яна шу байтни *Ҳазаж бахрининг Ҳазажи мусамми солим* вазнига мослаб ўқиб кўрамиз:

Қошига бор | гали кўнгўл | ўзига кёл | мади нетай  
Юзини кўр | гали кўзўм | кўзига ёл | мади ул ой  
Мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн

Юқоридагилардан кўриняптики, бир байт турли баҳрлар доирасида ўқиб кўрилганда, урғунинг ўрни ўзгаряпти. “Баҳр тизимида бирор ўринда ҳижоларнинг янги муносабати юзага келса, у урғуга ҳам таъсир ўтказиши мумкин: урғу кўчади, ритм ўзгаради. Ва аксинча, урғу кўчирилса, ҳижоларда янгича муносабат пайдо бўлади... янги тармоқ, янги баҳр яратилади”<sup>326</sup>.

И.В.Стеблева “Қутадғу билиг” вазни ва Ўрхун–Энасой ёдгорликларида мисралар ўлчовини солиштириш жараёнида Юсуф Хос Ҳожиб достонидаги шеърий ўлчов – *Мутақориб* баҳрида урғулар қуидаги ўринларда келишини таъкидлайди:

*V – –’ / V – –’ / V – –’ / V – –’*<sup>327</sup>

Маълумки, “Қутадғу билиг” достонида қўлланилган *Мутақориб* баҳри асли форс-тожик адабиёти, аникроғи Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достонидан олинган эди. “Шоҳнома” достони мавзусига кўра жангнома достон

<sup>325</sup> Қаранг: Талабов Э. Кўрсатилган асар. – Б. 27.

<sup>326</sup> Қаранг: Талабов Э. Кўрсатилган асар. – Б. 27.

<sup>327</sup> Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в тюркоязычную поэзию / Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. – М. : Наука, 1964. – С. 301.

хисобланиб, унда жанглар тасвири салмоқли ўринни эгаллайди. Достон учун танланган шеърий ўлчов мазкур мавзуга ҳар томонлама мос бўлиб, рукиларнинг 3 ҳижодан таркиб топиши, бандларнинг эпик поэзиядаги бошқа шеърий ўлчовлардан фарқли ўлароқ мусаддас эмас, балки мусамман рукилардан иборатлилиги ва юқорида келтирилганидек, энг кўп рукин урғусига эгалилик (бир байтда 8 та) ритмнинг шиддатли оҳанг касб этишига олиб келади, бу ҳолат эса мутақорибнинг жангнома ва қаҳрамонлик йўналишидаги достонлар вазнига айланишига сабаб бўлди. “Аруз “жангнома”ларга маҳсус ишланған тайёр вазн “мутақориби мусаммани мақсур” вазнидир. Форс адабиётида Рудаки(й)”да бошланиб, Унсури(й), Фирдавси(й), Низоми(й) каби бир кўб шоирлар жангномаларни шу вазнда ёздилар. Бизнинг адабиётда ҳам, масалан Навоийнинг “Искандарнома”сида бу вазн уруш майдонлариға муносиб бир оҳанг берадир”<sup>328</sup>.

Алишер Навоий “Садди Искандарий”сидан олинган бир байтни рукин урғуси асосида кўриб чиқсан:

Бу янг—лиғ | си—паҳ бўр| ла—ҳо—қо | ни Чйн  
Фаувлұн      фаувлұн      фаувлұн      фаал  
Си—паҳ йүқ | ки о—иу́ | би рү—ий | за—мýн  
Фаувлұн      фаувлұн      фаувлұн      фаал

Ушбу байтда рукин урғусини олган ҳижолар орасида ўзаро мутаносиблик мавжуд. Ургулар миқдорининг тенглиги ва муайян тартибга эга бўлиши ўзига хос ритмнинг вужудга келишини таъминлаяптики, бу ритм жангномалар табиатини очишга хизмат қиласи.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, аруз тизими урғу билан боғлиқ шеърий ўлчов бўлиб, унда сўз урғуси эмас, рукин урғуси етакчилик қиласи ва бундай урғу ритм яратишга хизмат қилганлиги учун уни ритмик (просодик) урғу деб аташ мумкин. Мумтоз арузшуносликда гарчи урғу алоҳида ҳодиса сифатида таъкидланмаган бўлса ҳам, муталаввун ҳодисасининг арузга доир

<sup>328</sup> Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. Ж.2. Муҳаммад Солих. Нашрга тайёрловчи ва изохлар муаллифи Х.Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2000.. – Б. 80-81.

манбаларда қайд этилиши ритмик урғунинг арузшунослик тарихида муайян ўринга эга эканлигини ва мумтоз арузшуносларимизнинг арузни урғу билан боғлиқ ҳолда талқин қилганликларини кўрсатади. Буларнинг барчаси аруз тизимиning квантитатив ҳодиса бўлиш билан бирга квалитативлик хусусиятларга ҳам эга эканлигини кўрсатади.

### **Учинчи боб бўйича хulosалар**

Биз темурийлар даврида яратилган арузга доир рисолаларда баҳрлар масаласини қиёсий жиҳатдан ўрганиш асносида қуидаги хulosаларга келдик:

1. Халил ибн Аҳмад яратган аруз тизимида 15 та баҳр (*Тавил, Мадид, Басит, Вофир, Комил, Ҳазаж, Ражаз, Рамал, Сариъ, Мунсариҳ, Музориъ, Ҳафиф, Муқтазаб, Мужтасс ва Мутақориб*) мавжуд эди, кейинчалик унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий ушбу баҳрлар қаторига яна бир баҳр (*Мутадорик*)ни қўшиб, араб баҳрлари сонини 16 тага етказди. Бу кўрсаткич араб тилида ундан кейин яратилган манбалар: Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос”, Абу Зикриё Ҳатиб Табризийнинг “Ал-кафи фил аруз вал қавофий”, Абу Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг “Арузи Андалусий” ва бошқа асарларда айнан тақрорланди.

2. Форсигўй арузшунослар Халил ибн Аҳмад таълимотини мукаммалаштириб, баҳрлар сонини кўпайтирдилар. Баҳром Сарахсий, Бузургмехр Қосимиylар арузнинг янги баҳрларини кашф этдилар. Бизгача етиб келган арузга доир илк форсий асар “Ал-мўъжам”да мавжуд 16 та баҳрга яна учта баҳр (*Fariб, Қариб, Мушокил*) қўшилиб, 19 та баҳр таҳлилга тортилгани ҳолда, рисолада арузшунослар кашф қилган 21 мустаҳдас (янги) баҳрлар хақида ҳам айтиб ўтилади.

3. Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида 18 баҳр келтирилган бўлиб, унда аввалги рисолада тилга олинмаган *Мақлуби тавил* баҳрининг берилиши ҳамда *Мушокил* ва *Fariб* баҳрларининг тушиб қолдирилиши муаллифнинг ушбу масалага ўз салафидан айри муносабатда бўлғанлигини кўрсатади.

4. Темурийлар даври арузшунослигига баҳрлар миқдорини келтиришда ҳар хилликлар бор. Шайх Аҳмад Тарозий ўз рисоласида баҳрлар сонини 40 та деб кўрсатса, Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайнний, Алишер Навоий ва Сайфий Бухорийлар уларнинг миқдорини умумий маънода 19 та деб белгилайдилар. Улар орасида Абдураҳмон Жомий масалага бир оз ўзгачароқ ёндашиб, “Рисолаи аruz”да 14 баҳрни мисоллар билан изоҳлади, араб арузига хос бўлган *Тавил*, *Комил*, *Басит*, *Мадид*, *Вофир* баҳрларига кенг тўхталиб ўтирмайди. Бобурнинг “Аruz рисоласи”да эса ушбу баҳрларга қўшимча равишда яна икки баҳр (*Ariz* ва *Amiq*) тадқиқ қилинган. Ушбу рисолалардан факат “Арузи Сайфий”да баҳрларнинг луғавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтиладики, бу бевосита рисоланинг қўлланма характеристига эга эканлиги билан боғлик.

5. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида номи келтирилган 40 та баҳрдан 20 таси арузшуносликка доир бошқа форсий ва арабий манбаларда учрамайди. Бу ҳолат ушбу баҳрларнинг мумтоз арузшунослик учун ҳам янги эканлигини ва уларнинг аксариятини муаллифнинг ўзи кашф этганлигини кўрсатади.

6. Шайх Аҳмад Тарозий баҳрларни икки катта гурух: муттафиқ ул-аркон ҳамда муҳталиф ул-арконга ажратища ватандошимиз Махмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос” асаридаги таснифга суюнади. Бу тасниф кейинчалик Бобур рисоласида ҳам истифода этилган.

7. “Фунун ул-балоға”да муҳталиф ул-арконга кирувчи баҳрни ҳосил қилишда жуфтлаштириш (ухти) тамойилига амал қилиш лозимлиги таъкидланади, унга кўра янги баҳр ҳосил қилинганда ушбу баҳр рукнлари ўзидан аввалги баҳр рукнларининг аксини такрорлаши лозим, агар бу шарт адo этилмаса, у баҳр сифатида тан олинмайди. Бу тамойил темурийлар давридаги бошқа рисолаларда кузатилмайди.

8. Арузшунослик тарихида *мағъувлоту* аслий рукни баҳр ясамайди деган қатъий қараш мавжуд эди. Шайх Аҳмад Тарозий ушбу аслий рукндан

*Сақил* баҳри ҳосил бўлишини асослаб, ўз рисоласида ушбу баҳрнинг икки вазнини келтирди ва *Сақил* баҳрини аruz назариясига олиб кирди.

9. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида 19 баҳр, 160 та вазн келтирилган. Навоий ўз рисоласида таянч манба сифатида Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асаридан фойдалангани учун арузшуносликда мавжуд анъанавий 19 баҳргагина тўхталиб ўтади.

10. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аruz рисоласи”да анъанавий 19 баҳрга қўшимча тарзда яна икки баҳр (*Ariz* ва *Aмиқ*), жами 21 баҳр келтирилган. Шунга биноан унинг асарида 9 доира, 537 вазн таҳлил қилинган.

11. Шайх Аҳмад Тарозий асарида келтирилган *Жавил* баҳри Заҳириддин Муҳаммад Бобур келтирган *Ariz* баҳри билан, *Жадид* баҳри *Aмиқ* баҳри билан таркибан бир хил бўлиб, улар манбаларда турли номлар билан аталган.

12. Аruz тизими урғу билан боғлиқ шеърий ўлчов бўлиб, унда сўз урғуси эмас, балки руқн урғуси етакчилик қиласида ва бундай урғу ритм яратишга хизмат қилганлиги учун ритмик урғу деб аталади. Мумтоз арузшуносликда гарчи урғу алоҳида ҳодиса сифатида таъкидланмаган бўлса ҳам, муталаввун ҳодисасининг темурийлар давридаги рисолаларда қайд этилиши ритмик урғунинг арузшунослик тарихида муайян ўринга эга эканлигини ва мумтоз арузшуносларимизнинг арузни урғу билан боғлиқ ҳолда талқин қилганликларини кўрсатади.

Умуман олганда, ижодкорларнинг аruz илмига доир рисолаларини баҳрлар ва вазнлар мисолида қиёсий ўрганиш натижалари туркий арузшунослик темурийлар даврида ўзининг тадрижий такомилига етганлигини кўрсатади.

## IV боб. АРУЗ ДОИРАЛАРИГА ОИД ҚАРАШЛАР ВА РУБОЙ ВАЗНЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

### 4.1. Арузшунослик тарихида доира талқини: муштарак ва фарқли жиҳатлар

Халил ибн Аҳмад кашф қилган аruz илмини ўрганиш билан боғлиқ босқичлардан яна бири доиралар ҳақидаги таълимотдир. *Aruz доиралари* бу руқнлар, улардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар сонининг тенглигига кўра ўзаро яқин бўлган баҳрларнинг гуруҳлаштирилган айланаси бўлиб, “араб филологиясининг отаси” баҳрларнинг ўзлаштирилишини осонлаштириш мақсадида ушбу доираларни кашф қилган. Бунда бир-бирига яқин бўлган баҳрлар бир мисра шеър мисолида бир доира ичида келтирилади. Ҳар қайси доира қанча баҳрни ўз ичига олса, шунча бўлакка бўлинади ва уларда шу баҳрларнинг руқнлари ҳам келтириб ўтилади. Доира атрофида берилган мисра биринчи сўздан бошлаб ўқилса, бир баҳр; иккинчи сўздан бошлаб ўқилса, иккинчи баҳр, учинчи сўздан бошлаб ўқилса, учинчи баҳр ва шу тарзда нечта баҳр жамланган бўлса, барчаси келиб чиқади. Доиралардан мақсад баҳрлар орасидаги фарқ ва умумийликни очиш ҳамда шу билан бирга уларни ўзлаштириш ва шеър вазнларини аниқлашни осонлаштиришdir.

Юқорида таъкидланганидек, доиралар бир-бирига яқин баҳрлардан тузилиши зарур. Шу маънода форсий ва туркий арузда кенг қўлланилган Ҳазажс, Ражаз ва Рамал баҳрларини бир доирага киритиш мумкин. Чунки улар таркибан (мумтоз арузшуносликка кўра, ватад ва сабабларнинг тенглиги бўйича; замонавий арузшуносликка кўра, ҳижолар миқдори ва сифатининг ўхшашлигига кўра) бир хил асосга эгадирлар. Масалан, Навоий келтирган


*Кўнгул қон бил висолингда, ғами ҳижрон хаёлидин*  
мисрасини айнан шу тартибда ўқисак, *мафоийлун мафоийлун мафоийлун*  
*мафоийлун* руқнларидан ташкил топувчи Ҳазажс баҳри, агар

*Қон бил висолингда, ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул*

тарзида ўқилса, мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун рукиларидан ҳосил бўлувчи *Ражаз* баҳри ҳамда

*Бил, висолингда гами ҳижрон хаёлидин кўнгул қон*

тарзида ўқилса, фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун рукилари такроридан ясалувчи *Рамал* баҳри ҳосил бўлади. Буни доира шаклида қуидаги айланада кўриш мумкин<sup>329</sup>:



Манбаларда Халил ибн Аҳмад бешта доира кашф этганлиги ҳақида маълумот берилади<sup>330</sup>. Таъкидланганидек, унинг арузга бағишиланган асари бизгача етиб келмаганлиги учун биз бу доиралар билан унинг издошлари асарлари орқали танишамиз. Халил доиралари ҳақида Маҳмуд

<sup>329</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авzon. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 540.

<sup>330</sup> Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 16; Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва хозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.37. Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳо чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 39.

Замахшарийнинг “Ал-қистос” ҳамда Хатиб Табризийнинг “Ал-кафий фил аруз фил-қавоғий” (“Аруз ва қофиялардан кифоя этувчи”) асарларида маълумот келтирилади<sup>331</sup>. Ушбу доираларнинг биринчиси “Доираи мухталифа” (*турли хил, ихтилоғли*) деб номланиб, *Тавил*, *Мадид* ва *Басит* баҳрларини ўз ичига олади. Мазкур доиранинг бу тарзда номланишига сабаб ушбу баҳрлар турли, яъни таркибан икки хил аслий руқн (хумосий – беш ҳарфли ва субоъий – етти ҳарфли)лардан таркиб топади. Хусусан, *Тавил* фаувлун (*V – –*) ва мафоийлун (*V – – –*), *Мадид* фоилотун (*– V – –*) ва фоилун (*– V –*), *Басит* мустафъилун (*– – V –*) ва фоилун (*– V –*) руқнларининг ўзаро алмашиниб такрорланишига асосланади.

Шамс Қайс Розий “Ал-мўъжам”да араб арузига хос баҳрлардан тузилган ушбу доирани келтирмайди. Насириддин Тусий рисоласида ушбу доирага *Тавил*, *Мадид* ва *Басит* баҳрларига қўшима тарзда яна икки баҳр: *Мақлуби тавил* (*Ариз*) ҳамда *Мақлуби мадид* (*Амиқ*) баҳрлари ҳам киритилган (15-иловага қаранг)<sup>332</sup>. Бунда *Тавил* баҳрига мансуб мисра қуидагича бошланади:

Ба ман бар / гузар, эй мах, / ба ман дар / нигар гаҳ-гаҳ.

*Фаувлун мафоийлун фаувлун мафоийлун*  
*V – – / V – – – / V – – / V – – –*

Агар доира таркибидан *Мадид* баҳрини ажратиб олмоқчи бўлсақ, қуидагича мисра ҳосил бўлади:

Баргузар, эй / мах, ба ман / дарнигар гаҳ / гаҳ ба ман.

*Фоилотун фоилун фоилотун фоилун*  
*– V – – / – V – / – V – – / – V – /*

*Ариз* баҳри:

Гузар, эй / мах, ба ман дар / нигар гаҳ-/ гаҳ ба ман бар.

*Мафоийлун фаувлун мафоийлун фаувлун*

<sup>331</sup> Махмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустаким фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 52; Абу Закарийя (ал-Хатиб) ат-Тибризи. Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-қавағи ( Перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролова) / Классический арабский стих. История и теория аруды. –М.: Наука, 1991. – С. 245-343.

<sup>332</sup> Насируддини Тўсий. Месъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳо чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 31.

$V - - - / V - - / V - - - / V - -$

### **Басит баҳри:**

Эй маҳ, ба ман дарнигар, гаҳ-гаҳ ба ман баргузар.

*Мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун*

$- - V - / - V - / - - V - / - V -$

### **Амиқ баҳри:**

Маҳ, ба ман дарнигар гаҳ-гаҳ ба ман баргузар эй.

*Фоилун фоилотун фоилун фоилотун*

$- V - / - V - - / - V - / - V - -$

Демак, кўринадики, Насируддин Тусий рисоласидаги “Доираи мухталифа” араб салафидан фарқли равишда учта баҳр эмас, беш баҳрдан иборат экан.

Халил ибн Аҳмад келтирган иккинчи доира “Доираи мұхталифа” деб аталиб, *Воғир* ва *Комил* баҳрларини ўз ичига олади. Бу икки баҳр рукнлари: мафоилатун ( $V - VV -$ ) ва мутафоилун ( $VV - V -$ ) бир-бири билан яқин, яъни хижолар сони ва сифатига кўра тенг бўлгани учун доира шундай ном билан аталган. Шамс Қайс Розий бу баҳрлар ҳам асосан араб арузига хос бўлганлиги учун ушбу доирани келтирмайди. Насириддин Тусий рисоласида ушбу доирага *Воғир* ва *Комил* баҳрларига қўшимча тарзда *фоилотака* ( $-V - VV$ ) рукнидан ҳосил бўлувчи янги баҳр (номи келтирилмаган) ҳам киритилган (15-иловага қаранг)<sup>333</sup>.

### **Воғир баҳри:**

Бигў, дили ман / кучо талабам /зи баҳри Худо.

Мафоилатун мафоилатун мафоилатун

$V - VV - \quad V - VV - \quad V - VV -$

### **Комил баҳри:**

Дили ман кучо / талабам зи баҳ / ри Худо, бигў.

Мутафоилун мутафоилун мутафоилун

<sup>333</sup> Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С.32.

VV–V–

VV–V–

VV–V–

### Янги баҳр:

Ман құчо тала /бам зи баҳри Ху / до бигү, дили.

Фоилотака    фоилотака    фоилотака

–V– VV      –V– VV      –V– VV

Халил ибн Аҳмад таълимотига мансуб учинчи доира “Доираи мужталиба” (жалб этувчи, ўзига тортувчи) деб аталиб, Ҳазаж, Рамал ва Ражаз баҳрларидан тузилган. Бу доирани “мужталиба” деб аташларига сабаб, ундаги руқнларни “Доираи мухталифа”дан тортиб олғанлар, яъни мафойилун (V – – –) Тавил баҳридан, мустафъилун (–V –) Басит баҳридан ва фоилотун (–V – –) Мадид баҳридан ажратиб олинган. Бундан ташқари, ушбу доирадаги баҳрларнинг кўп навъларга эга эканлиги ҳам шундай номланишга сабаб бўлган деб кўрсатилади<sup>334</sup>. Араб арузида ушбу доира мусаддас руқнларни ўз ичига олган, ажам шоирлари эса уни мусамман руқнили қилганлар. Шамс Қайс Розий рисоласида ушбу баҳрлардан тузилган доира “Доираи мұъталифа” номи билан келтирилган (14-иловага қаранг). Бунда Розий Ҳазаж, Рамал ва Ражаз баҳрларига хос аслий руқнлар таркибан бир хил (икки сабаби хафиф, бир ватади мажмұъ) эканлигидан келиб чиқиб, доирани шундай номлаган. Умуман олганда, форсий арузшунослиқда доира номларини ўзгартириш тамойили Шамс Қайс Розийдан бошланади. Розий доирасида келтирилган мисра

Дило бас чан / д аз ин савдо/ и он дилдо / р парвардан

V – – – / V – – – / V – – – / V – – –

тарзида ўқилса, Ҳазаж баҳри; агар

Бас чанд аз ин / савдои он / дилдор пар / вардан дило

– – V – / – – V – / – – V – / – – V – /

тарзида ўқилса, Ражаз баҳри ва агар

Чанд аз ин сав / дои он дил/ дор парвар/ дан дило бас

– V – – / – V – – / – V – – / – V – – /

<sup>334</sup> Тоиров У. Фарҳанги истилохоти арўзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С.336.

тарзида ўқилса, *Рамал* баҳри ҳосил бўлади.

Насириддин Тусий рисоласида эса ушбу доира аслиятдаги каби “Доираи мужталиба” номи билан келтирилган. Тусий мазкур доиранинг рукнлари субоъий (етти ҳарфли) эканлигини таъкидлайди ҳамда доира ичидаги мисра арабларда мусаддас (уч рукили), форсийларда мусамман (тўрт рукили) эканлигини айтади<sup>335</sup>. Лекин Тусийнинг ўзи мисол тариқасида келтирган мисра мусаддас рукили бўлиб, бунда Тусий ўзи таъкидлаганидек, Халил ибн Аҳмад доирасидаги таркибни сақлашга интилган қўринади. Ҳазажс баҳри изоҳи учун келтирилган мисрани кўриб чиқсан:

Маро дил бе / дилороме / наёромад.

*Мафоийлун мафоийлун мафоийлун*

*V – – – V – – – / V – – –*

Шу мисра *Ражаз* баҳрига мосланганда қуидаги қўриниш олади:

Дил бе дило / роме наё / ромад маро.

*Мустафъилун мустафъилун мустафъилун*

*– – V – / – – V – / – – V – /*

*Рамал* баҳрини ҳосил қилувчи мисра:

*Бе дилоро / ме наёро / мад маро дил.*

*Фоилотун фоилотун фоилотун*

*– V – – / – V – – / – – V – –*

Халил таълимотидаги навбатдаги доира “Доираи муштабаҳа” (ўхшаш) бўлиб, олти баҳрни ўз ичига олади. Булар: *Сариъ*, *Мунсариҳ*, *Хафиғ*, *Музориъ*, *Муқтазаб*, *Мужтасс* баҳрларидир. Бу доиранинг бундай аталишига сабаб ундаги баҳрларнинг баъзи рукнлари таркибан бир-бирига ўхшаш бўлади. Масалан, *Хафиғ* баҳридаги мустафъилун (– – V –) рукни *Мужтасс* баҳридаги мустафъилун (– – V –) билан бир хилдир, яъни ҳар икки рукин сабаби хафиғ (“мус” – ), яна бир сабаби хафиғ (“таф” – ) ва ватади мажмуъ (“илун” V – ) дан иборат. Шу каби *Музориъ* баҳридаги фоилотун (– V – –) ҳам *Хафиғ* ва

---

<sup>335</sup> Тусий Н. Меъёр ул-ашъор. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С.33.

*Мұжтасс* баҳридаги ушбу руқн билан жузвлар таркиби жиҳатидан бир хил, яъни у ҳам икки сабаби хафиғ (“фо”, “тун” – –) ва бир ватади мажмұғ (“ило” V –)дан иборат<sup>336</sup>.

Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” асарида бундай ном билан доира учрамайди, муаллиф Халил ибн Аҳмад доирасидаги *Мунсариҳ*, *Музориъ*, *Муқтазаб* ва *Мұжтасс* баҳрларини алоҳида доирага киритиб, уни “Доираи мұхталифа” деб атайди. Ундаги руқнлар солим әмас, балки зихоф кирган руқнлардир. Шамс Қайс Розийнинг фикрича, *Сариъ* ва *Хафиғ* баҳрлари мусамман руқнли ҳолатда мустаъмал ва хуш оҳангта әга әмас, шу сабабли уларни мусаддас ҳолатда *Ғаріб*, *Қаріб* ва *Мушокіл* баҳрлари билан бирга бошқа доирага киритиш мақсаддага мувофиқ бўлади<sup>337</sup>. “Ал-мўъжам”да келтирилган ва *Мунсариҳ*, *Музориъ*, *Муқтазаб*, *Мұжтасс* баҳрларидан тузилган ушбу доирани 14-иловада кўриш мумкин. Доирада келтирилган мисра *Мунсариҳ* баҳрини акс эттириши учун уни қўйидагича бошлиш талаб қилинади:

Боз зи ман / дил рабуд / ёр зи ман / рух нуҳуфт.

*Муфтаилун фоилоту муфтаилун фоилоту*

– V V – / – V – V / – V V – / – V – V

*Музориъ* баҳри:

Зи ман дил ра / буд ёр / зи ман рух ну/ хуфт боз

*Мафоийлу фоилоту мафоийлу фоилоту*

V – – V / – V – V / V – – V / – V – V

*Муқтазаб* баҳри:

Дил рабуд / ёр зи ман / рух нуҳуфт боз зи ман.

*Фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун*

– V – V / – V V – / – V – V / – V V –

*Мұжтасс* баҳри:

---

<sup>336</sup> Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 321-322.

<sup>337</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзехот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.78-81.

Рабуд ё / р зи ман рух /нухуфт бо /з зи ман дил.

*Мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун*

*V –V – / V V – – / V –V – / V V – –*

Насириддин Тусий рисоласида эса “Доираи муштабаҳа”га Халил ибн Аҳмад доирасидаги баҳрларга қўшимча равишда яна бир баҳр – *Қариб* баҳри ҳам киритилган (15-иловага қаранг).

Халил ибн Аҳмад арузидағи сўнгги (бешинчи) доира “Доираи мунфарида” (якка, ёлғиз, ягона) деб аталиб, бир баҳрдан, яъни *Мутақориб* баҳридан ташкил топган. Унинг ёлғиз шу баҳрдан иборатлилиги доира номининг шундай аталишига олиб келган. Атоуллоҳ Ҳусайнининг ёзишича, доирада фақат бир баҳр жойлашганлиги учун баъзи олимлар “араб филологиясининг отаси”га *Мутақориб*дан яна бир баҳр чиқаришни таклиф қилганлар: “Халилдин сўруптурларким, нега фаувлуннинг сабабин ватадидин олдин қўйуб, секиз бор фоилунлиғ баҳр чиқармаптурлар? Жавоб бериптурким, чунки ибтидо интиҳодин кучлцграк бўлмоғи керактур. Бу доиранинг рукнлари фақат ватаду сабабдин иборат бўлғани учун ибтидосин заиф қилмоқтин ва мутақориб тартибининг аксинча якка сабабни якка ватад олдиға қўйуб бир баҳр чиқармоқтин тийиниптурлар”<sup>338</sup>. Бу ўринда Халил ибн Аҳмад *Мутақориб* баҳрининг асл рукни фаувлун (*V – –*) бир ватад (“фаув” *V –*) ҳамда бир сабаб (“лун” –)дан иборат эканлигига диққат қаратяпти. Агар ундан фоилун (*– V –*)ни чиқарсалар, бир сабаб (“фо” –) олдинга ўтиб, ватад (“илун” *V –*) орқага ўтиб қолади ва бу “ибтидонинг интиҳодан заиф” бўлишига олиб келади<sup>339</sup>.

Халил ибн Аҳмаддан сўнг унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий ушбу доирага яна бир баҳр, яъни *Мутадорикни* қўшиб, уни “Доираи муттафиқа” (бирлашган, ҳамроҳ бўлган) деб атайди. Муттафиқа деб номланишига сабаб фақат биргина баҳр (*Мутақориб*)дан иборат “Доираи Мунфарида”га яна бир баҳр (*Мутадорик*) қўшилган ва натижада бу икки баҳр

<sup>338</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.27-28.

<sup>339</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний Халилнинг бу жавобига манфий муносабат билдириб, “бу жавоб нуқсондан холий эмастур”, дейди (Қаранг: Атоуллоҳ Ҳусайний. Юқоридаги манба. – Б. 28).

бир-бирига ҳамроҳ сифатида ягона доирага бирлашган. Бу доирадаги мисра мусамман, яъни саккиз руқни вазндан иборат. Шамс Ҷайс Розий рисоласида ҳам, Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”ида ҳам ушбу доира номи ва унинг таркиби худди Ахфаш Балхийники сингари *Мутақориб* ва *Мутадорик* баҳрларидан иборат. Фақат Тусий рисоласида Мутадорик баҳри Ғаріб номи билан келтирилган (15-иловага қаранг).

### *Мутақориб* баҳри:

Маро бе дилором шодй наёяд.

*Фаувлун фоувлун фоувлун фоувлун*

*V – – / V – – / V – – / V – –*

### *Ғаріб* (*Мутадорик*) баҳри:

Бе дилором шодй наёяд маро.

*Фоулун фоулун фоулун фоулун*

*– V – / – V – / – V – / – V –*

Юқоридагилардан маълум бўляптики, Халил ибн Аҳмаддан сўнг у кашф қилган доиралар деярли ўзгаришсиз ҳолатда ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг “Арузи Қустос” ҳамда Абу Закариё ал-Хатиб Табризийнинг “Ал-кафи фи-л аruz вал-қавофий” (“Аруз ва қофия ҳақида кифоя”) асарида келтириб ўтилган бўлса, форсий арузга доир бизгача етиб келган илк асар “Ал-мўъжам”дан бошлаб Халил ибн Аҳмад доираларига нисбатан ижодий муносабат кузатилади. Муаллиф “араб филологиясининг отаси” таълимотидаги дастлабки икки: араб арузига хос бўлган доираларни тарқ этиб, қолган учта доирага ўзгаришлар киритади ва уларнинг номларини ҳам ўзgartиради. “Меъёр ул-ашъор” асарининг муаллифи эса ўзини Халил ибн Аҳмаднинг форсий издоши санаб, у кашф қилган доираларни асосан сақлаб қолади, фақат уларнинг таркибига кейинчалик форсий арузшунослар томонидан кашф қилинган янги баҳрларни ҳам киритади.

## 4.2. Темурийлар даври рисолаларида аruz доиралариға муносабат

Темурийлар даври арузшунослигиде аruz доиралариға муносабатда ҳам ҳар бир муаллифнинг ўзига хос ёндашуви кўзга ташланади. Шайх Аҳмад Тарозий доираларни аruz илми учун аҳамиятсиз деб ҳисоблаб, ўз рисоласида уларни тарк этганлигини айтади: “Мутақаддимлар ўн олти баҳрким, бурун таркиб қилубтурлар, таки сўнгра зиёда қилғай. Баҳрлардин баъзининг аслин ва баъзининг шўъбасин бир доирада қўюбтур. Биз доирани тарк қилдук икки сабабтинким, алардин ҳеч фойда йўқтур. Ва яна улким, бир доирада баъзи асл баҳр рост келур, баъзи шўъбани ҳеч лутфи йўқтур”<sup>340</sup>. Бунда муаллиф доираларда баъзан асл руқнили баҳрлар, баъзан тармоқ руқнили вазнлар акс этишини таъкидлар экан, уларни тавсиф этишга зарурат йўқ деб ҳисоблайди.

Абдураҳмон Жомий доиралар тавсифида улуғ салафи Шамс Қайс Розий йўлидан боради: араб арузи учун хос бўлган доираларни келтириб ўтирмайди: “Ва Ажам шоирлари бу беш баҳрда жонларга ҳаловат бағишловчи шеърлардан кўп айтмаганликлари сабабли улар мансуб бўлган доиралар ва фуруъларга тўхталиб ўтилмади”<sup>341</sup>. Бунда Жомий араб арузида кенг қўлланилган *Тавил, Мадид, Басит, Комил* ва *Воғир* баҳрлари ва улардан тузилган “Доираи мухталифа” ва “Доираи мұтталифа”ни назарда тутяпти. Шу маънода Абдураҳмон Жомий рисоласида келтирилган доиралар орасида ушбу икки доира учрамайди. “Рисолаи аruz”да тўртта доира келтирилган бўлиб, бу ҳақда Жомий шундай ёзади:

“Ажам шеъри учун доира тўртта бўлиб, айтурларким:

*Доираи шеъри Ажам Мұтталифа, Мұхталифа,  
Солиси он Мунтазиа, робеи он Мұттафиқа.*

**(Мазмуни:**

*Ажам шеъри доиралари Мұтталифа, Мұхталифа*


---

<sup>340</sup> Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Eliott №-127 ракамли қўлёзма). – С. 138 б.

<sup>341</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 19.

Учинчиси Мунтазиа, түртчинчиси Муттафиқа) <sup>”<sup>342</sup></sup>.

Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадойиъ ус-санойиъ”да Шамс Қайс Розий келтирган түрт доирани мисоллари билан айнан келтиришдан ташқари, яна алоҳида бешта доирага ҳам тўхталиб ўтади. Улардан биринчиси “Доираи мухталифа” бўлиб, унда Халил ибн Аҳмад доирасига қўшимча тарзда *мақлуби тавил* баҳри ҳам киритилган. Бунда Атоуллоҳ Ҳусайний Насириддин Тусийга кисман эргашганлиги кўринади, яъни аввалги фаслда таҳлил қилинганидек, Тусий ушбу доирага яна иккита баҳр қўшиб, уни беш баҳрдан иборат тарзда тартиб берган эди, Атоуллоҳ Ҳусайний эса унга фақат бир баҳрни қўшимча қиласди, бошқача айтганда, Ҳусайний доираси арабларга хос уч баҳр ва кейинчалик форсий арузшунослар томонидан кашф қилинган бир баҳрдан иборат. Доиранинг сурати қуйидагича:



Унда *Тавил* баҳрининг ибтидоси ушбу мисрада кўринади:

*Turo gar jasafo bexad nabudiy niyu budiy*

*Мадид* баҳри:

<sup>342</sup> Абдураҳмон Жомий. Юқоридаги манба. – Б.23.

*Гар жафо беҳад набудий нику будий туро*

*Басит баҳри:*

*Беҳад набудий нику будий туро гар жафо*

Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарида ҳам бешта доира келтирилган бўлиб, “Доираи мухталифа” рисолада тўртинчи доира бўлиб келади. Унинг таркиби ҳам араб арузига хос бўлган уч баҳр: *Тавил, Мадид ва Баситдан иборат*. Одатда, аruzга доир рисолаларда доиралар таҳлили алоҳида фаслда, баҳрлар тавсифидан олдин берилган. Сайфий эса муайян ўринларда, яъни бир доирага киритилиши мўлжалланган баҳрлар изоҳидан сўнг доиралар таҳлилига мурожаат қиласди. Демак, “Арузи Сайфий”да юқоридаги уч баҳр тавсифидан сўнг уларни умумлаштирадиган “Доираи мухталифа” келади.

Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарида эса 7 та доира келтирилган бўлиб, Навоий араб арузига хос доираларни фасл охирида беради. Шу маънода биз таҳлил қилаётган доира 7-ўринда келиб, “Доираи муштабиҳа” деб аталади. Муаллиф бу доира араб арузида мавжуд бўлиб, форсий арузшуносликда кенг шуҳрат топмаганлигини айтади: “Аммо тавил ва мадид ва басит баҳри араб шуаросининг маҳсусидир, алар арузларида доираға киорубдурлар ва ажам шуароси анга машғул бўлмайдурлар, аларни дағи бир доираға киоркб, бу мухтасарға дохил қилилдиким, ул доирадин орий бўлмағай ва ани “Доираи муштабиҳа” дебдурлар... Доирада келтирилган мисра

*Манго бир нафас сенсиз қарору таҳаммул йўқ*

*тарзида ўқилса, Тавил баҳри;*

*Бир нафас сенсиз қарору таҳаммул йўқ манго*

*тарзида ўқилса, Мадид баҳри ва ниҳоят*


*Сенсиз қарору таҳаммул йўқ манго бир нафас*

*деб ўқилганда, Басит баҳри ҳосил бўлади.*

Бобурнинг “Аруз рисоласи”да 9 та доира келтирилган бўлиб, Бобур уларнинг тартибини беришда баҳрлар таснифини асос қилиб олади. Яъни муттафиқ ул-аркон (бир хил аслий руқнлардан таркиб топган) ва мухталиф ул-

аркон (турли аслий рукилардан ҳосил бўлган) баҳрлар. Тўққиз доирадан бештаси муттафиқ ул-аркон, қолган тўрттаси эса муҳталиф ул-аркон баҳрлардан иборат. Биз таҳлил этаётган доира муҳталиф ул-аркон гурухига мансуб бўлиб, форсий салафлар доиралари сингари “Доираи муҳталифа” деб аталади. Бобур ушбу доирага анъанавий баҳрлардан ташқари, *Ариз* (мақлуби тавил) ва *Амиқ* (мақлуби мадид) баҳрларини ҳам киритади ва шу нуқтаи назардан Насириддин Тусийга издошлик қиласди. Аввалги фаслда Тусийнинг ҳам ушбу доирани беш баҳрдан иборат қилиб тартиб берганини таъкидлаган эдик. “Бу баҳрларнинг асоси беш ҳамда етти ҳарфдан таркиб топган рукилардан иборат бўлиб, улар беш жузвдан, ватади мажмуъ, сабаби хафиғ, яна бир ватади мажмуъ ва яна икки сабаби хафиғдан ташкил топадилар”<sup>343</sup>.

Араб баҳрларидан тузилган иккинчи доира “Доираи муъталифа” бўлиб, *Воғир* ва *Комил* баҳрларини ўз ичига олади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу доира ҳам Жомий рисоласида учрамайди. Атоуллоҳ Ҳусайнинда мазкур доира мусаддас рукили бўлиб, қўйидаги шаклга эга:



<sup>343</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 47.

“Арузи Сайфий”да бу доира рисоланинг сўнгидан ўрин олган бўлиб, анъанавийлик касб этади. Фақат унинг Халил ибн Аҳмад, Насириддин Тусий ва Хусайнин доираларидан фарқи шундаки, ундаги рукилар мусаддас эмас, балки мусамман шаклдадир. Агар *Вофир* ва *Комил* баҳрлари форсий шеъриятда асосан саккиз рукили вазнларни ўз ичига олганлигини ҳисобга олсак, Сайфий ўз рисоласида назариядан кўра кўпроқ шеър амалиётига эътибор қаратганлиги маълум бўлади.

Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида *Вофир* ва *Комил* баҳрларидан тузилган доира “Доираи муҳталита” (омухта, қоришиқ) деб аталган. Баҳрларнинг асл рукилари таркибан бир-бирига яқин ҳижолар (*Комил* – мутафоилун *V V – V* – ва *Вофир* – мафоилатун *V – V V –*)дан иборат бўлганлиги учун шундай аталган. Навоий бу доира учун мисол тариқасида келтирган мисра “*Боқишинг бало, боришинг алам, туришинг жафо, қилишинг ситам*” тарзида ўқилса, мутафоилун мутафоилун мутафоилун рукиларига эга бўлган *Комил* баҳри, “*Бало боришинг, алам турушинг, жафо қилишинг, ситам боқишинг*” шаклида ўқилса, рукилари *мафоилатун мафоилатун мафоилатун мафоилатун* кўринишидаги *Вофир* баҳри келиб чиқади. Агар эътибор қаратилса, Навоийнинг рисоласида ҳам ушбу баҳрлар мусамман рукили вазнлардан таркиб топяпти, чунки *Комил* баҳри туркий шеъриятда мусамман кўринишида бўлиб, Навоийнинг мазкур баҳрда ёзилган ғазали “Хазойин ул-маоний”нинг иккинчи девонидан 339-рақам остида ўрин олган<sup>344</sup>.


Бобур “Аruz рисоласи”да Вофир ва Комил баҳрларидан тузилган доирани анъанага хос “Доираи мұтталифа” деб атайди, унинг доирасида келтирилган мисра мусаддас рукили. Лекин Бобур ушбу баҳрларнинг мусаддас рукиларида шеър битилмаслигини таъкидлаб, форсийлар уни мусамман шаклда қўллашларини айтади: “Бу вазнда баҳре келмайдур дейилиб эрдиким, ажам шуароси бу икки баҳрни такаллуф била мусамманул аркон

---

<sup>344</sup> Алишер Навоий. Мезон уш-шабоб. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.2. – Т.: F.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 344.

қилибтурлар. Бу мисраъким доирада битилиб, ҳар икки баҳр андин ўқулур. Агар биринчи била битган алфозни эътибор қилмасалар, мусаддасул аркон бўлур. Вагар яна мусамманул аркон *Воғир* вазни: Манга санамо жафо қиласен, вафо қилакўр тараҳҳум этиб. *Комил* вазни: Санамо, жафо қиласен, вафо қилакўр, тараҳҳум этиб манга”<sup>345</sup>.

Таъкидланганидек, Халилнинг аруз мактабидаги учинчи доира “Доираи мұжталиба” *Хазаж*, *Ражаз* ва *Рамал* баҳрларидан тузилган эди. Абдураҳмон Жомий рисоласида ушбу доира тартиб бўйича биринчи бўлиб, “Доираи мұжталифа” деб аталади. Жомий доирани бундай номлашда Шамс Қайс Розийга суянган: “Ал-мўъжам”да ҳам форсий шеърият учун мустаъмал баҳрлардан тузилган ушбу доира шу ном билан келтирилади. Доиранинг бундай аталишига сабаб мазкур баҳрларга хос руқнлар сон ва сифат жиҳатдан мос келувчи ҳижолардан таркиб топғанлигидадир. Диққат қаратилса, мумтоз арузшуносликка кўра, ҳар учала баҳрда ватад ва сабабларнинг сони тенг; замонавий арузшуносликка кўра эса ҳар учала баҳрнинг руқнлари мафойилун ( $V---$ ), мустафъилун ( $--V-$ ) ва фоилотун ( $-V--$ ), битта қисқа ва учта чўзиқ хижодан иборат.



<sup>345</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б.26.

Бунда Ҳазаж баҳрини ҳосил қилувчи мисра қуидагича бошланади:

*Рухам тар шуд ба хуни дил зи шавқи лаъли майгунат*


**Ражазнинг ибтидоси:**

*Тар шуд ба хуни дил зи шавқи лаъли майгунат рухам.*

**Рамалнинг ибтидоси:**

*Шуд ба хуни дил зи шавқи лаъли майгунат рухам тар.*

“Бадойиъ ус-санойиъ”да эса мазкур баҳрлардан тузилган доира Ҳалил мактабидаги сингари “Доираи мужталиба” деб аталади. Атоуллоҳ Ҳусайнин ушбу доирани бундай аташларига унинг руқнлари аввалги доира, яъни Доираи Мұтталифадан чиқарылғанлигини сабаб сифатида келтиради: “Бу уч баҳрни бир дойираға қўюптурлар ва ани дойира-йи мужталиба деб атаптурлар, чунки аниң афоъили олдинғи дойира баҳрларининг жузвларидин мужталиб бўлуптур, яъни чиқарилптур. Баъзилар бу дойирани муштабиҳа деб атаптурлар, чунки аниң жузвлари бир-бирига ўхшаштур”<sup>346</sup>. Муаллиф, шунингдек, ушбу доира арабларда мусаддас руқнили вазнлардан иборат бўлишини, ажам шоирлари эса мусамман шаклида тартиб беришларини ҳам таъкидлайди. Ушбу доиранинг сурати қуидагича:



<sup>346</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.25-26.

“Арузи Сайфий”да ҳам ушбу доира “Доираи мужталиба” деб аталиб, доиранинг бу тарзда номланиш сабаблари изоҳланади. Бу изоҳ Атоуллоҳ Ҳусайнин изоҳига асосан мос, фақат Сайфий бу доира ажамларда “Доираи мұталифа” деб аталишини, чунки баҳрларнинг асл руқнлари бир ватад ва икки сабабни ўз ичига олиши нүқтаи назаридан улфат ёки қариндош ҳисобланишларини таъкидлайди<sup>347</sup>. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида ҳам мазкур доира Жомий рисоласи сингари “Доираи мұталифа” деб аталган, Навоий бу доира баҳрларининг асосида араб арузига хос бўлган *Тавил, Мадид ва Басит* баҳрларининг субоий (7 ҳарфли) руқнлари туришини таъкидлайди: “Аммо Ҳажаз ва Ражаз ва Рамал биноси Тавил ва Мадид ва Баситнинг субоиётиғадур. Ҳазажи мусаммани солимда секкиз қатла «мафоъийлун»дур, ва ражаз ажзоси саккиз қатла «мустафъилун»дур ва рамал ажзоси саккиз қатла “фоъилотун”дур. Ва бу баҳрни бир доираға қўюбдурлар ва ул доирани “Мұталифа” дебдурлар...”<sup>348</sup>

Бобурнинг “Аruz рисоласи”да Ҳазаж, Ражаз ва Рамал баҳрларидан тузилган доира Халил мактаби анъанасига хос тарзда “Доираи мужталиба” деб аталган, Бобур ушбу доирада мисол тариқасида келтирган мисра Ҳазаж баҳри учун “Жафо қўп қилма, эй маҳваш, жафо сендиндуур нохуш”, Ражаз баҳри учун “Кўп қилма, эй маҳваш жафо, сендиндуур нохуш жафо”, Рамал баҳри учун “Қилма, эй маҳваш жафо, сендиндуур нохуш жафо (кўп)” тарзида ўқиласди<sup>349</sup>.

Темурийлар даври арузшунослигида Халил ибн Аҳмад мактабидаги олти баҳрдан тузилган “Доираи муштабаҳа” (ўхшаш)га муносабат ҳам ижодий бўлиб, Абдураҳмон Жомий рисоласида бундай номдаги доира учрамайди.

<sup>347</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 9. (форс тилида).

<sup>348</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: F.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 540.

<sup>349</sup> С.Ҳасанов нашрида Ражаз баҳрининг изоҳи тушиб қолган, ушбу баҳр учун келтирилган мисол Ҳазаж баҳрига ўтиб қолган (Қаранг: Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 25).

Юқорида таъкидланганидек, у улуғ салафи Шамс Қайс Розий изидан бориб, “Доираи муштабаҳа” таркибидаги *Мунсариҳ*, *Музориъ*, *Муқтазаб* ва *Мужтасс* баҳрларини алоҳида доирага киритиб, уни “Доираи мухталифа” деб атайди. Ундаги руқнлар солим эмас, балки зиҳоф кирган руқнлардир. Жомийнинг фикрича, “...Мунсариҳ, Музориъ, Муқтазаб, Мужтасс, Сариъ, Жадид, Қариб, Ҳафиғ ва Мушокил баҳрларининг бинолари субоиёт жузвлардан таркиб топган бўлиб, улар турли хил руқнлардан вужудга келган... Ва ушбу тўққиз баҳрнинг солим руқнларидан Ажам шеъриятида матбуъ шеър яратилмаган. Шу сабабли Мунсариҳи матвий ва Музориъи макфуф ва Муқтазаби матвий ва Мужтасси маҳбуннинг мусамман руқнларини бир доирага киритадилар ва *Мухталифа* деб номлайдилар”<sup>350</sup> (16-иловага қаранг).


Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарида ҳам ушбу доира Жомий доираси сингари *Мунсариҳи* матвий, *Музориъи* макфуф, *Муқтазаби* матвий ва *Мужтасси* маҳбун вазнларидан иборат бўлиб, мусамман руқнлардан тузилган. Доирада келтирилган туркий мисрани ҳисобга олмаганда, доира моҳиятан Жомий доирасидан фарқ қилмайди.

Атоуллоҳ Ҳусайнийда ҳам шу номда доира келтирилган бўлиб, бу доира таркибида 7 та баҳр мавжуд. Доирадаги баҳрлар таркиб жиҳатидан “Меъёр ул-ашъор”даги “Доираи муштабаҳа”ни эслатади, унда ҳам *Сариъ*, *Мунсариҳ*, *Ҳафиғ*, *Музориъ*, *Муқтазаб*, *Мужтасс* баҳрларига қўшимча равишда *Қариб* баҳри киритилган: “Баъзи ажам шоирлари бу дойирадин дағи ўзга бир баҳр чиқариптурлар, жузвлари икки қатла мафоъийлун мафоъийлун фоилоту<sup>351</sup> дур, ани қариб деб атаптурлар ва макфуф истеъмол қилурлар. Бу тўртунчи дойирадур ва аниг суврати будур”:

---

<sup>350</sup> Абдурахмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 20-21.

<sup>351</sup> Алибек Рустамов нашрида ушбу руқн номи фоълотун тарзида янглиш берилган (Қаранг: Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 26).



Сайфий Бухорий рисоласида бу доира анъанавий *Сариъ*, *Мунсарих*, *Хафиф*, *Музориъ*, *Муқтазаб* ва *Мужтасс* баҳрларидан таркиб топган ҳолда тартиб берилган ва ушбу доира тавсифида Сайфий салафларидан фарқланмайди.

Бобурнинг “Аruz рисоласи”да “Доираи Муштабаҳа”га тўрт баҳр: *Мунсарих*, *Музориъ*, *Муқтазаб* ва *Мужтасс* доиралари киритилган. Бобурнинг ёзишича, “ажам бу буҳурни солим истеъмол қилмас. Мунсариху муқтазабни матвий, музориъни макфуф, мужтассни маҳбун истеъмол қилурлар. Бу мисраъиким доирада битилиб, бу буҳур андин ўқулғай будур Мунсарих вазни: Ҳусн санга бор зариф, табъ санга бор латиф. Музориъ вазни: санга бор зариф табъ, санга бор латиф ҳусн. Муқтазаб вазни: Бор заиф табъ санга, бор латиф ҳусн санга. Мужтасс вазни: Зариф табъ санга бор, латиф ҳусн санга бор”<sup>352</sup>.

<sup>352</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б.28.

Халил ибн Аҳмад мактабининг сўнгги доироси “Доираи муттафиқа”га муносабатда темурийлар даври арузшунослигида деярли фарқ кўзга ташланмайди. Барча арузшунослар “араб филологиясининг отаси” тартиб берган ва ягона баҳрдан иборат “Доираи мунфарида” кейинчалик унинг издоши Ахфаш томонидан яна бир баҳр (Мутадорик) қўшилиб, “Доираи муттафиқа”га айланганлигини бир овоздан эътироф этадилар ва ўз рисолаларида уни шу ҳолда акс эттирадилар.

Халил ибн Аҳмаддан сўнг арузшунослик тарихи янги доиралар билан бойиди. Шундай доиралардан бири “Доираи мунтазиа” (узиб олинган, ажратиб олинган) деб аталиб, беш баҳр: *Саріъ*, *Жадид*, *Қариб*, *Хафиф* ва *Мушокилни* ўз ичига олади. Бу баҳрлар Халил ибн Аҳмад кашф қилган “Доираи муштабиҳа”дан ажратиб олинганлиги учун шундай аталган. Гап шундаки, “Доираи муштабиҳа”да бу баҳрлар солим шаклда бўлиб, форсий ва туркий шеъриятда солим шаклида қўлланилмаган. Форсий арузшунослар шуни ҳисобга олиб, ушбу баҳрларнинг тармоқ рукиларини бир доирага жамлаб, уларни мусаддас шаклда тасвирлайдилар.

Темурийлар даврида бу доира уч олим: Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг рисолаларида келтирилган. Жомий ва Навоий келтирган “Доираи мунтазиа” таркибан бир хил, келтирилган мисранинг мазмуни ва тилдаги фарқни хисобга олмасак, деярли тафовут сезилмайди.

Навоий келтирган доирани қўриб чиқсан. Бу доира қўйидаги суратга эга:



Агар доирада келтирилган мисрани таҳлил қиласак, оҳанг жиҳатдан мустаъмал вазнларнинг пайдо бўлишига гувоҳ бўламиз. Мисра “Сен бу жафони манго кўп қилма, ёр” тарзида ўқилса, *Сариъи мусаддаси матвий*; “Бу жафони манго кўп қилма, ёр, сен” тарзида ўқилса, *Жадиди мусаддаси маҳбуни мақбуз*; “Жафони манго кўп қилма, ёр, сен бу” тарзида ўқилганда, *Қариби мусаддаси макфуфи матвий*; “Манго кўп қилма, ёр, сен бу жафони” тарзида ўқилса, *Хафиғи мусаддаси маҳбун* ва “Ёр, сен бу жафони манго кўп қилма” тарзида ўқилса, *Мушокили мусаддаси макфуф* вазни вужудга келади.

Бобурнинг “Рисолаи аruz” асарида ушбу доира айнан шу ном билан келтирилган бўлиб, унинг таркибида ҳам бешта баҳр мавжуд. Ушбу баҳрлар ҳам мусаддас шаклда бўлиб, Навоий доираси сингари тармок руқнларни ўз ичига олади. Бобурнинг доирасида “Сен де ҳикоят, санамо, бизга бот” мисраси асос қилиб олинган.

Темурийлар даври арузшунослигига хос еттинчи доира “Доираи мужтамиа” (жамланган) деб аталиб, фақат “Мезон ул-авзон”да келтирилган. Бу доира бевосита Навоийнинг ўзи томонидан тартиб берилган, деб айтиш мумкин. Чунки биз ўз манбаларимиз доирасида бундай ном ва таркибдаги доирани учратмадик, қолаверса, Навоий ҳам мазкур доирани ўзи тартиб берганлигини айтади. Бу доирани тузишда Навоий “Доираи муҳталифа”даги 4 баҳр ва “Доираи мунтазиа”даги 5 баҳр – жами 9 баҳрнинг солим (яъни зихоф кирмаган, ўзгаришга учрамаган) руқнларини жамлаб, уларни бир доирага киритади ва бу доирани “Доираи мужтамиа” деб атайди: “Бу мазкур бўлған тўқкуз асл баҳрнинг солиминики, зихофот духулидин саломат қолмиш бўлғайлар, бир доираи азимада жамъ қилиб, ҳар бирининг ўрнига алоҳида мисол келтурууб, тўқкузтасини яна бир мисраъдин ҳам истихроj қилиб, ул “Доираи мужтамиа” дейилди ва бу доира расми замон зурафосидин баъзининг

хаёлига келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим”<sup>353</sup>. Бобур “Аруз рисоласи”да ушбу доира Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” рисоласида бор эди, лекин Навоий уни ўзига нисбат берган деган мазмундаги маълумотни келтиради<sup>354</sup>. Аслида, Тусий рисоласида ушбу баҳрлардан ҳосил бўлувчи доира келтирилмаган: Тусий ушбу доираларнинг мусаддас шаклидан ҳам бир доира тартиб бериш мумкин дейди, лекин доиранинг ўзини келтирмайди<sup>355</sup>.

Бобурнинг рисоласида бу доира “Доираи муштабиҳаи солим” номи билан келтирилган бўлиб, бунда Бобур Халил ибн Аҳмад қашф қилган “Доираи муштабиҳа” таркибидаги баҳрларни назарда тутиб, доирани шу ном билан атайди. Ушбу доира Навоий қашф қилган “Доираи мужтамиа” билан таркибан бир хилдир. Бобур ушбу доира учун “Кел, кел, йигит, бот бир аёқ сен тут бизга” мисрасини келтиради<sup>356</sup>.

Бу давр арузшунослигига хос навбатдаги доира “Доираи мужталибаи музоҳафа” (зихоф кирган жозибали) деб аталиб, фақат Бобурнинг “Аруз рисоласи”да келтирилган. Ушбу доира “Доираи мужталиба” таркибидаги Ҳазаж, Рамал ва Ражаз баҳрларининг зихоф кирган вазнларини ўз ичига олади. Бунда Ҳазажснинг макфуф, Рамалнинг махбун, Ражазнинг матвий тармоқлари асос қилиб олинади: “Баъзан бу уч баҳрнинг музоҳафиға ҳам бир доира қўюбтурлар, ҳазажи макфуф, ражази матвий, рамали махбун бўлғай. Ҳазаж мафойлу тўрт қатла. Ражаз муфтаъилун тўрт қатла. Рамал фаяилотун тўрт қатла, бу доирани мужталибаи музоҳафа дебтурлар, мисраъиким доирада битилиб, ҳар уч вазн андин, ўқулғай бўлур: Ҳазажи макфуф вазни: мениким кўрадур ёр, мениким сўрадур ёр. Ражази матвий: ким кўрадур ёр мени, ким сўрадур ёр мени. Рамали махбун вазни: кўрадур ёр мениким, сўрадур ёр мениким”<sup>357</sup>.

<sup>353</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: F.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 57.

<sup>354</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Хасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 30.

<sup>355</sup> Бу ҳақда қаранг: Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 35.


<sup>356</sup> Бобур Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Хасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 30.

<sup>357</sup> Бобур. Юкоридаги манба. – Б. 26.

Бундай доира арузшунослик тарихида дастлаб Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида келтирилган эди<sup>358</sup>. А.Хожиахмедовнинг “Ўзбек арузи лугати”да бу доирани Бобур ихтиро этганилиги билан боғлиқ янглиш маълумот берилган<sup>359</sup>.

Темурийлар даврига хос сўнгги – тўққизинчи доира “Доираи мужталибаи муҳтариа” деб аталиб, фақат Бобурнинг“Аruz risolasi”да келтирилган. Бу доира икки вазни: *Ҳазажи мусаммани мақбуз ва Рамали мусаммани макфуфни ўз ичига олади*. Мазкур доира бевосита Бобурнинг ўз ихтироси бўлиб, “Аruz risolasi”да бу ҳақда шундай дейилади: “Ҳазаж мағоъилун тўрт қатла. Рамал фоъилоту тўрт қатла, мисраъиким доирада битилиб, бу икки вазн андин ўқулғай, будур ҳазажи мақбуз вазни: менингча ким қилур вафо, менингча ким чекар жафо. Рамали макфуф вазни: ким қилур вафо менингча, ким чекар жафо менингча. Бу доирани мужталибаи муҳтариа десалар муносабати бор”<sup>360</sup>.

“Рисолаи аruz”да келтирилган ушбу доиранинг сурати қуйидагича:



<sup>358</sup> Насируддини Тўсий. Меъсророф. Ўзбек арузи лугати. – Т.: Шарқ НМК, 1998. – Б. 47.

<sup>359</sup> Насируддини Тўсий. Меъсророф. Ўзбек арузи лугати. – Т.: Шарқ НМК, 1998. – Б. 47.

<sup>360</sup> Бобур Захириддин. Муҳтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 26.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, темурийлар даври арузшунослигига жами 9 та аruz доиралари келтирилган бўлиб, рисолалар муаллифлари томонидан уларга нисбатан ижодий муносабат кузатилади. Агар Шайх Аҳмад Тарозий доираларни аruz илми учун аҳамиятсиз деб ҳисоблаб, ўз рисоласида уларни тарк этган бўлса, Абдураҳмон Жомий доиралар тавсифида улуғ салафи Шамс Қайс Розий йўлидан бориб, араб арузи учун хос бўлган доираларни келтирмайди ва ўз асарида фақат 4 та доиранинг изоҳини беради. Атоуллоҳ Ҳусайниний эса “Бадойиъ ус-санойиъ”да Шамс Қайс Розий келтирган тўрт доирани мисоллари билан айнан келтиришдан ташқари, яна бешта доирага тўхталиб ўтади. Уларнинг таркибига кейинчалик форсий арузшунослар кашф қилган янги баҳрларни ҳам киритиб, улуғ салафи Насириддин Тусийга эргашади. Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асаридан ўрин олган бешта доира замондошларидан фарқли равишда баҳрлар изоҳидан сўнг келтирилади. “Мезон ул-авzon”да 7 та доира келтирилган бўлиб, улардан тўрттаси Навоийгача яратилган форс-тожик рисолалари, жумладан, “Ал-мўъжам” ва ”Рисолаи аruz”да мавжуд эди. Навоий рисоласида келтирилган ва “Доираи мухталифа”даги тўрт баҳр ва “Доираи мунтазиа”даги беш баҳр – жами 9 баҳрдан тузилган “Доираи мужстамиа” бевосита олимнинг ўз ихтиросидир. Бобурнинг “Аруз рисоласи”да эса 9 та доира келтирилган бўлиб, Бобур уларнинг тартибини беришда баҳрлар таснифини асос қилиб олади. Шу маънода “Аруз рисоласи”да келтирилган тўққиз доирадан бештаси муттафиқ ул-аркон, қолган тўрттаси эса мухталиф ул-ажзо баҳрлардир. “Аруз рисоласи”да келтирилган “Доираи Мужсталибаи мухтариъа” Бобурнинг ўзи томонидан кашф этилган доирадир.

#### **4.3. Рисолаларда рубоий вазиларига доир қарашлар муқоясаси**

Маълумки, рубоий мусулмон Шарқи шеъриятида кенг тарқалган шеърий жанрлардан бири бўлиб, арабча “тўртлик” деган маънони билдиради. Адабий истилоҳ сифатида эса тўрт мисрадан иборат, *a-a-a-b-a* ёки *a-a-a-a*

тарзида қофияланиб келувчи ва ўзига хос вазнда ёзиладиган мустақил шеърни англатади. Рубоий жанри даставал форсий шеъриятда вужудга келган бўлиб, унинг генезиси халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Ушбу поэтик шаклдаги шеърлар халқ оғзаки ижодида анча қадимдан яратилиб келингган. Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”да маълумот беришича, рубоийнинг вужудга келиши Абу Абдуллоҳ Рудакий шеърияти билан алоқадор бўлиб, Рудакий ушбу жанрнинг оҳангини халқ оғзаки ижодидан олган. Шамс Қайс Розий ушбу маълумот билан боғлиқ бир ривоятни келтиради:

“Бир куни Рудакий ҳайит байрами муносабати билан Ғазни шаҳрининг гўзал ва оромбахш ҳудудларини сайд қилиб юрган пайтида, йигилиб турган халойикни кўрди. Одамлар бир гуруҳ болаларнинг атрофини ўраб олишган эди. Бу болалар гавзбон (ёнгоқларни махсус чуқурчаларга ташлаш билан боғлиқ болалар ўйини) ўйнаётган эдилар. Ушбу болалар орасида 10-15 ёшли чиройли бир ўсмир ўйиндаги маҳорати ва мавзун қаломи (чиройли сўзлари) билан атрофдагиларни ҳайратга солар эди. Рудакий ҳам унинг бетакрор маҳорати ва фасоҳатга тўла нутқидан ҳайратга тушиб, Куръон сураларини ўқий бошлайди. Шу вақт чуқурчага отилган ёнгоқлардан бири чуқурчадан чиқиб, бир зум ўтмай, ҳайратланарли тарзда яна чуқурчага қайтиб тушади. Бундай ажойиб манзарадан ҳайратланган бола бадиҳагўйлик билан қуйидаги мисрани ўқийди:

*Ғалтон-галтон ҳамеравад то буни кў*

(Таржимаси: Думалаб-думалаб, чуқурчанинг ичига тушади).

Ушбу мисранинг вазни ва ёқимли оҳангига шоирга маъкул тушиб, арез қоидалари орасидан мазкур вазнни излаб топди ва унинг Ҳазаж баҳрига мос тушишини аниқлади<sup>361</sup>.

Дарҳақиқат, ушбу мисранинг тақтиъсини аниқласак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

*Ғалтон-галтон ҳамеравад то буни кў*

---

<sup>361</sup> Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С. 95-96.

— — — / — V — / V — — V / V —

Бу тақтиъ Ҳазажс баҳрининг “мафъувлун фоилун мафойилу фаал” руқнларига мос келади. Шамс Қайс Розийнинг ёзишича, Рудакий ушбу оҳанг асосида бир нечта тўртликлар яратган ва кейинчалик бу тўртликлар *тарона* номини олган<sup>362</sup>. Кейинроқ эса Хурросон имомларидан бири бўлмиш Ҳожа Имом Ҳасан Қаттон ўзининг аruz илмига доир рисоласида рубоий вазнларини икки шажарага: ахраб ва ахрам шажарасига жойлаштирадики<sup>363</sup>, бу вазнлар орасида биз юқорида тилга олган оҳанг вазни ҳам бор эди.

Ҳазажс баҳрининг ахраб шажараси 12 вазнни, ахрам шажараси яна 12 вазнни ўз ичига олади ва ушбу жами 24 вазн рубоий вазнлари ҳисобланади. Рубоийнинг шеърий ўлчови билан боғлиқ муҳим хусусият шундаки, бошқа шеърий жанрлардан фарқли ўлароқ, унинг тўрт мисраси мазкур шажараларга мансуб 4 хил вазнда ёзилиши мумкин.

Ҳазажс баҳридан ҳосил бўлувчи хамда рубоий вазнларини шакллантирувчи руқнлар қўйидагилардир:

№	Руқн номи	Афойили	Тақтиъи	Қайси руқнда келиши
1	Ахраб	Мафъувлу	— — V	1-,2-,3-руқнларда
2	Ахрам	Мафъувлун	— — —	1-,2-,3-руқнларда
3	Солим	Мафойилун	V — — —	2-,3-руқнларда
4	Макфуф	Мафойилу	V — — V	2-,3-руқнларда
5	Мақбуз	Мафоилун	V — V —	2-руқнда
6	Аштар	Фоилун	— V —	2-руқнда
7	Ажабб	Фаал	V —	4-руқнда
8	Аҳтам	Фаувл	V ~	4-руқнда
9	Абтар	Фаъ	—	4-руқнда
10	Азалл	Фоъ	~	4-руқнда


Ушбу руқнларнинг турли хилдаги таркибидан юқорида таъкидлаганимиз 24 та вазн ҳосил қилинади. Бу вазнлар иккита катта гуруҳга

<sup>362</sup> Шамс Қайс Розий. Юқоридаги асар. – Б. 96.

<sup>363</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 43.

ажратилиб, улар арузшуносликка доир рисолаларда дараҳт ва унинг шохлари шаклида ифодаланганлиги учун уларни “шажара” (дараҳт) деб аташ қабул қилинган.

Ахраб шажарасига мансуб вазнларни кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу вазнлардан тўрттасининг иккинчи рукнлари мафоийлун аслий рукнининг мақбуз тармоғи – мафоилунга, тўрттасининг иккинчи рукнлари шу аслий рукнининг макфуф тармоғи – мафоийлуга ва яна тўрттасининг иккинчи рукнлари мафоийлун аслий рукнининг солими – мафоийлунга teng бўлишини кузатиш мумкин бўлади. Иккинчи рукнлари мафоилун ва мафоийлудан таркиб топган вазнлардан тўрттасининг учинчи рукни мафоийлунга, яна тўрттасининг учинчи рукни мафоийлуга tengдир. Ўз навбатида иккинчи рукни мафоийлун бўлган тўрт вазннинг учинчи рукни мафоийлун аслий рукнининг ахрам тармоғи – мафъувлун ёки ахраб тармоғи – мафъувлудан иборат бўлади. Одатда, учинчи рукнлар мафоийлун ё мафъувлун бўлганда, тўртинчи рукнлар мафоийлун аслий рукнининг абтар тармоғи – фаъ ёки азалл тармоғи – фоъга, учинчи рукнлар мафоийлу ё мафъувлу бўлганда, тўртинчи рукнлар мафоийлун аслий рукнининг ажабб тармоғи – фаал ёки аҳтам тармоғи – фаувлга teng бўлади. Ушбу тармоқларни қуйидаги чизмада кўриш мумкин:



Чизмага назар ташланадиган бўлса, даставал ахраб (**мафъувлу**)дан учта шоҳ (мафоилун, мафоийлу ва мафоийлун) “ўсиб” чиқди. Ва ана шу “шоҳ”ларнинг ҳар бири иккита, бу иккиталиклар ҳам яна ўз навбатида иккитадан шоҳчага эга бўлди ва натижада ахраб шажарасидан жами 12 вазн ҳосил бўлди. Агар диққат қаратилса, рубоий вазнлари, аruz тизимидағи бошқа вазнлардан фарқли ўлароқ байт асосида эмас, балки мисра асосида пайдо бўлади ва бир мисра одатда, мураббаъ (тўрт руқн) шаклида келади. Мисрадаги тўртинчи руқн бевосита учинчи руқнга боғлиқ бўлади, яъни учинчи руқннинг охирги ҳижоси чўзиқ бўлса, тўртинчи руқн ҳам чўзиқ ҳижо билан, агар охирги ҳижо қисқа бўлса, сўнгги руқн ҳам қисқа ҳижо билан бошланади.

Ахраб шажарасига мансуб ушбу вазнларнинг афойили ва тақтии қўйидагича:

1. Ҳазажи ахраби мақбузи солими абтар<sup>364</sup>  
*Мафъувлу мафоийлун мафоийлун фаъ*  
 – – V / V – V – / V – – – / –
2. Ҳазажи ахраби мақбузи солими азалл  
*Мафъувлу мафоийлун мафоийлун фоъ*  
 – – V / V – V – / V – – – / ~
3. Ҳазажи ахраби мақбузи макфуфи ажабб  
*Мафъувлу мафоийлун мафоийлун фаал*  
 – – V / V – V – / V – – V / V –
4. Ҳазажи ахраби мақбузи макфуфи аҳтам  
*Мафъувлу мафоийлун мафоийлун фаувл*  
 – – V / V – V – / V – – V / V ~
5. Ҳазажи ахраби макфуфи солими абтар  
*Мафъувлу мафоийлун мафоийлун фаъ*  
 – – V / V – – V / V – – – / –

---

<sup>364</sup> Замонавий арузшуносликда рубоий вазнларини номлашда “мусамман” атамасидан фойдаланиш одат тусига кирган. Лекин рубоий вазнлари бошқа шеърий жанрлардан фарқли ўлароқ байт асосида эмас, мисра асосида белгиланишини, мусамман руқнли дейилгандা, байт таркибидаги саккиз руқн назарда тутилишини хисобга олсак, бу номланишда саҳв борлиги маълум бўлади.

6. Ҳазажи ахраби макфуфи солими азалл  
*Мафъувлу мафоийлу мафоийлун фоъ*  
 – – V / V – – V / V – – / ~
7. Ҳазажи ахраби макфуфи ажабб  
*Мафъувлу мафоийлу мафоийлун фаал*  
 – – V / V – – V / V – – V / V –
8. Ҳазажи ахраби макфуфи аҳтам  
*Мафъувлу мафоийлу мафоийлун фаувл*  
 – – V / V – – V / V – – V / V ~
9. Ҳазажи ахраби солими ахрами абтар  
*Мафъувлу мафоийлун мафъувлун фаъ*  
 – – V / V – – – / – – – / –
10. Ҳазажи ахраби солими ахрами азалл  
*Мафъувлу мафоийлун мафъувлун фоъ*  
 – – V / V – – – / – – – / ~
11. Ҳазажи ахраби солими ахраби ажабб  
*Мафъувлу мафоийлун мафъувлун фаал*  
 – – V / V – – – / – – V / V –
12. Ҳазажи ахраби солими ахраби аҳтам  
*Мафъувлу мафоийлун мафъувлун фаувл*  
 – – V / V – – – / – – V / V –

Проф. А.Ҳожиаҳмедовнинг ёзишича, ушбу вазнлардан дастлабки тўрттаси (мақбуз шаҳобчаси асосидаги вазнлар) шеъриятимизда кенг қўлланилган бўлиб, улардаги қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг жойлашиши туфайли вужудга келадиган ёқимли ва ўйноқи оҳанг ушбу вазнларнинг мустаъмал ва матбуъ бўлишини таъминлаган. Олимнинг таъкидлашича, ўзбек адабиётида (Навоий, Бобур, Мунис, Оғаҳий, Аваз ижодида) яратилган бир вазнли 150 рубоийдан 100 таси ушбу шаҳобча ўлчовларида битилган<sup>365</sup>.

---


<sup>365</sup> Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. – Т.: Шарқ НМК, 1998. – Б. 21.

Энди ахрам шажарасига мансуб вазнларни қўриб чиқсак. Ушбу шажара *мафоийлун* аслий рукнининг ахрам тармоғи бўлмиш мафъувлун рукни билан бошланувчи 12 вазнни ўз ичига олади. Мазкур шажарага мансуб тўрт вазннинг иккинчи рукнлари мафоийлун аслий рукнининг аштар тармоғи – фоилунга, кейинги тўрт вазннинг иккинчи рукнлари мафоийлуннинг ахраб тармоғи – мафъувлуга ва сўнгти тўрттасининг иккинчи рукнлари мафоийлун аслий рукнининг ахрам тармоғи – мафъувлунга тенг бўлади. Ўз навбатида фоилун ва мафъувлу шаҳобчаларининг учинчи рукнлари мафоийлун ёки мафоийлудан иборат бўлиши мумкин. Агар бундай вазнларда, учинчи рукн мафоийлун ёки мафъувлун бўлиб келса, тўртинчи рукн мафоийлун аслий рукнининг абтар тармоғи – фаъ ёки азалл тармоғи – фоъга, агар учинчи рукн мафоийлу ёки мафъувлу бўлиб келса, тўртинчи рукн мафрийлун аслий рукнининг ажабб тармоғи – фаал ёки аҳтам тармоғи – фаувлга тенг бўлади.

Ушбу тармоқларни қўйидаги чизмада қўриш мумкин:

**Фаал**  
V –  
Ажабб

**Фаувл**  
V ~  
Аҳтам



Чизмага назар ташланадиган бўлса, даставвал ахрам (*мафъувлун*)дан учта шох (фоилун, мафъувлу ва мафъувлун) “ўсиб” чиқди. Ва ана шу “шох”ларнинг ҳар бири иккита, бу иккиталиклар ҳам яна ўз навбатида

иккитадан шохчага эга бўлди ва натижада ахрам шажарасидан жами 12 вазн ҳосил бўлди. Эътибор қаратилса, мисрадаги тўртинчи рукннинг бевосита учинчи рукнга боғлиқ эканлигини кўриш мумкин, яъни учинчи рукннинг охирги ҳижоси чўзиқ бўлса, тўртинчи рукн ҳам чўзиқ ҳижо билан, агар охирги ҳижо қисқа бўлса, сўнгти рукн ҳам қисқа ҳижо билан бошланади.

Ахрам шажарасига мансуб ушбу вазнларнинг афойили ва тақтии кўйидагича:

1. Ҳазажи ахрами аштари солими абтар

*Мафъувлун фоилун мафоийлун фаъ*

— — / — V — / V — — / —

2. Ҳазажи ахрами аштари солими азалл

*Мафъувлун фоилун мафоийлун фоъ*

— — / — V — / V — — / ~

3. Ҳазажи ахрами аштари макфуфи ахтам

*Мафъувлун фоилун мафоийлу фаал*

— — / — V — / V — — V / V —

4. Ҳазажи ахрами аштари макфуфи ажабб

*Мафъувлун фоилун мафоийлу фаувл*

— — / — V — / V — — V / V ~

5. Ҳазажи ахрами ахраби солими абтар

*Мафъувлун мафъувлу мафоийлун фаъ*

— — / — — V / V — — / —

6. Ҳазажи ахрами ахраби солими азалл

*Мафъувлун мафъувлу мафоийлун фоъ*

— — / — — V / V — — / ~

7. Ҳазажи ахрами ахраби макфуфи ажабб

*Мафъувлун мафъувлу мафоийлу фаал*

— — / — — V / V — — V / V —

8. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ахтам

*Мафъувлун мафъувлу мафоийлу фаувл*

— — — / — — V / V — — V / V ~

9. Ҳазажи ахрами абтар

*Мафъувлун мафъувлун мафъувлун фаъ*

— — — / — — — / — — — / —

10. Ҳазажи ахрами азалл

*Мафъувлун мафъувлун мафъувлун фоъ*

— — — / — — — / — — — / ~

11. Ҳазажи ахрами ахраби ажабб

*Мафъувлун мафъувлун мафъувлу фаал*

— — — / — — — / — — V/ V —

12. Ҳазажи ахрами ахраби аҳтам


*Мафъувлун мафъувлун мафъувлу фаувл*

— — — / — — — / — — V/ V ~

Ахрам шажараси вазнлари ахраб шажарасидан фарқли ўлароқ, чўзиқ хижолар кўплиги ҳисобига оғир оҳангга эга бўлганлиги учун шеъриятда у қадар кенг қўлланилмаган.

Темурийлар даврида яратилган рисолаларда рубоий вазнларига муносабатда ҳам ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос ёндашувини сезиш қийин эмас. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да рубоий вазнларини шажара тарзида келтиради, лекин ушбу вазнлар билан боғлик мисолларни келтирмайди. Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аruz” асарида рубоий вазнлари Ҳазажс баҳри таркибида келтирилиб, муаллиф рубоийни “дубайтий” ва “тарона” номи билан ҳам аташларини таъкидлайди: “Дубайтий, уни рубоий ва тарона деб ҳам атайдилар, ўлчовини Ҳазажс баҳрининг *ахрам – мафъувлун* ва *ахраб – мафъувлу* вазнларидан чиқармишлар. Бағоят дилкаш вазн ва хуш назм бўлиб, назм устодлари унга муайян андоза (даража) белгиладилар. Рубоий жуда латиф бўлганидан унинг латофати икки байтни тақозо қилди ва у йигирма тўрт навъ бўлиб, икки қисмга мансубдир:

Бири *мафъуслун* рукни билан бошланиб, *ахрам* деб аталади. Иккинчиси эса *ахраб* бўлиб, *мафъуслу* билан бошланади ва ўн икки навъни ўз ичига олади. Ҳар бир қисм вазнларидан уч рубоий ташкил топади<sup>366</sup>. Жомий ахрам шажараси учун ҳам, ахраб шажараси учун ҳам З тадан рубоий келтирган бўлиб, уларнинг ҳар бир мисраси алоҳида вазнга эга. Жомий рубоий вазнларини алоҳида доира суратида келтиради:



Дастлаб ахрам шажараси учун келтирилган рубоийларни тақтийи билан кўриб чиқсан:

Мехоҳам, то резам, эй турфа нигор,

— — / — — / — — / V ~

<sup>366</sup> Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аruz / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Т.: TAMADDUN, 2014. – Б. 37.

*Мафъувлун мафъувлун мафъувлун фавул<sup>367</sup>*

Хар соат дар пои ту жон баҳри нисор.

— — / — — / — V / V ~

*Мафъувлун мафъувлу мафоийлу фавул*

Кай борам бе лаълат аз дида гуҳар,

— — / — — / — — / V —

Ки бошад лаҳзае маро пеши ту бор.

— — / — — / — — / V ~

(Таржимаси:

*Истайман, тўксайдим, эй турфа нигор*

*Хар соат пойингда, бу жон сенга нисор*

*Лаълингсиз дийдамдан ёғилса гуҳар,*

*Бўлсайдим бир лаҳза қошингда, эй ёр.*

## 2

Дар гулшан ашқафшон мегаштам дўш,

— — / — — / — — / ~

*Мафъувлун мафъувлун мафъувлун фоъ.*

Аз гул омад бўйи ту, рафтам аз хуш.

— — / — — / — — / ~

*Мафъувлун мафъувлун мафъувлун фавул<sup>368</sup>*

Чун гуфтам бо гул аз жамолат сухане,

— — / — — / — — / V ~

Мурғон карданд сўи ман як-як гўш.

— — / — — / — — / ~

---

<sup>367</sup> Аслида бу ўринда учинчи руқн *мафъувлун* эмас, балки *мафъувлу* бўлиши керак эди. Шунда вазннинг тўлиқ номи ҳазажи ахрами ахраби аҳтам бўлади.

<sup>368</sup> Аслида бу ўринда иккинчи руқн *мафъувлу*, учинчи руқн *мафоийлун*, тўртинчи руқн *фоъ* бўлиши керак эди. Шунда вазннинг тўлиқ номи ҳазажи ахрами ахраби солими азалл бўлади.

(Таржимаси:

Түн. Гулшан. Йиғлар эрдим қалбим бўши,  
Келгач гулдан хушибўйинг, кетди ҳуши.

Сўз айдим гулга гул жамолингни суйиб,  
Шул он келди қулоқ тутиб барча қуши).

3

Гоҳе дорад зулфат дарҳам моро,  
— — / — — / — — / —  
Мафъувлун мафъувлун мафъувлун фаъ  
Гоҳе баҳиад лаъли ту марҳам моро.  
— — — / — — V / V — — — / —  
Мафъувлун мафъувлун мафоийлун фаъ

Ман доностам чу руст хат гирди рухам,  
— — — / — — V / V — — — / —  
К-охир сўзад рухи ту аз ғам моро.  
— — — / — — V / V — — — / —

(Таржимаси:

Гоҳо зулфинг қилгай ҳолимни лол,  
Гоҳо малҳам баҳи этадир лаълинг ол.  
Билдим лаб узра ул нечук хат ки ниҳон,  
Дардимдан куйгай ки жамолинг алҳол.

Рисолада ахраб шажараси учун қуидаги рубоийлар келтирилган:

1

Чун қадди ту бихромад, эй симандом,  
— — V / V — — — / — — — / ~  
Мафъувлун мафоийлун мафъувлун фоъ  
Сад дилиуда хоки раҳ шавад дар ҳар гом.  
— — V / V — V — / V — — — / ~  
Мафъувлун мафоийлун мафоийлун фоъ

*Аз жаъди ту гар дорад як шамма шамол,*

*— — V / V— — / — V / V ~*

*Аз ошиқи шўрида рабояд ором.*

*— — V / V— — V / V— — / ~*

*(Таржимаси:*

*Қилсанг ки хиром эй ёрим гул андом,*

*Йўл хоки севиб суяр гар қўйсанг гом.*

*Сочингдан агар бир торин тутса шамол,*

*Бечора қулингдан ки йўқолгай ором).*

2

*Бар хоки дарат ҳар дам рух месоям,*

*— — V / V— — / — — / —*

*Мафъувлу мафоийлун мафъувлу фаъ*

*З-он равшаний басар ҳамеафзоям*

*— — V / V— V— / V— — / —*

*Мафъувлу мафоилун мафоийлун фаъ*

*Бошад, ки зи дар дароий аз гавҳари ашк,*

*— — V / V— V— / V— — V / V ~*

*Мафъувлу мафоилун мафоийлу фаявл*

*Меҳнаткадаи хеш ҳамеороям.*

*— — V / V— — V / V— — / —*

*Мафъувлу мафоийлу мафоийлун фаъ.*

*(Таржимаси:*

*Чеҳрамга сурарман хоки даргоҳинг,*

*Равшан бу кўзим юзинг нуридан, шоҳим.*

*Кирсанг дея зора мунтазир бўлди қулинг,*

*Зийнатлади кўзёш дури ла гамгоҳим.*

3

*Бемори туам, жоно, ҳолам бинигар,*

*— — V / V— — / — — V / V—*

*Мафъувлу мафоийлун мафъувлу фаал  
Чун баҳри ту жон дижам, ба хокам бигузар.*

– – V / V – V – / V – – V / V –

*Мафъувлу мафоилун мафоийлу фаал*

*Хоҳй шавӣ огоҳ зи ҳоли дили реиш,*

– – V / – – / V – – V / V –

*Бин, чеҳраи ман гарқа ба хуноби жигар.*

– – V / V – – V / V – – V / V –

(Таржимаси:

*Бемор сенингман, жоно, ҳолима боқ,*

*Сен-чун қиласман бу жон фидо, жонима боқ.*

*Гамгин дили қондан тила оғоҳлик агар,*

*Чеҳрамки жигар қонигадур гарқ, анга боқ).*

Алишер Навоийнинг рубоий вазнларига муносабати Абдураҳмон Жомийникига яқин туроди. Навоий ҳам рубоий вазнларини ҳазаж баҳри таркибида келтириб, шундай ёзади: “Рубоий вазниким, ани “ду байтий” ва “тарона” ҳам дерлар, ҳазаж баҳринииг “ахрам” ва “ахраб”идин истихрож қилибдурлар ва ул вазнедур асру хуш оянда ва назмедур бағоят рабоянда. Шеър авзонидин ушбу вазнтурким, назм устодлари анга ҳадде муайян қилибдурлар ва ғоят латофатидин икки байтга ихтисор қилубдурлар ва ул йигирма тўрт навъ келибдур ва мажмуъи икки қисмға мухтасардур”<sup>369</sup>. “Мезон ул-авzon”да ҳам худди Жомий рисоласи сингари рубоий вазнларининг ҳар бир шажараси учун 3 тадан, жами 6 та рубоий келтирилган.

Бобур “Бобурнома”да Навоийнинг “Мезон ул-авzon”да келтирган рубоий вазнлари ҳақида фикр юритиб, “йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибдур”, деб ёзади<sup>370</sup>. Бу фикр кейинроқ “Аruz рисоласи”да ҳам айтиб ўтилади. Бобурнинг “Аruz рисоласи” бўйича изланишлар олиб борган олим

<sup>369</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Т.: Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 551.

<sup>370</sup> Бобур Захириддин. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б.

С.Хасанов Бобур “Бобурнома”да Навоийнинг рубойй вазнлари ҳақида танқидий фикрлар айтган, лекин “Аruz risolasi”да бу ҳақда ҳеч нима демаганлигини таъкидлайди: “Фикримизча, Бобур “Мезон ул-авзон”нинг хаттот томонидан янглиш кўчирилган нусхасидан фойдаланган бўлиши керак, кейинчалик эса, мазкур рубойй вазнларида нуқсонлар йўқлигини аниqlагач, бу ҳақда гапирмайди”<sup>371</sup>. Лекин Бобурнинг “Аruz risolasi”да бу фикрлар янада қатъиylашган ва конкретлашганлигини кўрамиз:

“Ахрам авзонининг рубоъийларида ахрами ахраби азалл вазни мукаррар бўлуптур, нечукким бу икки мисра ўшал вазнададур.

*Кўз истарким кўрса жамолингни тўқ,  
Ким ҳажсинг кўп урди бу кўксумга ўқ.*

Мафъувлун мафъувлун мафоъийлун фоъ бўлғай. Бу вазнким мафъувлун фоъилун мафоъийлун фоъ ахрами аштари азалл вазnidур, айтилмайдур. Ахрам авзонининг рубоъийларида бир ахраби мажбуб вазни мукаррар бўлубтур. Нечукким бу икки мисра ўшал вазнададур:

*Тан ўлса ғаминг ичра ичра жонимга фидо,  
Эй шўх бизинг сори бир айла назар.*

Мафъувлун мафоъийлун мафъувлун фаъул бўлғай. Яна бир ахраби мақбузи мажбуб вазни мукаррар бўлуптур, нечукким бу икки мисра ўшал вазнда воқиъ бўлубтур:

*Жаврунгни кўнулга эй париваши қил бас,  
Ким ҳолимга раҳмким эрурмен бекас.  
Мафъувлун мафоъилун мафоъийлун фаъ.*

Яна бир ахраби макфуфи мажбуб вазни мукаррар бўлуптур нечукким бу икки мисра ўшал вазнда воқиъ бўлуптур:

*Ҳажсингда фигонимга улус нола қилур,  
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимга асар.*

Мафъувлун мафоъийлун мафоъийлун фоъул бўлғай уч вазн айтилмайдур”<sup>372</sup>.

<sup>371</sup> Ҳасанов С. Бобурнинг “Аruz risolasi” асари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 70.

<sup>372</sup> Бобир Захириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б.60.

Бунда Бобур Навоийнинг ахраб шажарасидан иккита ва ахрам шажарасидан иккита вазнни такрор бериб, тўрт вазннинг номини келтирганлигини таъкидлаяпти. Адабиётшуносликда бу масала У.Тўйчиев ва А.Хожиаҳмедов томонидан махсус ўрганилган бўлиб, хатоликка асарни кўчирган котиб йўл қўйганлиги аниқланди<sup>373</sup>. Котиб мисралардаги баъзи сўзларнинг ўрнини алмаштириб (масалан, биринчи мисолдаги “урди қўп”нинг ўрнига “қўп урди”), баъзи сўзлардаги ҳарфларни тушириб қолдириб (учинчи мисолдаги “раҳмеким”нинг ўрнига “раҳмким”) ва қофиялардаги айрим сўзларни ҳаракат (қисқа унли) воситасида ёзганлиги (иккинчи мисолдаги “назор”, “шарор”, “осор”нинг ўрнига “назар”, “шарар”, “асар”) орқали ушбу хатоликлар келиб чиқсан. Демак, бу ўринда Бобурнинг ушбу фикрига эҳтиёткорлик билан ва танқидий жиҳатлдан ёндашиш керак бўлади.


“Арузи Сайфий” рисоласида рубоий вазнлари алоҳида фаслда, асарнинг энг охирида келтирилган. Сайфий Бухорий мазкур вазнлар ажам шоирларининг ихтироси эканлигини таъкидлар экан, шундай ёзади: “Билгилки, рубоий вазнлари, уларни *ду байти* ва *тарона* деб ҳам атайдилар, ҳазаж баҳридан келиб чиқади. Уларни ажам шоирлари ихтиро қилганлар. 24 навъдан иборат. Ушбу 24 вазн қуйидаги 10 калимадан келиб чиқади: 1) мафойлун; 2) мафъувлу; 3) мафоилун; 4) мафойлу; 5) фаувл; 6) фаал; 7) фоъ; 8) фаъ; 9) мафъувлун; 10) фоилун”<sup>374</sup>.

Атоуллоҳ Ҳусайнининг рубоий вазнларига муносабати яна ўзгачалиги билан фарқланади. Муаллиф рубоий вазнларини арузга доир қисмда эмас, балки балки бадиий санъатларнинг лафзий гуруҳига доир бешинчи фаслида келтириб ўтади. Унга кўра, рубоий вазнлари *мушажжар* (шеърни дарахт шаклида бериш) санъатининг латиф намуналаридандир: “Латиф ва фойдалиғ мушажжарлар жумласидин икки мушажжар бордурким, Хуросон пешволаридин бири бўлмиш Ҳожа Ҳасан-и Қаттон ҳазаж баҳри

<sup>373</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б. 19-20; Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: Фан, 2006.

<sup>374</sup> Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – С. 45.

тармоқларидин бўлмиш рубоий вазнлари учун ижод қилған ва бирин шажара-и ахрам, иккинчисин шажара-йи ахраб деб атаған икки шажараға Шамс-и Қайс татбиқ қилиптур”. Асарда ахрам шажараси учун ушбу сурат келтирилган:



Ушбу шажарада келтирилган сўзларни афойили ва тақтиъи билан кўриб чиқсак, қуйидаги мисралар ҳосил бўлади:

1. Ҳазажи ахрами аштари азалл:

Бо ёрам дарди дил ҳамегуфтам дўш.  
*мафъўлун / фоилун / мафойлун / фоъ*  
— — / — V — / V — — / ~

2. Ҳазажи ахрами аштари абтар:

Бо ёрам дарди дил ҳамекард дӣ.  
*мафъўлун / фоилун / мафойлун / фаъ*  
— — / — V — / V — — / —

3. Ҳазажи ахрами аштари макфуфи маҷбуб:

Бо ёрам дарди дил ҳамегуфт дилам.  
*мафъўлун / фоилун / мафойлу / фаал*  
— — / — V — / — — V / V —

4. Ҳазажи ахрами аштари макфуфи аҳтам:

Бо ёрам дарди дил ҳамегуфт фалон.  
*мафъўлун / фоилун / мафойлу / фаўл*  
— — / — V — / — — V / V ~

5. Ҳазажи ахрами муханнақи ахраби маҷбуб:

Бо ёрам мегуфтам дар хасм машав.  
*мафъўлун / мафъўлун / мафъўлу / фаал*  
— — / — — / — — V / V —

6. Ҳазажи ахрами муханнақи азалл:

Бо ёрам мегуфтам ин ҷаврат чанд?  
*мафъўлун / мафъўлун / мафъўлун / фоъ*  
— — / — — / — — / ~

7. Ҳазажи ахрами муханнақи абтар:

Бо ёрам мегуфтам ин қаврат бас.  
*мафъұлун/ мафъұлун/ мафъұлун/ фаъ*  
— — / — — / — — / —

8. Ҳазажи ахрами муханнақи ахраби аҳтам:

Бо ёрам мегуфтам дар хаңр макүш!  
*мафъұлун/ мафъұлун/ мафъұлун/ фаүл*  
— — / — — / — V / V ~

9. Ҳазажи ахрами ахраби абтар:

Бо ёрам дирўз хамегуфтам сир.  
*Мафъұлун / мафъұлун / мафъұлун / фаъ*  
— — / — — V / — — / —

10. Ҳазажи ахрами ахраби азалл:

Бо ёрам дирўз хамегуфтам роз.  
*мафъұлун/ мафъұлун/ мафойлу/ фоъ*  
— — / — — / — — V / ~


11. Ҳазажи ахрами ахраби макфуфи аҳтам:

Бо ёрам дирўз хамегуфт фалон:  
*мафъұлун/ мафъұлун/ мафойлу/ фаал*  
— — / — — V / V — — V / V —

12. Ҳазажи ахрами ахраби макфуфи маңбуб:

Бо ёрам дирўз хамегуфт дилам:  
*мафъұлун/ мафъұлун/ мафойлу/ фаал*  
— — / — — V / V — — V / V —

Ахраб шажараси эса қуйидаги күринишга әга:



Үндаги мисралар:

### **Шаңараи ахраб**

1. Ҳазажи ахраби мақбузи макфуфи маңбуб:  
Гүфтам, ки туро шавам, chargy ту ба ғам?  
*мағъұлу/ мағоилун/ мағойлұ/ фәал*  
-- V / V - V - / V -- V/ V -
  
2. Ҳазажи ахраби мақбузи азалл:  
Гүфтам, ки туро шавам, нигорино, зуд  
*мағъұлу/ мағоилун/ мағойлұн/ фөъ*  
-- V / V - V - / V --- / ~
  
3. Ҳазажи ахраби мақбузи абтар:  
Гүфтам, ки туро шавам, нигорино, кай?  
*мағъұлу/ мағоилун/ мағойлұн/ фәъ*  
-- V / V - V - / V --- / -
  
4. Ҳазажи ахраби мақбузи макфуфи ахтам:  
Гүфтам, ки туро шавам, chargy ту ба ранч?  
*мағъұлу/ мағойлұн/ мағойлұ/ фәүл*  
-- V / V --- / V -- V/ V ~
  
5. Ҳазажи ахраби маңбуб:  
Гүфтам, ки саранчомат маълум нашуд.  
*мағъұлу/ мағоилун/ мағойлұ/ фәүл*  
-- V / V - V - / -- V/ V ~
  
6. Ҳазажи ахраби муханнақи азалл:  
Гүфтам, ки саранчомат маълумам гашт.  
*мағъұлу/ мағойлұн/ мағъұлұн/ фөъ*  
-- V / V --- / --- / ~
  
7. Ҳазажи ахраби муханнақи абтар:  
Гүфтам, ки саранчомат маълумам шуд  
*мағъұлу/ мағойлұн/ мағъұлұн/ фәъ*  
-- V / V --- / --- / -
  
8. Ҳазажи ахраби ахтам:

Гуфтам, ки саранчомат маълум нагашт.  
*мафъўлу/ мафоӣлун/ мафъўлу/ фаӣл*  
— V / V --- / -- V / V ~

9. Ҳазажи ахраби макфуфи маҷбуб:

Гуфтам, ки зи ишқи ту дилам гашт хичил  
*мафъўлу/ мафоӣлу / мафоӣлу/ фаал*  
— V / -- V / -- V / V -

10. Ҳазажи ахраби макфуфи азалл:

Гуфтам, ки зи ишқи ту хичил гаштам дӯш.  
*мафъўлу/ мафоӣлу / мафоӣлун/ фоъ*  
— V / V - - V / - - - / ~

11. Ҳазажи ахраби макфуфи абтар:

Гуфтам, ки зи ишқи ту хичил гаштам дӣ.  
*мафъўлу/ мафоӣлу / мафоӣлун / фаъ*  
— V / - - V / - - - / -

12. Ҳазажи ахраби макфуфи аҳтам:

Гуфтам, ки зи ишқи ту дилам гашт малӯл  
*мафъўлу/ мафоӣлу / мафоӣлу / фаӣл*  
— V / - - V / - - V / V ~

Бобурнинг “Аруз рисоласи”да ҳам рубоий вазнлари ажам шоирларининг ихтироси эканлиги айтилиб, ушбу вазнларнинг Ҳазажс баҳри зиҳофларидан пайдо қилиниши таъкидланади: “Билгилким, рубоийким ду байти ва тарона ҳам дерлар, вазни ҳазаж баҳрининг музоҳафотидиндуру. Шеърнинг авзонидин ушбу вазнтурким ғоят латофатидин устозлар анга ҳадии муаййан муқаррар қилибтурлар, бу ажам шуъаросининг мухтараотидиндуру, йигирма тӯрт навъ келибтур, мажмуъи ўн вазндин мураккабдур: мафоиъийлун (солим), мафоиъилун (мақбуз), мафоиъийлу (макфуф), мафъувлун (ахрам), мафъувлу (ахраб), фоъилун (аштар), фаъувл (аҳтам), фаъул (мажбуб), фоъ (музолл), фаъ (ахрами мажбуб)”<sup>375</sup>.

---

<sup>375</sup> Бобир Захириддин. Муҳтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 55.

Шунингдек, Бобур рубоий вазнларининг манбаларда келтирилиши билан боғлиқ баъзи мулоҳазаларини ҳам баён қилиб, аввалги арузшунослар рубоий вазнларни доира шаклида келтиришларига манфий муносабат билдиради: “Мутааххирин бу авзон забти учун доира расм қилибтурлар, махфий қолмағайким, доира бу авзоннинг забти учун кўб номулоим ва bemunoisibtur”. Дарҳақиқат, Жомийнинг рисоласида кўринганидек, рубоий вазнлари доира шаклида берилганда, бир қанча нокулайликлар кўзга ташланади. Биринчидан, рубоий вазнлари жами 24 та бўлганлиги учун уларни бир доира таркибида бериш анча мушкул ва чалкашликларга сабаб бўлади. Иккинчидан, доира таркибида факат руқнларнинг афойилинигина бериш мумкин, уларнинг вазн таркибидаги номи (фуруъ)ларини келтириш имконсиз. Учинчидан, рубоий вазнларининг ҳар бирига мос келувчи мисраларни бериш имконияти ҳам чекланган бўлиб, буларсиз рубоий вазнлари ва рубоий муносабатини кузатиш мумкин бўлмай қолади.

Умуман олганда, рубоий вазнлари темурийлар даври арузшунослигига ўзига хос ёндашув маҳсули бўлиб, уларнинг рисолаларда уч хил: 1) Ҳазаж баҳри таркибида, 2) баҳрларга боғлиқ бўлмаган ҳолда рисоланинг сўнгига ва 3) бадиий санъатлар таркибида келтирилиши бу давр арузшуносларининг рубоий вазнларига муносабатда бир-бирларидан айри позицияда бўлганликларини кўрсатади.

### **Тўртинчи боб бўйича хulosалар**

Темурийлар давридаги рисолаларда аruz доиралари ва рубоий вазнларини таҳлил қилиш жараёнида қўйидаги хulosаларга келинди:

1. Аруз доиралари Халил ибн Аҳмад таълимотидаги алоҳида босқич бўлиб, “араб филологиясининг отаси” бешта доирани кашф қилган. Араб тилидаги манбаларда ушбу доиралар деярли ўзгаришсиз ҳолатда келтирилади. Форсий арузга доир бизгача етиб келган илк асар “Ал-мўъжам”да Халил ибн Аҳмад доираларига нисбатан ижодий муносабат кузатилади. Муаллиф “араб филологиясининг отаси” таълимотидаги дастлабки икки: араб арузига хос

бўлган доираларни тарқ этиб, қолган учта доирага ўзгаришлар киритади ва уларнинг номларини ҳам ўзгариради ва шу тариқа ўз рисоласида тўртта доирани келтиради. “Меъёр ул-ашъор” асарининг муаллифи эса ўзини Халил ибн Аҳмаднинг форсий издоши санаб, у қашф қилган доираларни асосан сақлаб қолади, фақат уларнинг таркибига кейинчалик форсий арузшунослар томонидан қашф қилинган янги баҳрларни ҳам киритади.

2. Темурийларда даври арузшунослигига аruz доираларига нисбатан ижодий муносабат кузатилади. Шайх Аҳмад Тарозий доираларни аruz илми учун аҳамиятсиз деб ҳисоблаб, ўз рисоласида уларни акс эттиrmайди. Абдураҳмон Жомий доиралар тавсифида улуг салафи Шамс Қайс Розий йўлидан бориб, араб арузи учун хос бўлган доираларни келтирмайди, шу маънода Жомий рисоласида 4 та доира келтирилган.

3. Атоуллоҳ Ҳусайнин “Бадойиъ ус-санойиъ”да Шамс Қайс Розий келтирган тўрт доирани мисоллари билан айнан келтиришдан ташқари, яна бешта доирага тўхталиб ўтади. Улардан биринчиси “Доираи мухталифа”га Халил ибн Аҳмад доирасига қўшимча тарзда *Мақлуби тавил* баҳрини ҳам киритади ва улуг салафи Насириддин Тусийга эргашади.

4. Сайфий Бухороийнинг “Арузи Сайфий” асарида бешта доира келтирилган бўлиб, Сайфий уларни келтиришда умумий анъанадан бир оз чекинади. Одатда, арузга доир рисолаларда доиралар таҳлили алоҳида фаслда, баҳрлар тавсифидан олдин берилган бўлса, Сайфий муайян ўринларда, яъни бир доирага киритилиши мўлжалланган баҳрлар изоҳидан сўнг доиралар таҳлилига мурожаат қиласи. Сайфийда барча доиралар мусаддас руқнили бўлиб, фақат “Доираи мұтталифа” мусамман руқнили вазнлардан тузилган.

5. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарида 7 та доира келтирилган бўлиб, Навоий араб арузига хос доираларни фасл охирида келтиради. Доиралардан тўрттаси Навоийгача яратилган форс-тожик рисолалари, жумладан, “Ал-мўъжам” ва ”Рисолаи аруз”да мавжуд эди. Навоий рисоласида келтирилган ва “Доираи мухталифа”даги тўрт баҳр ва “Доираи

мунтазиа”даги беш баҳр – жами 9 баҳрдан тузилган “Доираи мужстамиа” бевосита олимнинг ўз ихтиросидир.

6. Бобурнинг “Аруз рисоласи”да 9 та доира келтирилган бўлиб, Бобур уларнинг тартибини беришда баҳрлар таснифини асос қилиб олади. Шу маънода “Аруз рисоласи”да келтирилган тўққиз доирадан бештаси муттафиқ ул-аркон, қолган тўрттаси эса муҳталиф ул-аркон баҳрлардир. “Аруз рисоласи”да келтирилган “Доираи Мужсталибаи муҳтариъа” Бобурнинг ўзи томонидан кашф қилинган доирадир.

7. Рубоий мумтоз адабиётда кенг қўлланилган поэтик жанр бўлиб, унинг вужудга келиши халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Рубоий учун асос бўлган шеърий ўлчов оҳангни халқ оғзаки ижодидан олинган. Шамс Қайс Розийнинг ёзишича, рубоийнинг вужудга келиши Абу Абдуллоҳ Рудакий шеърияти билан боғлиқ. Рудакий ушбу жанрнинг оҳангини халқ оғзаки ижодидан олган ва мазкур оҳанг асосида бир нечта тўртликлар яратган, кейинчалик бу тўртликлар *тарона* номини олган. Кейинроқ эса Хурросон имомларидан бири бўлмиш Хожа Имом Ҳасан Қаттон ўзининг аруз илмига доир рисоласида рубоий вазнларини икки шажараага: ахраб ва ахрам шажарасига жойлаштиради.

8. Ҳазаж баҳрининг ахраб шажараси 12 вазнни, ахрам шажараси яна 12 вазнни ўз ичига олади ва ушбу жами 24 вазн рубоий вазнлари ҳисобланади. Рубоийнинг шеърий ўлчови билан боғлиқ муҳим хусусият шундаки, бошқа шеърий жанрлардан фарқли ўлароқ, унинг тўрт мисраси мазкур шажараларга мансуб 4 хил вазнда ёзилиши мумкин.

9. Темурийлар даврида яратилган рисолаларда рубоий вазнларига муносабатда ҳам ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос ёндашуви қузатилади. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да рубоий вазнларини шажара тарзида келтиради, лекин ушбу вазнлар билан боғлиқ мисолларни келтирмайди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг рисолаларида рубоий вазнлари Ҳазаж баҳри таркибида келтирилган бўлиб, уларни ҳосил қилувчи руқнлар доира шаклида берилади. Жомий ҳам, Навоий ҳам рисолаларда ахраб ва ахрам

шажарасига мисол тариқасида 6 та рубоий келтирадиларки, уларнинг ҳар бир мисраси рубоий вазнларининг алоҳида турини ўзида акс эттиради.

10. Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ” асарида рубоий вазнлари асарнинг бадиий санъатлар қисмида – мушажжар санъатини изоҳлаш билан боғлиқ ўринда келтирилган.

11. “Арузи Сайфий” рисоласида рубоий вазнлари алоҳида фаслда, асарнинг энг охирида келтирилган. Сайфий Бухорий мазкур вазнларни Ҳазаж бахри таркибида деб ҳисобласа-да, уларнинг Халил ибн Аҳмад таълимотидан айри ҳолда – ажам шоирлари ихтироси эканлигини таъкидлайди. Рисолада темурийлар давридаги бошқа рисолалардан фарқ қилиб, рубоийни вужудга келтирувчи рукнлар ва уларнинг Ҳазаждан қандай тарзда келиб чиқиши билан боғлиқ маълумотлар ҳам келтириладики, бу ҳам асарнинг кўпроқ қўлланма йўналишида эканлигини қўрсатади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда арузшуносликда ягона асосга таянган ҳолда икки миллий арузшунослик назариялари: форс-тожик ҳамда ўзбек (туркий) арузи назарияси яратилди ва шаклланди. Мана шу икки аруз назарияларининг бир маданий муҳит ва ҳудудда вужудга келиши уларнинг илдизлари бир эканлигидан далолат берибина қолмай, балки бу назарияларнинг миллийликка интилиб, ажралиб чикишида темурийлар даврининг ўзига хос таъсири ва шарт-шароитлари муҳим омил бўлиб хизмат қилганлигини намоён этади.

Бу даврда аруз илми назарий жиҳатдан ёритилган олтита тугал рисола вужудга келди. Ҳар бир рисола муаллифи арузшунослик ривожига муайян тарзда ўз хиссаларини қўшдилар. Агар Шайх Аҳмад Тарозий туркий арузшуносликни янги баҳрлар билан бойитган ва баҳрлар ясалишида янги тамойилни бошлаб берган бўлса, Алишер Навоий туркий арузга янги доирани олиб кириб, унинг имкониятларини кенгайтирди; аруз назариясини амалиётга боғлаб, “Мезон ул-авzon”да асосан туркий байтларни, кўп ҳолларда ўз ғазаллари матлаъсини мисол қилиб келтирди. Абдураҳмон Жомий услубан муҳтасар йўсинда яратилган рисоласида форсий аруз масалаларини алоҳида талқин қилди, араб арузига хос баҳр ва доиралардан воз кечди. Атоуллоҳ Ҳусайнининг рисоласи маҳсус аруз илмига бағишлимаган бўлса-да, кичик муқаддиманинг ўзидаёқ жузв, руқн, зихоф, баҳр ва доираларга муносабат муаллифнинг аруз илмида ўз ўрнини қолдириши учун асос бўлди. “Арузи Сайфий”да аруз унсурларининг батафсил ва тадрижийлик асосидаги изоҳи рисоланинг оммалашуви ва ўтган асрнча ундан амалий қўлланма тарзида фойдаланишлари учун замин ҳозирлади. Бобурнинг “Аруз рисоласи” орқали темурийлар даври арузшунослиги ўз тадрижий такомилига етди: туркий аруз назарияси янги зихофлар, вазнлар ва янги доира билан бойиди. Бобурнинг рисоласи ушбу ритмик унсурларнинг микдори бўйича ҳам давр арузшунослигига етакчи ўринда туради.

Биз ушбу давр арузшунослигининг қиёсий таҳлилини арузга доир рисолалар мисолида ўрганиш асосида қуидаги хулосаларга келдик:

1. Темурийлар даври арузшунослиги ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган назарий ҳодиса эмас, балки унинг шаклланиши учун араб ва форс тилидаги манбалар асос бўлган. Арабнавис олимлар: Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос”, Абу Жайш ал-Ансорий Андалусийнинг “Арузи Андалусий”; форсигўй арузшунослар: Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарлари ушбу давр арузшунослиги учун назарий асос вазифасини ўтаган. Туркий арузшунослар мазкур манбалардан ижодий фойдаланган ҳолда аruz назариясини шакллантирилар ва ривожлантирилар: рисолаларда янги зиҳофлар, баҳрлар, вазнлар ва доиралар вужудга келди.

2. Темурийлар даври арузшунослигига аruz илми ритмик унсурлар: жузв, рукн, зиҳоф, баҳр, вазн ва доиралар сатҳида акс эттирилди. Рисолалар муаллифлари ушбу унсурларга ўз нуқтаи назарлари асосида ижодий ёндашдилар. Бунда рисолаларнинг яратилиш хусусиятлари, услуби, мўлжалланган ўқувчилар аудиторияси ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

3. Бу давр арузшунослигига арузнинг назарий масалалари жузвлар тавсифидан бошланди. Шайх Аҳмад Тарозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий жузвлар сонини умумий тарзда олтида деб келтирдилар ва *фосила* билан боғлиқ ихтилофли масалаларга тўхталмадилар. Атоуллоҳ Ҳусайнин ва Сайфий Бухорий тўғридан тўғри бўлмаса-да, лекин билвосита фосиланинг аruz илми учун аҳамиятсиз эканлигига урғу қаратдилар. Бобур анъанавий жузвларга қўшимча тарзда сабабнинг учинчи турига *сабаби мутавасситни*, ватадга *ватади касратни* ҳам киритиш мумкинлигини таъкидлади, лекин фосилани амалий жиҳатдан жузв сифатида эътиборга молик эмас деб хисоблади. Асарнинг услубий йўналишидан келиб чиқиб, “Арузи Сайфий”да жузвларнинг лугавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтилди.

4. Темурийлар даври арузшунослигига жами 45 та зиҳоф изоҳланган бўлиб, улардан “Фунун ул балоға”да 35 та, “Рисолаи аruz” ва “Мезон ул

авзон”да 32 та, Бобурнинг “Аруз рисоласи”да 44 та зихоф келтирилган. “Бадойиъ ус-санойиъ”да аввал араб арузига хос бўлган (28 зихоф), сўнгра ажам арузига хос бўлган (11 зихоф), жами 39 та зихоф таҳлил қилинган. “Арузи Сайфий” рисоласида зихофларга маҳсус фасл бағишиланмаса-да, баҳрлар таҳлили боғлиқ ўринларда 18 та зихофга тўхталиб ўтилган.

5. Агар Халил ибн Аҳмад яратган аруз тизимида 15 та баҳр мавжуд бўлса, кейинчалик унинг издоши Абулҳасан Ахфаш Балхий ушбу баҳрлар қаторига яна бир баҳр (*Мутадорик*)ни қўшиб, араб баҳрлари сонини 16 тага етказди. Форсигўй арузшунослар Халил ибн Аҳмад таълимотини мукаммаллаштириб, баҳрлар сонини кўпайтирдилар. Баҳром Сарахсий, Бузургмехр Қосимийлар арузнинг янги баҳрларини кашф этдилар. Бизгача етиб келган аruzга доир илк форсий асар “Ал-мўъжам”да мавжуд 16 та баҳрга яна учта баҳр (*Fariб, Қариб, Мушокил*) қўшилиб, 19 та баҳр таҳлилга тортилгани ҳолда, форсий арузшунослар кашф қилган 21 мустаҳдас (янги) баҳрлар хақида ҳам айтиб ўтилади. Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарида эса 18 баҳр келтирилган бўлиб, унда аввалги рисолада тилга олинмаган *Maқлуби тавил* баҳри маҳсус таҳлил этилади, *Мушокил ва Fariб* баҳрлари эса тушиб қолдирилади. Бу ҳолат муаллифнинг ушбу масалага ўз салафидан айри ҳолда ёндашганлигини қўрсатади.

6. Темурийлар даври арузшунослигига жами 41 та баҳр назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шулардан 40 таси Шайх Аҳмад Тарозийнинг рисоласида келтирилади, улар орасида 20 та баҳр арузшуносликка доир бошқа форсий ва арабий манбаларда учрамайди. Бу ҳолат ушбу баҳрларнинг туркий арузшунослик учун ҳам янги эканлиги ва уларнинг аксариятини муаллифнинг ўзи кашф қилганлиги билан боғлиқ фаразни илгари суришга асос бўлади. Абдураҳмон Жомий, Атоуллоҳ Ҳусайнӣ, Алишер Навоий ва Сайфий Бухорийларнинг рисолаларида баҳрларнинг умумий миқдори 19 та деб ўрсатилади, лекин улар орасида Абдураҳмон Жомий масалага бир оз ўзгачароқ ёндашиб, “Рисолаи аруз”да фақат 14 баҳрни мисоллар билан изоҳлайди, араб арузига хос бўлган баҳрларга кенг тўхталиб ўтирмайди.

Бобурнинг “Аруз рисоласи”да эса 19 баҳрға қўшимча равишида яна икки баҳр (*Aриз ва Амиқ*) маҳсус таҳлил қилинган. Ушбу рисолалардан фақат “Арузи Сайфий”да баҳрларнинг лугавий маъноларига ҳам тўхталиб ўтиладики, бу бевосита рисоланинг қўлланма характеристига эга эканлиги билан белгиланади.

7. Шайх Аҳмад Тарозий аruzshunoslickka баҳрларни жуфтлаштириш (*ухти*) асосида ҳосил қилиш тамойилини олиб кирган ислоҳотчи олимдир. Бу тамойил муҳталиф ул-аркон гурухига киравчи баҳрлар учун аҳамиятли бўлиб, унга қўра, аруз илмида муайян баҳрнинг ҳосил қилиниши учун ундан аввалги баҳр асос вазифасини ўташи керак: янги баҳр руқнлари ўзидан аввалги баҳр руқнларининг акси (тескари ҳолдаги такорори)дан вужудга келиши зарур, агар бу шарт адo этилмаса, у баҳр сифатида тан олинмайди.

8. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида 366 та, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида 160 та, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолай аruz” асарида 150 та, “Арузи Сайфий”да эса 93 та вазн таҳлил қилинган бўлса, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи”да 21 баҳр доирасида 537 вазн батафсил изоҳланган. “Арузи Сайфий”да вазнлар миқдорининг камлигига сабаб сифатида муаллифнинг масалага амалий жиҳатдан ёндашганлиги, яъни асосан шеъриятда мустаъмал бўлган баҳрларгагина тўхталиб ўтганлигини кўрсатиш мумкин.

9. Темурийларда даври аruzshunoslickiga аруз доираларига нисбатан ижодий муносабат кузатилади. Шайх Аҳмад Тарозий доираларни аруз илми учун аҳамиятсиз деб хисоблаб, ўз рисоласида уларни акс эттиrmайди. Абдураҳмон Жомий доиралар тавсифида улуғ салафи Шамс Қайс Розий йўлидан бориб, араб арузи учун хос бўлган доиралардан воз кечади ва фақат форс-тожик шеъриятига хос баҳрлардан тузилган 4 та доирани келтиради. Атоуллоҳ Ҳусайнин “Бадойиъ ус-санойиъ”да Шамс Қайс Розий келтирган тўрт доирани мисоллари билан айнан келтиришдан ташқари, яна бешта доирага тўхталиб ўтади. Унинг доиралари таркиб жиҳатдан Насириддин Тусий доираларига яқин туради. Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарида эса бешта доира келтирилган бўлиб, мавжуд анъанадан фарқли

равища, доиралар баҳрлар изоҳидан сўнг келтирилган. Мазкур доираларнинг барчаси мусаддас руқнили бўлиб, фақат “Доираи мұтталифа” мусамман руқнили вазнлардан тузилган.

10. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида 7 та доира келтирилган бўлиб, “Доираи мұжстамиа” бевосита олимнинг ўз ихтиросидир. Бобурнинг “Аruz ғисоласи”да таҳлил қилинган 9 та доирадан “Доираи Мұжсталибаи мұхтариъа” Бобурнинг ўзи томонидан кашф қилинган доира ҳисобланади. Бобур доираларнинг тартибини беришда баҳрлар таснифини асос қилиб олади. Шу маънода “Аruz ғисоласи”да келтирилган тўққиз доирадан бештаси муттағиқ ул-аркон, қолган тўрттаси эса мұхталиф ул-аркон баҳрлардан таркиб топган.

11. Темурийлар даврида яратилган ғисолаларда рубой вазнларига муносабатда ҳам ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос ёндашуви қузатилади. Шайх Ахмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да рубой вазнларини шажара тарзida акс эттиради, лекин ушбу вазнлар билан боғлиқ мисолларни келтирмайди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Бобурнинг ғисолаларида рубой вазнлари Ҳазаж баҳри таркибида таҳлил қилинган бўлиб, ҳар бир шажарага мисол тариқасида учтадан, жами 6 та рубой келтирилган. “Арузи Сайфий” ғисоласида эса рубой вазнлари алоҳида фаслда, асарнинг энг охирида илова тарзida берилади. Сайфий уларнинг ажам шоирлари ихтироси эканлигини таъкидлайди ва Ҳазаж баҳридан ташқарида ўрганишни маъқул кўради. Темурийлар давридаги бошқа ғисолалардан фарқ қилиб, “Арузи Сайфий”да рубоийни вужудга келтирувчи руқнлар ва уларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ маълумотлар ҳам келтириладики, бу ҳам асарнинг қўлланма йўналишида эканлигини кўрсатади. Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ усанойиъ” асарида эса масалага янада ўзгачароқ ёндашилиб, рубой вазнлари асарнинг бадиий санъатлар қисмида – мушажжар санъатини изоҳлаш билан боғлиқ ўринда келтирилган.

12. Аруз тизими урғу билан боғлиқ шеърий ўлчов бўлиб, унда сўз урғуси эмас, балки руқн урғуси етакчилик қиласи ва бундай урғу ритм

яратишга хизмат қилғанлиги учун ритмик (просодик) урғу деб аталади. Муталаввун ҳодисасининг темурийлар давридаги аruzga доир манбаларда қайд этилиши ритмик урғунинг арузшунослик тарихида муайян ўринга эга эканлигини ва мумтоз арузшуносларнинг арузни урғу билан боғлиқ ҳолда талқин қилғанликларини кўрсатади. Бу эса аruz тизимининг квантитатив шеър тузилиши бўлиш билан бирга квалитативлик хусусиятларига ҳам эга эканлигини исботлайди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: O‘zbekiston, 2016. – 32 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: O‘zbekiston, 2017. – 483 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: O‘zbekiston, 2017. – 32 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил, 21 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.

### **II. Матн ва манбалар:**

8. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи арўз. ЎзР ФАШИ Қўлёзмалар фонди. Инв. 4326.

9. Абдураҳмони Ҷомий. Рисолаи арӯз. Осор: Иборат аз ҳашт ҷилд. Ҷ.8. – Душанбе: Адиб, 1990. – С. 151-204.
10. Абдураҳмон Ҷомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Тошкент: TAMADDUN, 2014. – 100 б.
11. Абдураҳмон Ҷомий. Рисолаи мусиқӣ (Форс тилидан Н.Шодмонов таржимаси) / Мақом назариясига доир муҳим манба. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 73-110.
12. Абу Закарийа (ал-Хатиб) ат-Тибризи. Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-кавафи (Перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролова) / Классический арабский стих. История и теория аруды. – Москва: Наука, 1991. – С. 245-343.
13. Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср (Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси). Тадқиқ этувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи И.Абдуллаев. – Т.: Фан, 1972
14. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. – Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. - 66 б.
15. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент, 1968.
16. Абу Али Ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Лирика, фалсафий қарашлар, шеър санъати. – Тошкент: 1980. – 89 б.
17. Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент: O’zbekiston, 2011. – 704 б.
18. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Критик текст тайёрловчи И. Султон. – Тошкент, 1949.
19. Алишер Навоий. Ҳазойинул маоний (Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи X.Сулаймонов). 4 жилдлик. 1-4-жилдлар. – Тошкент: Фан, 1959-1960.
20. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 43-98.

21. Алишер Навоий. Мұхокамат ул–лугатайн. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т. 16. – Б. 7-42.
22. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сифар. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.1. – 804 б.
23. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.2. – 772 б.
24. Алишер Навоий. Бадоев ул-васат. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.3. – 764 б.
25. Алишер Навоий. Ғавойид ул-кибар. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.4. – 840 б.
26. Алишер Навоий. Девони Фоний. Қасоид. Муфрадот. Хамсат ул-мутаҳайирин. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.5. – 860 б.
27. Алишер Навоий. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. Фарход ва Ширин. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.6. – 808 б.
28. Алишер Навоий. Хамса: Лайли ва Мажнун. Сабъаи сайёр. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.7. – 696 б.
29. Алишер Навоий. Хамса: Садди Искандарий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.8. – 712 б.
30. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Мажолис ун-нафоис. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаш. Вақфия. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.9. – 768 б.
31. Алишер Навоий. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Мұхаммад. Назм ул-жавоҳир. Насойим ул-муҳаббат. Мұхокамат ул-лугатайн. Мезон ул-авзон. Арбаин. Сирож ул-муслимин. Муножот. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.10. – 692 б.
32. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1997. Т.13. – 284 б.

- 33.Арасту. Поэтика (Нафис санъатлар ҳақида). Ахлоқи кабир (Катта ахлоқ китоби). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 194 б.
- 34.Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадоєъ-ус-саноеъ / Бо сарсухан, тавзехот ва таҳрири Р. Мусулмонқулов. – Душанбе: Ирфон, 1974. – 223 с.
- 35.Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А. Рустамов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.
- 36.Бобир Захириддин. Муҳтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. – 412 б.
- 37.Бобур Захириддин. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 368 б.
- 38.Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1990.
- 39.Вахид Табризи. Джам-и муҳтасар / Критический текст, перевод и примечания А.Е.Бертельса. – Москва: Восточная литература, 1959. –
- 40.Восифий Зайниддин. Бадоєъул вақоєъ – Нодир воқеалар / Форсийдан Н.Норқулов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
- 41.Гулшани адаб. Асрҳои IX-XIII . Дар панҷ чилд. – Душанбе: Ирфон, 1975. Ч. 1. – 432 с.
- 42.Джами Абдурраҳман. Бахаристан. Весенний сад. - Душанбе: 1964. – 150 с.
- 43.Захират-Дин Муҳаммад Бабур. Трактат об арузе. Факсимиле рукописи. Изд.текста, вступит. статья и указатели И.В.Стеблевой. – Москва, 1972.
- 44.Ибн Сина. Фанни шеър / Наука Поэтики. – Душанбе, 1985. – 74 с.
- 45.Камал ад-Дин Ҳусайн Ва-'из Кашифи. Бадаи- ал-афқа-р фи- сана-и 'ал-аш'ар (Новые мысли о поэтическом искусстве). Издание текста, предисловие, примечания и указатели Р. Мусульманкулова. – Москва: Наука, 1977 .
- 46.Маҳмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустаким фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 14. (араб тилида).

- 47.Мұхаммад ибни Умари Родуёни. Тарчумон ал-балоға. Рашиддаддин Ватвот. Ҳадойик ус сеҳр фидақойк-уш-шөър. Таҳияи матн, муқаддима ва и тавзехи Х.Шарифов. – Душанбе: Дониш, 1987. – 144 с.
- 48.Мұхаммад Солих. Шайбонийнома. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Шодиев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. –
- 49.Мұхаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғат. Иборат аз се чилд. – Душанбе: Адиб, 1988. Ч.2. – 416 с.
- 50.Насируддини Тўсий. Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – 150 с.
- 51.Низами Арузи Самарқанди. Собрание редкостей или четыре беседы. – Москва: Издательство Восточной литературы, 1963. – 176 с.
- 52.Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар / Форсий тилдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
- 53.Рашидаддини Ватвот. Ҳадоик ус-сеҳр фи дақоик аш-шөър / Таҳияи матн, муқаддима ва тавзехоти Худой Шарифов. – Душанбе: Ирфон, 1987. – 145 с.
- 54.Рашид ад-Дин Ватват. Сады волшебства / Памятники письменности Востока. Перевод с персидского, исследование и комментарий Н.Ю.Чалисовой. – Москва: Наука, 1985. – 327 с.
- 55.Сайфий. Арузи Сайфий / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Блошман. – Калькутта, 1872. – 56 с. (форс тилида).
- 56.Форобий Абу Наср. Шеър санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 67 б.
- 57.Хондамир Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 136 б.
- 58.Шайх Аҳмад ибн Ҳудойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сакланувчи Eliott №-127 рақамли қўллўзма).
- 59.Шайх Аҳмад ибн Ҳудойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996. – 212 б.

- 60.Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзехот ва ҳозиркунандай чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – 464 с.
- 61.Чомй Абдураҳмон. Осори мунтахаб. Ч. 1-5. – Душанбе: Ирфон, 1964.
- 62.Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қ.Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.
- 63.Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u biling. – Toshkent: Cho'lpon, 2007. – 199 b.

### **III. Илмий-назарий адабиётлар:**

- 64.Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хоросане. – Ташкент: Фан, 1984. – 292 с.
- 65.Абдулҳодий Абдураҳмон ал-Шовий. Абу Ал-Жайш ал-Анзорий Андалусийнинг “Арузи Андалусий” асарига Абдулмуҳсин ал-Қайсарий шарҳи тадқиқи. – Куфа университети журнали, 2017. – № 45. – С. 149-206. (араб тилида).
- 66.Абдунабий Сатторзода. Таърихчай назариёти адабии форсии тоҷикӣ. – Душанбе: Адиб, 2001. – 144 с.
- 67.Абдураҳмонов А. Аруз илмидан сабоқлар. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2008. – 80 б.
- 68.Алишер Навоий ва форс–тожик шеърияти (халқаро конференция материаллари). – Ҳўжанд: Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 2001. – 44 б.
- 69.Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – 176 б.
- 70.Алишер Навоий: қомусий лугат. 1-2-жилдлар /Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Тошкент: Sharq НМИУ, 2016.
- 71.Афсаҳзод Аълоҳон. Лирика Абд ар–Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – Москва: Наука, 1988. – 326 с.

- 72.Ахмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темур. Жизнь и общественно-политическая деятельность. – Тошкент: Университет, 1999;
- 73.Амир Темур ва темурийлар даврида маданият, санъат (мақолалар тўплами). – Тошкент, 1996.
- 74.Амир Темур – илм-фан ва маданият ҳомийси (халқаро илмий конференция материаллари). – Тошкент, 1999.
- 75.Амир Темур жаҳон тарихида (мақолалар тўплами). – Тошкент: Шарқ, 2001;
- 76.Амир Темур ва ҳозирги замон (Ремпублика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент, 2007;
- 77.Аъзамов Абдулла. Аруз: Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сабоқлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – 224 б.
- 78.Ахметов З. А. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964. – 460 с.
- 79.Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. – Казань, 1972.
- 80.Бертельс А.Е. Трактат по поэтике Вахида Табризи // Вахид Табризи. Джам-и муҳтасар. Трактат о поэтике. Критич. текст, перев. и прим. А.Е.Бертельса. Отв. Ред. А.А.Стариков. - М: Наука, 1959. – 158 с.
- 81.Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, 1960. – 554 с.
- 82.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули. – Москва: Наука, 1962. – 552 с.
- 83.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – 500 с.
- 84.Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – Москва: Наука, 1988. – 560 с.

- 85.Blochmann Henry Ferdinand. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Reprint 1970 of the edition Calcutta 1872 printed in the Netherlands (Amsterdam philo press).
- 86.Бобоев Т. Шеър илми таълими (Ўзбек шеърияти поэтикасидан сабоқлар). – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 344 б.
- 87.Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 560 б.
- 88.Болдырев А.Н. Предисловие. / Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей, или Четыре беседы. Под редакцией А.Н.Болдырева. – Москва: Изд.вост.лит. 1963. – С. 3-22
- 89.Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. – 120 б.
- 90.Болтабоев Ҳ. Рисолаи аruz ва аruz ҳақида // Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2004.
- 91.Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Икки жилдда. –Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2013-2016. – 476 б.; - 439 б.
- 92.Болтабоев Ҳ. Адабиётшунослик тарихи. –Тошкент: MUMTOZ SO’Z. – 480 б.
- 93.Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231). – Москва, 1986.
- 94.Валихўжаев Б. Дар бораи “Рисолаи арузи” Сайфи Бухорои // Масъалаҳои назария ва таърихи адабиёти тоҷику ўзбек. – Самарқанд, 1975. – Б. 1-11.
- 95.Валихўжаев Б.Алишер Навоий замондоши Сайфий Бухорийнинг “Рисолаи аruz”и ҳақида // Адабий мерос. – № 5, 1976. – С. 31-38.
- 96.Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.
- 97.Веселовский А.Н. Историческая поэтика / Вступительная статья И.К. Горского. – Москва: Высшая школа, 1989. – 406 с.
- 98.Гаспаров М.Л. Современный русский стих. Метрика и ритмика. – Москва: Наука, 1974. – 486 с.

99. Гаспаров М.Л. Аристотель и античная литература. – Москва: Наука, 1978, – 230 с.
100. Гаспаров М.Л. Восток-Запад: Исследования. Переводы. – Москва: Наука, 1982. – 293 с.
101. Давронов С. Вазни ашъори Абулкосим Лохути. – Душанбе: Дониш, 1974. -163 б.
102. Давронов С. Сохти шеъри точики. – Душанбе: Ирфон, 1976. – 25 б.
103. Давронов С. Омузиши вазни шеъри точики. – Душанбе: Маориф, 1992. – 176 с.
104. Давыдова Т.Т., Пронин В.А. Теория литературы. – Москва: Логос, 2003. – 232 с.
105. Devin DeWEESE. The Predecessors of Nava'i in the "Funun al-balagah" of shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century. – Journal of Turkish studies, edited by Sinasi Tekin, published at Near Eastern Languages and Civilizations Harvard University – 2005, volume 29, P. 76.
106. Elwell-Sutton L.R. Persian Metrics. – Cambridge: 1976
107. Джадар Акрем. Особенности азербайджанской поэтической метрики аруза. – Москва: Наука, 1960.
108. Жирмунский В. М. Теория стиха. – Л.: Советский писатель, 1975. – 664 с.
109. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – 408 с.
110. Жомий ва ўзбек адабиёти (халқаро илмий-амалий анжуман материаллари). – Тошкент: Мовароуннахр – Ал-Худо, 2005. – 120 б.
111. Жўраев Ж. Алишер Навоийнинг муаммо жанридаги туркийгўй халафи. – Тошкент: Фан, 2009. – 68 б.
112. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006. – 203 б.
113. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2015. – 356 б.

114. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси.  
– Тошкент: TURON-IQBOL, 2017. – 260 б.
115. Чөфөр Ә. Әрзүзүн нәзәги әсаclarы вә азәрбаучан әгузы. – Бакы: Елм, 1977. – 416 с.
116. Justine Landau. De rythme & de raison. Paris: Presses Sorbonee nouvelle, 2013. – 292 p.
117. Зехни Т. Санъати Сухан. – Душанбе : Дониш, 1979. – 324 с.
118. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика (Аruz, қофия ва бадиият илми истилоҳлари тарихига оид). – Тошкент: ТошДШИ, 2001.
119. Имомназаров М. Мумтоз форс шеърияти бадииятшунослиги ва жанрлар типологияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2015. – 280 б.
120. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2006. – 320 б.
121. Капранов В.А. “Лугати фурс” Асади Туси и его место в истории таджикской (фарси) лексикографии. – Душанбе: Издательство Академии наук, 1964. – 214 с.
122. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. –
123. Конрад Н.И. Запад и Восток (статьи). – Москва: Главная редакция Восточной литературы, 1972. – 496 с.
124. Корш В. Всеобщая история литературы. Т. 1. – С – Пб.: Издание Карла Риккера, 1881.
125. Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке // Изб. Соч. – Москва –Л.: Академия наук. Т. II . – 1956. – 712 с.
126. Крымский А.Е. История Персии, ее литературы и дервишской теософии. Т. 2-3. – Москва: Университет, 1912-13. – 227 с.
127. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – Москва: Наука, 1983. – 262 с.
128. Курбанмамедов А. Эстетика Абдурахмана Джами. – Душанбе: Ир-Дониш, 1984. – 140 с.

129. Курбатов Х.Р. Метрика “аруз” в татарском стихосложении // Советская тюркология. – № 6, 1973. – С. 83-90.
130. Кэрэн Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан Б.Эрматов таржимаси. – Тошкент: Маънавият, 1999.
131. Lavati M. S. Amir Temur a great uzbek statesman. Diplomatic focus. – Pakistan, 2016.
132. Литературный энциклопедический словарь /Под общей редакцией В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – 752 с.
133. Лотман Ю.М. Лекции по структуральной поэтике. Выпуск I. – Tartu, 1964. – 195 с.
134. Мардони Т.Н. Арабско-таджикские литературные связи. – Душанбе: Ирфон, 2006. – 398 с.
135. Мисбоҳиддини Нарзиқул. Адабиётшиносии форси-тоҷикӣ дар асрҳои XIII-XIV. – Душанбе: Адиб, 2004. – 112 с.
136. Мусульманкулов Р. Атауллаҳ-и Махмуд-и Ҳусайнӣ. –Душанбе: Дониш.1983. -196 с.
137. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (Х-XV вв.) – Москва: Наука, 1989. – 240 с.
138. Мусулмониён Раҳим. Персидский аруз теоретическая основа тюркского аруза. / Вклад иранских народов в развитие мировой цивилизации: история и современность. –Душанбе: Дониш. 1992. – С. 46-97.
139. Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент, 1994.
140. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент, 1993.
141. Олимов М. Рисолай аруз. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – 88 б.
142. Олмосли Э.Т. Аруз. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017. – 162 б.

143. Османов М-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX–X вв. – Москва: Наука, 1974. –267 с.
144. Османов М-Н.О. Из истории литературы народов Хоросана и Мавераннахра VIII-IX вв.// Советское востоковедение. – 1956. №2. – С. 105-118
145. Ражабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе: Ирфон, 1968.
146. Рамиз Дениз. Насирэддин Туси ученый, опередивший века. – Баку, 2013. – 404 с.
147. Родуёни, Мухаммад ибн Умари. Красноречивый толкователь. – Душанбе: Дониш, 1987. – 143 с.
148. Рустамов А. Аруз ҳақида сұхбатлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 56 б.
149. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
150. Рустамий С. Балоғат илмида лингвистик назариялар ва тил ходисаларининг ёритилиши. –Тошкент: Наврўз, 2017. – 170 б.
151. Рысалиев К. Киргизское стихосложение. – Фрунзе, 1965. – 140 с.
152. Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – 128 б.
153. Саттарзода А. Аристотель и таджикско-персидская литературная мысль. (IX-XV вв). - Душанбе: Адиб, 2002. - 260 с.
154. Simidchieva M. Imitation and Innovatsion in Timueid Poetics: Kashifi's Badayi al-afkar and Predecessors, al-Mu'jam and Hada'iq al-sihr / Iraninan Studies, volume 36, number 4, December 2003.
155. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – 65 б.
156. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.

157. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.
158. Сирус Б. Арўзи тоҷикӣ. – Душанбе: Нашрдавтоҷик, 1963. – 288 с.
159. Сирус Б. Рифма в таджикской поэзии. – С., 1953
160. Стариков А.А. Аль-Беруни о метрике индусов // Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. –М.: Наука, 1964. –С. 304
161. Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – Москва: Наука, 1971. – 300 с.
162. Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в тюрко-язычную поэзию / Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. – Москва: Наука, 1964. – С. 288– 299.
163. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне-классический период. – Москва: Наука. 1976. – 213 с.
164. Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – Москва: Наука, 1993. – 180 с .
165. Стеблева И.В. Изучение теории восточных литератур в России: XX век. – Москва: Восточная литература, 1996. – 48 с.
166. Стеблева И.В. Изучение тюркских литератур в России: XX век. – Москва: Восточная литература, 1998. – 55 с.
167. Стеблева И.В. Жизнь и литература доисламских тюрок. – Москва: Восточная литература, 2007. – 208 с.
168. Стеблева И.В. Тюркская поэтика: этапы развития: VIII-XX вв. – Москва: Восточная литература, 2012. – 200 с.
169. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.
170. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005. – 272 b.

171. Тагирджанов А.Т. Первый трактат Шамса Фахри Исфахани по персидской поэтике. // Вестник ЛГУ, Сер. Ист., яз. И лит., № 14, -Вып. 3, -С. 61-66
172. Талабов А. Араб арузи. – Тошкент: ТошДУ, 1977. – 115 б.
173. Теория жанров литературы Востока / Составитель и ответственный редактор И.В. Стеблева. – Москва: Наука, 1985.
174. Теория литературы. Том первый. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. – Москва: Академия, 2007. – 510 с.
175. Теория литературы. Том второй. -Москва: Академия, 2007. – 359 с.
176. Тилавалди А. Рифма и проблемы звуковой организации уйгурского стиха. –Алматы: Гылым, 1996. – 176 с.
177. Тилавалди А. Древнетюркский книжный стих. – Алматы: АГУ, 2005. - 285 с.
178. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1976. – 548 с.
179. Тожибоева М. Жадид адилари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари ва маҳорат масалалари. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2017. – 260 б.
180. Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – 560 с.
181. Тоиров У. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ачам. Ч. 1. – Душанбе: Ирфон, 1994. – 512 с.
182. Тоиров У. Таҳқиқ ва таълими аruz. – Душанбе: Дониш, 1995. – 194 с.
183. Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – Москва-Л.: Художественная литература, 1959. – 264 с.
184. Тронский И.М. История античной литературы. – Москва: Высшая школа, 1988. – 463 с.

185. Туйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амир Хосрова Дехлеви. – Ташкент: Издательство ТашГИВ, 2005. – 204 с.
186. Туйчиева Г. У. “Поэтика” Аристотеля и взгляды Абу Райхана Бируни на литературу // Филологические науки в России и за рубежом. – СПб. : Реноме, 2012. - С. 36-39.
187. Тухлиев Б. Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. – Ташкент, 2004. – 120 с.
188. Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. – Тошкент: Фан, 1978. – 42 б.
189. Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. – Тошкент: Фан, 1981. – 48 б.
190. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. – 207 б.
191. Тўйчиев У. Лирик тур белгилари. Масаланинг ўрганилиш тарихига оид // Адабий турлар ва жанрлар. Иккинчи том. – Т.: Фан, 1992. – Б. 4-15.
192. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 508 б.
193. Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. – Тошкент: ТошДШИ, 2008. – 134 б.
194. Тўйчиева Г. Ислом даври шеъриятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти. Филол.фан.бўйича доктор. (Dsc) дисс... – Тошкент, 2018. – 260 б.;
195. Тўйчиева Г.У. Халил ибн Аҳмад ва унинг назарияси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 50-51.
196. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 135 б.
197. Ulug‘ov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIY, 2018. – 308 b.

198. Umurov H. Adabiyotshunoslik asoslari. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – 264 b.
199. Усманов Х.К. К характеристике ритмического строя тюркского стиха // Народы Азии и Африки, 1968. – № 6.
200. Федотов О.И. Основы теории литературы. В 2 ч. Стихосложение и литературный процесс. Ч.2.– М: ВЛАДОС, 2003. – 252 с.
201. Fitrat R.R. Aruz haqida. – Taskent: Fanlar komiteti nasriyati, 1936. – 76 b.
202. Фитрат А. Адабиёт қоидалари: Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 112 б.
203. Фитрат. Аруз ҳақида: Адабиёт муаллимлари ва илм толиблари учун / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.
204. Фитрат А. Мұхаммад Солих. Танланган асарлар. Ж. 2.Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 72-81.
205. Фитрат А. Шеър ва шоирлик. Танланган асарлар. Ж.4. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.8-9.
206. Фролов Д.В. Теория ‘аруды: просодия и ритм // Проблемы арабской культуры (сборник статей). – Москва: Наука, 1987. – С. 124-142.
207. Фролов Д.В. Классический арабский стих: История и теория аруды. – Москва: Наука, 1991. – 395 с.
208. Фролов Д.В. Арабская филология. Грамматика, стихосложение, корановедение. – М.: Языки славянской культуры, 2006. – 440 с.
209. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999. – 398 с.

210. Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. – 276 б.
211. Хамраев М.К. Основы тюркского стихосложения (на материале уйгурской классической и современной поэзии). – Алма-Ата: Издательство АН, 1963. – 215 с.
212. Хамраев М.К. Очерки теории тюркского стиха. – Алма-Ата, 1969.
213. Харлап М.Г. Ритм и метр в музыке устной традиции. – Москва: Музыка, 1986. – 104 с.
214. Харлап М.Г. Квантитативное стихосложение // Краткая литературная энциклопедия. – Москва, 1966. – С. 467–470.
215. Холшевников В.Е. Основы стиховедения. Русское стихосложение. Ленинград, 1962. – 148 с.
216. Холшевников В.Е. Теория стиха (сборник статей). – Л.: Наука, 1968. – 316 с.
217. Чалисова Н.Ю. Ватват и его трактат “Сады волшебства в тонкостях поэзии” // Ватват. Сады волшебства. – Москва: Наука. 1985. – 327 с.
218. Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики //Шамс Кайс Рази. Свод правил персидской поэзии. – Москва: Восточная литература. – 465 с.
219. Шарқ мумтоз поэтикаси: Манба ва талқинлар / Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 430 б.
220. Шенгели Г.А. Техника стиха. – М.: Гослитиздат, 1960. – 312 с.
221. Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). – Москва: Наука, 1974. – 256 с.;
222. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 112 б.
223. Шодмонов Н. Мақом назариясига доир муҳим манба. – Қарши: Насаф, 2018. – 168 б.

224. Шомухамедов Ш.М. Форс–тожик арузи. – Тошкент: ТошДУ, 1970.
225. Щербак А. Сочинение Бабура об арузе // Народы Азии и Африки. – Москва: Наука, 1969. – № 5. –
226. Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. – Тошкент: Фан, 2009.
227. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунылиги. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2011. – 144 б.
228. Юсупова Д. Сравнительный анализ ранних трактатов об арузе на персидском и тюркском языках / Наука вчера, сегодня, завтра (Сб. ст. по материалам VIII междунар. науч.-практ. конф.) № 1 (8). Новосибирск: Изд. «СибАК», 2014. – С. 66 –72.
229. Юсупова Д. Аруз вазнининг квалитативлик хусусиятларига доир // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2008. – № 10. – Б. 80-86.
230. Yusupova D. Comparison of prosody used in the works by Alisher Navoi and Abdurakhman Jami // ISJ Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, USA, 2019. Issue 05, Volume, 73. – P. 281–285.
231. Qosimov A., Hamroqulov A., Xo‘jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslikka kirish. – T.: Akademnashr, 2018. –
232. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – 227 б.
233. Фаниева С. Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 37 б.
234. Фаниева С. Навоий ёдга олган асарлар. – Тошкент, 2009.
235. Хайитметов А. Навоийхонлик сұхбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 216 б.
236. Хайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996. – 160 б.
237. Хайитметов А. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н. Жумахўжа. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2015. – 326 б.

238. Ҳасанов С. Бобирнинг “Аруз рисоласи” асари. – Тошкент: Фан, 1981. – 96 б.
239. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.
240. Ҳаққулов И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 240 б.
241. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – 224 б.
242. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш (2-китоб). – Тошкент: Фан, 2011. – 200 б.
243. Ҳаққулов И., Очилов Э. Ишқ ва ҳайрат олами. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2016. – 304 б.
244. Ҳаққулов И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – 320 б.
245. Ҳожиаҳмедов А. Фурқат арузи // Фурқат ижодиёти. – Тошкент: Фан, 1990. – 196 б.
246. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 224 б.
247. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ НМК, 1998. – 158 б.
248. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.
249. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.
250. Ҳожиаҳмедов А. Ҳусни таълил санъати. – Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.
251. Hojiahmedov A. Aruz nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – 80 b.
252. Hossein Modarresi. Farhang-e towsifi-ye estelahat-e aruz (A descriptive Glossary of prosodic terms). – Tehron, 1383. – 328 p.
253. Julie Scott Meisami. Structure and Meaning in Mediæval Arabic and Persian Poetry. – London, 2003. – 507 p.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар:**

254. Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Бухаре при Саманидах. (Х в.). Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 1963. – 21 с.
255. Абдусатторов А. Становление и развитие рубаи в персидско-таджикской литературе. XVII-XIX вв. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе. 1990. – 23 с.
256. Аллахвердиев Г.А. Труд Хатиба Тебризи «Китаб ал-кафи фи-л-аруз ва-л-кавафи» как источник по восточной поэтике. Автореф.дисс. ... канд.фил.наук. – Баку, 1984. – 22 с.
257. Азер А.А. Персидское стихосложение и рифма. Дисс... на соискание докт. филол наук. – Москва, 1967. – 110 с.
258. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 1997. – 20 б.
259. Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. Автореф. дисс. на соискание... канд. филол наук. – Казань, 1972. – 75 с.
260. Бакиров М.Х. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии. Автореф. дисс. на соискание ученой степени докт.филол.наук. – Казань, 1999. – 96 с.
261. Бекмурадов А. Основные тенденции развития стихосложения в туркменской советской поэзии. Автореф. дис. ... канд.филол.н. – Ашхабад. 1980. – 33 с.
262. Вахидов Р.Ж. Взаимосвязи узбекской и персидско–таджикской литературы во второй половине XV – начале XVI в. (Историко-типологический аспект): Автореферат дис. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 45 с.
263. Ганиханов М. Сравнительный анализ поэм “Хусрав и Ширин” Низами и Кутба. Автореф. дис. ... канд.филол.н. – Ташкент, 1994. – 23 с.

264. Жўраева Н.Г. Ўзбек мумтоз шеъриятида байт ва унинг поэтикаси: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.
265. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати (ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотлари мисолида). Филол. фан. номзод ... дис. автореферати. – Тошкент, 1998. – 26 б.
266. Joan Mathilde Maling. The theory Arab classic metrics. Submitted in partial fullfilment of the requirements for the degree of doctor of philisofy at the Massachusetts institute of technology. – USA, 1973. – 152 p.
267. Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул-улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми. Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1990. – 20 с.
268. Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии. Автореф. дисс. На соискание ... канд.филол. наук. – Тошкент: ТашГИВ, 2002. – 24 с.;
269. Куделин А.Б. Концепция канона в средневековой арабской поэтике. Дисс... на соискание докт.филол.наук. –М., 1984, - 386 с.
270. Кулиева М. Вопросы теории арабской литературы на основе «Мифтах ал-улум» ас-Саккаки. Дис. ...канд. филол. наук. – Баку, 1983. – 153 с.
271. Курбонов Нодир Фозилович. Лингвистические взгляды Шамса Кайса Рази. Дисс... на соискание учёной степени канд. филол. наук. – Душанбе, 2014. – 160 с.
272. Мамажонов З. Ўхшатиш асосидаги шеърий санъатларнинг назарий тавсифи ва таснифи. Филол.фан.бўйича фал.докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б.
273. Mas'uid Farzaad. Persian poetic metres. – Leyden, 1967. – 21 р.
274. Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество таджикских-персидских поэтов IX-XII веков. Дисс... на соискание докт. филол. наук. – Душанбе, 2006. – 344 б.
275. Мирзаев С. Навоий арузи: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1947.

276. Мусульманкулов Р. Атауллах-и Махмуд-и Хусайни и вопросы таджикско-персидской классической поэтики. Авт. дисс. ... докт.филол.н. –Душанбе: 1980. – 42 б.
277. Нагиева Дж. Алишер Навои и азербайджанская литература (XV-XIX вв.: Афтотеф. дис. ... док. филол. наук. – Баку, 1986. – 51 с.
278. Наджибуллохи Абдулкаюм. Аруз и соотношение метра и содержания в персидско-таджикской поэзии. Авт. дисс. ... канд. филол.н. - Душанбе, 2016. – 23 с.
279. Очилов Э.З. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1994. – 26 б.
280. Ражабов Д.З. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати (70-80-йиллар ўзбек шеърияти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.
281. Рустамов Э. Некоторые вопросы сравнительного изучения узбекской литературы XV века с другими восточными литературами. Афтотеф. дис. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1966. – 94 с.
282. Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (қиёсий-типологик, текстологик таҳлил): Филол. фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1998. – 45 б.
283. Сулаймонова Н.А. М.Замахшарийнинг “Асос ул-балоға” асарининг манбашунослик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2007. – 156 б.
284. Султон И. Навоийнинг “Мезон ул-авзони” ва унинг критик тексти. Филол.фан.номз.дисс. ... – Тошкент, 1947. –
285. Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими. Филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2004. – 46 б.
286. Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 1997. – 60 с.

287. Тухлиев Б. “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба и тюркоязычный фольклор (Мотивы. Образная система. Принципы художественного изображения): Афтореф. дис. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 43 с.
288. Хамидов Х. Фирдоуси и узбекская литература: Афтореф. дисс. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 50 с.
289. Хамраев А.Т. Древний книжный стих и проблема тюркского аллитерационного стиха. Автореф. дисс. ... докт. филол.н. – Алматы, 2002. – 58 с.
290. Хасанов С. Трактат Бабура об арузе. Авт. дисс. ... канд.филол.н. – Ташкент, 1972.
291. Шарипов М. Шамси Қайси Рози и его литературно-критические мысли. Автореф. дисс. ... канд.фил.наук. – Душанбе, 1985. – 24 с.
292. Шокириён М. Малые лирические жанры в поэзии Рудаки и его современников. Дисс... на соискание учёной степени канд. филол. наук. – Душанбе, 2018. – 183 с.
293. Эркинов А.С. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида): Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1990. – 121 б.
294. Эркинов А.С. Мастерство Алишера Навои в создании пейзажа (на примере поэмы “Садди Искандари”): Афтореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 22 с.
295. Эркинов А.С. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол. фан. докт. дисс. ... – Тошкент, 1998. – 220 б.
296. Ғафорова З. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадиий таҳлили. Филол.фан.бўйича фал.докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2018. – 48 б.

#### V. Интернет сайatlari:

297. <http://wwwiranicaonline.org/articles/blochmann-heinrich-henry>;
298. [http://en.wikisource.org/wiki/Blochmann,\\_Henry\\_Ferdinand\\_\(DNB0\)](http://en.wikisource.org/wiki/Blochmann,_Henry_Ferdinand_(DNB0))
299. <http://www.referun.com/n/issledovanie-zhizni-i-tvorchestva-alishera-navoi-v-zapadnoevropeyskom-vostokovedenii#ixzz2HOWXH4iO>
300. <http://www.payam-aftab.com/en/news/3094/Ali-Shir-Nava%27i>
301. <http://uza.uz/oz/politics/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017>
302. <http://www.philology.ru>. Гаспаров - Ю.М. Лотман: Наука и идеология – Russian URL.
303. [www.literarytheory.narod.ru](http://www.literarytheory.narod.ru). Философская эстетика, теория литературы, семиотика, нарратология. Философская эстетика и семиотика (знак и его структура, знаковая ткань); теория литературы (фабула, сюжет, композиция), мениппея и ее внутренняя структура.
304. [www.reader.boom.ru/tomash/poetika.htm](http://www.reader.boom.ru/tomash/poetika.htm). Томашевский Б. Теория литературы. Поэтика.
305. [http://lex.uz/Pages/GetPage.aspx?lact\\_id=3171590](http://lex.uz/Pages/GetPage.aspx?lact_id=3171590)
306. <http://uza.uz/oz/politics/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017>
307. <http://hordiq.uz/2017/09/20/shavkat-mirziyoevning-bmtdagi-tarixiy-nutqi-tuliq-matn/>

## **МУНДАРИЖА**

### **КИРИШ.....**

### **I боб. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АРУЗШУНОСЛИГИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

- 1.1. Арузшунослик ва аruz тизимида доир ёндашувлар.....
- 1.2. Темурийлар даври арузшунослиги ва унинг илмий таҳлили.....
- 1.3. Рисолалар учун асос бўлган назарий манбалар таҳлили.....

### **II боб. РИСОЛАЛАРДА ЖУЗВ, РУКН ВА ЗИҲОФ ТАЛҚИНИ**

- 2.1. Жузв – аruz тизимида энг кичик ритмик бирлик сифатида.....
- 2.2. Рисолалардаги зиҳофга доир талқинлар қиёси.....

### **III боб. БАҲРЛАР ВА УЛАРДАН ҲОСИЛ БЎЛУВЧИ ВАЗНЛАР ҚИЁСИ**

- 3.1. Баҳрлар таснифи. Муттафиқ ул-аркон гуруҳига оид баҳрлар талқини.....
- 3.2. Мухталиф ул-ажзо гуруҳига мансуб баҳрлар талқини.....

### **IV боб. АРУЗ ДОИРАЛАРИГА ОИД ҚАРАШЛАР ВА РУБОИЙ ВАЗНЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

- 4.1. Арузшунослик тарихида доира талқини: муштарак ва фарқли жиҳатлар.....
- 4.2. Рисолаларда аruz доираларига муносабат.....
- 4.3. Темурийлар даври арузшунослигига рубоий вазнларига доир қарашлар муқоясаси.....

### **ХУЛОСА.....**

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....**

### **ИЛОВАЛАР.....**